

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҲАЙИТБОЙ МИРҲАЙДАРОВ

ЖАДИДЧИЛИК ВА ЖАДИД АДАБИЁТИ

МАЪРУЗА МАТНИ

Гулистон - 2010

Х.Мирхайдаров томонидан Жадидчилик ва жадид адабиёти курси бўйича тайёрланган маъруза матни 5220100-Филология (Ўзбек филологияси) таълим йўналиши бўйича таълим олаётган талабаларга мўлжалланган.

Мажмуада жадидчилик тарихи, жадид адабиётининг шаклланиши, тараккиёт боскичлари, мумтоз ва қардош халқлар адабиётидан ўрганиши, янги мавзулари, жанрлари, қаҳрамонлари, бадиий тасвир воситалари, поэтик образлари ва ниҳоят у Миллий уйғониш даври ўзбек адабиётининг чўққиси, Янги ўзбек адабиётининг негизи эканлиги миллий мафкура асосида таҳлилу талқин қилинади.

Масъул муҳаррир:

филология фанлари номзоди,
доцент У.Ўлжабоев.

Такризчилар:

филология фанлари докторлари,
профессорлар У.Норматов, А.Кулжонов.

Х.Мирхайдаров. Учебно-методический комплекс по курсу «Литература джадида» предназначен для студентов, обучающихся по направлению- 5220100- Филология (Узбекская филология).

В комплексе на основе национальной идеологии раскрыты формирование литературы джадида, история становления и развитие, традиции классической литературы и литературы братских народов в литературе данного периода, а так же анализируются новые темы, жанры, герои, средства художественного изображения, поэтические образы и, наконец, то, что она является вершиной узбекской литературы периода Национального возрождения, основой Новой узбекской литературы.

Учебно-методический комплекс рекомендован к печати решением Научно-методического совета Гулистанского государственного университета.

Редактор:

кандидат филологических наук,
доцент У.Улжабаев.

Рецензенты:

докторы филологических наук,
профессор У.Норматов, А.Кулжанов.

H.Mirhaidarov. The educational and methodical complex on the course “Literature of zhadid is meant for students of direction 5220100 of philology (Uzbek Philology)”.

On the base of national ideology the complex reveals the process of forming the literature of zhadid, the history of its development the traditions of the classical literature and the literature of fraternal nations in the literature of the given period.

It also analyzes new themes, genres, means of antistatic description, poetic images and produces the confusion that it is the top of Uzbek literature of the National Renaissance? It is the ground of new Uzbek literature.

The educational and methodical complex is recommended for printing by the decision of the scientific and methodical council of Gulistan State University.

КИРИШ

«Жадидчилик ва жадид адабиёти» махсус курси ўқув режасида кўзда тутилган олий ўқув юртлари Ўзбек филологияси – ўзбек тили ва адабиёти мутахассислиги бўйича бакалавр даражасини олувчилар учун мўлжалланган.

Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти ва Янги ўзбек адабиёти жадид адабиётининг меросхўридир. Жадид адабиётисиз на Миллий уйғониш, на Янги ўзбек адабиётини тасаввур этиб ва ўрганиб бўлмайди.

Мустақилликкача жадидчилик ва жадид адабиёти маърифатчилик нуқтаи назаридан ўрганилиб келинди. Истиқлол ғояси ва мафкураси туфайли жадидчилик ва жадид адабиётини ижтимоий-сиёсий, миллий фикрга уйғониш берган, миллат ва Ватан тақдирини мутараққий мамлакатлар даражасига кўтариш, тенглар орасида ўзни тенг кўриш, миллий мустақиллик ва ҳурликка эришиш учун кураш тилакларини ифодалаган нуқтаи назаридан ўрганишга имкон туғилди.

Одатда, адабиёт дастурида даврнинг тарихига ниҳоятда мухтасар тўхталилади. Аммо бу усулни жадид адабиёти тарихига қўллаб бўлмайди. Чунки жадид адабиёти жадидчиликнинг қон томири, ҳаракатга келтирувчи кучи.

Жадидчилик миллий уйғонишнинг «қалби» бўлса, жадид адабиёти унинг бадий кўзгусидир.

Шунинг учун ҳам уларни айро ўрганиш асло мумкин эмас. Жадидчилик тарихи ва жадид адабиёти даврлаштирилади, ҳар бир даврнинг етакчи омиллари ва хусусиятлари очиқ берилади.

Миллий жадидчиликка Туркия, Россия мусулмонлари, Кавказorti, Озарбайжон жадидларининг таъсири, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Фарғона водийсидаги жадидчилик ҳаракатининг ўзига хос йўллари ўрганиш тақозо қилинади.

Жадид адабиётининг шаклланиши, тараққиёт равиялари тарихи, мумтоз ва қардош қўшни халқлар адабиётидан озиқа олиши, янги мавзулар, жанрлар, қаҳрамонлар, бадий тасвир воситалари, поэтик образлар ва ниҳоят янги бадий тафаккурнинг инкишофи бугунги миллий мафкура асносида таҳлил қилинади.

Жадид адабиётининг айрим буюк вакиллари ҳаёти ва жадидчилик мақоми, мафкураси ва умуминсоний ғоялар билан суғорилган асарларини бадий-эстетик таҳлил қилиш назарда тутилади. Шу билан бирга дастурдан ўрин олган жадид адабиёти намоёндаларини кафедра тавсияси асосида факультет Илмий кенгаши жадид адабиётининг бошқа вакиллари билан ҳам алмаштириши мумкин.

Дастур олти қисмдан: кириш, маъруза мавзулари, амалий машғулотлар мазмуни, семинар машғулотлари, талабалар мустақил бажарадиган иш топшириқлари ва ниҳоят информацион-методик таъминотлардан иборат.

Маъруза замонавий педагогик технологиялар талабларига мос равишда ишланиб, унда мавзуга оид муаммолар, ўқув (дарснинг) мақсадлари, назорат саволлари, мустақил иш топшириқлари келтирилган. Маъруза мавзуларини тайёрлашда таълимнинг илмийлиги ёки таомилга кирган илм орқали билим эгаллаш тамойили ҳамда интернетдан олинган материаллардан кенг истифода этилди. Ҳар бир маъруза мавзусидан сўнг адабиётлар рўйхати ва назорат саволлари берилган бўлиб, талабалар кўрсатилган адабиётлардан ўзларини қизиқтирадиган саволларга жавоб олиши мумкин. Назорат саволлари асосида у ёки бу масалада баҳс юритиш, ўзининг билим савиясини ўзи синовдан ўтказиш имкони яратилади.

Амалий машғулотларни ўтказиш тартиблари, ундан кутиладиган ўқув мақсадлари, керакли жиҳозлар, материаллар, ишни бажариш услубияти кенг берилган.

Мажмуа сўнгида якуний хулосалар, фанда ечимини кутаётган асосий илмий муаммолар, инфор­мацион-методик таъминотлар келтирилган.

Муаллиф мажмуа ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирган шахсларга ўз миннатдорчилигини изҳор этади.

Манзилимиз: 707012. Гулистон ш.
4-мавзе, университет,
Ўзбек адабиёти кафедраси

Маъруза мавзулари

1. Жаидчилик ҳаракатининг ижтимоий-иқтисодий, маънавий омиллари

1.1. Жаидчилик ва жаид адабиётининг ўрганилиши (Кириш ўрнида)

Режа:

1. Жаидчилик ва жаид адабиётига муносабат.
2. Ўзбек зиёлиларини табақалаштиришнинг зарарли оқибатлари.
3. Жаид адиблари Қодирий ва Чўлпоннинг бадном қилиниши.

Таянч тушунча ва иборалар: ҳукмрон мафкура, жаидчилик – “реакцион оқим”, “синфий кураш”, “инқилобий адабиёт” деб юритилган давр моҳият-эътибори билан жаид адабиёти, “зиёлими?”, “зиёлими?”, жаид адибларининг бадном қилиниши.

1-асосий савол бўйича дарснинг мақсади:

30-йиллар ҳукмрон мафкура жаид адабиёти “аксил” адабиёт деб баҳолашнинг нотўғрилиги ва бу давр адабиёти Миллий уйғониш даври ўзбек адабиётининг чўққиси эканини талабалар тасаввурига сингдириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Ҳукмрон мафкуранинг ғайриилмий моҳиятини тушунади.
2. Жаид адабиёти мустақил ва яхлит адабиёт эканини идрок этади.
3. Жаид адабиёти янги ўзбек адабиётига пойдевор бўлганини англайди.

1-савол баёни:

“Асримиз бошларида халқимиз тарихида янги давр – миллий уйғониш, ўзликни англаш ҳаракати бошланди. Бу ҳаракатнинг бошида жаидлар турдилар” [6.3].

Жаидчилик ва жаид адабиётига ярим аср муддат мобайнида икки хил қараш бўлди ва икки хил баҳо берилди. Биринчиси, шўро даврида “реакцион”, иккинчиси, мустақиллик даврига келиб, жаидчилик – ижтимоий ҳаракат, халқ ҳаракати ва тафаккурининг “ҳадди аълоси” (Б.Қосимов) деб баҳоланди.

“Аксил” деб қараш шўро даврининг мафкурасидан келиб чиқади. Сабаби ҳамма нарса “коммунистик кўз билан қаралган” (О.Шарафиддинов). Ҳатто “ижтимоий фанлар шу мафкуранинг чилдирмасига ўйнашга мажбур бўлган” (О.Ш.). Бу борада қилинган ишлар “ҳукмрон мафкура” (О.Ш.) – пролетар манфаатидан келиб чиқилган, таҳлилу талқин қилинган. Жаидлар масаласи ҳам худди шу мафкура асосида баҳоланган. Ҳукмрон мафкура бўйича

жадидлар буржуа манфаатини ифодалар эмиш. Агар бу фикр тўғри бўлса, жадидлар “реакцион оқим” бўлиб чиқиши ўз-ўзидан тайин.

Тарих саҳифаларидан аёнки, октябр тўнтарилишидан кейин жадидлар уч гуруҳга бўлиниб кетишган.

1. Аксил ҳаракат доирасида турувчилар.
2. Жадидчилик мафкурасидан қайтиб, шўролар мавқеини ёқловчилар.
3. Бетараф турувчилар. Бу гуруҳ шўролардаги ўзгаришларни кўриб, унга қайтадан қўшилувчилар.

Мазкур тасниф М.Ғиёзовнинг “Коммунист” журналида (1928.10-сон) эълон қилинган “Октябр ҳам жадидлар” мақоласида берилган. Шу таснифнинг ўзидан жадидлар тўнтарилишдан сўнг ҳам ўз фаолиятларини давом эттирганликлари аён бўлади. Большевиклар шўролар томонига ўтган жадидларга зоҳиран муносабат қилса-да, ботинан уларга ишонмас эдилар. Бу даврга келиб, “синфий кураш” - коммунистик ғоя жадидларни шўролар тузумидан тамомила четлатиш масаласини кун тартибига ўтқир қилиб қўяр эди. Большевиклар ва жадидлар ўртасида “даханаки жанг” (О.Ш.) кескин борди. 30-йилларга келиб, кураш мафкуравий жиҳатдан шиддатли давом этди.

Жадидлар ҳақида маърифатпарварлик нуқтаи назаридан аҳён-аҳёнда гапирилди ва ёзилди.

60-йилларга келиб, жадидлар масаласи тамомила инкор қилиниб, аксил инқилобий мафкура ва куч сифатида қаралган¹. Сабаби бундай фикрлар ижтимоий фанларда бўлганидек, бадий адабиётда ҳам кучли кечди. Янги адабиёт ҳақида янгича қараш пайдо бўлди. У фақат октябрнинг “фарзанди” бўлиб чиқиши керак эди. “Яша, Шўро!” деб куйлаш унинг тамойили ва мавқеи бўлди. У адабиёт “коммунизм” деган жамиятни куриш ғояларини илгари суриши шарт эди ва шундай ҳам бўлди. Бу адабиётнинг “соғлом” мафкураси деб ҳисобланган. Ундаги ҳар қандай бегона ва ёт ғояли гуруҳларни тозалаш биринчи вазифа бўлиб турган. Унинг ғоялари ва бадий образлари “социалистик реализм” деб аталмиш ижодий метод мезони билан баҳоланиши шарт эди. Гўё бу метод жиддий чегара эди. Унинг чегарасидан жадид мафкураси каби “ёт ғоялар” ўтмаслиги шарт қилиб қўйилди.

Қисқаси, жадидлар ва жадид адабиёти социалистик реализм қолипига сиғмади. Шўро адабиётининг туғилишига келганда, шуни айтиш керакки, аксар адабиётшунослар уни фақат октябр билан боғладилар. Ҳатто ўзбек инқилоб адабиёти 1905 йилдан бошланган, деган тушунчани ҳам олға сурдилар. Яна бир факт. Бу давр адабиётини уч инқилоб даври адабиёти деб

¹ “1905 йилдан кейин Туркистонда миллий буржуазия идеологияси ифодаси бўлмиш реакцион жадидизм кенг томир ёя бошлади”. О.Шарафиддинов, Йиллар ва йўللар// Адабиётимизнинг ярим асри,-Т.:1967,168 – бет;

“Жадид адабиёти ўзбек миллий буржуазиясининг идеолог жарчиси сифатида майдонга келган ва бутунлигича миллий буржуазиянинг хусусиятларини ўзида акс эттирган куч ҳамда “ватан хоинлари”, Каримов Ғ., “Ўзбек адабиёти тарихи”, 1966, 19-бет.

Бундай фикрлар Ойбек, Ҳ.Олимжон, Уйғун, А.Саъдий, М.Бузрук ва бошқаларда ҳам учрайди.

ҳам аташди. Айниқса, Озод Шарафиддиновнинг таъкидлашича, инқилобий адабиёт, деб аталган давр моҳият-эътибори билан жаҳид адабиётидир.

Жаҳид адабиётининг 20-йилларгача бўлган намуналари бадиий жиҳатдан саёз, ҳажм жиҳатдан кам бўлгани учун яхлит адабиёт даражасига кўтарила олмади (О.Ш.).

20-йилларга келиб эса “Жаҳид адабиёти яхлит адабиёт сифатида фаолият кўрсатган” (О.Ш.). Бу даврга келиб, жаҳид адабиёти ўзининг 20 йиллик тажрибасига таянган ҳолда янги тараққиёт босқичига кўтарилган. 30-йилларга келиб, айрим шўро мафкурасидаги танқидчилар “Жаҳидлар бирор салмоққа эга бўлган адабиётларни ярата олмади, тарих сахнасидан ғойиб бўлдилар”, деган даъволарни ҳам қилишди. Аслида бундай эмас.

Жаҳидлар октябрни қандай кутиб олишларидан қатъи назар ўзларининг фаолиятларини давом эттирдилар.

Мактаб, газета, журналларнинг фаолияти янгича мазмунга кўчди, янги адабий жанрларда ижод бошланди. Мунавварқори Абдурашидхонов, Маҳмудхўжа Бехбудий, Фитрат, Чўлпон, Авлоний, Ҳамза, Айний, Ажзий, Хондайлиқий, Тавалло ва бошқа кўплаб атоқли жаҳидлар октябр инқилобига муносабатлари қандай бўлишидан қатъи назар олдинги фаолиятларини янги мазмунда давом эттирдилар.

Шўро адабиётига келсак, у 20-йиллар ўртасида Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Ғайратий, Боту, Миртемир, Шокир Сулаймон кабилар ижодлари билан шакллана бошлаган. Бунинг тамал тошини жаҳид адабиёти ташкил қилганини ҳеч ким инкор эта олмайди. Жаҳид адабиётига синфий қараш ва баҳонинг келиб чиқиш негизи мулк ва зиёлига муносабат масаласидан ахтарилиши керак.

Буржуа тузумида мулк жамият ва инсон хусусиятини белгилайди. Хусусий мулк фардий шахснинг кучини ва жамиятдаги мустақил мавқеини аниқлайди. Шу билан бирга жамиятнинг бошқа табақаси, хусусан, зиёлилар “улар нега маъмур?”, “мен ночор яшайман”, деган фикрни ҳамиша илгари суриб келган. Бунга Европа ва Россиядаги бир қатор халқ ҳаракатлари ва кўзғолонларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Шўро жамияти ва тузумининг туб моҳиятини ҳам хусусий мулкка муносабат белгилаган. Шахс эркинлигининг илк қадами ҳам хусусий мулкка ҳужум қилишдан бошланди. Мулкдор янги жамиятга рақиб-душман деб қаралди. Бу масалага зиёлилар бефарқ қарамай, муносабат билдирди. Бу ҳаракат Туркистон Россияга федерация бўлиб қўшилиб, ижтимоий-сиёсий муносабатда бўлиш ғояси билан Туркистон мухториятини таъсис этди. У икки ярим ой яшаб, большевиклар томонидан тор-мор қилинди. Мухториятни муборакбод қилиб чиққанлар қатл қилинди. Бухорода эса жаҳидларни амир Олимхон ўққа тутди. Мухторият раҳбарларининг 8 нафари ўша кунларда отиб ташланди.

2-асосий савол бўйича дарснинг мақсади: Буржуа зиёлиси билан миллий зиёлиларнинг мақсад-моҳиятини ва уларнинг кураш жараёни мазмунини талабалар билимига кўчириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Буржуа зиёлиси ва миллий зиёли тушунчаларини фарқлай олади.
2. Зиёли борасидаги баҳснинг ҳақ ва ноҳақ жиҳатларини ажрата билади.

2-саволнинг баёни:

Ҳар бир даврда зиёли илғор фикрли бўлгани аниқ. У жамиятни бошқаришда карвонбошилиқ қилган. Шўро зиёлиларни табақалаштиришга тиш-тирноғи билан киришди. Бунда мафкура бош мезон саналди. “Шўро зиёлиси ким?”, “Миллий зиёли ким?”, аниқроғи, “Маҳаллий зиёли шўро зиёлисими ёки зиёнлими?” қабилида мунозара кетди. Масалан, 1926 йил январ ойида Тошкент вилояти фирқа кўмитасида бу масала кўтарилди. Журналист Абдулҳай Тожининг “Миллий зиёлилар ўртасида ишлаш керак” (маъруза), деган чиқишида миллий зиёли аксилинқилобий зиёли деган маънода гапирилади. У миллий зиёлини душман – аксил зиёли, деб эълон қилди¹.

Зиёлилар “қора маёқлар” ва “оқ маёқлар”га бўлинди. “Қизил Ўзбекистон” газетасида ўнлаб баҳсли мақолалар эълон қилинди (Қаранг: А.Қулжонов “Жадид адабиёти”, Гулистон, 2001, 15-бет).

Жадидчилар фаолиятини баҳолашда Ф.Хўжаевнинг “Бухоро инқилоби тарихига доир” китобига кирган “Жадидлар” мақоласи муҳим ўрин тутди. Бу мақола унинг бошқа мақолалари билан биргаликда Москвада ҳам чоп этилди. Мақолани Г.Туркистанский деб номланган шахс жиддий танқид қилиб, унинг муаллифини ҳам миллатчиликка чиқариб қўйди. Шундан сўнг миллатчилик сиёсий пардада ҳам танқид қилина бошланди. Боз устига “қосимовчилик” деган қараш пайдо бўлдики, кўпгина жадидлар ана шу ном билан қораландилар. Қосимов Саъдулла Ўзбекистон Олий судининг раиси бўлиб ишлаган. Бундай гуруҳбозлик ёки “чилик” Ҳамза вафоти ва унинг оқибатларини текшириш натижасида янада кучайди.

Шу орада Боту ва Маннон Рамзлар қамалди. Шунда Чўлпон: “Мен ҳам қамалсам керак” дея шубҳа билан юради.

Ҳамид Олимжоннинг “Фош қилиш эмас, хаспўшлаш”, Миёнбузрук Солиҳовнинг “Ўзбек адабиётида миллатчилик кўринишлари” мақоласи (1933) каби ва китобида жадидчиликнинг авра-астари чиқарилди. Яъни тескари таҳлилу талқин қилинди.

Ўзбекистон зиёлиларининг 1-қурултойидаги Акмал Икромовнинг нутқида зиёли динга муносабатда, сармоя, миллатчилик жиҳатидан фарқланиши ва улар “Шўро зиёлиси” – “ҳозирги зиёли” бўлмаслиги уқтирилади (“Маориф ва ўқитувчи” журнали, 1926 й. 1-сон).

¹ Ер-сув ислохотида эътибор билдирганлар “18 лар гуруҳи” эски зиёлидан фойдаланиш таклифи билан чиққан Ўзбекистон маориф вазири Иноғомов “иноғомовчилар” деб аталган.

Шу билан бирга у “Биз ҳозир зиёлиларнинг бир қисмини мафкура раҳбарлигида сиқиб чиқариб, йўқотишимиз лозим” деган қатъий фикрга келди. Масалани янада хаспўшлаш учун “Бизда сиёсий муҳожирлар йўк”, деган фикрни ҳам олға сурди. Москвага паноҳ излаб кетган Мунавварқорини чақиритириб олди. Гўё сиёсий муҳожир бўлмаган Ўзбекистондан кетиши “айб”дек. Қори раҳбарнинг бу гапига ишониб, Самарқандга А.Икромов қабулига келди. Ваъда бажарилмади. Қори сиёсий паноҳ излай бошлади. Афғонистондаги ўзбек мактабларида ишлаш учун имкон қидирди. Унга таъқиб кучайгандан кучайди. Оқибат 1929 йил Қори ҳибсга олинди. Фақат Тошкентда ҳибсга олганларнинг сони 40 тадан зиёд эди.

Қисқаси, курултой масалага шошма-шошарлик билан баҳо берганини, “Ким кимни енгади?” шиори ўтқирлашиб борганини таъкидлаш ўринлидир. Ур-йиқитчилик кучайгандан-кучайди. Тўнтарилишдан сўнг маданият ва адабиёт синфийлик ва пролетариат мезонида баҳоланишга батамом ўтди.

Миллий зиёлиларнинг келиб чиқиши, таржимаи ҳоли синфийлик назариясидан келиб чиқиб баҳоланиши натижасида кўпгина ижодкор фаолияти қораланди. Даврий матбуотда бу ҳақда кескин баҳс кетди.

Бу даврда зиёлиларнинг биринчи ва иккинчи курултойида Акмал Икромовнинг сўзлаган нутқи ҳам зиёлиларни баҳолашда икки хил қарашни юзага келтирди. Айниқса, татар адиби О.Иброҳимовнинг “Қора маёқлар” китоби Зиё Саид томонидан таржима қилиниб, газетада босилиши масалани янада кескинлаштирди.

Татар аксил инқилобчилари ва уларнинг кўпи хорижга бадарға бўлиши ҳақидаги ва янги шўро тузумига қарши курашлари ёзилган мазкур асар 1926 йили нашр этилди.

Зиё Саид китоб руҳидан келиб чиқиб, ёзади:

- “Ўзбекистонда яқиндагина бўлиб ўтган зиёлилар масаласи устида мубоҳасалардан ва Чўқаевнинг Ўзбекистонга қарши ёзгон мақолаларидан кейин бизнинг ҳаётимизда баъзи бир ёшлар орасида у ёки бу томонга бўлган фикр ўзгаришлар кўрилди. Шу алоқалик материаллар билан тўлароқ қилиб ёзиш фикри миямиздан жой олган бўлса-да, бу тўғрисида алоҳида бир китобча ёзишни ўйлаб, ҳозирча бу асарни ўгириш билан кифояландик”.

О.Иброҳимов ёзганидек, “қора маёқлар ва оқ адабиётчилар” Ўзбекистонда ҳам борлигини баъзи ҳовлиқма адабиётшунослар эътироф этишди.

Китоб татар зиёлилари Мусо Бегиев, Аёз Исҳоқов, Заки Валидийларнинг ҳамфикрлари ҳисобланган Мунавварқори, Вадуд Маҳмуд, Мағжон Жумабоев каби ўзбек ва қозоқ маърифатпарварларининг дунёқарашини баҳолашда салбий таъсир кўрсатди.

Зиёлилар борасидаги баҳсларда О.Марғилоний “Зиёлилар ким-у, зиёнлилар ким?” мақоласида фақат қора ранг, нур ичидан зулмат излашга, И.Сулаймон “Зиёлиларнинг жамиятдаги синфий вазияти” мақоласида эса уларнинг синфий мавқеини белгилашга уринган. Булар орасида Зиё Саиднинг

“Зиёлилар масаласи устида” мақоласи даҳшатли бўлиб чикди. Европа ва Туркияга ўқишга юборилган кадрлар миллий буржуа зиёлилари томонидан жўнатилганликда айбланиб, уларга маломат тоши отилди.

“Чиғатой гурунги”нинг асл мақсади нимадан иборат эди? У “Чиғатой улуси” (ниҳоятда катта ҳудуддаги эл-уруғ, элат тилларини ягона ном билан “чиғатой тили” деб аталди). Тилнинг софлиги, янги адабиётни яратишга масъул бўлди. Бу борада Чўлпон:

“Орада Чиғатой гурунги” деган бир жамият чиқиб қолди. У жамиятга мансуб кимсалар тилини соддаштирмоқ мақсадларини асос қилиб ушлаганлари ҳолда ўзбек адабиётининг тугалланишига ҳам катта аҳамият бердилар. Шунинг учун адабий асарларга ҳақиқий қимматни бериб, адабиётга кира олмаган нарсаларини шафқатсиз суратда майдондан ҳайдай бошладилар. Хуллас, “Гурунг”чилар тил ва адабиёт софлиги учун курашдилар. “Гурунг” янги совет тузуми даврида ташкил топган Пролеткультчиларнинг ўтмиш меросни минг бир элакдан ўтказиб, унинг айрим намуналаридан умуман воз кечиш ғояси ва янги адабиётни ягона қолипга солиб қўйиш тамойилига зид равишда иш тутди. Бу ҳукмронлашиб келаётган мафкурага ёқмади. “Гурунг”чиларнинг фаолияти тўхтатилди, унинг ўрнига пролетар ва синфий курашни эътироф этувчи “Адабий-бадий тўғарак” ташкил этилди.

1926 йилда ташкил топган “Қизил қалам” дастлаб яхши ниятларини амалга ошира борди. У ҳам ҳоким мафкуранинг гирдобига учради. Барча адабий-бадий меросни пролетар ва синфий нуқтаи назаридан баҳслаш ва ташкил қилишни мезон қилиб олди.

Пролетар синфи пишиб-етилмаган ўлкада пролетар адабиёти ва санъатини яратиш масаласини ўткир қилиб қўйиш ғалвирда сув олиб келиш билан баробар эди. Барча адабий намуналар ва яратилаётган янгилик ана шундай андозада баҳоланди. А.Саъдий “6 йил ичида ўзбек шеърий адабиёти” мақоласида шуларни ёзди:

“Бу адабиёт йўқсил меҳнаткашларига томон юз тутиб, кенгайиб борган инқилобий бир шеърий адабиётдир”. Марказ (Россия)нинг турли шаҳарларидаги партия ва адабий уюшмаларда “ўнг”, “сўл”, “халқ душмани”, “муросасозлар” каби қатор атамалар бот-бот қўлланилиб, матбуотларда кўрина бошлайди. Мазкур атамалар адабиёт ва санъат борасида кўпроқ ишлатилди дейиш мумкин.

Ҳукмронлашиб бораётган мафкура вакиллари дўқ, пўписага ҳам ўтишди. Танқидчи Кашшоф Триғулов Элбекка: “Қаламингни синдириб ташла!”; Ойбекка: “Нажот, бўлмаса ҳалокат!” деб дағдаға қилди.

Шундай қилиб, адабиёт ва санъатдаги сиёсат тамомила “қизиллашди”.

Фитратнинг “Чиғатой гурунги”чиларини “кўпчилик учун манфаатли эмас”, деб баҳоланди. У ўз мақоласида “**Бас энди**”, деган фарёд кўтарувчи шиорни ўртага ташлайди. У бориб турган аксил танқидчи бўлиб чикди. Мунавварқори ва Салимхон Тиллахоновларнинг қараш ва фикрларини мутлақо қораланди.

3-асосий савол бўйича дарснинг мақсади:

Жадид адибларини бадном қилишнинг зарарли оқибатини талабалар шуурига сингдириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Қодирийнинг ноҳақ бадном қилинишини тушунади.
2. Чўлпоннинг асоссиз қораланишини идрок этади.

3-асосий саволнинг баёни:

Зиёлилар масаласида унинг конкрет вакиллари бадном қилишга ўтилди. Аксар зиёлиларнинг фаолияти ва ижод намунаси пролетар низоми ва мезонига тўғри келмаганликда айбланди. Бу кабиларнинг асарлари муаллифнинг таржимаи ҳоли, пролетар синфига дахл-дахлсизлиги нуқтаи назаридан текширилди ва баҳоланди. Зиёлилар ижодидаги халқчиллик, инсонпарварлик, ҳаққонийлик, бадий етуклик пролетариат ва синфийлик эстетик тамойилининг қурбони бўлди. Даврнинг миллий ва асл зиёлиларига “қизил” ёрлик зўрлаб, елимланиб ёпиштирилди. Натижада жадид адабиётининг ёрқин сиймоларига қора ранг чаплаш куч олди. Бунинг энг ёрқин мисоли Қодирий ва Чўлпон ижодига баҳо бериш ва уларни қоралаш бўлди.

Қодирий 20-йиллар Москвада ёзган кичик мақолаларидаги айрим фикрлари туфайли айбланиб, 1926 йил икки йил озодликдан маҳрум қилинди. Боз устига Акмал Икромовнинг Қодирий ҳақидаги бир томонлама қараш нуқтаи назаридан берган баҳоси адиб ҳақидаги баҳснинг янада кучайиб кетишига боис бўлди.

Адибнинг “Ўткан кунлар”и ҳақида тескари қараш М.Шевердиннинг “Правда востока” (1931, 15 январ) газетасида эълон қилинган “Ўзбек йўқсул адабиётининг илк катта асари” мақоласида айтилган. Унинг иккинчи мақоласи “Бадий адабиётдаги чиркин либерализмга қарши” (“Правда востока”, 1931, 31 декабр) мақоласида “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён”, “Ёрқиной”, “Арслон” каби асарлар танқид эмас, мутлақо рад қилинди. Унинг қарашида синфийлик ва миллатчилик асос қилиб олинган. М.Шевердин “Ўткан кунлар”ни ўша даврдаги “шўро адабиёти” қолипига сиғдирмади. Аслида роман бу қолипга сиғмас эди. Чунки шўро адабиёти синфийлик, пролетариат синфининг манфаатини ҳимоя қилар ва ёқтирар эди. Унда фақат “оқ” ва “қора” ранг ишлатилган. Жадид адабиётига бу қолип мутлақо ёт эди. У - умуминсоний ғоялар билан суғорилган адабиёт. Отабекнинг росмана савдогар оиласидан бўлиши синфийлик назарияси байроқдорлари учун бегона тушунча. Лекин ундан китобхон умумбашарий фикрларини қалбига туяди. Синфийлик мафкураси туфайли Қодирий бегуноҳ гуноҳкор этилиши шундан.

Чўлпон ижоди бўйича баҳс ниҳоятда кескин кетди. Матбуотда тўппадан-тўғри “ёзма жанг” олиб борилди, дейиш мумкин. Олим Шарафиддиновнинг “Ўзбек шоирлари. Чўлпон” (“Қизил Ўзбекистон”, 1927, 11 феврал) мақоласи

эълон қилинди. Бу мақоладаги қарашга Акмал Икромов ўз чиқишларида майл билдирди.

Мазкур мақолага муносабат тарзида Ойбекнинг “Чўлпон шоирни қандай текшириш керак?” (“Қизил Ўзбекистон”, 1927, 17 май) мақоласи чиқди. Унда Ойбек Чўлпондан ғоявий жиҳатдан озик ололмасак-да, бадииятидан озикланса арзийди, деган хулосага келади. Бундан таҳликага тушган Усмонхўжа “Мунаққиднинг мунаққиди” (“Қизил Ўзбекистон”, 1927, 24 август) мақоласида Ойбекнинг Чўлпон ғояси билан бадиияти айро тушунганини танқид остига олади. Бунга жавобан Ойбек домла “Мунаққиднинг мунаққиди” мақоласи эгасига” (“Қизил Ўзбекистон”, 1927, 28 август) мақоласини эълон қилди.

Комил Алиев Чўлпон ҳақидаги “Ақлли жинни”, “Қора кийинган қизил тўн” мақолаларини шу газетада чоп қилдирди.

М.Шевердин “Бадиий адабиётдаги чиркин либерализмга қарши” мақоласида Чўлпон ижодини “чўлпончилик” деб баҳолади. Унда адибни босмачилик кайфиятидаги шоир, “қосимовчилик”нинг думи, дейилган.

Олим Шарафиддинов, Ойбек ва Усмонхўжаларнинг Чўлпон ҳақидаги мақолаларида тўғри ва нодуруст фикрлар ҳам билдирилган. Ҳатто Ойбек ҳам “Ўткан кунлар”ни синфийлик гази билан ўлчашга давр тақозосига кўра мажбур бўлган эди.

Файзулла Хўжаев Чўлпон ҳақида миш-мишлар кўзғалиб қолганини эшитиб, уни Москвага жўнатиб юборади. Шу орада Ўзбекистон Олий суди прокурори Шамс Бадриддин ва унинг ҳамтовоқлари устидан жиноий иш кўзғатилди. Суд жараёнида “Янги Фарғона” газетасининг муҳбири Алимов илгарилари Қўқон инқилобий кўмита котиби, кейинчалик маориф шўъбасида ишлаган Маҳмудхон Аҳмадов уйида аксилинқилобий мажлислар бўлгани, унда Чўлпон ҳам “қатнашгани” ҳақида маълумот беради. Ноҳақ тухматга қолган Чўлпон Москвадаги Ўрта Осиё бюросига мурожаат этишга мажбур бўлади.

Чўлпон ижодини тафтиш қилиб, уни “чўлпончилик” дейишнинг замирида адибнинг миллий мустақиллик ғоялари билан суғорилган публицистикаси, шеърляти, ҳикоя ва романидаги жамиятга янгича қараш, тенглар орасида тенг яшаш, истиқлол идеаллари ётгани мутлақо тескари баҳоланди. Бу каби ғоялар синфий мафкурага тамомила ёт эди. Аслида Чўлпон истиқлолнинг фидойиси бўлиб, жаҳид адабиётининг яловбардори буюк сиймодир.

1935 йил Ўзбекистон Ёзувчилар курултойида Р.Мажидий ўзбек танқидчилигида жаҳидчилик масаласи бўйича маъруза қилди. Унда А.Саъдий, Вадуд Маҳмуд, Отажон Ҳошим, М.Солиҳовлар танқид қилинди. Ур-йикит кучайди, охирида кураш зиёлиларни оммавий қатл қилиш билан хотима топди.

Ҳукмрон мафкура таъсирида қораланган зиёлилар ва қалам аҳллари иттифокдош республикаларда оқландилар. Ўзбекистонда эса 1956 йил

Н.А.Муҳиддиновнинг зиёлилар қурултойига бағишланган маърузасида Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Элбек ва Боту фуқаро сифатида оқландилар. Бу билан ҳам уларнинг ижодлари эмин-эркин ўрганилган эмас. Улар ижоди намуналаридан иборат “Тирик сатрлар” тўпламининг тақдири фожиа билан тугади. Оқланганлардан Қодирий ижоди намунаси нашр қилинди. Фитрат ва Чўлпон ижодини ўрганиш ва нашр қилиш бўйича комиссия тузилди (раис Баҳром Раҳмонов). Комиссия масалани ўрганиш борасида сусткашлик қилди. Ҳатто Яшин ва Ҳ.Абдусаматовлар Фитрат ва Чўлпон ижодини ўрганиш борасида тиш-тирноқлари билан қарши турдилар. Ҳар икки ижодкор асарларидан намуналар ўрганила бошланди, “улар фуқаро сифатида оқлангани - бу ҳол уларни ижодий меросининг оқлангани маъносини билдирмайди” (Иzzат Султон) дегувчилар бўлди. Ҳатто адабиётшунослик “ота”хони “ҳар бир республика ҳам шунга асосланиши (СССРнинг базиси ва устқурмаси-Ҳ.М.) билан бирга, айти чоғда, улар муайян даражада фарқ қиладиган ўзига хос базис ва устқурмага эга, дейиш масалага юмшоқлик киритиб, мурасасозлик йўлини тутган.

Мустақиллик даврида жаҳид адабиёти намоёндалари гарданидаги “Ватан хоинлари” тавқи лаънати олиб ташланиб, улар **миллат фидойилари**, деб баҳоланди. Жаҳидлар Ўзбекистон тарихи ва маданиятида миллий уйғонишни бошлаб бердилар. Бу фикр жаҳид адабиётига ҳам тўлиғича ҳосдир. Янги бадиий тафаккур жаҳид адиблари ижоди билан шаклланди ва камол топди.

Мустақиллик берган янги мафкура туфайли “қора маёқлар” деб аталган миллат истиқболи учун фидойилик кўрсатган жаҳидлар бугунги ўзларининг ҳақиқий баҳоларини олишди. Улар ўлкада буюк ислохотлар, миллий озодлик ва Туркистон мухторияти учун кураш олиб борган халқнинг асл фарзандлари, мутафаккирлари, пешволари сифатида баҳоланди. Уларнинг номлари абадийлаштирилди. Шаҳидлар майдонида хотиралари қадрланди, уларга рамзий ёдгорлик қўйилди.

Назорат учун масалалар:

- 1. Ҳукмрон мафкурани изоҳланг?
- 2. Миллий зиёлиларни табақалаштиришнинг асосий сабабини айтинг.
- 3. Большевикларнинг жаҳидларга муносабатини назарий жиҳатдан асосланг.
- 4. 60-йилларда жаҳидлар фаолиятини мутлақо инкор қилиш сабабларини шарҳланг.
- 5. Янги адабиётнинг тамал тошини жаҳид адабиёти қўйганлигини исботлаб беринг.
- △ 6. Бугунги зиёли “зиёнли” деб қарашни қандай тушундингиз?
- △ 7. Зиёлиларни табақалаштиришда Зиё Саид кимнинг ғоявий фикрига суянди?
- △ 8. Матбуотдаги зиёлилар ҳақидаги баҳсни тавсифланг.
- △ 9. Қодирийни бадном қилиш боисларини изоҳланг.

Δ 10. Чўлпон адабий меросини “чўлпонизм” деб баҳоланишини қандай тушундингиз?

Адабиётлар: 5, 6, 7,8,9,15,16.

1.2. Жади́дчи́лик ҳаракатининг пайдо бўлиш ижтимоий-сиёсий омиллари

Режа:

1. Жади́дчи́лик ҳаракатининг пайдо бўлиш илдизлари.
2. Жади́дчи́ликнинг асосий негизлари.
3. Жади́дчи́лик ҳаракатининг ҳудудий кўринишлари.

Таянч тушунча ва иборалар:

Жади́д истилоҳи, ташқи ва ички ижтимоий-сиёсий-маърифий омиллар, шарқдаги “портлашлар”, Бухоро, Тошкент, Самарқанд ва Фарғонадаги жади́дчи́лик ҳаракатлари, Туркистонда сиёсий-маъмурий-ҳарбий бошқарув.

1-асосий савол бўйича дарснинг мақсади: Туркистонда жади́дчи́лик ҳаракатининг пайдо бўлишида ташқи омилларнинг сиёсий-маърифий таъсирини талабалар шуурига сингдириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Жади́дчи́лик ҳаракатининг туб мақсадини англайди.
2. Жади́дчи́лик ҳаракатининг куртак отишида ташқи омилларнинг самарали таъсирини пайқайди.
3. Маҳаллий зиёлиларнинг жади́дчи́лик ҳаракатидаги фаол иштирокини идрок этади.

1-саволнинг баёни:

Марказий Осиё тарихининг XIX аср охири ва XX асрнинг биринчи чорагини юлдузли **кунлар** ҳамда **тунлар**, деб аталса, тўғри бўлади. Бу даврга келиб, халқ ўзини тенглар орасида тенг кўришни нафақат истаб қолди, балки бу борада кураш олиб борди. Халқ кураши бу даврга келиб, ўзининг чўққиси ёки “ҳадди аълоси” (Қосимов Б.)га етди. Чунки курашнинг бош мақсади ўрта асрчиликдан қутулиш чоралари эди. Кураш якка ҳаракат (Пўлатхон ва Дукчи Эшон)дан аста-секин ижтимоий тус ола бошлади¹.

¹ Пўлатхон бошлиқ халқ ҳаракати (хон авлодидаги Пўлатхон эмас, тошкентлик Пўлатхон) Худоёрхон амалдорлари солиқ тури ва ҳажмини орттириб юборгани учун Пўлатхон бошлиқ кўнгиллилар гуруҳи ва бой-баёнлар Худоёрхон қўшинига исён кўтаради. Кўмак учун генерал К.П.Кауфманга шундай мазмунда шошилинч хабар жўнатади:

“Қийин ва бахтсиз дамларда энг ишонарли деб ўйлаган одамларим, жумладан, Мулло Исо Авлиё, Абдурахмон офтобачи ва Ҳақназар парвоначи ўз кўшинлари билан менинг душманам бўлмиш исёнчи қирғизларга қўшилиб, менга қарши уруш қилишди. Сиздан олий ҳазратлар шу кунга қадар кўп яхшиликлар кўрдим. Сиз шу сафар ҳам ҳақиқий ёрдам бериб, мени ўзимни ва Қўқон хонлигини олий ҳазратлари, жаноб император ҳимоянгизга топширдим. Шарқ юлдузи, 1989, 159-160-бетлар.

Ўрта аср биқик ва ботқоқликларидан кутулишнинг биринчи чораси мустақилликка эришиш, яъни чоризм мустабидлигидан озод бўлиш эди. Бутун фаолият, тафаккур ва кураш ана шунга қаратилди. Бунинг учун халқни маърифий жиҳатдан уйғотиш лозим эди. Уйғотиш эса маърифатдан бошланади. Боринги, жаидчилар ғафлат ва қоронғулик босган гўша ҳамда соҳаларни қуёш нуридек ёритишга жидду жаҳд билан киришдилар. Бирор соҳа йўқки, жаидчилар машғул бўлмаган бўлсин. Барча соҳада ислохотчилик бош тамойилга айланди. Энг муҳими, ислохотни **маърифатдан** бошлаш муҳимларнинг муҳими эди.

Янги мактаб, янги матбуот, янги театр, янги адабиёт пайдо бўлди.

Қисқаси, жаидчилик янги тафаккурни майдонга келтирди. Давлат, ижтимоий тузумни ислох қилиб, уни аста-секин мутлақо ўзгартириш ижтимоий-сиёсий ўтқир масала қилиб қўйилди.

Жаидчилик маърифатпарварлик оқими (Қулжонов А.)дан ижтимоий-сиёсий ҳаракат ва йўналиш даражасига ўсди. Маърифий ислохдан сиёсий тузумни ўзгартириш масаласигача бўлган мафкуравий ва кураш йўлини босиб ўтди.

Жаидчилик асрий турғунликка **уйғониш берди**. Янги ижтимоий босқичнинг бошланишига **ижтимоий шарт-шароит ва муҳит яратди**.

Истилоҳ. Жаидчилик сўзи арабча “жаид” сўзининг негизидан келиб чиққан. У атама сифатида янги маъносини англатса-да, аммо кенг мазмунни ифодалаган. **“Янги давр”, “янги инсон”, “янги тафаккур”, “янги қараш”, “янги авлод”** сингари тушунчаларни билдирган. Истилоҳнинг пайдо бўлиши Исмоил Гаспралининг янги мазмундаги мактаби номи билан зич алоқададир. Унинг қайд қилишича: “... 1884 санаси Боғчасаройда бир мактаб(н)и “усули жаид”(г)а қўймиш эдим”¹.

Мутафаккир Абдулла Авлонийнинг айтишига қараганда, халқ орасида эскилик – янгилик (қадим - жаид) баҳси бошланган. “Яъни рўзнома ўқиганларни мулалар “жаидчи” номи билан атар эдилар”.

Жаидлар ҳудуд ва ҳаракат мазмунига қараб, турлича атала бошланди. Туркияда Усмонли туркларнинг “Ганч (ёш) турк”, “Ганч усмонли” уюшмаси таъсирида ерли жаидлар “Ёш туркистонликлар”, “Ёш бухороликлар”, “Ёш хиваликлар” номи билан аталган. Улар расмий уюшма сифатида ташкил топдилар.

Жаид драматурги Абдулла Бадрий жаидлар ҳаракат ва мақсадига изох бериб, **“... амирлар, беклар ва бойларнинг зулмларидан озод қилмоқ ва бизларнинг роҳатимиз ва тинчлигимиз учун ҳаракат ва тараддуд қилмоқдур”**² деб ёзган.

Юқорида қайд қилинганлардан хулоса чиқарсак, жаидлар озодлик учун курашни ўзларига бош муддао қилиб олганликлари аёнлашади. Бироқ

¹ Гаспрал И. Раҳбари муаллим ёки муаллимларга йўлдош. Симферополь. 1899. 4-б.

² Бадрий Абдулла. Ёш бухороликлар ким? -М., 1919, 3-бет.

дастлабки даврларда жадидлар аниқ сиёсий режа билан чиқмаганларини ҳам унутмаслик керак.

Жадидлар ҳаракатининг мазмуни.

Жадидшунослик бўйича йирик мутахассис Б.Қосимов жадидлар уюшмаси ва унинг моҳиятини шундай тавсифлайди:

“Жадидчилик оқим эмас, ҳаракат. Ижтимоий, сиёсий, маърифий ҳаракат. Яқингача ҳам у фақат маърифатпарварлик ҳаракати, деб келинди. Бу атайлаб қилинган эди. Мақсад жадидчиликнинг доирасини торайтириш. Социалистик-коммунистик мафкурадан бошқаси кенг халқ онгини қамраб олиши, эгаллаши мумкин эмас, деган сохта тушунчанинг асорати эди”¹.

Дарҳақиқат, жадидлар янги миллий уйғонишни уюштира олди, мустақиллик кураши йўлида Туркистон мухторияти ташкил топди. Шунингдек, маданият, таълим тизимини ҳам ижтимоий қатламга кўтара олди.

Булар бир қатор омиллар асосида амалга ошди: **дин ва таълим** жараёнидаги ислохот, мавжуд ижтимоий тузумга ўзгартириш киритиш, мумтоз адабиётнинг давр билан боғлиқ ҳолда янгиланиши ёки жадидланиши кабилар.

Ана шу омилларни амалга оширишда жадидлар турли хил йўл тутдилар. Жумладан, 1) **рус истибдодидан** озод бўлиш учун куч ишлатиш (Дукчи Эшон кўзғолони, 1916 йил мардикорликка олиш ва босмачилик ҳаракатлари), муросаи-мадора қилиш; 2) **Россия маърифатидан** фойдаланиб, ерли халқ маорифини юксалтириш орқали мустақилликни қўлга киритиш (И.Ғаспирли, Бехбудий); 3) **хамкорлик** қилиш йўли билан мустақилликни қўлга киритиш (Ҳамза, Авлоний, Мунавварқори).

XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида шарқда кетма-кет “портлаш” ҳамда силжишлар содир бўлди. Ҳиндистон мусулмонлари инглиз мустамлакачиларига қарши кўзғалди (1905, 1908), Туркиядаги (1908) воқеалар, Эрондаги конституцион ҳаракатлар (1905-1911 йиллар), Хитой (1911-1913) даги инқилобий ўзгаришлар фикримизнинг ёрқин мисолидир. Бу каби ижтимоий ҳаракатлар Туркистондаги жадидлар ҳаракатини ҳам ижтимоий йўсинга солиб, тезлаштириб юборди. Ҳудуддаги ижтимоий ҳаракатнинг авж олишига яна бир тарихий ҳодиса сабаб бўлди. 1904 йилда бошланган рус – япон уруши Россия империясининг таназзули билан якунланди, 1905 йилги “Қонли якшанба” Туркистон ўлкаси афкор оммасининг кўзини мошдай очди. Боз устига Ўрта Осиёда ҳам капиталистик муносабатлар ниш ура бошлади. Бу буржуа тоифасининг туғилишига ва у ўз манфаатини ўзи ҳимоя қилишини келтириб чиқарди. Шу маънода у ёки бу шаклдаги мафкуравий йўналишдаги гуруҳлар пайдо бўлди. Туркистонда бу гуруҳ жадид номи билан ҳаркат қилди.

¹ Қосимов Б. Миллий уйғониш. – Т.; 2002, 6-б.

Россия империяси Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Туркия, Кавказорти мамлакатларида бўлаётган ижтимоий ҳаракатлар таъсирининг Ўрта Осиёга кириб келишига турли йўллар билан тўсиқ-бўғовлар қўйди, аммо эрдайиқ олмади. Юқорида саналган ва бошқа мамлакатларда нашр қилинадиган газеталар Туркистонга кириб кела бошлади. Ҳатто Қримда чиқадиган “Таржимон”, Қозондаги “Вақт”, “Юлдуз”, Тифлисидаги “Мулла Насриддин” каби газеталар тарқала бошлади.

Ўзга юртлардан келадиган матбуотларда, энг аввало, кенг маънодаги ислохотни амалга ошириш ва мустақилликка эришиш ғоялари акс этган эдики, бу маҳаллий зиёлиларга об-ҳаводек зарур бўлган. Дунёвий ахборотлар таъсирида миллий буржуазиянинг илғор вакили ва пешво зиёлилар ҳам етишиб чиқа бошлади. Масалан, андижонлик Миркомил Мўминбоевнинг Европа мамлакатларидаги банкда сармояси бўлган. Шаҳарда трамвай юргизиш, шифохона, расталар қуришни мўлжаллаган. Энг йирик пахта заводи қурган. Хориж мамлакатларидаги фирмалар билан савдо-сотиқ қилган. Унинг бундай нуфузи оқ пошшога ҳам маълум эди. Оқ пошшо унга бир нечта бўш вагон юборишни илтимос қилган фактлари ҳам ҳақиқатдир.

Туркистон жадиidlари 1917 йил тўнтарилишидан кейин мустақиллик учун кураш ва ҳар хил ислохотларни талаб қилиб чиқди. Шу жумладан, Туркистон мухториятини ҳам.

Туркистонда жадиdчилик ҳаракатининг ташкил топишида юқорида айтилгандек, 1905 йил инқилоби тарихий шарт-шароит яратди. Нафақат Туркистон, балки бутун мусулмон оламини ларзага келтирди. Бу **биринчи** ва бош омил саналади. **Иккинчи омил** Кавказорти, Озарбайжон, Туркия, Татаристон жадиdlарининг Туркистон жадиdlарига ҳамкору ҳамдард бўлишларидир. Ўша вақтда дунёнинг кўпгина минтақаларида ижтимоий кўзғалиш юз бердики, бу ҳам маҳаллий жадиdlарнинг шаклланиши ва тараққиётида **учинчи омил (ички)** ҳисобланади.

2-асосий савол бўйича дарснинг мақсади. Қадим ва жадиd мактабларининг бир-биридан туб фарқи ва савтия мактабининг илғор тажрибаларини талабалар шуурига сингдириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Жадиd мактабининг асосий хусусиятини англайди.
2. Рус-тузем мактабининг вазифасини тушунтиради.
3. Мактаб дарсликларини санай олади.

2-саволнинг баёни:

Жадиdlар олдида дастлаб уч вазифа турар эди:

а) жамиятни ўзгартирмоқ; б) ўзга мутараққий давлатлар билан тенглашиш учун янги авлодни тарбияламоқ; в) дину диёнатни ҳам маромида тутиб турмоқ. Ҳар учала соҳа жадиdчилиكنинг илк орзу-аъмоллари эди.

Шундан янги мактаб – усули савтия жадиличиликнинг пойдевори бўлиб хизмат қилди.

Тўғри, тараққий қилган мамлакатлар илм-фан ютуқлари асосида юқори поғонага эришдилар.

Туркистонликлар олдида тенглар орасида тенг бўлиш тамойили учун бир қатор масалаларни бош муаммо қилиб белгилаб олиш вазифаси турар эди. **Ғарбга интилиш қай йўсинда бўлиши керак?** Унга сингиб кетсанг, миллат, жамият ва ўзлик йўқолади. Дин қобиғи ҳам ситилиб кетиши тайин. Ғарбча йўл тутилмаса, тараққиётдан орқада қолиб кетилади. Бир вақтлар Туркия (XVIII) замона билан муроса қилмай энг қашшоқ мамлакатга айланиб қолди.

Туркистон ёхуд Шарқ масаласи Европани жуда-жуда қизиқтирар эди. Хусусан, Россия Туркистонни қўшиб олса, кичик халқ катта **халққа сингиб кетиши** мумкин, қўпол қилиб айтганда, “ютиб” юбориши тайин. Россияга бундан кўра чет ўлкаларни моддий хом ашё манбаига айлантириш маъқул кўринди.

Дунёда Шарқ муаммоси ҳамма вақт зиёлиларнинг диққат-марказида бўлган. Жумладан, Русия мусулмонлари - жадиждларининг отаси Исмоил Ғаспирли ўзининг **“Русия мусулмонлари”** (1881) китобини ёзиб, шарқ халқлари, хусусан, жадиждларнинг ниҳоятда аниқ режасини тузиб берди.

Шарқ ва Русия мусулмонлари катта давлат - Россия билан қўшилиб кетишидан кўра унинг билан ҳамкорлик қилиш дуруст, дер эдилар. Исмоилбек иккинчи йўлни оғишмай амалга оширишга саъй-ҳаракат қилди. Бунинг биринчи тамал тоши **маърифат** бўлиши аниқланди. Маърифат эса миллий тилда, миллий қадриятда чиқиши энг синалган тажриба. Жадиждлар ана шунга интилдилар. Жадиждларнинг маърифат борасидаги қарашларини Россиянинг Туркистондаги вакиллари хуш кўрмади, албатта.

Тошкентда ўқитувчилар семинариясида (1881, 30 август) тарих ва география ўқитувчиси **М.А.Муропиев** шундай маъруза қилади:

- “Агар биз таклиф қилинган лойиҳани (миллий тил ва миллий анъанада ўқитиш) қабул этсак, шу пайтгача мудраб ётган мусулмон мутаассиблигини тирилтирган ва бу билан қўйнимизда **илонни асраган бўламиз**”.

Семинариядан келиб чиқадиган хулоса: 1) ғайрирусларни руслаштириш; 2) мусулмон динини бузиш.

Исмоилбек бу каби даҳшатли қарашлардан чекинмади. Янги усулда мактаб очди (1884). Унда ҳарф-товуш (савтия) усули янгилик эди. **Танаффус**, дарс хотимасида **имтиҳон** олиш каби замонага мос тушадиган янгиликлар кириб келди. Янги усулдаги мактабда **синфхоналар, дарслик, қишқи ва ёзги таътиллари, дарс жиҳози, ўқиб-ўзлаштириш** (қуруқ ёдлатишдан воз кечиш) кабилар ташкил қилинди.

Янги мактаб тезда шуҳрат қозонди ва жойларда очилди. Бунга генерал губернаторлар монелик қилди. Исмоилбек эса ижозат олиш учун губернаторликка мактуб йўллади. Мактубига рад жавобини олди. Чунки янги мактаб “руслаштириш” сиёсатига зид эди-да.

1893 йил Исмоилбек ширвонлик шогирди Мажид Ғанизода билан Тошкентга ташриф буюради. Амирнинг файтунида Самарқанд, Шахрисабзни зиёрат қилади. Мажид Ғанизода 40 кун Самарқандда қолиб, янги мактаб тартиботини маҳаллий зиёлиларга ўргатади. Бу каби янги мактаб Бухорода ҳам очилади. 1895-1901 йилларда Тошкентда Мунавварқори раҳбарлигида 4 та янги мактаб жорий этиш режалаштирилди. Мунавварқори ва Авлонийнинг янги мактаб очиш борасидаги бу режалари рад этилди. Янги мактаб ўрнига рус-тузем мактаби очишга зўр берилди. 1892-йилда 21 та, 1912-йилда эса 170 та рус-тузем мактаблари фаолият кўрсатди. Барибир рус-тузем мактаблари миллий шароит ва ҳаётга сингиб кетолмади. Бу ҳақда Исмоил Ғаспирли: “Татар учун очилган рус мактаблари ўлик туғилган муассасанинг ўзидир”, деган эди.

Туркистонда рус-тузем мактаблари маҳаллий халқ томонидан унчалик хушланмади. Шу мактаб муаллими Саидрасул Азизий “носорамахсум”, “кофирмахсум” деб юритилди. Шунга қарамай, айрим ерли зиёлилар, чунончи, Қодирий ва Чўлпонлар шу каби янги мактабни битириб чиқдилар. Жадид мактаби XIX аср охирида бармоқ билан санарли эди. У, асосан, XX аср бошида тараққиётга юз тутди. 1904 йилда А.Авлоний “Жадидчилик тўдасида ишлай бошладим”, дейишида катта ҳақиқат бор. Шу йил Тошкентда Мунавварқори жадид мактабини очди. Унгача аксар мактаблар татарча бўлган. Усули жадид мактаби махсус рухсатнома билан очилган. Кўпгина монеликлар бўлган, албатта. Шунга қарамай, 1912 йилгача 92 та усули жадид мактаби фаолият кўрсатган.

Дарсликлар ерли зиёлилар томонидан яратилди. Чунончи: Саидрасул Азизий “Устои аввал” (рус-тузем мактаблари учун), Бехбудий “Жуғрофия”, Мунавварқори “Адиби аввал”, Авлоний “Адабиёт ёхуд миллий шеърлар”, Айний “Таҳсибус сибён”, Фитрат “Мухтасар тарихи ислом”, Сиддиқий - Ажзий, “Тадвид ал-Қуръон” кабилар.

Саналган дарсликлар жадид мактаби ва унинг ҳаракати ҳаётга қонуний равишда кириб бораётганидан далолат беради. Дарсликлар қадим мактабига ўхшаб мураккабликдан холи эди. “Туркистон шевасида”, “энг осон усул ила”, “тадрижий суръатда”, “очуқ тил ва осон таркиб ила” ёзилгани ўқиш сифатини янада осонлаштиради.

Жадид мактабини тушуниш, унга ўқувчиларни юбориш ниҳоятда қийин ва баҳсли кечган. Сабаби жадид мактаби фақат савод чиқариб қолмай, балки ижтимоий-сиёсий қарашни ўстиришга ҳам эътибор берар эди. Худди шу тартибда Бухородаги баъзи мактабларнинг обрў-эътибори ошиб кетди. Имтиҳон яқунлари, талабаларнинг саводи кишини ниҳоятда қувонтирди. Аммо диний мустабидлар бундай маърифатдан қаттиқ чўчидилар. Негаки, қадим мактаб обрўсизланиши тайин эди ва шундай ҳам бўлди. Тегишли идораларга шикоят ва аризалар етказилди. Расмий кишиларнинг қарори билан Бухородаги энг нуфузли жадид мактаби ёпиб қўйилди.

Жадид мактабини ёпиш мақсадида, уламо ва уларнинг вакиллари уйма-уй юриб, мусулмон фарзандини янги мактабларга юбормасликни тарғиб қилдилар. Жадид мактабини обрўсизлантириш мақсадида унинг муаллимлари “кофир”ликда айбланганлар. Саидахмад Сиддиқий Улуғбек мадрасаси майдонида “кофир” деб эълон қилинган. Муаллим Сўфизода ўз юртидан қувилган.

Тошкентда Мирмуҳсин Шермуҳаммедовни эса Чорсу бозорида тошбўрон қилиб ўлдиришга фармон қилинган. Жадид мактаби янги тафаккур бериш билан маориф тизимида мутлақо янгилик ва янги воқеа эди.

Миллий матбуотнинг туғилишида қуйидагилар бош омил саналади: а) 1905 йил 17 октябр Манифести матбуот эркинлиги бериши; б) “Туркистон вилоятининг газети”; в) Кавказ, Волгабўйи матбуотларининг самарали таъсири.

Ўлка миллий матбуоти Россия мусулмонлари газетаси билан деярли тенг ўсиб борди. Матбуот ижтимоий-сиёсий масалаларнинг инкишофи ва уни омма онгига етказишда ташкилотчилик вазифасини ўтади. Айниқса, жадид адабиёти матбуот билан тенг борди. Унинг шаклланиши ва равнақида ҳал қилувчи рол ўйнади. Матбуотда қатнашмаган ёки газета, журнал ташкил қилмаган жадидчини топиш қийин. Беҳбудий “Самарқанд”, кейинчалик “Ойна” журналини, Мунавварқори “Хуршид”нинг чиқишига раҳнамолик қилди. Туркистонда биринчи газета (1867 йил 14 июл) ҳарбий ҳужжатларни кўпайтириш корхонаси таркибида ташкил топган. Ундан сўнг ҳарбий вазир Д.А.Милютин “Туркистанские ведомости” газетасини чиқаришга рухсат берди.

Ўзбек тилидаги илк матбуот “Туркистанские ведомости” газетасига илова тарзида чиқа бошлайди (1881 йил 20 ноябр). Унга Шохимардон Иброҳимов муҳаррирлик қилади.

1888 йилдан газета ҳарбий рўзномадан ажралиб, мустақил нашр этила бошлайди. Унга Тошкент ўқитувчилар семинариясининг директори Н.Остроумов муҳаррир этиб тайинланади. У (1846-1930) Қозон Диний академиясининг ўқитувчиси Н.Ильминский кўлида таҳсил олган. Туркий тилларни мукамал билган. Ерли халқни руслаштириш сиёсатининг ашаддий амалиётчиси, рус шовинизмининг байроқдорларининг бири бўлган.

Шовинист Н.Остроумов газета воситасида маҳаллий халқнинг ҳаётини ёритишга ҳаракат қилиш баҳонасида асосан рус маданияти ва қадриятини тарғиб қилади. Маҳаллий халққа русларни маданият ташувчи сифатида кўрсатиши керак эди ва шундай ҳам бўлди.

Муҳаррир рус адабиёти ва маданияти тарғиботида ерли зиёли ва қоқоқ аҳолидан усталик билан фойдаланди. Масалан, Тошкентга келган эътиборли шоир Фурқат нуфузли залда уюштирилган баллга таклиф қилинади. Ўйин-томошани кўрган шоир ниҳоятда таъсирланади. Остроумов шоир таассуротини шеърини йўлда ёзириб, дарров газетада чоп қилдиради. Жумладан, шундай мисралар бор:

Лек мендин кетмиш эрди ақлу хуш,
Лаҳза-лаҳза шавқ ўти айларди жўш.

Газета саҳифаларида миллий халқни уйғотадиган қизиқарли, баҳсли, маърифий мақолалар эълон қилина бошланди.

Хусусан, тил ҳақида, мактаб борасида аччиқ ҳақиқатни баён қилувчи мақолалар эълон қилинади. Бир мақолада Туркистон “**тилсиз**”, яна бошқасида “**сукут**”да дейилади.

“Таржимон”газетасининг 1906 йил декабр, 1907 йил январ сонларида “Султонлар суҳбати” номида мақола босилади. Мақола муаллифини Исмоилбек бўлса керак, деб тахмин қилади профессор Б.Қосимов. Мақолада “Рости-русти” (“Тўғрилиқ билан муродга етасан”) сўзи ҳам акс этган.

Муаллиф мақолани ҳикоя тарзида ёзади. Сайёҳ поезддан тушиб, Самарқанд шаҳрини томоша қилиш учун сайр қилади. Амир Темури сағанасини кўришга тутинади. Соҳибқироннинг устози Саййид Барака қабри устидаги сандиктош кўтарилади, ундан нур таралади, иттифоқо, нуроний чол кўтарилади. У кўлини Амир Темури қабрига кўяди ва “**ўғлим**” дейди. Соҳибқироннинг ҳам қабри очилади. Қабрдан Амир Темури чиқиб, ўз қабри устига ўтиради. Унинг атрофига Турк, Эрон шоҳлари, Бухоро, Қўқон хонлари келиб кўшилишади. Ҳамманинг неғадир боши эгик, руҳи **маъюс**. Беш асрлик танаффусдан сўнг эл-юрт ҳақидаги суҳбат давом этади.

Шунда пир жадидчилик ғоясининг оталаридан бири Жамолиддин Афғонийга “Хутбаи сипоҳий”ни ўқишни буюради. Қироатдан юз йил ичида давр-замон ўзгариши, тўнтарилишлар, Оврупада иқтисодий тараққиёт бўлиши, руслар сел мисоли ислом заминларини босиб, емириб бориши англашилади. Хутба шу ўринга келганда Амир Темури чидай олмай ўқишни тўхтатади. Атрофдагиларни сўроқ қила бошлайди. Соҳибқирон аниқ жавоб ололмайди. Ўқиш давом этади. Ҳикоя Туркистонга кўчади. Бу ўлкада рус тўпи отилади, гумроҳ халқ уни “бу нима?”, деб сўрайди.

Суҳбатда: “Ҳозирда бир “началник” тўра кичкина бир чинчалоғи билан бутун Туркистонни урчукдек айлантира олади...” деган фикр айтилади.

Соҳибқирон бу каби фожеаларнинг сабабини англаб етмайди. Қироат қилувчи фожеаларнинг сабабини изоҳлашга киришади:

“Сенинг каби пошшоҳ йўқ!”, “Бутун дунё барбод, фақат сенинг ўлканг дилшод каби мадҳиялар билан ҳукмдорларнинг орқасини қашийлар”.

Турк қавми бир кур тарқоқ яшади. Орадан бир неча асрдан сўнг яна тарқоқликка юз тутди. Шунга қарамай турк Маҳмуд Мужаддид, Яъқуббек, Шайх Шомил ўз халқи, юрти, туркий халқлар бирлиги учун курашган.

Султон Маҳмуд (Мужаддид) (1808-1839) Франция куруллари, тўплари билан душманларни даф этай деса, мустабидлар ота-бобомиз қилич билан жанг қилган салтанат соҳиби, дея йўл бермаганлар.

Бухорода ҳам шундай бўлади. Насруллохон Россияни юртга киритмаслик учун куч ва аскар бериш таклифи билан чиққан инглизларни қабул қилмайди. Ҳатто катта давлатнинг икки элчисини қиличдан ўтказди. Шу онда Соҳибқирон Насруллохонга нигоҳ ташлади. Хон қочишга жой тополмай, шундай дейишга улгурди:

Таксир “Бухоройи шарифда фарангинин, насоридин киши қабули маъқул кўрилмади”, деди.

- Элчига ўлим бўлмас, мақолини билмаюрми эдинг? - деди Соҳибқирон.

Ҳикояда Шайх Шомил ўн тўрт тилли Доғистонни яқпорага айлантиргани, Россияга қарши 50 йил муҳорабада бўлгани нақл қилинади.

Яъқуббек эса 10-15 отлиқлар билан Фарғонадан чиқиб қашқарликларни Хитой қўл ости сиқувидан озод қилингани ҳам нақлда келтирилади. Тарих, биринчи навбатда, келажак учун зарур (Б.Қосимов). Ҳикоядан бош муддао шу.

Ҳикояда Соҳибқиронга анча ўрин берилган. У: “Жаҳонни забт этишим қонхўрликдан, юрт ёқувчиликдан, шухратпарастликдан эмас эди... Жавонлиғимда Кеш тўқайларинда бир кенасга беги бўлиб юрган замонларимда миллатимнинг бу ҳоли кўнглимни доғли, кўзимни ёшли этарди... Шундан бутун куч-қувватимни туркларни бирлаштирмаққа, буюк Туркистонни ташкил этмаққа бағишладим... Бир даража бунга ноил ҳам бўлдим...”, дейди.

Ҳикояда истиқлол ва тараққиёт учун кураш тилаги биринчи режада туради. 1917 йил феврал ва октябр тўнтарилишлари туркий халқларнинг янада жипслашиб, бирлашишини, истиқлол учун муқоризасининг ўткирлашишини талаб қилди. Бу борада буюк Фитрат “Темур сағанаси” драматик асарини яратди.

Қисқаси, матбуот миллат кўзгуси бўлди.

Туркистонда **мактаб**, кироатхона ёки **олий таълим** масканини очишнинг бирдан бир йўли хайрия жамғармаси эди. Бу жамият олий мактаб очиш ғояси билан ҳам чиқди. “Жамияти хайрия” ногирон болаларга кўмакни ҳам назарда тутар эди.

Ерли халқ фарзанди Европа мактаблари таълимини олишга саъйю ҳаракат қилишлари кишини ниҳоятда ҳайратга солади.

Жиддага бориб, рус консулхонаси ёрдами билан Москвадаги Жонли Шарқ тиллари институтининг гимназиясида Муқимийнинг жияни Рўзимуҳаммад Дўсматов ўқиган. Шаҳид Муҳаммадиёров Оврупа Ҳарбий медицина академиясини тугатиб, шу касб бўйича ишлаган. Бағдодда консул бўлиб хизмат қилган.

Убайдулла Хўжаев Саратов университетининг ҳуқуқ факультетини битириб, “Садойи Туркистон”га муҳаррир бўлган.

“Хайрия”нинг кўмаги билан Оренбургдаги “Олия” ва “Хусайния” мадрасаларида ўқиганлар бўлган. Шулардан бири Мирмуҳсин Шермуҳаммедовдир.

Бухородаги “Хайрия” жамияти Истанбул ва Боғчасаройга тажриба ўрганиш учун кишилар юборишга муяссар бўлди.

Фитрат, Усмонхўжа, Ата Хўжа, Мазҳар Бурҳоновлар Истанбулда ўқидилар. Кейинчалик Истанбулда ўқиган бухороликлар 60 нафарга етган.

Ерли зиёлилар ўлканинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти учун ўқимишли мутахассислар зарурлигини тезда тушуниб етдилар. Германия, Туркия, Франция, Японияга ёшларни юбориб, таҳсил олишларига йўл очиб берганлар. Ҳозирда аниқ бўлишича, ўша вақтда 500 нафардан ортиқ ёшлар чет элда ўқиганлар.

Жадидларнинг ёш мутахассислар тайёрлаш масаласини большевиклар нотўғри, аниқроғи, унга қарши сиёсат ўтказдилар. Хорижда ўқиётганлар ўша давлатнинг “айғоқчиси” сифатида қаралди. Таътилга келганлар тутилди. Айримларига Москва университетига рухсат этилди. Кўплари отиб ташланди. Яна бир қисми чет элда қолиб кетди, жумладан, Вали Қаямхон ҳам.

Жадидларнинг хорижда миллий мутахассислар тайёрлаш сиёсати большевиклар томонидан қаттиқ қаршиликка учради. Режа барбод бўлди. Режани амалга ошириш учун миллий олий ўқув юрти зарур эди, холос. Бунинг учун: 1) сармоя; 2) мутахассис; 3) янги давлатнинг розилиги зарур эди.

Университет очиш миллатнинг асрий орзуси эди. Минг афсуски, хонликка бўлинишлар бунга имкон бермади. Масала матбуот, уюшмаларда муҳокама қилинган.

“Оврупо бир кекса чолдир, тажрибаси кўпдир, улуғ хурматимиз бор. Тажрибасидан ўрганамиз. Лекин хатоларини такрорламаймиз”, деган эди Исмоилбек. Ундан ўрганадиган нарсалардан бири университет очиш эди. Очганда ҳам ўзининг миллий университети бўлиши талаб қилинар эди. Ҳатто “Таржимон” 1906 йилдаги сонида Бухоро, Хивада дорилфунун очиш масаласини кўтариб чиққан.

Беҳбудий “Ойна” ойномасида **мусулмон муҳандис, мусулмон қонунчи, мусулмон судьялар** керак, деб ёзган эди.

“Турон” жамиятининг низомномасида олий ўқув юрти очиш, стипендиялар тайинлаш масаласи ўз аксини топган.

Университет очиш: 1) ўлкани ижтимоий-сиёсий жиҳатдан ўрганиш;

2) табиий-иқтисодий бойлигини аниқлаш ғояси билан боғланиши керак эди.

Тўғри, октябр тўнтарилиши университет таъсис этиш орзу-аъмолини яна ҳаётийлаштирди. Бироқ мустақиллик талаб қилган халқнинг дорилфунун очиш орзулари эшиги янада мустаҳкамроқ ёпилди. Аммо бу борадаги ният ва интилиш бир кун бўлса-да, сўнмади.

1918 йил 21 апрелда Тошкент давлат университети таъсис этилган бўлса, икки кун ўтгандан сўнг Мунавварқори раҳбарлигида эски шаҳарда Туркистон мусулмон халқ университети очилди. 15 майда унинг низоми эълон қилинди.

Университет уч босқич – қуйи, ўрта ва юқори босқичдан иборат килинди. У ўз ичига дорилмуаллиминни ҳам олар эди. Беш йил муддат таҳсил олинадиган булди. Унда Фитрат она тили, Мунавварқори ахлоқ, Абубакир Давоев этнография, Камол Шамси математика, Бурҳон Ҳабиб сиёсий тарихдан дарс бердилар.

1920 йилда Халқ университети давлат университетига айлантирилди.

3-асосий савол бўйича дарснинг мақсади. Туркистонда жади́дчи́лик ҳаракати турли ҳудудларда ҳар хил ва ўзига хос тарзда кечганлигини талабалар шуурига сингдириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Бухоро жади́дларининг ислохотчилик фаолиятини тушунтиради.
2. Тошкент жади́дларининг миллий озодлик ҳаракатларини англайди.
3. Самарқанд жади́дларининг маърифий, Фарғона жади́дларининг мухториятчилик фаолиятини гапириб беради.

3-асосий саволнинг баёни:

Жади́дчи́лик ҳаракати Туркия, Кавказорти ва Волгабўйлари халқлари ҳаётида эрта содир бўлди. Буларга нисбатан туркистонлик жади́дларнинг ижтимоий-маърифий ҳаракатлари ўзига хос ва турли ҳудудларда ҳар хил кечган.

Масалан, Бухоро, Хива, Тошкент ва Фарғонада жади́дчи́лик ҳаракати ўзига хос жараён олган. Бухоро ўша вақтда Россияга ярим итоат қилар, яъни вассал эди. Шунинг учун ҳам жади́д ҳаракати амирлик томонидан ниҳоятда қаттиқ назорат этилган. Яширин ҳолда ҳаракат қилишга тўғри келган. Бунга диннинг таъсирини ҳам алоҳида кўрсатиш жоиздир.

Бухоро тарихининг билимдони ва жади́длар ҳаракатининг иштирокчиси Файзулла Хўжаевнинг таъкидлашича, бу ҳудудда жади́дчи́лик энг майда талаблар билан чиқиш қилган. Солиқни камайтириш ва уни тизимга келтиришдан бошланган. Бундан деҳқон ва савдо аҳлигина манфаатдор эди. Ф.Хўжаев “Жади́дизм” номли мақоласида мазкур масалага икки томонлама ёндашгани аниқ. Биринчидан, мақола муаллифи Бухорода жади́дларнинг пайдо бўлишини тарихий шарт-шароит тақозоси эканини тўғри уқтирди. 1905 йил Россия, 1908 йил Туркия (империядан конституцион тузумга ўтиш), 1911 йил Эрон (парламент талаб қилиб чиқилган) қўзғолонлари Туркистондаги жади́дчи́лик ҳаракатига доялик қилди. Бухорода, айниқса, шаҳарлик зиёлилар солиқ, маориф масаласидаги талабларни очик қўя бошладилар. 1910 йилдан бошлаб, Туркистонда жади́дчи́лик ошкора, уюшган ҳолда ташкил топди. Бухорода Туркия жади́дчилари андозасидаги конституцион тартиб, янги услубдаги мактаб ва матбуот амирликдан талаб қилина бошланди. Иккинчи томондан бухоролик жади́длар буржуа капитализмининг манфаатини ифода

этар эди, дейишлик Ф.Хўжаевнинг қараши Шўро даври таъсирида эканини аёнлаштиради.

Бухоро жадиidlари ва инқилоби ҳақида Ф.Хўжаевнинг “Бухоро инқилоби” тарихига доир” (-Т., -С., 1926), С.Айнийнинг “Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар” (Москва, 1926) китоблари катта манба бўла олади.

Бошқа ҳудудлардаги жадиdlардан Бухоро жадиdlарининг шароити ва вазияти ўзгача эди. Бир томондан амир Олимхон, иккинчи томондан Россия империяси сиёсати ҳукмронлик қиларди.

Амир Россия билан алоҳида муносабат қилиши ўз-ўзидан тайин. Бухоро жадиdlарининг пешвоси Аҳмад Дониш амир элчилари сафида Петербургда уч марта сафарда бўлади. У Россия давлат тузуми ва бошқарувини ўзича ўрганади ва Бухорода ҳам қатор ислохотларни амалга ошириш керак, деган хулосага келади. Ислохот борасида таклифларини ёзади. Албатта, унинг таклифу тавсиялари иқтисодий ислохот билан кўпроқ боғлиқ эди.

Бухоро ислохотининг туб ижтимоий-сиёсий талабларини Фитрат ва Файзулла Хўжаевлар ёзганлар.

Тўғри, Бухорода аввал маърифатпарварлик талаблардан аста-секин ижтимоий–сиёсий ҳаракатга ўтилган. Ёш бухорочилар партияси тузилди. Улар амир олдиға ислохот масалаларини кескин қўйдилар. Улар Туркистон Халқ комиссарлари кенгашининг раиси Фёдор Колесов кўмагида амир аркиға ҳужум уюштирдилар. Ҳаракат фожеа билан тугади. 1,5 минг нафар жадиdl катл қилинди, бошқа аҳолидан 3000 нафари қурбон бўлди.

Ёш бухорочилар партияси амирни ислохот қилишға мажбур этди. 1917 йил 7 апрел амир манифест эълон қилинди. Унда ислохотнинг аниқ низомлари кўрсатилган эди.

Манифест ўқилишида жадиdlарнинг пешволари Фитрат, Ф.Хўжаев, С.Айний ва бошқалар арк майдониға чиқдилар. Ислохотлардан бири жадиdl мактабиға кенг йўл очиб бериш эди. Унинг бағрида минглаб ёш бухорочилар ва жадиdlар тарбияланиши лозим эди. Улар Бухоро инқилобини содир этдилар. 1920 йил Бухоро амирлиги Бухоро Халқ Жумҳуриятиға айланди ва у бир оз муддатдан сўнг Туркистон автоном Республикасиға қўшиб юборилди.

Тошкент жадиdlчиларининг фаолияти ўзига хосдир. Шаҳар генерал губернаторининг пойтахтиға айланди. 1867 йилдан 1917 йилгача 12 та генерал алмашди. Улар империяға хос темир интизом ўрнатиш баҳонасида халқни беҳад оёқости қилдилар.

Фитрат: “Бутун борлиғимизни бердик. ... таҳқир қилиндик”, деганда минг бора ҳақ эди.

1905 йил Россиядаги “Қонли якшанба” Тошкентға ҳам нур тезлигида етиб келди. Тошкентда ҳам намоиш ва қўзғалиш бўлди. Унда бой ҳам, жадиdl ва бошқа зиёлилар ҳам, дин вакиллари ҳам иштирок этишди. Аммо қарашлар хилма-хил эди.

Тошкент жадиdlларининг пешвоси Мунавварқори 1903 йил жадиdl мактабини очишға муваффақ бўлди. Шу йили мусулмон дунёсининг отаси

Исмоил Гаспрали Тошкентга ташриф буюрди. Унинг келиши билан Сирдарёда жадид мактаби очиш борасида генерал губернаторга мактуб йўллади, талаб рад этилди.

Қори усули жадид мактабининг мазмун ва моҳиятидан илҳомланиб, “Адиби аввал” (1907), “Адиби соний” (1907) каби дарсликларини яратди. У Тошкентда дастлабкилардан бўлиб, “Хайрия” жамияти тузди. Унда Убайдулла Хўжаев, Тавалло, Абдулла Авлониёлар фаол қатнашдилар.

Улуғ мутафаккир ўзбек тилидаги газеталарнинг нашрига қарвонбошилиқ қилиб, “Хуррият”, “Кенгаш”, “Нажот”, “Осиё”, “Хуршид” кабиларни нашр эттирди.

1918 йил Халқ университети таъсис этишга муяссар бўлди ва 1919 йил университетнинг ўзбек бўлимига биринчи ректор бўлиб хизмат қилди.

Қори шўронинг синфий дунёқараш масаласида келиша олмади. У синф деб катта ер эгалари ва йирик савдогарларни тушунган. Шўро эса ўрта ҳол деҳқон, ўрта ҳол буржуазия, тадбиркор ва савдогарларни ҳам синф қаторига қўшган. Шунинг учун Қори: “бизнинг синфий дунёқарашимиз негизида синфларни инкор этиш ётади” деган. Тошкент жадидларининг мақсади:

1) буржуа демократик Туркистон; 2) Ўзбекистонни таъсис этиш; 3) қайта чегаралаш; 4) ҳокимиятни майда буржуазияга бериш бўлган.

Самарқанд жадидлари. Самарқанднинг ўрта асрлардаги шаъну шуҳрати ва доврўғи бу даврга келиб тамомила тушиб кетди. Вилоят аҳли икки томонлама зуғум остида қолди. Буни оқилона пайкаган зиёлилар жадидчилик ҳаракатига қўшилиб, оммани маърифий жиҳатдан уйғотиш кайфиятига киришдилар. Бехбудий, Айний, Шакурый, Ҳожи Муин, Шукурулло, Саид Аҳмад Васлий, Мардонқул Шохмуҳаммадзода кабилар маърифат йўлида фидойи бўлишди, жадид мактаби очдилар ва дарсликлар яратдилар. Уларнинг сардори ва сарбони Бехбудий эди. Самарқанд жадидлари икки нуқтада бошқалардан фарқ қилар эди. Драматик асар ёзиш ва уни оммага намойиш қилишда, сўнг театр борасида ҳам пешқадам эдилар. Бекорга Ҳамид Олимжон Бехбудийни “Америка ахтарган олим”га қиёс қилмаган.

Жадидлар ҳаракати октябр тўнтарилишидан сўнг авж пардага кўтарилди. Мухторият эълон қилинди, фаолиятини бошлади ва давом эттирди. “Шўройи исломия” Қўқонга кўчгандан сўнг **Фарғонада** жадидлар мустақиллик – мухториятни талаб қилиб чиқдилар. Бунга қарши большевиклар тиш қайрадилар. Туркистон ўлкасининг ҳарбий комиссари Е.П.Перфильевнинг ихтиёрига юборилган 11 та эшелон армия 1918 йил 5 февралдан 6 февралга ўтар кечаси Қўқонга етиб келади, мухториятни ўққа тутди. Шундай қилиб, мухторият “чақалоқ” лигидаёқ отиб ташланди.

“Шўройи уламо” Эргаш кўрбошини амир ул-муслимин этиб тайинлаган эди. Шаҳарлардаги отишув ва қирғинлардан сўнг руҳоний ва бойлар ҳам “босмачи”ларни қўллаб-қувватлаб кетишди. Янги ҳокимиятнинг башараси ҳаммага аёнлашди.

Мустафо Чўқай бошлиқ Қўқон мухторияти ағдарилгандан сўнг Эргаш кўрбоши “Қўқон хони” деб эълон қилинган, Мадаминбек ва Шермуҳаммад унинг ўринбосари этиб тайинланган. Улар орасида анча вақтгача ҳамкорлик бўлган. Кейинчалик орада совуқлик ҳам пайдо бўлган. Тўртала кўрбоши ўртасида парокандалик, бир-бирини сотиш авжга чиқди.

Ленинга суиқасд қилиниши билан мухторият одамлари янада кучли назорат остига олинди. Шермуҳаммаднинг топшириғи билан Холхўжа “кўрбоши” Мадаминбекни қатл қилади.

Солномачи Шаҳобиддин Яссавийнинг ёзишича, кўзғолончилардан 114 нафарининг номи рўйхатга киритилган. Улар ҳам отилишлари керак эди.

Шундай қилиб, “Фарғона fronti” деб ном олган ва унинг иштирокчиси “босмачилар” бугунги кунда истиқлолчилар номи билан оқланди.

Шуни ҳам айтиш жоизки, ҳар бир ҳудудда жадиदчилик ҳаракатининг сардору сарвари пайдо бўлди. Қрим татарларда Исмоил Ғаспрали, Бухорода Аҳмад Дониш, Тошкентда Мунавварқори Абдурашидхонов, Самарқандда Беҳбудий карвонбошилиқ қилади.

Жадидчилик фақат ички тузумдаги ислохотчилик билан чегараланиб, қолмади, балки чоризм истибдодига қарши курашни ҳам ўз режаларига жиддий қилиб киритди.

Аслида рус истибдоди нималардан иборат?

1964 йилдан бошлаб чор Россияси Туркистонни вассал қилиш ҳаракатига тушди. 1967 йил Туркистонда генерал губернаторлик ташкил топди. Номидан ҳам аёнки, Россия Туркистонни ҳарбийча тизимда бошқариш сиёсатини жорий қилди. Николай II Туркистонни бошқаришни чоризм Ички ишлар вазирлиги тасарруфига берган эди. Унга К.П.Кауфман бошчилиқ қилди. У 1968 йил 1 январда Туркистон оқсоқоллари ҳузурида сўзлади, ва:

- “Бахт-саодат келтирувчи янги тартиб ва қонунларни, улуғ императорнинг марҳаматини англашга туб аҳолининг ақл-идроқи етармикин? Такрор огоҳлантираманки, сизларнинг тақдирингиз ўзларингизнинг қўлларингизда. Агар ўзларингизни фойдангизни ўйлаб ва бизнинг марҳаматимизни ҳис этиб, рус ҳукуматига хайрихоҳлик билан муносабатда бўлсангизлар, бахтли ҳаётга эришасизлар. Мабодо сизлар бошқача иш юритиб, ҳукуматга қарши турсангиз, ҳокимият куч ишлатишга ўтади”, деган.

Маҳаллий амалдорлар ҳатто ўрта звенода ҳам раҳбарлик салоҳиятларини сақлаб қола олмади. Айниқса, Россия империализми Туркистонни иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан сиқиб қўйиб, уни иқтисодий тўловлар билан ботириб ташлади, аниқроғи, уни иқтисодий хом ашё манбаига айлантирди. Иқтисодий жиҳатдан:

Фитратнинг “Ҳинд сайёҳи баёноти” асарида келтирилишича, олий, ўрта ва ибтидоий мадрасалардан келадиган вақф тушумлари фақат бошлиқлар ҳамёнига кириб кетгани, ҳатто у сон жиҳатидан қисқартирилган. Бўлиқ ерлар тортиб олинган. Шу билан бирга чор Россияси динни ва унинг пешволарини ҳам назорат остига олган. Ҳатто Фарғона алоҳида давлат бўла туриб, империя

таъсирида тарқатиб юборилган. Давлат архивидаги материалларнинг бирида “Рус давлатига бўйсундирилганга қадар Фарғона мустақил давлат ҳисобланиб, ўзининг тарихи, ҳукмрон синфи ва бошқарув тизимига эга эди” дейилади. Пахта вассаллиги Россияни чандон ҳаддидан оширди. Америкадан оладиган пахта хом ашёси Туркистондан келтирилиши айни муддао бўлди. 187 та пахта тозалаш заводининг 107 таси миллий буржуазиянинг ихтиёрида бўлган.

Чоризм маҳаллий бойларнинг ҳам эркин ҳаракатини чегаралаб қўйган. Қўқонлик бой Миркомил Мўминбоевнинг Андижонда шифохона ва мадраса очишига рухсат берилмаган.

Бу ҳолатни кўрган маҳаллий бойлар – М.Мўминбоев, Хўжаев, Фузаилов, Ҳакимбоев, Ориф Ҳожинов, Раҳимбоев, Обидов ва Алимбоевлар жаидчилик ҳаракати билан алоқа боғлашга мажбур бўлдилар.

Империянинг туркистондаги раҳбарлари маҳаллий маъмурларни роса сиқиштирди. Қабристон ва масжидлар бузилди. Қўқонда эски қабристонни бузмаслик ҳақида ариза ёзган қозилар ишдан четлатилди. Унинг бошлиғи мулла Ашур Сибирга сургун қилиниш жазосидан олиб қолинди.

Туркистонда Рус давлатининг ҳукмронлигини мустаҳкамлаш мақсадида рус шаҳар ва посёлкалари қурилди. Энг серҳосил ерлар рус мужикларига берила бошланди. Русларнинг келиши ҳам тобора кўпайди. XIX асрнинг охирида 197, 420 нафар, 1909 йилга келиб эса 619, 320 нафар рус аҳолиси маҳаллий ердан ўрин топди.

Қисқаси, Россия Туркистон халқини ҳам иқтисодий, ҳам маърифий жиҳатдан тушовлаб қўйди. Бундан қаттиқ ранжиган маҳаллий зиёлилар бу каби истибдодга нисбатан қарши турмасликлари мумкин эмас эди. Жаидчиликнинг туғилиш негизи ҳам ана шу тарихий ноҳуш воқеага бориб тақалади. Сиёсий мақсад қўйишга етиб келинди:

а) истибдоддан қутулиш; б) ўз Ватанининг мустақиллигини таъминлаш; в) тенглар орасида тенг бўлиш ва тенг бўлиб яшашга эришиш.

Хуллас, Туркистон заминида муштамлақачилик ва улуғ миллатчиликка асосланган сиёсий-маъмурий тизим узоқ вақт ҳукм сурди ва таназзулга юз тутди.

Назорат учун масалалар:

- ☐ 1. Жаидчиликнинг пайдо бўлиш ташқи омилларини сананг ва сўзлаб беринг.
- ☐ 2. Жаидчиликнинг пайдо бўлиш ички омилларини сананг ва айтинг.
- ☐ 3. Жаидчиликнинг пайдо бўлишидаги маънавий омилларни шарҳланг.
- ☐ 4. Жаидчиларнинг бош мақсадларини таснифланг ва ҳар бирига шарҳ беринг.
- ☐ 5. Жаидчиликнинг пайдо бўлиши ва кенг ёйилишида диннинг ўрни масаласига билдирилган фикрларни айтинг.
- ☐ 6. Рус маданияти ва маърифатига муносабат масаласини шарҳланг.

- Δ 7.Жадидчиликнинг бош негизи- жадидлаштиришни тавсифланг.
- Δ 8.Миллий матбуотнинг пайдо бўлишини изоҳланг.
- Δ 9.Театр - миллий кўзгу эканини тушунтиринг.
- Δ 10.Миллий матбуот ва жадид адабиёти масаласини шарҳланг.

Адабиётлар: 3, 5, 7, 8.

2. Туркистон мухторияти – жадидчилик ҳаракатининг бош ғояси

2.1. Жадидчилик - ижтимоий ҳаракат

Режа:

1. Миллий ғоя ва мафкура масаласи.
2. Ижтимоий жамиятлар.
3. Панисломизм ва пантуркизм масаласи.

Таянч тушунча ва иборалар: миллат, миллий ғоя, миллий мафкура, жадидчилик - маърифатпарварлик “оқим”, жадидчилик - ижтимоий ҳаракат, панисломизм, пантуркизм, туркчилик.

1-асосий савол бўйича дарснинг мақсади. Жадидчиларнинг илк миллий ғоя ва миллий мафкура ҳақидаги тилакларини талабалар шуурига сингдириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.Миллат тушунчасининг пайдо бўлиш негизларини тушунади.
- 2.Миллий ғоя жадидларнинг бош режаси эканини билади.
- 3.Миллий мафкуранинг мақсад ва вазифаларини англайди.

1-асосий саволнинг баёни:

Бугунги кунда миллий мафкура ва миллий ғоя муаммоси ниҳоятда долзарбдир. Ваҳоланки, ҳар икки тушунча бугунги истиқлолимизнинг маёғидир. Бу тушунчалар ўзининг ибтидосини жадидчиликдан олган.

Миллат ва миллийлик тушунчаларининг пайдо бўлиш тарихи мавжуд. “Миллат” сўзи юнон олими Демокрит томонидан бундан икки ярим минг йил аввал қўлланилган. Китобларда келтирилишича, миллат тушунчаси яҳудийлар-мусовийлардан мусулмонларга кириб келган. Мазкур тушунча қайсидир йўл билан Кавказорти матбуоти, аниқроғи, “Мулла Насриддин” журналида Жалил Маматқулизоданинг “Миллат” мақоласидан ўрин олган. Англанишича, миллат тушунчасида “Ҳар бир мамлакатнинг ягона соҳиби” маъноси тушуниланган. Миллат масаласи турли халқларда ҳар хил англашилган, баъзи халқларда ҳали шаклланмаган ҳам. Аммо туркий халқлар тарихига назар ташланса, бу тушунча у ёки бу маънода яшаб келган.

Улуғ Навоийда “шамс ул-миллат”, “зайн ул-миллат”, “нур ул-миллат” каби иборалар учрайди. Б.Қосимовнинг уқтиришича, Навоийда миллат диний тушунча билан уйғун қўлланилса-да, у “миллат” сўзи сирасида инсониятнинг яшаш шакли сифатида тушунилади (диний, ҳудудий, лисоний қиёфа, муайян аслий хусусият англашилган).

“Таржимон” газетасида ҳам миллат борасида мақола чоп этилган. Унда ҳам миллат “дин билан баробар” қилиб қўйилган.

Миллат айнан диннинг ўзи эмаслигини ислом ва арабларнинг туркий халқларга кириб келишидан билса бўлади. Ерли халқ исломни қабул қилди, аммо араблашган эмас. Шу маънода “миллат ва дин бирдир” назарияси тарихий тушунча ва ғоядир. Бугунги истиқлол замонида миллат тушунчаси Демокрит ақидаси даражасидан ҳам кенг маънога эга бўлди.

Жадидчилик ғоя масаласига ҳам алоҳида эътибор берган. Ҳатто Исмоилбек махсус “Ғоя” номли мақола ҳам ёзган.

Хўш, ғоя ҳақида кўп ёзишган. Нима учун “миллат отаси” яна бу тушунчага қайтди? Сабаби жадидчилик ҳаракатининг бош ғоясини аниқлаш, муайян ғоя билан яшаш ва унга интилиш даркор эди.

Ғоя орзу-интилишдан бошланади. Тарихдаги туб ўзгаришлар ҳам ғоялар маҳсулидир. Ғоя зўравон ва қудратли бўлсагина, у дунёни ўзгартиради. Ислом ғояси ер қуррасининг ярмини ўз атрофида бирлаштирди. Фарангилар миллий озодлик ғоясини илгари суриб, тарихий ютуққа эришганлар.

Ғоянинг аниқлиги ва қудратидан Англия бир неча мамлакатларни ўзига қарам қилиб олди. XIX аср боши ва XX аср ўрталарида Ҳиндистон ва Хитойда жиддий ўзгариш бўлмади. Сабаби аниқ ғоя қўйилмаган эди.

Туркистон ўлкаси ҳам узоқни кўзловчи ғояга эга бўлмаганлиги учун фақат қорин тўйдириб яшашни орзу қилиб, кўлмакка айланиб қолган эди.

Муаллиф: “Таассуфки, Русиянинг мусулмон жамиятида асл ва чинакам ғоя йўқ, орзу йўқ”,-дейди. Исмоилбек ўз мақоласида эртак, афсонаю асотирларга оид китоб тўлиб-тошиб ётган бўлса-да, аммо келажакни ёрқин кўрсатадиган, йўл-йўриқ берадиган бирорта китобнинг йўқлигидан куюнди. Маориф ва маданиятни юксалтиришни, келажакни орзу қилиб яшашни асосий мақсадлардан бири, деб билди. Исмоилбек: “Дунёда ғоясизликдан кучлироқ таназзул йўқ”,-дейди. Туркистон кейинги асрларда ғоясизлик гирдобига тушиб қолди. Хайрият, жадидчилик ўз олдига истиқбол ғоя қўя олди: **маърифат, мустақиллик, миллий озодлик, ҳуррият** ва бошқалар.

Исмоилбек ғояни миллатнинг ҳаёт-мамот масаласи, деб тушунади. Миллатни ақлу заковатнинг ўзигина тараққиётга олиб бормайди. Миллатнинг ўз маданияти келажакига интилиб яшаши тараққиёт омилидир. Миллатда ғайрат ва меҳнатдан ташқари илм-хунар ҳам бўлиши шарт. Мисол учун эркин, табиий ва соғлом яшаётган Африкани илм-хунар билан Англия ўзига қарам қилиб олди. Исмоилбекнинг ғоя ҳақидаги мақоласидан келиб чиқиб, жадидчилик ўз олдига узоқни кўзловчи, жамиятни тараққиётга ўгирувчи ғояларга эга бўла борди.

Ғоя қачон миллий ғояга айланади? Жамиятни ўзгартириш - умумий ғоя. У миллий шароит билан боғланиб, амалга оширилгандагина миллий ғояга айланади.¹ Шундагина ғоя миллатнинг аслияти, табиий имконияти, турмуш тарзи, ўтмиш анъаналари ва ниҳоят туб миллий мақсадларидан келиб чиқади. Ғоя ғоялигича қолиб кетса, бу-аҳамиятсиз ғоядир. У миллатнинг онг ва фикрига сингиши керак. Аниқроғи, чуқур ҳис қилиниши лозим. Шундагина ғоя амалий тўнини кияди.

Дунё давлатлари бир-бирларининг ғояларидан фойдаланишлари мумкин. Аммо ғоя миллий шароит, эҳтиёж ва зарурият асосига қурилиши керак. Аниқроғи, умумбашарий ғоялар - “миллийлаш”моғи шарт. Умуминсоний ғоя миллат шуури, қалби ва руҳидан сизиб ўтгандагина том маънода миллийлашади.

Ғояни ҳаётга татбиқ этишда зиёли бош омил саналади.

“Агар бизим орамизда яхши одамлар бўлсалар, бошлаб мактаб муаллимларидур. Агар бизда фойдали одамлар бўлсалар, булар ҳам улардир. Шараф сизга, мухтарам муаллимлар.” (“Таржимон” газетаси, 1884 йил).

Жадидлар сўнган тарихимизга оташ беришга саъй-ҳаракат қилдилар. Тарих сабоғи билан олам кўзини очмоқчи, кимлигини танитмоқчи бўлдилар. Бу ҳам маънавий уйғонишга катта туртки эди.

“Миллий шуурни тарих шуури майдонга келтиради. Тарих шуури эса тарихни танитмоқдир.” (Б.Қосимов, 68-б.)

Биргина тил тарихи туфайли халқ тарихи ва унинг камолини идрок қилиш қийин эмас. Алибек Ҳусайнзода 1909 йилда “Тараққий” (Боку) газетасида босилган “Турклик-аскарлик” мақоласида дейди:

“Бизнинг буйруқ майлини англатувчи айрим феълларимизда 4-5 қаватли амр маънолар бор экан.”

ур → урдир → урдирт → урдиртдир,
чик → чиқар → чиқарт → чиқартдир.

Мазкур мақолада армия бош қўшин раҳбари бир қалъани босиш, унга ҳужум қилишда фармонни бошқарувчига “Қалъага ҳужум этгин!” демас экан, балки “Этдиринг!” деркан. Нега шундай? “Этинг” феъли билан “этидинг” буйруқ майл феълининг фарқи бор. Ўша даврда турк аскарида қўшин босқичма-босқич шаклда бўлган. Аввал фармон “ўнбоши”, сўнг “элликбоши”, ундан сўнг “юзбоши”, ундан ҳам кейин “мингбоши”га ва ниҳоят туман бошга етган, аниқроғи, етказилган.

Тил тарихидаги кичкинагина факт миллат тарихи, унинг қўшин тартиби борасида аниқ маълумот бера олади. Дарвоқе, Амир Темур қўшини ва унинг ҳарбий тузилмаси ўзига хос бўлган.

Жадидчилар миллат тушунчасига кенг маъно берди. Оқибатда миллат тушунчаси шундай чуқур ва тўғри аниқламага эга бўлди:

¹ Шу куннинг миллий ғояси юрт осойишталиги, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги.

“Миллат фикримча, бу азим қувватга ҳеч бир куч бас кела олмади. Юз мингларча ҳайбатли қўшин бу фикр қаршисида енгилди. Миллат аталмиш бу буюк қудратга бугун тўп ва милтиқ бас кела олмайди”, дейди Юсуф Окчура.

Кенг маънода англашилган миллат тушунчасига ўзга ҳудуддаги ҳаммиллат, ҳамдинларнинг ҳамкорлиги ва бирлашиши ҳам кирган. Бекорга панисломизм, пантуркизм сингари йўналишлар сиёсий-миллий ғоя даражасига кўтарилмаган. Аммо бу “изм”лар ярим йўлда қолиб кетди, турлича баҳоланди.

Мафкура – “фикр” сўзидан келиб чиққан. Фикр эса ғоянинг ҳамиртириши. Фикр воқеа, ҳикмат, мақол ва ибратли иборалардан ўрин олиши табиий. Шу фикр айна вақтда ғоя ҳамдир.

Мирзо Бобур ўғлига ёзган мактубида “Севарларнинг итини ҳам севарлар” деган ниҳоятда ибратли фикр-ғояни илгари сурган. Унинг яна бир ғоясига эътиборни қаратайлик.

1505 йил Ҳусайн Бойқаронинг шайбонийлар қўшинига қарши кучни тўплаш таклифига:

“Эл оёқ билан борса, биз бош билан боргаймиз, эл таёқ билан борса, биз тош билан боргаймиз.”

Буюк Беҳбудий руслар ерли халқни “сарт” деб аташига қарши мақола ёзиб, жавоб қайтаради:

“Қабиласининг исмини ва етти отасининг отини билмайтурганларни кул-марқуқ дер.” Марқуқ атамаси Ч.Айтматовда манкуртизм даражасида бадиий ифодаланди.

Тарих - миллат тарихи. Ғурур ва фахр - тарихи. Бундай тарих Заки Валидий томонидан “Умумий турк тарихига кириш”, “Бугунги турк эли Туркистон ва унинг яқин тарихи” номи билан яратилган. Олим ғарбу шарқнинг турк эли ҳақида ёзган тарихини ўрганиб, ўзлаштириб, энг холис фикрларни саралаб ёзди. У бир неча тилларни билишга қодир бўлди. Хусусан, иккинчи китобида турк миллатининг хусусият ва сажиясини кўрсата билган.

“Ўрта турк” (ўзбек, қozoқ, қирғиз, татар, туркманлар) нинг қуввати ва маданияти Эрон ва Афғонистондан қолишмайди. Олимлари кам эмас, деҳқончиликда тенги йўқ. Ирригация ва деҳқончилик маданиятида Ҳиндистон ва Хитой билан рақобат қилади. Бу фикрлар - зикримиздаги китобда келтирилган.

Унда: “Қадим тарихда Осиёда ва Европада турк ва мўғул аралашмаган бирорта буюк байналмилал ҳодиса бўлган эмас. Турк бирорта мамлакатга шундай келмаганки, охирида у жамиятнинг тепасига кўтарилмаган бўлсин”, дейилади. Китобда туркнинг миллий фазилатлари саналади:

1. Туркнинг олижаноб аскарлик хусусияти. Ҳамиша қўрқмас, забардаст бўлган. Шунга яраша нозу неъмат яратган, истеъмол ҳам қилган.

2. Оламни кенг кўра билиш, келажакка баҳо бера олиш фазилати (Чингиз, Темур).

3. Юнон ҳайкалтарошликда, яхуд ва араб динда, француз адабиёт, инглиз иқтисодда, олмон мусиқа ва фалсафада, турк эса хулқи билан шуҳрат топган:

а) муқаддас нарса – элу юрт. Эл – омонлик дегани. Элчи-сулҳчи маъносини ифодалайди. Турк ҳокони бирор юртни қўлга киритса, уни бошқаришни шу юрт бошлиғига топширган. Ўзи эса ташқарида Элхон бўлиб турган. Ички ва чет эл давлати ташкил топган. (Темур, Бобур, Ҳусайн Бойқаро ҳаётидан ҳам бунга мисоллар келтириш мумкин);

б) оила, ахлоқда, ниҳоят покиза ва зукко бўлган. Уйланмак - уй эгаси бўлмоқ дегани. Янги оилага макон ва манзил қуриш анъанаси қатъий бўлган;

в) аёлларга эътибор ниҳоят кучли бўлган. Уларни бошқариш ишларида ҳам фаол қатнаштирганлар. Шу тарихий қарашларни ўрганиш, уни келажак миллий ғоя ва мафкура учун асқоттириш зиёлиларнинг вазифаси эди.

Ҳар бир миллатнинг феъл-атвори, табиатга муносабати, ҳаёт шароити, турмуш кўриниши, эътиқоди, тарихдан бери инкишоф этиб ва такомиллашиб борадиган фикру қарашларига **мафкура** дейилади. Бунга идора тузуми, эстетик завқи, қадрияти, маданияти, ахлоқ ва сиёсий қарашлари ҳам киради. Мафкура аслида ғоялар асосига қурилади. Ғоя эса мафкура билан йўғрилади. Улар бир-бирини тақозо ҳам қилади.

Шундай қилиб, ҳар қандай мафкура миллийлашиб, такомил тадрижига эришади. Қисқаси, мафкура миллий хусусиятлардан силқиб чиқадиган фикру қарашлар тизимидир.

2-асосий савол бўйича дарснинг мақсади. Жаидчиликнинг бош мақсадини тизимли амалга ошириш учун тузилган жамиятларнинг моҳият ва вазифаларини талабалар тушунчасига сингдириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Тузилган ижтимоий жамиятларни санай олади ва унинг моҳиятини тушунади.

2. Жаидчилик ижтимоий ҳаракат эканини қатор маълумотлар асосида изоҳлай олади.

2-саволнинг баёни:

Жаидчилик фанда узоқ вақтлар турлича баҳоланиб келинди. У “аксилинқилобчи” йўналиш деб ҳам юритилди. Ҳатто уни бироз оқлаш учун “маърифатпарварлик” оқим дейиш ҳам расм тусига кирди. Шунга қарамай жаидчилик бугунги тарих фанида ҳеч қандай бўялмай, қўшимча қилинмай ўз баҳосини олди.

А.В.Пясковский: “Шу вақтдан (1905-1917) эътиборан Туркистон “жаидчилик” деб танилган буржуа-либерал, миллатчилик ҳаракати кенг ёйила бошлади ва усули жаид мактаблари очиш ва тарғиб этиш, маданиятпарварлик сингари дастлабки тор доирасидан чиқиб, аниқ кўзга

ташланиб турувчи сиёсий бўёқ касб этди.” (А.В.Пясковский. Революция 1905-1917 годов в Туркистане, -М.; 1958, 543-б.)

У сиёсий ҳаракат эканини қуйидаги ижтимоий кўзғолонлар баралла тасдиқлайди.

1898 йил “Дукчи эшон воқеаси” сиёсий чиқиш эди, аммо уни (Муҳаммадали ҳалифани) фитначига чиқариб, воқеага бошқа тус ва баҳо берилди.

1892 йил Тошкент кўзғолони ҳам тарихий йўсин олди. Унинг фаол иштирокчиси Иномхўжа Умриёхўжаев ўлимига бағишлаб марсия ёзилди. Иккинчи бир фаол шахс Шарифхўжа қозига ҳам эъзозланган шеърлар яратилган.

Қисқаси, Туркистон ва Россия мусулмонларида жиддий ижтимоий кўзғалиш содир бўла бошлади. Улар ўртасида ҳамкорлик, бирлашиш ғоялари панисломизм, пантуркизм шаклида ниш кўрсатди.

Турк тарихини варақлар экансиз, Европага интилиш, тенглар орасида ўзини тенг кўриш масаласига киришиш Туркияда жуда эрта бошланган.

1879 йилда Салим III Европадан нимани олиш лозимлигини кун тартибга қўйди. “Низоми жаид”ни тузиб, ҳарбий тизимга жиддий ўзгартиришлар киритди. У муҳандислик ҳунарини кенг ривожлантирди. Англия, Франция ва Германияда элчихона очди.

Султон Маҳмуд II кўп босқичли мактаб, ибтидоий мажбурий таълим ва газетани йўлга қўйди. Соқол-мўйловини олиб, европача қиёфага кириб, омма орасида кўриниш берди. Бу европага “юз бур”, “юз бурдинг” дегани эди. Туркия тараққийпарварлари монархия бошқариш тизимини йиқитиб, парламент шаклида давлатни бошқариш йўлига ўтдики, бу ҳам катта силжиш эди.

Жамиятни янгилаш - усмонлилик ғояси тўлиқ шаклланди. Усмонли давлат таркибидаги барча халқ ва элатларни “усмонли миллат” деб номлаш йўлга қўйилди. Бу тарихда бор. АҚШдаги барча халқ “америкалик”; Афғонистондаги барча элат “афғон”; собиқ Шўродаги ҳатто ҳамма миллат “совет кишиси” номи билан юритилди. Усмонли миллат, дарвоқе, миллатнинг асл номи эмас, балки Кичик Осиёда қурилган давлат ташкилотчисининг исми. Бу давлат кейинчалик Конституция ҳам қабул қилди. Боринги, диннинг кучлилиги туфайли “усмонли миллат”, яъни барча мазҳабдаги миллатларни бирлаштириш ғояси ўрнига соф ислом давлати барпо қилинди. Ислом руҳидаги давлатда дин билан миллатнинг бирлиги масаласи биринчи режага чиқа бошлади. “Дин ва миллат бирдир” қонидаси қонун тусини олди.

Исмоилбек: “Исломиятнинг буюк бу қонидаси дин эътибори ила миллатдир”, деган эди.

Дин байроғи остида **“Иттиҳоди ислом”** (“Ислом бирлиги”) ташкил топди. Исломдаги уйғонишни ҳатто Ж.Неру ўз вақтида пайқаб айтган эди: “...мусулмонларнинг жуда катта қисми озодлик учун курашда етакчи рол ўйнади”.

1908 йилда “Россия мусулмонлари орасида замонавий ҳаракат” ва панисломизм шакллана бошлади, уни назорат қилиш ҳайъати тузилди. Аслида Туркистон исломчиларининг мақсади Россия таркибида бўлиб, дину диёнатни сақлаш, ўз эрklarини қўлдан бой бермасдан яшаш эди. Бу фикр ўша давр газеталарида ўз аксини топган. Хусусан, думада чиқиш қилувчи мусулмонлар нутқида ёрқин ифодаланган.

Мусулмонлар дунёси Ғарбга муносабатини очиқ қилиб қўйган эди.

- 1) Таассуб. Ғарбни рад этиш;
- 2) Ўтироф. Ғарбнинг ривожини тан олиб, унга жавоб берадиган муқобил тизим яратиш;
- 3) Эргашиш.

3–асосий савол бўйича дарснинг мақсади. Панисломизм ва пантуркизмнинг келиб чиқиш негизи ва уларнинг моҳиятини талабалар билимига кўчириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Панисломизм ва пантуркизмнинг келиб чиқиш назарий асосларини билади.
2. Панисломизм моҳиятини тушунтиради.
3. Пантуркизмнинг ғайриоддий қараш эканини идрок этади.

3-асосий саволнинг баёни:

Ислом барибир Ғарбнинг ўсишини тан олди, унинг ютуқларидан ўрганиш ва фойдаланиш муаммоларини ҳам ижобий деб топди. Шу боис бўлса керак, “модерн ислом” (замонавий мусулмонлик) тушунчаси туғилди. Бу бағоят катта ўзгариш эди.

Туркчилик қандай вужудга келди? У исломчиликдан кейин пайдо бўлган. Исломчилик миллатни тан олмайди. Туркчилик бутун турк, қолаверса, Россия таъқибидаги туркларни ҳам назарда тутар эди. Уларни иттифоқчиликка жалб қилиш ният қилинди.

Туркчиликнинг назариётчиларидан бири Юсуф Оқчура бўлиб, Истанбулдаги барча диндагиларни (ҳаммаси эмас, албатта) ҳам бирлаштириш ғояси билан чиқди. Бироқ юртдаги барча миллатнинг манфаатини ҳимоя қила олмаслиги унинг тор доирадаги ғоялигидан далолат беради.

Туркчилик “пантуркизм”га мубаддал бўлди. Ғарбда “пангерманизм”, “панславянизм” кенг қанот ёзган эди. Мажор Вамбери томонидан “пантуркизм” атама ва ғояси илгари сурилган. Панисломизмнинг Ғарбда иттифоқчиси ва таянчи йўқ эди. Пантуркизмда бу борада омад ёр эди. Англия Марказий Осиёдан русларни сиқиб чиқаришда Туркияни ўзига иттифоқчи қилишга тайёр эди.

“Пантуркизм” ўзиннинг имконият ва миллий илдизларига эга бўлган. Улар қуйидагилардан иборат:

- а) туркий халқлар асли бир оиладанлиги;
- б) маданиятларининг муштарак ва қадимийлиги;
- в) номусу ор миллий руҳнинг бош аломати эканлиги;
- г) тараққиётга юз тутиб, қадим шуҳратини тиклашга интилиш;

Туркчиликнинг бош мақсади “турк улусини юксалтирмоқдир”, бошқалар ички ишига дахл қилмасликдир. Аслида туркчилик ягона турк тилини давлат тилига айлантириш ғоясидан келиб чиққан. 1876 йилда Усмонли асосий қонун асосида турк тили давлат тили бўлиши, 1277 йилда элхонийлар, сўнг Ҳусайн Бойқаро ҳужжатларни туркий тилда юритишни талаб қилган. Бу жараён пантуркизм ғояси қўтарилганда Исмоилбек томонидан кун тартибига яна бошқатдан қўйилди. Ўрта турк тилини яратиш мақсадида турк тилини адабий тил даражасига айлантириш ҳаракати бошланди. Аммо у амалга ошмади. Бу ният истиқлол даврида яна бир марта кун тартибига қўйилди. Ўрта турк тили муаммоси кун тартибидан ўз-ўзидан тушиб кетди.

Панисломизм ва пантуркизм ўртасида рақобат, ажралиш кучайгандан кучайди. Биргина аруз ва бармоқ вазнига муносабатда ажралиш юзага келди. Арузчилар панисломизм, бармоқчилар пантуркизм тарафдорлари бўлиб чиқди. Ўзбек миллатчиси эса пантуркизмни ёқлаб, бармоқчилар тарафдори бўлдилар. Ҳатто Фитрат ва Чўлпон жадиदчи пантуркист бўлиш учун бармоқда ёзганлар. Фитрат:

“Мусо Беғиевнинг “Исломни ўзгартириб, шеър вазнини бузиш билан бизни ислом жамоасидан айирмоқ истадилар”, - деб қичқирган товуши ҳеч ҳам қулоғимдан кетмайди”, - деган эди.

Туркистон ўлкасида панисломизм ва пантуркизмнинг пайдо бўлишида жаҳондаги бошқа “изм”ларнинг таъсири ҳам бўлгани тайин. Аввал шуни айтиш лозимки, кичик давлатларнинг йириклашиб, ўзини ўзи ҳимоя қилиши ёки бошқаларга қарши туриш тамойили юзага кела бошлаган. Шулардан бири панславянизм ва пангерманизм ғоясидир. Панславянизм -Туркия ва Австрия-Венгрия зулмидан қутулиш ва уларга қарши биргалашиб курашиш ғояси. У XVIII асрда туғилган. Худди шунингдек, пангерманизм ҳам ягона герман мамлакатини ташкил қилиш борасида қилинган ҳаракат ва ғоявий оқимдир. У XIX асрда шаклланди. Ҳар икки “пан”ларнинг ўртасида муштараклик мавжуд. Унинг таъсири бошқа ўлка ва давлат тузумига ҳам кириб борди.

Турк султони Абдул Ҳамид II (1876-1909) Туркия давлат тузумида панисломизмни асосий мафкура майдони қилиб олди. Султон бу ғояни немис олимлари китобидан олгани тайин. Унинг бу ғояси кенг қанот ёзди. Дунё империализмига қарши курашишда бутун мусулмон дунёсини панисломизм ғоясига бирлаштириб, ҳаракат қилиш режаси амалиётда қўлланилди.

Ғарб олимлари мусулмон дунёсидаги диннинг кадр-қимматини шундай изоҳлайди:

“Ўтган асрларда уларнинг ихтиёрида дин бор эди. Унинг ақидаларига кўра дин руҳга ҳам, жисмга ҳам қаратилган. Дин уларга кеча-ю кундуз йўл кўрсатиб турган. Улар бутун ҳаётларини, урф-одатларини, еб-ичишларини, савдо-сотиқлари, оилавий турмушлари, сиёсатини шу машъалага қараб созлаб олишарди”.

Абдулҳамид динга ақл нурларини олиб кира бошлади. Бундай таълимот Туркистонда ҳам илдиз отди. Туркизм билан панисломизм ўртасида муштаракликнинг бўлишини биз юқорида қайд этдик.

Фан оламида туркизм билан панисломизмнинг ўзаро муштараклиги, бир-бирини тақозо қилиши ҳақида турлича мулоҳазалар учрайди. Жумладан, инглиз олими Т. Э. Лоурененинг айтишича:

“Шарқ мамлакатларида миллат ғояси тобора кучайиб боргач, у дин аҳллари ўрнини эгаллайди, дин рамзи ҳам шу ғоя билан алмашади. Бундан буён ҳаёт ва сиёсат тўғрисида фақат унга қараб муҳокама юритмоқ керак.”

Туркиялик Анварпошшо туркий давлатларни, яъни туркий тилли халқларни бирлаштириш ғояси билан чиққан.

Демак, Туркияда Абдул Ҳамид дин, Анварпошшо туркий забон халқлар-давлатларни бирлаштириш ғоясини олға сурган.

Фитрат Туркияда ўқишда эканлигида панисломизм таъсирида бўлган.

Пантуркизм (улуғ туркчилик) асосан XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, туркий забон халқларнинг чор Россия империясига қарши курашиш ғояси муносабати билан шаклланган. Ўз-ўзидан аёнки, бу ғоя Туркияда кенг доирада ривожу равнақ топган. Бу масалада Аҳмад Вофиқ пошшо, Зиё пошшо, Мирзо Фаттоҳ Охунзода кабиларнинг хизмати катта бўлгани, шубҳасиз.

Туркистон, Кавказorti халқ ва элатлари, жумладан, Россиядаги туркий забон улус биргалашиб, чор самодержавиесига қарши халқ ҳаракатини юзага келтиришга саъй-ҳаракат қилиш эди.

Бирлашишнинг шакли ва мазмуни ҳақида турли қарашлар бўлган. Панславянизм ва пангерменизм сингари Туркия давлати раҳбарлигида бирлашиш; умумтурк давлати ташкил қилиш, туркий давлатларнинг ўзаро келишиши ва биргаликда иш кўриши каби фикрлар бўлган. Барча туркий давлатлар Туркия атрофида бирлашишига икки куч қарши бўлган: 1) Туркия султони Мустафо Камол; 2) Озарбайжон сиёсий партияси “Мусофот”нинг раҳбарлари. Бутун дунё туркий халқларнинг ягона давлатини тузиш ҳам ҳаёл, орзу эди холос.

Октябр тўнтарилишидан кейин пантуркистлар ғоясида туб ўзгариш содир бўлди. Уларнинг шароитида бирмунча силжиш юзага келди. Ўз-ўзини мустақил идора қилиш тилаклари туғилди. Натижада Туркистон, Татаристон, Бошқирдистон ва Озарбайжонда миллий мухторият айна авж пардага чиқди. Кураш турли шакл ва мазмунда кенгая борди. Бу борада яна Туркия сардорлиқни қўлдан бой бермади. Туркия султони Мустафо Камол “туркийзабон халқлар доҳийси” деб топилди ва шундай номланди.

Бундай худудий ажралиш ва бирлашиш ғоясини англаган Россия империяси мафкурачилари томонидан жадидлар таъқибга кучлироқ олина бошланди.

Мустафо Камол тил, дин, маданият бирлиги ягона туркий давлатнинг барпо бўлиши учун етарли асос бўлмаслигини тушунган эди. Бу айтилган вақтда чоризм империясини тор-мор қилиш, унинг истилосидан қутулиш кураш ғоясини сусайтирган эмас. Акс ҳолда “Иттиҳод ва тараққий”, кейин “Миллий иттиҳод” деб номланган, “Шўройи ислом” (1917) ва “Шўройи уламо” (1917) каби кенгаш ва янги партияларни вужудга келтирди.

“Иттиҳод¹ ва тараққий”. Феврал инқилобидан сўнг Туркистонда ўқитувчилар жамияти, ҳарбий хизматчилар жамияти ва **“Турон”** (1913) номи билан -санъаткорлар жамияти тузилган. Уларнинг бош мақсади маҳаллий аҳолини куллик ва нодонликка қарши курашини таъминлаш, руҳонийлардан жабрланган тараққийпарварларни бирлаштириш эди. Боқиб Туркия забот этгач, кенгашнинг номидан “парвар” сўзи олиб ташланиб, “Иттиҳод ва тараққий”га айлантирилди. Унинг таркибида 7-8 киши бўлган, Туркманистонда, Ёлтисув ва бошқа вилоятларда ҳам жамият тузилди. Ҳар бир худудда таъсис этилган ва аниқ мутасаддиси белгиланган.

“Миллий истиқлол”² (1917). Бу ташкилот ниҳоятда махфий бўлиб, ташкилотчилари турк афандилари Усмонбек ва Зиёбеклар бўлган. Ҳар иккиси олдинма-кетин ташкилотга раис тайинланган.

Унинг мақсади ёш Шўро давлатини ағдариш бўлгани аниқ. Туркия билан алоқа боғлашган. Унга аъзо бўлувчи Қуръони карим ва маузер билан қасам ичиши шарт эди. Қори ва бошқаларнинг қисмати “Миллий истиқлол”нинг фожеага учраши билан боғланиб кетади. Унинг 50 нафардан зиёд аъзоси бўлиб, Андижон, Наманган, Фарғона, Самарқандда фаолият олиб боришган.

Ташкилотнинг бундай махфий ва жиддий ишлаши Шўро ҳокимиятига, биринчидан, ишончсизлик бўлса, иккинчидан, уни Европа тор-мор қилади, деб гумон қилганлар.

“Миллий истиқлол” тарқалиб кетди. Баъзилари “босмачилар” сафига қўшилдилар. Жумладан, Норбўтабек ҳам...

“Миллий истиқлол”нинг сиру асрори собиқ Иттифоқ бирлашган Бош сиёсий бошқармаси (ОГПУ) томонидан очилади. Барибир “улуғ туркчилик” бошқа номлар билан ўзга худудларда давом этган. Ҳатто хорижда унинг давомчилари бўлган.

Руҳонийлар икки вакили - Нуриддинбек ва Худоёрхоновни Туркияга юборади, деган гап тарқалади. Нуриддинбек хон авлодидан бўлиб, уни жамиятга руҳонийлар киритган эди.

Руҳонийлар Туркия орқали Англия билан тил бириктириши эҳтимолдан холи эмас эди. Юсуф Зиябек зудлик билан Туркияга жўнайди. Шу вақт

¹ Иттиҳод – бирлашиш. 1917 йил августда турк Усмонбек, Ҳайдар Афанди иштирокида Мунавварқори уйида тузилган.

² “Миллий истиқлол” ташкилоти ҳам бўлган.

Истанбул европаликлар томонидан ишғол қилинган эди. “Иттиҳод”³ шўро давлатининг мустаҳкам бўлиш “тарафдори” бўлиб чиқди, сабаби иккита: 1) Туркистон Англия кўлига ўтиб кетмаслиги; 2) меньшевиклар ҳукмронлиги ўрнатилса, Туркистон яна олдингидай қарам давлат ёки ўлка бўлиб қолар эди.

Зиябек Истанбулга руҳонийлар вакилининг борган-бормаганлигини билиш учун Содирхонни жўнатади. У натижасиз қайтгандан сўнг Истанбулга ўта кучли миссия жўнатиш фикри туғилади: тошкентликлар Убайдуллаҳўжаев (Асадуллаҳўжаев), Саидносир Миржалилов, самарқандликлардан Беҳбудий ва Мардонқул ҳамда бошқалар юборилади. Беҳбудий бошлиқ гуруҳ Қаршида кўлга тушади. Гуруҳнинг бирортаси ҳам Истанбулга етиб бормайди.

1919 йил январ воқеасидан сўнг Шўро ҳукумати мустаҳкамлангач, “Иттиҳод” Шўроларга ён боса бошлайди. Кўпчилик Шўро жамиятига ҳам ўтиб кетди. Улар Шўро ҳаракатига қўшилдилар. Натижада, “Иттиҳод ҳам тарқалиб кетди. Унинг ўрнига Шўроларни ёқловчи “Бирлик” кенгаши тузилди.

“Иттиҳод” Шўроларнинг бир масалада кўмак беришига ишонди. Шўро Туркистонга мухторлик бериб, Европа мамлакатлари қаторига қўшади, улар билан тенглаштиради, деган умидда эди. Шу боис барча тараққийлар Шўрога қўшилиб, уни қўллаб-қувватлади. “Иттиҳод” аслида Туркистон, Бухоро, Хивани биргаликда ягона турк давлати тузиш тарафдори бўлиб чиқмаган.

Феврал инқилобидан сўнг демократик федератив давлати ёки мухториятга эришиш, октябрдан сўнг эса мухториятга эга бўлишга янгитдан ишонч туғила бошлади. Шу фикрда қатъий қолинди.

Назорат учун масалалар:

- 1. Жадидчилик маърифатпарварлик оқим дейишлик ҳақида сиёсий-мафкуравий қарашларни тушунтиринг.
- 2. Жадидчилик ижтимоий ҳаракат эканини исботлашга уриниб кўринг.
- 3. Миллий ғоя тушунчасининг пайдо бўлиш асосларини изоҳланг.
- 4. Миллий мафкурани қандай тушундингиз.
- △ 5. Ижтимоий жамиятларни сананг ва моҳиятини айтинг.
- △ 6. “Иттиҳод” уюшмасининг ижтимоий фаолиятини гапиринг.
- 7. Панисломизмнинг моҳиятини тушунтиринг.
- △ 8. Пантуркизмнинг ғоявий мундарижасини сўзланг.
- △ 9. Туркчилик ва ўзбекчилик ҳаракати нимага қаратилган.
- 10. 20-йиллар пантуркизмнинг тақдирини изоҳланг.

Адабиётлар: 5,7,8.

³ “Турк одами марказияти”, “Иттиҳоди миллат”, “Бирлик” (1919), “Эрк” (1919), “Темур”, “Ботир гапчилар”. 1921 йилда “Туркистон миллий бирилиги” тарихда “босмачилар” номи қолди, аммо у миллий озодлик ҳаракатида муҳим рол ўйнаган.

2.2. Мухторият-мустақилликка илк қадам

Режа:

1. Туркистон мухториятининг низоми: мақсад ва вазифалари.
2. Мухторият эълон қилиниши ва унинг демократик тамойиллари.
3. Мухториятнинг тор-мор қилиниши.

Таянч тушунча ва иборалар: Туркистон мухторияти, Қўқон воқеаси, “Шўройи исломия”нинг тарихий тақдири, Туркистонда икки ҳокимиятчилик, мухториятнинг тор-мор қилиниши.

1-асосий савол бўйича дарснинг мақсади. Туркистон мухториятининг ташкил топиш тарихий шарт-шароити, унинг низоми, мақсад ва вазифаларини талабалар шуурига сингдириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Туркистон мухториятининг низоми, мақсад ва вазифаларини тушунтира олади.
2. “Шўройи исломия”нинг IV қурултойи қарорлари мазмунини англайди.
3. Мухториятнинг демократик характерини тушунади.

1-асосий саволнинг баёни:

Чоризмнинг сўнгги вакили Николай II салтанати 1917 йил феврал буржуа инқилоби туфайли тор-мор қилинди. Тўрт юз йиллик романовлар сулоласи империяси ўрнига Муваққат ҳукумат таъсис этилди. Бунинг натижасида баъзи қарам давлат ўз мустақиллигини қўлга олишга ва (Финляндия, Польша, Болтиқбўйи ва Украинада) эркин бўлишга ҳаракат бошлади.

Чоризм истибдодидан қутилган давлатлар ўзининг мустақиллигига эришишга, ўз юртига ўзи хўжайин бўлишга интилиб, турли ташкилот ва уюшмалар таъсис этишга ҳаракат қилди. Жумладан, **“Шўройи исломия”** (шўро-кенгаш, яъни Ислом кенгаши, Тошкент, 1917 й. март) тузилди.

“Шўройи исломия” бўлинмалари барча шаҳарларда тузилиб, ундан **“Шўройи уламо”** ажралиб чиқди. Раҳбари Шерали Лапин эди. “Уламо” жамияти “Ҳалифалик”, “Маҳкамаи шариат” ғоясини илгари суриб, реал воқеликдан узилиб қолганликларини воқиф этдилар. Улар Тошкентда (сентябр) ўз қурултойларини чақириб, ижтимоий-сиёсий тузум ва унинг бошқарув тизимларини ишлаб чиқди. Қурултой “Туркистон мухторияти” (мухторият сўзи ихтиёр қилинган, соҳиб ихтиёр маъносида)ни таъсис этиш борасида қарор қабул қилди.

Мустақилликка Россия ва Туркистон большевиклари тамоман зид эди. Бунинг таъсирида Тошкент Совет комиссариати Туркистон мусулмонлари ваколати съездининг ҳукуматни ерли халқ зиммасига бериш борасидаги

қарорини рад этди. Совет Комиссариати инқилобий қўмига ерли халқ вакили аъзо бўлишини инкор қилди. Натижада Марказий “Шўройи исломия” мустақиллик учун олиб борилаётган ҳаракатда ўзи алоҳида бўлиб, саъйю ҳаракат қилишни маъқул топди. Тошкент Совет комиссариати билан “Шўройи исломия” келишолмагандан (ХСК тўсқинлик қилган) сўнг “Исломия” ўз фаолиятини Қўқонда олиб боришга қарор қилди.

1917 йил 26 ноябрда Қўқон шаҳрида Ўлка мусулмонларининг IV Ҳақулодда съезди чақирилди. Съездда ҳудуд ва уюшмалардан 200 нафар вакил қатнашди. Кун тартибига ўлкани бошқариш шакли, мусулмонлар шўросини қайта сайлаш, Туркистон таъсис мажлиси, милиция, молия масалалари қўйилди.

Аъзолар турли вилоятлардан бўлиш билан бирга миллий яҳудийлар вакиллари ҳам иштирок этган. Бу жиҳатдан съезд иштирокчиларининг жуғрофий кенглиги таъминланган. Беҳбудий бу ҳолатни кўриб, қувонганидан вакилларни рус, яҳудий ва бошқа миллатлардан ҳам олинишини ёқлаб чиққан ва: “Съезд қарорлари шунинг учун ҳам катта маъкега сазоворки, унда Туркистоннинг оврупалик аҳолиси вакиллари ҳам қатнашмоқда”, деган.

Съезд ниҳоятда тортишув, мунозарали тарзда ўтган. Шерали Лапин бошлиқ уламочилар съезддан чиқариб юборилган (Улар (ТМ-Ҳ.М.) шу вақтгача бизнинг манфаатимиз учун ҳеч нарса қилгани йўқ” деб чиқишди). Ниҳоят мунозарадан сўнг Шерали Лапин раҳбарлигидаги уламочилар съездга қайтарилган ва унинг бошлиғи билан радикал унсурларнинг келишмовчиликлари ўз ечимини топди.

28 ноябрда ташкил топган давлатнинг номи “Туркистон мухторияти” деб номланадиган бўлди. Таъсис съезди чақирилгунга қадар ҳокимиятни Туркистон Муваққат кенгаши ва Халқ (миллий) мажлиси бошқарадиган бўлди.

Съезд аъзолари ҳар қандай тортишувни бартараф этиб, Муваққат ҳукуматнинг таркибини сайладилар. Таркибга 12 нафар киши киритилди. 8 нафар аъзо шу съезднинг ўзида сайланди: Муҳаммадjon Тинишпоев - бош вазир, ички ишлар вазири (раис), Ислом Султон - вазир ўринбосари, Мустафо Чўқаев - Кенгаш Марказий Қўмитасининг раиси, Убайдулла Ҳўжаев - ҳарбий вазир, Юрали Агаев -ер ва сув бойликлари вазири, Обиджон Маҳмудов - озиқ-овқат вазири, Абдурахмон Ўразаев - ички ишлар вазирининг ўринбосари. Қолган 4 ўрин бошқа миллат вакилларига ажратилган эди.

Туркистон Муваққат кенгашига 54 нафар киши, шундан 18 нафари бошқа миллат вакиллари сайланди.

Туркистон Муваққат кенгаши - Миллий мажлисга уламолар раҳбари Шерали Лапин ҳам киритилди, аммо у ўзини ўзи рад этди (Сабаби номаълум).

“Туркистон мухторияти”нинг Низоми матбуотда чоп этилди. Низомнома Мунавварқори, Беҳбудий ва бошқалар томонидан ёзилган У кўпгина бошқа

давлатлар томонидан эътироф этилди ва Низомдаги давлат тузуми бугунги демократияга жуда ўхшаб кетиши билан характерланади:

- Россия Федератив таркибида ҳудудий мухтор бўлиш;
- Россия армиясини чиқариб, миллий армия тузиш;
- миллий валюта чиқариш.

Жадидлар зўравон Россиянинг чангалидан бирданига чиқиб кетиш мумкин эмаслигини тушуниб, аввал федерация, сўнг мутлақ мустақилликка эришиш ғоясини тўғри, деб топдилар.

Съезд қарор асосида “Туркистонни Федератив Россия республикаси таркибида ҳудудий жиҳатдан мухтор”, деб эълон қилди.

В.И.Ленин ва И.В.Сталин имзолари билан чиққан ва эълон қилинган “Россия халқлари ҳуқуқлари Декларацияси”, “Шарқнинг барча мусулмонлари ва меҳнаткашларига мурожаатномаси”да: 1) Россия халқларининг ажралиб чиқиши ва мустақил давлат ташкил қилишгача бўлган ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи; 2) “барча миллий ва миллий диний имтиёзлар ва чекланишларни ман этиш” каби фуқаролик ҳуқуқлари амалда берилмади.

2-асосий савол бўйича дарснинг мақсади. Мухториятни таъсис этиш бўйича чақирилган қурултой қарорлари, мухторият эълон қилиниши ва унинг демократик тамойилдаги ҳокимият тизими ҳақида талабаларга билим бериш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Мухториятни ерли аҳоли ва бошқа миллатга хос халқларнинг қўллаб-қувватлашини тушунтиради.
2. Мухторият олқишланган бадиий асарлар ҳақида тасаввур бера олади.

2-асосий саволнинг баёни:

Туркистон мухториятининг эълон қилиниши ўлка аҳолисининг шов-шув кўтаришига, албатта, боис бўлди. Чунки 8 ойдан буён мустақилликни талаб қилган жадидларга эътибор берилмади. Мухториятни қўллаб-қувватлаб, жойларда митинг, учрашувлар ва олқишлар бўлди.

Қурултойда мухторият ҳақида қабул қилинган қарор 6 декабр Тошкент жоме масжидида 60 минг кишилик йиғинда қўллаб-қувватланди. Туркистонда Муваққат ҳукуматдан бошқа ҳукуматни тан олмаслик ҳақида “Омин, Оллоҳу акбар!” дея фотиҳа тортишди. Халқ кенгашига содиқ қолишга қасамёд қилишди.

Митингда қарор қабул қилинган. Унда Россия инқилоби шарофати билан Россиянинг қўллаб-қувватлаши билан мухториятга эга бўлдик. “Туркистон Мухторияти амалий суратда тезроқ вужудга келиши учун тинч-тотувликни сақлашимиз керак.

Яшасун мухториятли Туркистон” дейилган.

Наманганда (1 декабр) 100 минг нафар, Жалолободда (6 декабр) 10 минг нафар кишилар, Қўқонда (7 декабр) 42 жамоат ташкилотлари мухториятни қутлашганлар.

Самарқандда вилоят Совети, Кавказортида съезд чақирилиб, Туркистон мухториятига қўшилиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Мухториятнинг мазмун-моҳиятини ёритувчи мақолалар Беҳбудий, Фитрат, Мунавварқори, Мирмуҳсин Шермуҳаммедов, Чўлпон, Ислом Шоаҳмедовлар томонидан эълон қилинди.

Туркистон мухториятининг таъсис этилиши сиёсий-ижтимоий доирада кўзғалиш ва силжишларнигина бериб қолмасдан, шаклланиб, такомиллашиб бораётган жаҳид адабиётига жиддий туртки берди. Бадиий адабиёт Туркистон мухториятини олқишлаб, ўзининг мавзу ва жанр доираларини кенгайтди, бойитди. Ҳамма вақт публицистика бадиий адабиётнинг элчиси бўлганидек, мухторият ҳам дастлаб публицистикада олқишланди. Даврий газеталар - “Улуғ Туркистон”, “Эл байроғи”да эълон қилинган қатор мақолаларда мухториятни табриклаб, омад тилаб чиқилди. 1917 йил 7 декабрида Тошкент жоме масжидида 60 минг нафар аҳоли йиғилди, унда Мунавварқори нутқ сўзлаб, мухториятни қўллаб-қувватлади. Тошкентнинг кўчаларида “Туркистон ўлкасига мухторият” шиори билан намойиш ва митингга одамлар оқиб кела бошлаган. Жумладан, буюк Фитрат “Мухторият” унвонидаги публицистик мақоласида шунини ёзади:

“... Шул чоғда тушган руҳимизни кўтармоқ учун шул қоп-қоронғу дунёнинг узоқ бир еринда ойдин бир юлдуз ярқираб турар эди. Бирор нарсага ўтмаган кўзимиз шунини кўкрар эди. Ул нима? Туркистон мухторияти!” (“Хуррият”, 5 декабрь, 1917 йил).

Ҳамза “Мухторият ва автономия” драматик асар ва “Мухториятина” публицистик шеър ҳам битди. “Шўройи исломия”нинг айрим вакиллари қатъият билан равишда танқид остига олинган.

Шеърнинг дастлабки банди шундай бошланади:

Тўрт юз йиллик романовлар биткач давлати,
Кўтарилди асорат, хўрлик зулмати.

Яна:

Насиб ўлди миллатига қайтиб шавкати
Қутлуғ бўлсин Туркистон мухторияти!

Шеърнинг ҳар бир бандидан Туркистон тарихига мурожаат қилиниши, Чингиз, Темурбек ва ўлган сипоҳилар арвоғи қўллаб-қувватлаши, турк, араб, афғон, ҳинднинг бирлашиши ҳақида илиқ мисралар ўрин олган. Туркнинг янги замони келгани, у жаҳонга машҳур бўлиб кетиши бегумонлиги борасида фикр давом эттирилади.

Сўнг байт:

Яшасун энди бирлашиб ислом миллати!
Яшасун бу турк ўғлининг мангу давлати!
 (“Улуғ Туркистон”, 1918 йил, 11 январь.)

Туркистон мухториятини табриклаш, уни қўллаб-қувватлаш матбуотлар ва тегишли юридик муассасаларда бўлди. Халқ 1917 йил ноябр, декабр, 1918 йил январ ойларида намоишга чиқиб, мухториятни сидқидилдан муборакбод қилдилар.

3-асосий савол бўйича дарснинг мақсади. Туркистон халқ Комиссарлари кенгашининг мухториятга салбий муносабати, унинг тор-мор қилиниш сабаблари, миллий фидойи фаоллар гуруҳининг ташкил топиш жараёнини талабалар билимига кўчириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Туркистон ХКСнинг мухториятга муносабатини айта олади.
2. Мухториятнинг тор-мор қилиниш сабабларини билади.
3. Мухторият мустақилликка қўйилган илк қадам эканини тушунтира билади.

3-асосий саволнинг баёни:

Таассуфки, Туркистон ХКС – Халқ Комиссарлари Совети мухториятни табриклаш у ёқда турсин, унга қарши туриб, йиқитишга тиш-тирноғи билан курашди.

ХКС вакилларида бири, комиссар Павел Полторацкий Туркистон мухтор давлатини буржуазия ҳукумати, деб айюҳаннос солди (“биз камбағаллар мухториятига қарши эмасмиз, биз бойлар мухториятига қаршимиз”, деган). Бу фикр большевикларни қаттиқ чўчитиб юборди. ХКС мухториятни тан олмаслигини эълон қилди.

ТМ – Туркистон мухторияти ўзининг ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун барча чораларни кўра бошлади. 1918 йил 25 декабр Туркистон ишчи аскар ва деҳқон депутатларининг биринчи съезди чақирилиб, Ленинга шундай телеграмма жўнатилади:

“Тошкент Халқ Комиссарлари Советига ҳокимиятни Туркистон Муваққат ҳукуматига топшириш тўғрисида фармойиш беришингизни сўраймиз”.

ТХКС раиси Ф.Колесов Петербург ХКСига шундай телеграмма жўнатади: “Қўқонда реакцион буржуазия томонидан тайёрланган мусулмонлар съезди Туркистон мухториятини эълон қилди... Шу йил 13 декабрда Муҳаммад пайғамбар туғилган кунда Тошкентда мухторият эълон қилинди.”

Телеграммага Петербургдан шундай жавоб келади: “Жойларда ҳокимият сиз ўзингиз, демак, сиз ўзингиз буйруқларни ишлаб чиқинг.”

Ушбу телеграммага Миллат иши бўйича комиссар И.В.Сталиндан шундай жавоб келади: “... агар комиссариатни истамасангиз, уни куч билан

йўқота биласиз.” Сталин Туркистон мухториятининг қўлида куч йўқлигини яхши билиб, шундай жавоб қайтарган.

ХКС маҳаллий халқнинг талабини қондирмади. Уларнинг вакиллари таъқиб қилишга жидду жаҳд қила бошлади. Гўё маҳаллий халқ вакиллари давлат бошқариш ишида фаол иштирок этишга ноқобил эмиш.

Қисқаси, ТМ раҳбарияти ва вакиллари қатағон қилина бошланди. Уларни давлат бошқариш ишига аралаштирмасликнинг бош сабаби ТМ вакиллари **синфий ташкилотда** ишламагани, **пролетар ишида** иштирок этмагани эмиш. Албатта, бу асосий боис бўлолмас эди.

ХКС мухториятни иқтисодий жиҳатдан танг аҳволга тушириб қўйиш мақсадида уни қўллаб-қувватловчи шахс, уюшмаларнинг маблағини мусодара қилиш борасида қарор чиқарди. Ташқаридан келадиган мададларни ҳам тўсиб қўйди. Тошкент шаҳар думаси тарқатиб юборилди. Шунга қарамай, мухториятчилар ҳаракатни жиддий тусга киритдилар. Қўллаб-қувватлаш учун маблағ тушуми туша бошлади. Бутун бошли босмаҳоналар мухториятчилар қўлига ўтди. Ички ишлар вазири Убайдулла Хўжаев раҳбарлигида 2 минг кишилик миллий армия ташкил этилди.

Айни долзарб пайтда Тошкент билан Қўқон ўртасида катта зиддият пайдо бўлди ва кучайди. Ҳар икки шаҳардаги ҳукумат кенгашлари бир-бирига қарама-қарши қарорлар чиқарди.

Шундай қилиб, Туркистонда икки ҳокимиятчилик пайдо бўлди. Мухториятчилар вазиятдан фойдаланмоқчи бўлиб, Халқ комиссариати эгаллаб турган Қўқон қўрғонига ҳужум бошладилар.

Мухториятчиларнинг орасида бузилиш юзага келди. Натижада 1918 йил 18 февралда “Уламо” жамияти куткуси билан Мухториятда тўнтарилиш юз берди. Мустафо Чўқаев бошчилигидаги ҳукумат маҳкамаси ағдарилди. Қўрбоши Эргаш уламолар томонидан “Қўқон хони” деб эълон қилинди. Икки ярим ой (72 кун) ҳукм сурган Қўқон мухторияти тор-мор қилинди. Унинг 8 нафар аъзоси шу жойнинг ўзида отиб ташланди. Раис Мустафо Чўқаев хорижга, Ҳамза Туркистонга кетишга мажбур бўлди.

Халқлар ўз ҳуқуқини ўзи белгилайди маъносида Декларация чиқарган большевиклар шу тариқа мухторият талаб қилган халқни қон қақшатдилар. Демократик давлат қуриш ғояси энди куртак отаётган эди, у эзиб ташланди.

ХКС раиси Фёдор Колесов ва раҳбарият вакилларида бири Успенскийлар ТМ раҳбарларини қатл қилиш чорасини кўрди.

“Михаил Архангель Иттифоқи” аъзоси Успенский шундай деган эди:

“Ўртоқ мусурмонлар! Сизлар ука бўласизлар, тушунарлики, бизга бўйсунушга мажбурсиз. Бўйсунушга мажбур этишдан иборат қонли жанг бошланади”.

Хуллас, ўртада уруш бошланиб кетади. Фарғона шаҳар ҳарбий қўмондони К.Осипов ТМ вакиллари қатл қилишни бошлади. Бунга зид равишда ТМ раҳбарияти ғазовот урушини эълон қилди.

Тошкентдаги ўлка ҳарбий комиссари Е.Перфильев катта куч билан Қўқон шаҳрига бостириб кирди. “Перфильевчилар ва Дошнокпутю” номли алоҳида арман жаллодлари шаҳарни портлатувчи моддалар билан аланга олдирдилар. Қирғинбарот ва даҳшатли уруш мисли кўрилмаган даражада фожеали бўлди. Ўлка кишилари талон-тарож қилинди, хотин-қизлари номусига тегилди, қисқаси, шаҳар ҳар томонлама вайрон қилинди. Мухториятнинг маҳкамасигина эмас, уни қўллаб-қувватлаб чиққан шаҳар аҳолиси мажақлаб ташланди.

Ватанпарвар тарихчи олим Боймирза Ҳайитнинг маълумот беришича, Қўқон шаҳри уч кун мобайнида ёндирилган. 10 минг нафар киши ўлдирилган. Фарғона водийсида 200 га яқин қишлоққа ўт қўйилган. Марғилонда 7000 нафар, Андижонда 6000 нафар, Наманганда 2000 нафар, Бўзкўрғон ва Қўқон қишлоқда 1500 нафар одам қатл қилинган.

ТХКС нинг бундай хоинлиги, шовинистик сиёсати ўлкада фидойи курашчилар гуруҳининг ташкил топишига боис бўлди. Натижада ерли халқ орасида ватанпараст гуруҳининг етишиб чиқишини жадаллаштириш билан бирга уларнинг курашчанлик фаолиятини янада кучайтирди.

В.И.Лениннинг миллатлар ўз тақдирини ўзи белгилайди, деган фикрига қарши равишда ўлкада тўс-тўполон юзага келди. Туркистон Марказий ижроия комитетининг раиси А.А.Казаков “Ўлкада 95 фоиз мусулмон 5 фоиз русга бўйсунити керак” деган фикрни билдирган. Озчиликнинг ҳукмронлиги давом этишини талаб ҳам қилган эди.

Мухторият нафақат Туркистонда, балки Украина ва Татаристонда ҳам амалга оша бошлаган эди. Аммо ТМ энг катта талофот кўрди.

Назорат учун масалалар:

- 1. 1917 йилдан кейин янги бошқарув шаклидаги давлатчилик учун кураш.
- 2. “Марказий Шўройи исломия” жамиятининг мустақиллик учун қилган саъй-ҳаракатлари ва хатолари.
- 3. Ўлка мусулмонларининг IV ғавқулодда съезди материалларининг мазмуни.
- 4. Миллий Муваққат ҳукумат ва унинг таркиби демократик характерда бўлиши.
- 5. 1917 йил 27 ноябр Мухториятнинг эълон қилиниши ва жойлардаги митинглар.
- 6. Большевикларнинг мухториятга муносабати, унга ён босганларнинг молу мулки мусодара қилиниши.
- Δ 7. Жаҳидларнинг мухториятни ҳимоя қилиш учун кўрган чора-тадбирлари.
- Δ 8. Мухториятнинг тор-мор қилиниши.
- Δ 9. Шўро мафкурасида мухториятнинг баҳоланиши.

Δ 10. “Босмачилар” ва “истиқлолчилар” масаласи.

Адабиётлар: 1, 5,7,8.

3. Жаид адабиётининг асосий хусусиятлари

3.1. Жаидчилик – жаид адабиётининг бешиги

Режа:

1. Адабиёт-миллат ойнаси.
2. Жаид адабиёти ва янгича эстетик қарашлар.
3. Жаид адабиётининг мавзу ва образлар ранг-баранглиги.

Таянч тушунча ва иборалар: Уйғониш, миллий уйғониш, маҳаллийчилик, жаид адабиёти, Миллий уйғониш даври адабиёти.

1-асосий савол бўйича дарснинг мақсади. Жаидчилик жаид адабиётининг асоси бўлиб, унинг ғоявий-бадий, эстетик йўналишларини белгилашини талабалар шуурига сингдириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Жаидчиликнинг ғоявий-мафкуравий тамойилларини англайди.
2. Жаидчилик жаид адабиётининг асоси эканини пайқайди.
3. Жаидчилик жаид адабиётининг бадий пафосини белгилаб беришини идрок этади.

1-асосий саволнинг баёни:

Уйғониш – цивилизация¹ тарихида (бу сўз аввал давлат тараққиётига, сўнг илм-фан ва ижтимоий тараққиётга нисбатан қўлланилган) французча “Ренессанс”, русча “Возрождение” деб юритилган. Бу сўзлар англатган маъно ўзбекча “уйғониш” сўзи билан ифодаланган.

“Уйғониш” атамасининг тарихига келсак, у антик адабиётнинг мислсиз тараққиёт даврига нисбатан илк маротаба қўлланилган. Ундан сўнг илм-фан ривожу равнақига нисбатан ишлатилган. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти атамаси заҳматкаш адабиётшунос, жаидшунос Бегали Қосимовга мансублигини мамнунлик билан қайд этиш зарур.

Уйғониш тушунчаси шаҳар маданиятининг салмоқли ўсиши, илм-фаннинг қомусий олимлари етишиб чиқиши, инсонпарварликнинг ижтимоий-маънавий турмушнинг барча соҳаларига кириб боришини англатади.

¹ “Цивилизация” сўзи лотинча civilize сўздан олинган бўлиб, фуқаровий, давлатий маъносини билдиради. 1)маданият; 2) тараққиёт. Тараққиёт босқичлари маъносида.

“Маданият” сўзи эса арабча бўлиб, “мадина” сўзидан келиб чиққан. “Мадина” шаҳар маъносини ифодалайди.

Миллат – natsio Навоийда этнос (эл, элат), Қуръони каримда дин, мазҳаб маъносида қўлланилган. Бу атаманинг ижтимоий-фалсафий маъноси жади́дчи́лик даврида кенгайди, бошқача айтганда, асл мазмунига эга бўлди.

Уйғониш адабиётда ҳам, илм-фанда ҳам содир бўлгани кўхна тарихдан аён. Бадиий адабиётда антик давр, илм-фанда IX-XVI асрларда Уйғониш даври кузатилади. Уйғониш сўзига “миллат” сўзи қўшилиб, “миллий уйғониш” бирикмаси ҳосил бўлган. Уйғониш билан миллий Уйғониш атамасини мутлақо фарқлаш зарур. Уйғонишда давлат, илм-фан, адабиёт ва маданият тараққиётини, миллий уйғонишда эса миллий ўзлиқни англаш назарда тўтилади.

Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти XIX асрнинг иккинчи ярми XX асрнинг бошларини ўз ичига қамраб олади. Шу ўринда Миллий уйғониш даври адабиёти ва жади́д адабиёти атамаларининг фанда истеъмолга кириши бевосита истиқлолнинг “меваси” ва самараси демоқ даркор. Авваллари бу давр адабиёти “буржуа даври ўзбек адабиёти”, “уч революция даври ўзбек адабиёти”, “маърифатпарварлик даври ўзбек адабиёти” (Қ.Йўлдошев), “ўзбек демократик адабиёти” (Ғ.Каримов) каби номлар билан аталган. Кейинчалик “инқилобий адабиёт” атамаси баъзи адабиётшуносларга ёқиб тушди шекилли, юқорида зикр қилинган ва ўшандай номланган адабиётдан инқилобий мазмун ҳамда руҳ изланди. Негаки, Шўро адабиёти инқилобий ҳаракат, мазмун ва ғоя билан боғлиқ, гўё бу октябр тўнтарилишидан кейин туғилган адабиётнинг томирларини теранлаштириш, “тана”сини мустаҳкамлаш эди. Ҳолбуки, бу даврда октябр тўнтарилиши ҳақида онда-сонда мадҳия, шеърлар, айрим публицистик мақолалар ёзилган. Улар авваламбор кам сонли бўлиб, яхлит адабиётни ташкил этмас эди. Қолаверса, шўро адабиётининг намуналари деб баҳоланган адабий ҳодисалар “моҳият эътибори билан жади́д адабиётининг намуналаридир” (О.Шарафиддинов). “Мухторият билан бирга жади́дчи́лик ҳаракати ва унинг адабиёти ҳам ўз фаолиятини тугатди” [6.21], “Мустақиллик даври адабиёти” дарслигида эса: “Миллий уйғониш минтақамизда жади́дчи́лик шаклида намоён бўлгани, [9.52]” 10-йилларда жади́д матбуоти билан биргаликда жади́д адабиёти ҳам майдонга келди. Бу адабиёт асосан 1905-1918 йилларда шаклланиб, Туркистон мухториятининг мағлубиятга учраши билан ўз умрини тугатди ва унинг аксар вакиллари шўро ҳокимияти билан муросага келишдилар [6.18]. Кези келганда шуни ҳам таъкидлаш ўринлики, жади́д адабиёти ўз фаолиятини Туркистон мухторияти тор-мор қилингандан сўнг тугатган каби фикрлар мунозаралидир. Бу фикрлар янги адабиётни 1917 йилдан бошлаш ҳақидаги қарашни тасдиқлаш учун айтилгандек туюлади. Ҳолбуки, янги ўзбек адабиёти салмоқ ва салоҳият жиҳатидан 1925 йилдан шакллана бошланган.

Адабиётшунос О.Шарафиддиновнинг таъкидлашича, “30-йилларда айрим “марксист” адабиётшуносларнинг “жади́длар бирор салмоққа эга

бўлган адабиётларини ярата олмай тарих саҳнасидан ғойиб бўлдилар” деган даъволари ҳам мутлақо асоссиз бўлиб чиқади.

Қисқаси, Исмоилбек “Таржимон”нинг 1906 йил сонларида “Оқгул дастаси ёки адабиёти жадида хизматлари” сарлавҳаси остида материаллар бериб борганки, жадид адабиёти атамаси ҳам унинг номи билан боғлиқ.

Зикр қилинган давр ўн асрлик ўзбек адабиёти тарихида ғоят муҳим босқични ташкил қилади. Бу даврга келиб, адабиёт “миллат ойнаси” (Авлоний)га айланди. Миллий уйғониш даври адабиёти жадид адабиёти бағрида шаклланди ва вояга етди. Жадид адабиёти эса жадидчилик ижтимоий ҳаракатининг бевосита адабий-бадиий ифодаси эди. У шунчаки, воқеликнинг адабий жиҳатдан қайди эмас, балки яхлит ва мустақил адабиёт эди. Шунингдек, XX аср адабиётининг ибтидосини ҳам бошлаб берди.

Унинг муҳим хизматларидан бири зиллатга ботган ўлканинг мудроқлиги, ўз ҳолини тушунмасликдан тушуниш ва мустақиллик учун кураш жараёнини идрок этиб, бадиий ифодаланиши бўлди. Бундан бошқа хусусияти шундаки, жаҳон адабиёти андозаларидан ўрганди, тажрибаларини қабул қилди, мазмун-мундарижаси кенгайди, адабий жанрлари янгиланди. Анъанавий шеърят янги хусусият, пафос, тимсол ва образларга эга бўлди.

Бармоқ ва сарбаст (Ҳамза “шеъри мансур” деган) вазн кенг қанот ёзди. Адабиётнинг жуғрофий ҳудуди ҳам кенгайди. XVII-XIX асрларда фақат уч хонлик ҳудуди ўзбек адабиётини ташкил қилинган бўлса, бу даврга келиб, бутун Туркистон ўзбек адабиёти ҳудуди ҳисобланди. «Замонавий реалистик адабиёт майдонга келди» (Б.Қосимов).

Миллий уйғониш даври адабиётини икки босқичга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир:

- 1) миллий уйғониш даври адабиётининг илк босқичи (XIX аср охирилари);
- 2) ижтимоий ва миллий курашлар даври (XX асрнинг биринчи чораги).

Биринчи давр аниқ йиллар ҳисобида 1965-1905-йиллар; иккинчи давр – 1905-1917, 1917-1925-йилларни ўз ичига олади. Шундан 1905 ва 1929 йиллар жадид адабиёти даврига киради. Унинг энг авж нуқтаси 1910-1925-йилларни ташкил қилади.

2-савол бўйича дарснинг мақсади. Жадид адабиётида энди шаклланаётган бадиий-эстетик қарашларни талабалар билимига кўчириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Мумтоз адабиёт билан жадид адабиётининг фарқини идрок этади.
2. Жадид адабиётининг янги эстетик қарашларини тушунтира билади.

2-саволнинг баёни:

Миллий уйғониш даври ва унинг таркибий қисми жадид адабиёти ҳақиқий маънода ўзбек реалистик адабиёти бўлиб, тарихдан мустаҳкам ўрин

олди. Бундан ташқари, бу давр миллий ғоя ва мафкуранинг илк шаклланиш даври эканини ҳам ҳисобга олишимиз керак. Шу маънода Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти ва унинг узвий қисми жаҳид адабиёти мустақилликнинг шарофати туфайли ўрганилди ва шундай номланди. Акс ҳолда Шўро даврида бундай ном ва талқин қилишга йўл бўлсин эди.

Жаҳидчилик – ижтимоий-маънавий ҳаётни янгилаш тушунчасини англатади. Жаҳидчилик исломчилик (панисломизм), туркчилик (пантуркизм) ва маҳаллийчилик (ўзбекчилик) кўринишлари билан бирга содир бўлган. Бу тушунчалар Туркистондаги ижтимоий шарт-шароит, ҳаракат ва жаҳид зиёлиларининг қарашлари билан боғлиқ. Фитратнинг қарашича, Туркистонда исломчилик ва туркчилик чор Россиясининг буюк миллат сиёсатига ўлароқ зид равишда пайдо бўлган.

Маҳаллийчилик (ўзбекчилик) 1918-1920-йилларда Биринчи жаҳон урушида асрга тушган турк зиёлиларининг Туркистондаги маориф соҳасидаги фаолиятга иштирок этиб, усмонли туркчиликни кенг жабада тарғиб қилиш ва уни маҳаллий халқ ўртасида ёйишига ўзбек зиёлилари монелик кўрсатиш шаклида намоён бўлган.

Профессор Б.Қосимовнинг таъкидлашича, исломчилик, туркчилик ва маҳаллийчилик XX асрнинг 20-йилларида мутлақо барҳам топган.

Миллий уйғониш атамаси – миллат ва уйғониш сўзидан ясалган. Миллий уйғониш – миллатнинг ўзлигини англаш жараёни бўлиб, у ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олди. Мустақиллик даври тарих мутахассисларининг гувоҳлик беришича, “босмачилар” деб аталган ҳаракат ҳам аслида миллий уйғониш ва мустақиллик учун кураш олиб борганлар ҳаракати билан боғлиқ.

Адабиёт - миллат кўзгуси. Жаҳидчилик янги мазмун ва шаклдаги жаҳид адабиётининг бешигини тебратди. Адабиётнинг халқ ҳаёти билан яқинлашиши мана шу даврда кучли кечди. Улуғ сиймо Авлоний шеърининг бир мисрасида:

“Ойинайи ҳар миллат эрур тил-адабиёт”, деб бежиз айтилмаган.

Жаҳид адабиёти даврида Европа, хусусан, рус маданияти ва адабиётининг таъсири тобора кучайиб бораётган эди. Бунинг: 1) ижобий томонини олиш; 2) салбий жиҳатига қўл урмаслик керак эди.

Исмоил Ғаспирли:

“Тақлидда (руслар) ифрот даражалара воруб, русча сўзлашмоқни айб ва нодонлик ўйлаб, ярим-ёрти французча сўзлашишни вожиб билурлар эди. Лекин сўнг рус адабиёти илгарилаб кетгач, тақлидчилик озайди, руслар русча фикрлай бошладилар” (“Таржимон”, 1907, 10 март, 52-сон).

Янгиликка интилиш Туркияда ва бошқа халқларда ҳам содир бўлди. Энг аввало, маданият, ислом ақидаларидан сўнгроқ адабиётда ҳам сезилди. Гарчандки, адабиёт янги тамойил олган бўлса-да, жаҳид адабиёти атамаси ўзбек адабиётида XX аср бошларида юзага келган.

Турк жаид адабиёти ғарбчиликка тамойил билдиргани аниқ. Кейинчалик бу ходисага тахрир киритилиб, “Таржимон” газетаси 1906-йилдан бошлаб, жаид адабиётидан материаллар бера бошлаган.

Шундай қилиб, “миллий адабиёт даври” (1908-1922-йиллар) бошланди.

Абдулла Тўқай бизнинг миллат ”... беш камбағални бир бойнинг итига алмаштирадиган вақтлар ўтганини англолчи ва англалувчи йигитларга мухтож” деган эди. У миллатнинг Пушкини, Толстойи кераклигини куюниб гапирган.

Ўзбек адабиётдаги силжиш ҳам 1905-1910-йилларда юзага кела бошлади. Айниқса, адабиётнинг ҳаёт билан чамбарчас боғлиқ ривож, омманинг дарди билан яшаши аниқ кўриниш берди. Хусусан, адабиётнинг давр талаби билан боғликлиги даврий матуботларда эълон қилина борилди. Масалан, “Туркистон вилоят газети”да (1905-йил 31 октябрь) Зокиров (Зулулий) Иброҳимов исмли шахсга қарашли бир мақолага муносабат билдиради. Мақола “Ҳаёт” газетасида эълон қилинган. Мақолада турмуш қоқоқликлари қаттиқ танқид қилинган. Ўта ўткир танқид Зулулийга ёқмаган. У мақолани “Бемаза, беҳуда, шариатга тўғри келмайдиган сўз, беҳудагарчилик” деб баҳолайди.

Зулулий “Иброҳимуф” радибли шеър ҳам ёзади. Унда мақола муаллифи ўта танқид остига олинган. Зулулий ҳаётий ва танқидий мақолани ҳазм қила олмаган. У мумтоз адабиётнинг зийнатли, латиф сўз ва ибораларига ўрганиб қолгани тайин. Айниқса, ўтмиш адабиётнинг “лутфу-малех”идан ўзини тия олмаган Зулулий мақола муаллифи билан муроасага келолмаган.

Адабиётшунос А.Н.Самойлович Аҳмаджон Табибий ва унинг муҳити адабиёти, асосан, Чиғатой адабиёти – олтин аср шеърый асарларини ... кўр-кўрона такрорлаганини, “жонсизлигини” эслатиб, ҳозирги адабиётга нохуш қарашларини ҳам таъкидлаган эди.

“Нохуш қарашлар” атамаси аста-секинлик билан хуш муносабатларга мубаддал бўла бошлади. Янги, замонавий шоир ва шеър ҳақида мақолалар эълон қилинди. Биринчи марта фотографияни жорий қилган Иброҳим Давроннинг 1919 йилда “Адабиётимиз ва шоирларимиз” мақоласида “шоир надур?” деган масалани кўяди. У шоирни “лисонул ғайб” тарзида тушунмайди, аксинча, замин фарзанди қабилда англайди ва англатади. Иброҳим Давроннинг уқтиришича, шоирнинг биринчи аломати истеъдод:

“Хандаларинда гулда шабнам каби гиря осорлари” бўлишидир. Бу билан шоир даврга ҳамнафас ва жамият фарзанди бўлиши лозим, деб билади.

Иброҳим Даврон ёзади:

“Бизнинг Туркистондаги якка жилов ва бебош, саҳройи кулун, шоир номиндаги пивоҳўр, шарлатан, ўз-ўзини тонимағонлари каби фахш, сафсатачиликдан бошқа бир иш қилолмаслар ва қилмоққа муктадир (қодир) ҳам эмаслар” (“Миллий уйғониш”, 127-б.).

Юқоридаги мақолалар сирасининг энг сараси Чўлпоннинг “Адабиёт надур?” мақоласидир. 1914 йил Чўлпон эндигина 16 ёшга тўлган эди. Шу

вақтларда унинг Оренбург, Уфа, Қозон ва Боқчасаройда баъзи мақолалари чоп этилган, деган гаплар бор. Рус-тузем гимназиясини битирган Чўлпон бу каби матбуотларда мақола ёзиши табиий.

Аёнлашадик, Чўлпон мусулмон дунёси матбуотлари орқали адабиёт, шоирлик ва шеър ҳақидаги мақолаларга кўзи тушган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Адабиётнинг янгиланиб бориши, янги сезимларни пайқаши унинг эстетик фаросатидан жой ола бошлади. Ҳеч шубҳасиз, “Адабиёт надур?” мақоласи миллат фидойиси бўлиб шавқ-завқ билан ёзилгандир.

У “адабиёт яшаса, миллат яшар” шиорини ўртага ташлади. “Адабиёти ўлмаган ва адабиётининг тараққиётига чалишмаган ва адиблар етиштирмаган миллат охири бир кун ҳиссиётдан, ўйдан, фикрдан маҳрум қолиб, секин-секин инкироз бўлур” деган эди Чўлпон.

Чўлпон адабиётнинг эстетик хусусияти, образли табиатини ҳам идрок қилди ва уни шундай таъкидлайди:

“Хиралашган ойналаримизни ёруғ ва равшан қиладурган, чанг ва тупроқлар тўлган кўзларимизни артуб, тозалайдиган булоқ суви бўлганликдан бизга ғоят керакдур”.

3-асосий савол бўйича дарснинг мақсади. Жаид адабиётининг ўзига хос янги хусусиятларини талабалар шуурига сингдириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Жаид адабиётининг янгича хусусиятларини билади.
2. Жанрлар ва образлар ранг-баранглигини пайқайди.
3. Давр адабиётидаги ижтимоий муаммоларни таҳлил қила олади.

3-асосий саволнинг баёни:

Жаид адабиётининг биринчи чўққи босқичи –1910- 1917-йиллари ўзига хос хусусиятларига эга. Ҳар қандай воқеа-ҳодисанинг ибтидоси янгиликка ва янгича хусусиятларга молик бўлади, бу табиий ҳол. Шу маънода жаид адабиётининг биринчи босқичи борасида фикр юритиш айти муддаодир. Биринчи босқичнинг, энг муҳим, айтиш жоиз бўлса, бош фазилати ва ютуғи миллат ва Ватан тушунчасини янги тамойилда талқин қилинишидир.

Мумтоз адабиётимизда миллат тушунчаси бугунги миллат маъносида талқин қилинмагани аниқ. У элат ва диний тушунча билан боғлиқ англашилган. Ватан тушунчасида эл-юрт, яшаш ҳудуди тушуниланган. Ватан нафақат киндик қони томган маскан ёки яшаш жойи, балки халқ, миллатнинг жамбул жами яшаб, ягона маданият, иқтисодий тараққиёт, ҳудуд дахлсизлиги таъминланган диёр тушунилади. Бизда, Туркистонда, иқтисодий, маданий ва ҳудудий жиҳатдан бирлашган, иттифоқлашган Ватан тушунчаси орзу эди, холос. Ватан тушунчасини кенг англаш, уни яхлит диёр деб идрок этишда Исмоилбекнинг “Таржимон” газетасида чиққан мақолалари асқотгани

маълум. Боз устига Россия империясининг босқинчилик сиёсати, ерли оммани ҳаддан ташқари оёқости қилиши жаҳидларда уюшган, бирлашган, яхлит Ватан тушунчасининг шаклланишига таъсир қилди. Буни жаҳидлар кеч бўлса-да пайқадилар. Мутафаккир Абдулла Авлоний бу борада шуларни ёзади:

“Ҳар ким туғулгон, ўскон ерини жонидан ортиқ суяр, ҳатто бу Ватан ҳисси, туйғуси ҳайвонларда ҳам бор. Биз, туркистонликлар ўз ватанимизни жонимиздан ортиқ суйдигимиз каби араблар Арабистонни – қумлик, иссиқ чўлларни, эскимўлар шимол тарафларни энг совуқ, қор ва музлик ерларни бошқа ерлардан зиёд суядилар. Агар суймасалар эди, ўз Ватанларини ташлаб, ҳавоси яхши, тириклик осон ерларга ҳижрат қилурлар эди”.

Абдулла Авлонийнинг ушбу насрий сатрларини Абдулла Ориповнинг “Мен нечун севаман Ўзбекистонни?” шеъри билан муқояса қилинса, иккиси бир нуктада - бир муштарак мазмунда тўқнашади. Нега ҳар икки шоирнинг фикри яқин бир аср ўтса-да, муштарак. Боис Ватан ҳақидаги ақида, ҳис-туйғу, тушунча, миллий мафқуранинг муштараклигидадир. Ватан, энг аввало, бу - халқ, миллат. Халқдан, миллатдан айро тушмаган шоир Ватанни Абдулла Авлоний ва Абдулла Ориповдай тавсифлайди ва сифатлайди.

Жаҳид шоирлари тор тушунчадан Ватан моҳиятини халқ, миллатга паноҳ бўлган ва бўладиган кенг маънодаги, асл мазмундаги Ватанни идрок қилиш, уни тарғиб қилиш, сара тимсолларда ифодалаш даражасигача бўлган йўлни босиб ўтдилар.

Авлоний дастлаб “Ҳар бир кишининг туғилиб-ўскан шаҳар ва мамлакатини шу кишининг ватани дейилур”, деган. Аёнки, Ватан тушунчаси икки босқичда - шахснинг яшаб турган макони, иккинчи босқич - халқ яшаётган макон. Жаҳид шоирлари Ватан тушунчасидаги икки кутбни бирлаштириб, қалам тебратдилар. Кенг маънодаги элу юрт, халқ, миллат макон топган диёр Ватан, деб тушундилар. Бу - ўзига хос Ватан ҳақидаги янги ва кенг тушунча.

Тавалло дастлабкилардан бўлиб, Ватанни халқ, миллат паноҳ топган макон маъносида англади ва ёзди:

Мовароуннаҳрдур тарихда бизларга Ватан,
Арзиғай бизлар санга хизматда бўлсак жону тан.

Давр адабиётига чуқур назар ташланса, ундан Ватанни вужудан, жондан севиш, ардоқлаш ўрин ола бошлаган. Буни Таваллонинг юқорида мисолга келтирилган байтидан пайқаш мумкин. Эҳтимол, Ватанни жону танга қофия қилиш ибтидоси шоирадан бошланган бўлса, ажаб эмас. Бу навъ қофия кейинчалик Фитрат, Ҳамза шеърларидан ҳам ўрин ола бошлади.

Жаҳид шоирлари ягона ва миллий Ватан сифатида Туркистонни тан олиб, бир қатор шеърлар ёздилар. Туркистоннинг бир бутунлиги, келажак истиқболи учун куйиб, ёниб ёзилган байтлар, мисраларни кўплаб келтириш

мумкин. Давр шоирлари Туркистон ҳақида икки хил тамойилда қалам тебратганлари аниқ. Бир гуруҳ шоирлар Ватаннинг хароб аҳволига ачиниш билан фикр билдирса, иккинчи гуруҳлари унинг озодлигини кўриш ниятида бўлган.

Ҳамза аслида Ватанни “танларнинг ширин жони”, “томирларнинг қони” деб билади. Аммо Туркистоннинг ҳолига келганда, энг аччиқ, энг ўткир поэтик тимсолларни қўллайди: “Рухсиз тандур, ханжар урса, қони сочилмас”.

Абдулла Авлониё Ҳамзадан ҳам ўтказиб, киши энсасини котирадиган, хомуш ва маъюс тортадиган поэтик образларни Туркистонга нисбат беради: “хонимони хароб”, “бойкушларга ҳамдам”, “фарзандлари ҳайкалдек жонсиз”, “вайрона Туркистон” каби. Ҳамза ва Авлониёнинг изтиробларга тўла поэтик образлари Ватанни севишдан, унинг ночор аҳволдан ачина билишдан келиб чиққани табиий.

Давр адабиётида миллат ва Ватан тушунчаси билан боғлиқ унинг эрксизлиги, истиқболи ҳақида фикрлар мисралардан ўрин ола бошлади. Ватан ва унинг эрксизлиги шоирларни қайғу-ҳасратга толдирган. Эрксизлик ва мустамлака идорасини англаш, ундан қутулиш чораларини ахтариш давр адабиётининг энг муҳим ғояси ва вазифаси бўлиб қолди.

Бехбудий айтади:

“...вале ҳозир бизни ихтилофимиз сабаб мустамлакат қондаси ила идора этилур”.

Эрксизликдан эрка чиқиш учун заҳмат-зиён тортиш турган гап. “Жондан кечмай жонона қайда” деганларидек, азоб-укубат чекмай эрксизликдан қутулиш амримаҳол.” “Ҳолва пиш, оғзимга туш” деган билан эрка эришиб бўлмайди. Авлониё эрксизлик борасида шундай хулосага келган:

Булбули шўридани дом ила ҳуркутмак абас,
Ёшлик гул ғунчасини очмай гулоб этмак абас.

Авлониё ушбу байтида анъанавий поэтик образлар - гул ва булбулни қўллаб, унга “абас” радифини келтириш билан эрксизлик ҳамда эрк масаласини қаламга ололган. Бу каби шеърлар ва унинг поэтик образлари замирига эътибор берилса, истиқбол ўз-ўзидан келмайди, уни курашиб оласан, деган тўқ мағизли фикр келиб чиқади. Бу борада шоира Анбар Отин пешво шоиралардан ҳисобланади. “Эй, гўзал Фарғона” шеърида ўзингни озод қўрмоқчи бўлсанг, зулмдан озод бўл, ғоясини илгари суради.

Зулмдан озод бўлишда ўзлигинг озод қил,
Энди Туркистонда ҳақгўйлик ила фарёд қил.

Анбар Отин озодликни яроқ тутиш ва уни ишлатишда ҳам кўради. Шоира “Қоралар фалсафаси” достонида эрк ва озодликка эришишнинг икки йўлини эслатади: жаҳолатни адолат билан енгиш; нажот йўли - якка эмас, “ақлу идрок ва жамиятга таъя қилиб” курашиш.

Бу давр адабиётида эрк ва озодлик гоҳ адолат билан, гоҳ куч-қурол билан қўлга киритилиши эътироф этилди. Аммо бу билан жаҳид адиблари

хурриятнинг нажот йўлларини англаб етди, деган хулосани бермайди. Уларнинг фикри халқ орзу-аъмолининг бадий ифодаси эди, холос. Лекин шундай хулосаларга келиш ҳам ўша даврда катта дунёқараш ва интилишдан дарак беради. Бу давр адабиёти мумтоз адабиётнинг бир қарашига тўлиқ таҳрир киритди. Мумтоз адабиётда маърифат ҳамиша улуғланиб келинган. Илм-маърифат бахту саодатнинг калити қабилида қуйланган. Ҳатто жаҳид адабиётининг 1915 йилгача бўлган намуналарида ҳам ана шу ақида сизиб туради. Кейинги даврда эса маърифат бош омил, мақсад эмас, балки восита экани пайқалди. Авлоний:

Ўқиганни бирими Аҳмаджон,
Егали уйида топилмас нон.

Сирасини айтганда, шарқда билимли иқболли, бахтли бўлади, деган қарашга ўзгариш киритилди. Авлонийнинг “Тулистон ёхуд ахлоқ” асарида айтилганидек, “билган билар, билмаган йиртар” қабилидаги замон келди. Америка Осиё ва Африкани ҳам йиртди, ҳам еди, деса яна бир жойда “думба сотуб, чандир чайнаймиз. Қаймоқ сотуб, сут ошаймиз, нон ўрнига кесак тишлаймиз!”, деган хулосага келади.

Сўзнинг қисқаси, ҳозирги замонга мувофиқ киши бўлмоқ учун илм ва маърифат ила баробар иқтисод, инсоф, туганмас саъй, битмас ғайрат лозимдур” дейилган ўша асарда.

Ҳамза: Бойлар бой ўлур илмсиз яшаб,
Ориқларини семизи ошаб..., деган.

Бу фикр нафақат шахслар ўртасидаги ўзаро низо, балки мамлакатлар ўртасидаги жангу жадалларга ҳам дахлдор. Россия семиз бўлиб, ориқ Туркистонни “ошади”. “Кучли миллатлар – жаҳон жайхунлари, кучсизлар – уларга луқма”. Кўҳна дунёнинг янги тартиботи шундай.

Давр адабиётида маърифат билан иқтисод ёнма-ён қуйилиб, қаламга олинди. Дарвоқе, иқтисод ҳар қандай маърифий-маънавий юмушнинг асоси деган хулосага келинди. Бу ҳам адабиётнинг ижтимоий ҳаётга ва турмушга яқинлашаётганидан далолат.

Хулоса қилиб шуларни айтиш мумкинки, биринчидан, жаҳид адабиётининг мавзу доираси янгиланди ва ижтимоий йўналиш олди. Бу деган сўз адабиёт ҳаётга, халққа янада яқинлашди, унинг дарди, орзу-аъмолининг ифодачисига айланди, демакдир.

Иккинчидан, даврнинг руҳи, мазмун-моҳияти адабиётда ўз ифодасини топди. Бошқача айтганда, адабиёт даврга, унинг фуқароларига ижтимоий ҳаётнинг ойдин йўлини кўрсатди. Истибдод ва мустамлакадан озод бўлиш, эркакка эришиш, миллий мустақилликни қўлга киритиш, миллий озодлик учун курашиш, пировард натижада қурол билан истиклолни қўлга киритиш каби тилаклар жаҳид адабиётининг туб янги хусусиятларини белгилайди. У замонавий реалистик адабиёт бўлиб, ўзбек адабиёти тарихи халқасидан муносиб ўрин олди.

Назорат учун масалалар:

- 1. Уйғониш (Ренессанс) ва миллий уйғониш тушунчаларини мисоллар воситасида тушунтиринг.
- 2. Жаид ва миллий уйғониш даври адабиётларининг муштарак ҳамда номуштарак томонларини изоҳлаш, босқичларини таснифланг.
- 3. Мумтоз адабиёт билан жаид адабиётининг ўхшаш ва фарқли томонларини изоҳланг.
- 4. Жаид адабиётининг эстетик оламини тушунтиринг.
- 5. Адабиёт-миллат кўзгуси эканини сўзланг.
- 6. Жаид адабиётида маърифатнинг янгича талқинини шарҳланг.
- △ 7. Эркисизлик ва мустақиллик тушунчаларининг бадиий ифодасини тушунтиринг.
- △ 8. Жаид адабиётида янгича бадиий тимсолларни аниқланг ва изоҳланг.
- △ 9. Жаид адабиётида Ватан тушунчасининг янгича талқинини айтинг.
- 10. Инсон ва жамият ҳаётида иқтисоднинг ўрни ва унинг жаид адабиётидаги инъикосини тушунтиринг.

Адабиётлар: 4, 6, 7, 8, 9.

5.2. Жаид шеърияти

Режа:

1. Жаид шеърияти – янги тип шеърият.
2. Шеъриятда давр воқеаларининг акс этиши.
3. Жаид шеърияти поэтикаси.

Таянч тушунча ва иборалар: Жаид шеърияти – янги шеърият, анъанавийлик ва янгиланиш, давр воқелиги ва шеърият, ижтимоийлик, ҳаётийлик, жаид шеърияти поэтикаси.

1-асосий савол бўйича дарснинг мақсади:

Жаид шеъриятининг асосий хусусиятларини талабалар шуурига сингдириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Жаид шеъриятининг янги тип шеъриятлигини англайди.
2. Жаид шеъриятини ўрганиш босқичларини идрок этади.
3. Жаид шеъриятининг асосий хусусиятларини тасаввур қилади.

1-асосий саволнинг баёни:

Жаид зиёлилари маърифат, тараққиёт, ислоҳот ва истиқлол каби истиқболли дастур билан тарих сахнасига чиқдилар. Бу ғоялар, албатта, адабиёт, аниқроғи, жаид шеъриятида ўз ифодасини топди. Шундай қилиб,

янги жаид шеърияти пайдо бўлди. Жаид шеърияти ўзи ворис бўлган мумтоз шеъриятдан андоза ва сарчашма олиб, замон талаби, тақозосига кўра янги рух ва мазмундаги шеърият бўлиб туғилди. Бу шеърият ҳам анъанавий, ҳам замонавий эди. Анъанавийлиги шундаки, жаид шоирлари мумтоз шеъриятнинг сўнгги бўғини ва янги шеъриятнинг қалдирғочи, аниқроғи, бошловчилари бўлишди.

Жаид шеърияти мумтоз шеъриятдан ғоявий-бадий йўналиш, услуб, вазн, тил, поэтик тимсоллар жиҳатидан мутлақо фарқ қилиб, ўзбек шеъриятининг янги равиясини бошлаб берди.

Шуни ҳам айтиш зарурки, бу давр адабиёти бир вақтлар “буржуа жаид адабиёти” номи билан юритилган. Бундан аёнлашадики, бу давр шеъриятига ҳам “**буржуа жаид**” тамғаси босилган. Жумладан, “Жаид адабиётининг синфий моҳияти масаласига”, “Ҳарбий коммунизм даврида ўзбек буржуа поэзияси”, “Фитратнинг адабий ижоди ҳақида” каби мақолаларда жаид шеърияти давр сиёсати гази билан баҳоланган. Шўро мафкурасидан адабиётшунослар жаид адабиёти ва шеърияти миллий буржуазияни мадҳ қилган, уни кўкларга кўтарган деган тамғани ботик босдилар. Бу етмагандек, жаид шоирлар мардикорликка олиш жараёнини ич-ичидан ёқлаб чиққан, империянинг бу сиёсатини қўллаб-қувватлаган дейишгача бориб етдилар. Бироқ мана бу факт масаланинг моҳиятини очади.

1916 йил кўзғолонлари иштирокчилари отилиши ва сургун қилиниши лозим эди. Генерал губернатор Куропаткин кўзғолончиларга умумий авф эълон қилди. Бундан таъсирланган ва хурсанд бўлган Ҳамза генерал жаноблари марҳаматига мадҳия мақола ва шеър ҳам ёзгани тарихдан тайин. Бу ҳодиса жаид шеъриятининг умумий руҳини белгиламайди. Шу кичик тафсил билан жаид шеърияти миллий буржуазия манфаатини ҳимоя қилди, деган ҳукми чиқаришга асос бўла олмайди.

Халқ-доно. Унинг пешво йўлбошчиси бўлса бас. Ҳар қандай кучни енгади. Оқ пошшонинг мардикорга олиш фармонида аввал халқ қарши турди. Мардикорликка олиш мажбурий деб эълон қилингандан сўнг ўз фарзандини мардикорликка эмас, тўғридан-тўғри аскарликка бермоқчи бўлди. Буни зимдан англаган оқ пошшо ва генерал губернатор розилик бермади.

Жаидлар халқ фарзандини аскарликка бериб, миллий армиянинг заминини тайёрламоқчи эди. Бунга империя тиш-тирноғи билан қарши турди. Жаидлар оқилона иш тутиб, бошлаган кўзғолонни давом эттиришни ҳам бас қилдирди. Чунки, империянинг ёвузлиги кундан-кун аён бўлмоқда эди. Гарчандки, бу давр шеъриятига қора бўёқ қуюқроқ тортилса-да, унинг бадиияти, хусусан, тил жиҳати ижобий баҳоланишга мажбур қилган, тўғрироғи, ҳақиқатни айтмасдан илож йўқ эди (масалан, буни Ҳамид Олимжон тўғри талқин қилган).

Жаид шеъриятини ўрганиш уч босқичда амалга ошди, дейиш мумкин. 1-босқични “Ўзбек буржуа шеърияти” деб баҳолаш (30-йиллар); 2-босқич 60-йиллар, яъни ошқора бўлмаса-да, қайта миллий уйғонишга интилиш даври.

Бу даврда “Тирик сатрлар” каби тўпламда жаид шоирларининг шеърлари чоп этилди. Тўплам ноҳолис баҳоланган бўлса-да, жаид шеърятини ўрганишга катта туртки берди. Жаид даври қадриятларимизни ўрганиш анча жонланди. Айрим шоирлар ижоди бирмунча ўрганилди ва диссертациялар ёзилди. Б.Қосимов, Ғ.Каримов, Э.Каримов, Н.Каримов, О.Шарафиддиновлар жаид шеърятини устидаги қора пардани олиб ташлашга ҳаракат қилдилар ва бу ҳаракат мустақиллик йилларида тўлиқ ўзининг мевасини берди.

3-босқич даври 90-йиллар бўлиб, жаид шеърятини ўрганиш ўзининг ҳадди аълосига етди. Бу босқичда жаид шеърятини истиқлол ғоялари замирида тарихийлик мезонида яхлит ўрганилди ва баҳоланди. Жаид шеърятини шўро даврида пардапўш қилиб, ўрганилган эди. Мустақиллик даврига келиб эса истиқлол мафкураси асосида жаид шеърятини замиридаги маъно-моҳият тўла ва ундаги мавжуд ғоявий-бадий сиру синоатни бутунича талқин қилиш янги босқичга кўчди. Давр шеърятининг асл моҳияти ва бош муаммоси аниқланди ҳамда янги тамойилда ўрганилди. Унинг бош тилаги Ватан ва “миллат дарди” (Б.Қосимов)ни идрок қилишга уринишдир. Янада аниқ қилиб айтилса, давр шеърятини **ижтимоий-сиёсий рух** олди.

Машҳур адабиётшунос О.Шарафиддинов 20-йилларда жаид адабиёти мустақил ва яхлит адабиёт шароитида фаолият кўрсатди, деган хулосага келди. Бу қараш жаид шеърятини тушунчасига ҳам тўлиқ хосдир. Жаид шеърятини алоҳида босқични ташкил қилади, деган фикрни илмда бемалол айтиш мумкин.

Жаид шеърятини махсус босқич дейишимизга унинг ўзига хос қанон ва хусусиятлари имкон беради.

1. Биринчи галда шеърятда мазмуний ўзгариш содир бўлди. Даврнинг ижтимоий-сиёсий-маърифий мазмуни шеърятда ўзининг аксини топди. Қанонни мазаммат қилиш, носозликларни ўзгартириш, ислохот талаб этиш, оммани маърифатга дадил ва ошқора даъват этиш тамойил олди. Янада қисқа ва мухтасар қилиб умумлаштирилса, адабиёт ҳеч вақт жаид давридагидек, ҳаётга бунчалик чуқур кириб бормаган эди. Шеърят ҳаётийлиги билан моҳият қасб этди. Адабиёт қашшоқлари бадий адабиёт воситасида оммани маърифатга қорлаш орқали ўз ғояларини тарғиб қилиш, шу йўл асосида қамиятни ислох қилиш, бориники, бутунлай ўзгартириш муаммосини қун тартибига қўйди.

2. Шеърин жанрларда ҳам сифат ўзгаришлар юзага келди. Анъанавий поэтик жанр янги мазмун ташиши билан бирга янги шаклга ҳам эга бўла борди. Масалан, ғазал мазмунан ижтимоий тамойил олди. Достон жанри ҳам анъанавийликдан чиқиб, янги мазмунга эга бўлди. Публицистикага хос шеърят ҳам янги, ҳам салмоқли бўлди.

3. Давр шеърятида хориж ва миллий ҳаёт – турмушда содир бўлаётган муҳим воқеалар назмий ифода этилди. Бу мутлақо янги хусусиятдир.

4. Поэтик образларда ҳам анъанавийлик давом этди ва янгилари пайдо бўлди. Ижтимоий-сиёсий мазмун ҳам анъанавий поэтик образларда, ҳам

янгиларида ўз инъикосини топди. Масалан, **деҳқон, ишчи, аскар, инқилобчи, зиёли** каби шахс образлари ҳам шеъриятнинг етакчи поэтик тимсоллари сирасини ташкил қилди.

5. Мазмуний янгиланиш, албатта, поэтик ўзгаришларни тақозо қилади. Бу фикр жаҳид шеърияти вазни ва қофиясига ҳам тўлиқ дахлдор. Қадимий аруз ўз умрини янгича шаклда давом эттирди. График аруз вазни ўрнига товуш аруз вазни ҳукмронлик қилди. Гарчанд аруз давр шеъриятининг асосий вазни сифатида истеъмолда бўлса-да, кейинчалик ўрнини бармоқ вазнига бўшатиб берди. Бармоқнинг тармоғи сарбаст вазни ҳам асосий ўринни эгаллай борди.

Қофия борасида ҳам туб ўзгариш содир бўлди. Мумтоз қофияда ҳарфий-график қофия асос эди. Бу даврга келиб, ҳарфий қофия ўрнини товуш қофияси эгаллай борди.

2-савол бўйича дарснинг мақсади. Жаҳид шеъриятида даврнинг муҳим воқеалари акс этиши, унинг ҳаётийлашиб боришини талабалар билимига кўчириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Давр шеъриятининг ҳаётийлигини англайди.
2. Шеъриятда Биринчи жаҳон уруши ва мардикорликка олиш воқеаларининг акс этиш жараёнини тушунади.
3. Бу давр шеъриятида миллий озодлик тилакларини идрок этади.

2-саволнинг баёни:

Ўн асрлик шеърият умуминсоний, ахлоқий, фалсафий, интим ва дидактик масалаларни акс эттирган бўлса, жаҳид шеърияти давр билан ҳамнафас, яъни ҳаётийлашиб борди. Тўғрироғи, шеърият ўз замонининг “кўзи”, “қулоғи”га баралла айланди. Шеърият давру замонининг ўткир сўзи, холис баҳоси бўлди. Жаҳид шеърияти ўзининг вориси мумтоз шеърият сингари санъатларга бой, жозибатор, сўз маъноларини қилдек қирқ ёрадиган поэзия даражасида бўлмаса-да, даврнинг ритмини ўзида ифодалаши жиҳатидан тамомила янги шеъриятдир.

1914 йил Биринчи жаҳон урушининг талофот ва касофати миллий ўлкаларга ҳам бало-қазодек етиб келди. Миллий ўзбек жаҳид шоирлари уруш кимнинг фойдасига, кимнинг зарарига эканини тезда пайқадилар.

Абдулла Авлоний Англия ва Германия бош бўлган уруш Европани ларзага солиб, худудни тақсим қилишга қаратилганлигини ўз вақтида идрок этди:

Ер куррасининг меҳвари чикди учариндин,
Оврупа оловланди бу ёнғин сафариндин.

Анбар Отин “Уруш” радибли шеърида урушнинг орқасида бойлик талашиш ва бой бўлиш мақсад эканини ёзса, Мирмуҳсин Шермуҳаммедов

қуйидаги мисрасида уруш бошловчиларни “қассоб”, урушдан талофот кўрувчиларни “эчки”га қиёс қилган эди:

Кўзларини очди, кўринг, қилди соғ,
Эчкини жон қайғуси, қассобни – ёғ.

Ҳали урушга Россия қўшилмаган бўлса-да, унинг ташвиши ва хавфи қадам сайин сезилиб турарди. 1916 йил ўлкада қурғоқчилик бўлиб, ҳосил етарли бўлмади, қимматчилик халқни эзиб қўйди. Бунинг устига уруш қимматчиликни қаҳатчиликка айлантириб юборди. Омма тобора хароблашди, нон ўрнига кесак тишлашга тўғри келди.

Завқий:

Қаҳатлик бўлди бу Фарғонамизда,
Топилмас парча нон вайронамизда.
Пайғамбар бўлса нон, ош – авлиёдир.
Яна очлик давосиз бир балодур.

Тўғри, қимматчилик ва очлик табиат инжиқлиги ва қурғоқчиллиги туфайли содир бўлди. Уруш ўлганнинг устига тепган қилиб, устига-устак талофот келтирди. Яқингача оқ пошшони мадҳу сано қилиб, унга омад тилаган шоирлар уни лаънатлашга ўтдилар, чунки урушда Россия ҳам иштирок этди. Сидқийнинг мана бу мисралари ана шундай лаънат ифода этилган сатрларидир:

Гирмон қирилсин айламай эълон муҳораба,
Болқон ҳам ўлсин этмайин альон муҳораба.

1916 йил 25 июнда Николай II миллий ўлканинг 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган барча миллий ўлка эркакларини мардикорликка олиш борасида буйруқ чиқарди. Туркистондан 250 минг нафар киши мардикорликка жўнатилиши керак эди. Икки марта буйруқ эълон қилинди. Биринчи буйруқда ўлка аҳолисининг ким бўлишидан қатъий назар мардикорликка олиниши мажбурий дейилган эди. Иккинчи буйруқда эса мардикор ўрнига одам ёллаш ёки пул бериб, бошқани юбориш тартиби жорий қилинди. Иккинчи буйруқ омма орасида норозилик ва ғала-ғовурни келтириб чиқарди. Бою баёнлар ва пулдорлар ўз фарзандларини олиб қолиб, камбағал-меҳнаткашларнинг болаларини зўрлик билан юборишга ўтди. Натижада на оқ пошшога, на маҳаллий амалдорга ишонч қолмади. Буни сезган пошшо халқни ишонтириш йўлини излади. Пошшонинг вакили генерал Гиппиус халқни тинчитиш мақсадида тўн-дўппи кийиб, масжидда намоз ўқиб, амри маърифат қилди. Қандай бўлмасин, халқнинг кўнглини юпатмоқчи бўлди. Аммо бу найранглар кор қилмади.

Россия империясининг мақсади маҳаллий халқни қайси йўл билан бўлмасин, ўз изнларига бўйсундириб, мардикорликка олиш жараёнини уюштириш, уни тезлаштириш, кўпроқ одамни жалб қилиш эди. Шунинг учун ҳам Туркистонга маҳаллий шароитни яхши биладиган генераллар жўнатилди.

Генерал Керенский ўлканинг игнасида ипигача яхши билгани учун Туркистонга юборилди. Ундан ҳам тадбиркор ва каттиқ кўл Д.Н.Куропаткин генерал-губернатор қилиб тайинланди.

18 сентябр куни мардикорлардан иборат биринчи эшелон катта маросим билан Россияга жўнатилди. Ош тортилди, ширинликлар берилди, генералнинг ўзи оқ фотиҳага кўл кўтарди. Россияда эса оқ пошшо мардикорларнинг вакиллари қабул қилиб, катта ваъдалар берди.

Бари бир империя мардикорликка олиш борасида башарасини кўрсатиб қўйди. Мардикорликдан бош тортганлар жазоланди, қамалди ва ҳатто айримларнинг боши кесилди. Айни вақтда уларга қарши жазо отряди тузилди.

Қисқаси, аввалги эмин-эркинлик билан бошланган тадбир кейинчалик зўравонликка айланди. Омманинг қуйи табақаси мислсиз талофотга учради. Мардикор воқеаси давр шеърлятида ўз ифодасини топмасдан қолмади. Бу воқеа **“мардикор воқеаси”** номи билан тарихда қолди.

Пўлкан шоирнинг “Мардикор”, Ҳамзанинг “Лошмон фожеаси”, “Рабочий” каби драма ва достонлари яратилди. Ўнлаб шеърӣ тўпламлар ёзилди. Ҳамзанинг “Миллий ашулалар учун миллий шеърлар” (Кўкон, 1917), Муҳиддин Иброҳимов тузган “Лошмон фожеаси” (Наманган, 1916), Авлоний “Мардикор ашуласи” (- Т., 1917), Акбар Тошкандийнинг “Ватанга хизмат” (-Т., 1917), Сидқийнинг “Рабочийлар намоиши” (- Т., 1917) кабилар.

Тўпламларнинг номидан аёнки, мардикорликка олишни ижобий ҳодиса, гўё ватанга хизмат қилиш, уни ҳимоя қилиш, деб тушунилган. Дарвоқе, мардикорликка жўнатишнинг биринчи даври кишида шундай тасаввур уйғотган. Баъзи ота-оналар мардикорларни жўнатиш маросимига таклиф қилиниб, уларнинг дуоси олинган. Бу, албатта, оммага жиддий таъсир қилиши турган гап. Аслида бу империянинг найранги эди. Найранг нафақат халқни, балки қалам аҳлини ҳам чалғитди.

Империя мардикорларга нисбатан жазони янада кучайтирди:

- поездга билет губернаторнинг ижозати билан бериладиган бўлди (бу ота-онанинг боласини бориб кўришини чеклар эди);
- янги фармон бўйича ҳар бир хонадондан мардикор олиш шарт қилиб қўйилди. У хонадонда эркаги бўлиш-бўлмаслигидан қатъи назар;
- 16 ёшгача бўлган ўсмир ҳам олинган, аммо у ҳисобга ўтмаган;
- уйида эркаги бўлмаган хонадон пул эвазига бошқа оиланинг фарзандини юбориш шарт қилиб қўйилган;
- маҳаллий амалдор ва бойлар генерал губернаторларнинг тарафига ўтиб олган.

Мана бу мисра мардикорга кетган шахснинг оиласи ҳақидадир:

Милдир-милдир сув оқар, сув тагида қум оқар,

Хизматга кетганларнинг онасини ким боқар?

(Муртазо Исмоилжон).

Ўша вақтдаги даврий матбуот мардикорликка олиш воқеасини аслича ёритди. “Ватан” газетаси шуларни ёзган:

“Тул хотинлар, етим болалар ҳам мардикор ёллаб беришга мажбурлар: моллари, ҳовлилари соттириб олинди. Бу ҳолни тасдиқ этадурғон аризалар бизнинг қўлимизда.”

Оқ пошшонинг иккинчи қарори халқнинг сабр косасини тўлдирди. Омма қўзғалди. Уни бостириш учун катта шаҳарларга генераллар бошлиқ жазо отрядлари юборилди.

Тошкентга Галкин, Колесников, Мочалов, Жиззахга Иванов юборилди.

Миллий халқлардан қозоқ ва қирғизларнинг бошига беҳад жазо офатлари ёғдирилди. Шу туфайлими, бу халқларнинг ҳам оғзаки, ҳам ёзма адабиётида мардикорликка олиш воқеаси кўп ва кенг ёритилган. Ўзбек адабиётида эса генерал губернаторнинг цензураси жуда қаттиқ бўлганлиги сабабли бу борада кам ёзилган ва кам нашр қилинган.

Халқнинг империя вакиллари томонидан қаттиқ жазоланиши қалам аҳлини ғазаб отига миндирди. Кўнгилда уйилиб ётган ғаму андухлар қоп-қора рангда оқ қоғозга туша бошлади. Шулардан бири Сидқийнинг “Русия инқилоби” достонидир. Инқилобнинг содир бўлиши достонда рўйи рост ифодаланган:

Етиб зулм ислом элин жониға,
Қўшилди хурриятчилар сониға.

Ҳамзанинг “Соғиниб”, “Салом айтинг” шеърларида мардикорларнинг ҳадсиз эзилганлиги ёрқин ифодаланган.

Юрак бағрим ўзи ҳадсиз эзилган,
Юрту Ватан элларимни соғиниб.

Сидқий мардикорлик баҳонасида халқнинг уйғониши ва қўзғалиши миллий озодлик ҳамда хуррият учун кураш воқеасига уланиб кетишини пайқайди. Хурриятга интилиш нафақат Россия, балки бутун дунё халқларининг асрий орзу-аъмоли эканини яхши идрок қилган Сидқий ёзади:

Хуррият олинмас ҳеч имкон ила,
Магар олса мумкин эрур қон ила.

Байтнинг мазмунидан аёнки, мардикорлик воқеаси омманинг мудроқ ҳолатига жумбуш берди, энг муҳими, дуо қилиб, сиғиниб юрилган оқ пошшонинг қора нияти, башараси аён бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, миллий шоирлар талқинидаги хуррият тушунчаси ҳали ўз маъносида эмас эди: Беҳбудий, Фитрат қон тўкилмасдан қўлга киритиладиган озодликни, Сидқий миллий озодликни хуррият деб тушунганлар. Уларда ҳали ижтимоий хуррият тушунчаси шаклланган эмас эди.

Феврал буржуа инқилоби ва мардикорлик. Инқилобга қадар 123 минг нафар мардикор сафарбар қилинди. Қора денгиздан Болтиқ бўйигача

мардикорлар корхона, кон, ўрмонларда ишладилар. Мардикорлар зах, ер ости кони ва ҳарбий объектларда меҳнат қилишган.

Феврал воқеасидан сўнг мардикорларда хушёрлик пайдо бўлиб, ишламай қўйишди. Улар иш жойларидан қоча бошладилар. Туркистон ҳарбий округи қочоқ мардикорларни ушлаш ва яна иш жойларига қайтариш бўйича шошилиш чоралар кўра бошлади. Туркистон Муваққат ҳукуматининг раиси Шчепкиннинг буйруғи билан поезд бекатларига қоровуллар қўйилиб, қочоқлар тутилган ва иш жойларига яна қайтарилган.

1917 йил апрел ойидан бошлаб, мардикорларни озод қилиш ҳақида фармон чиқди, мардикорлар қайтарилди. Уларнинг қайтиб келиши учун на Россия, на маҳаллий ҳукумат раҳнамолик қилган. Мустафо Чўқаевнинг эслашича, мардикорлар тушган вагонлар станциянинг четига чиқариб қўйилган. Кўплари очлик, сувсизликдан ҳалок бўлганлар. Қайтиш ниҳоятда мушкул кечган.

Мардикорлик маҳаллий халқнинг хира ва басир кўзини очди, қалбини булоқ сувидек “қуйқа”лардан тозалади. Бу борада “Вақт” газетасининг мухбири Ш.Мухаммадиёров ёзади: “Мардикорлик улар (туркистонликлар) учун бир мактаб бўлар. Халқ ер-сув кўрар, очилар, тил ўрганар. Халқ бундай мактабга бениҳоя чанқаган. Туркистон учун ҳозир бешик эмас, мактаб керак”.

Хушнудлик, оқ фотиҳа ва мусика билан мардикорликка жўнатган фарзандларини халқ қайтишда кўз ёши билан, беҳад қайғу-алам билан кутиб олишдилар. Бу кўз ёшлар бадиий адабиётда ҳам ўзининг аксини топди. Мунгли ва маъюс мисралар битилди. Ҳазин мисралардан шундай садо эшитилади:

Фалакни жавридин синган ўшал болу парим келди,

Вужудим боғи наҳли (арининг асали), равшани чашм тарим келди.

Мардикорларнинг қайтиши, кутиб олиниши, ғаму ғуссага ботган руҳларини Сидкий қатор шеърларида қаламга олди. “Шўройи исломия”дан катта умид кутган Сидкий “Хуррият” шеърида шундай хулосага келади:

Яшасун ҳуррият билан иттифоқ,

Қирилсун хиёнат эли ва нифоқ.

Ватан ва миллат тушунчаси бу давр адабиётининг бош муддаосини ташкил қилганидек шеъриятнинг ҳам асосий мавзусига айланди.

Ҳамза: Миллат деган кимса суймас дунёни,

Мол ила, жон ила бўлур қурбони.

Миллат йўлида кетар бўлса боши,

Миллат тараққийси ўлғай талоши.

Миллатнинг келажаги ва тараққийси “**миллат баҳори**” тимсоли билан мажозланди.

Авлоний: Ҳар ғамнинг поёни бордир, ҳар аламнинг охири,

Ҳар зимистоннинг баҳори, ҳар хазоннинг охири.

Лутфий Олимий:

Кулгил, Лутфий, чекма ҳеч ҳам, етар, гул очилади,
Кетар қишлар, бўрон-қорлар, бўлар миллат баҳори.

Жадид шеърятти жадидчилик қарашдаги бир назарий фикрга дадил болта урди. Жадидчилар дастлабки йилларда барча тараққиёт ва озодликнинг гарови илму фан дейишган эди. Фақат илму фан билан истиқболга эришиб бўлмас экан, бунинг учун халқнинг уйғониши ва кураши ҳам лозим.

Баъзи миллат шоирлари Европанинг маданияти ва тараққиётини ҳаддан ташқари мактар ва унга ружу кўяр эдилар. Уларнинг давлати аслида маданийлашган ваҳший экани аёнлашди.

Нерунинг айтишича:

“Миллатчилик қолоқлик эмас, мустақиллик талаб қилиш маҳдудлик ҳам эмас”. Буни Британия пеш қилган экан.

Қисқаси, жадид шеърятини мустақиллик тарихи билан боғлаб ўрганиш энг тўғри йўлдир ва бу тарих учун яхши материал ҳам бериши шубҳасиз.

3-асосий савол бўйича дарснинг мақсади. Жадид шеърятдаги анъанавий ва янги поэтик образлар, бармоқ, сарбаст ҳамда қофия табиатидаги янгиланишларни талабалар билимига кўчириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Анъанавий ва янги поэтик образларни фарқлай олади.
2. Вазндаги ўзгаришларни идрок этади.
3. Қофиядаги янгиланишларни тушунади.

3-асосий саволнинг баёни:

Жадид шеърятти поэтикаси алоҳида олинган шоирлар ижоди бўйича қилинган ишларда озми-кўпми тилга олинган. Аммо давр шеърятининг поэтикаси яхлит тарзда ҳали ўрганилган эмас.

20-30-йиллар шеърятти майдонида мумтоз шеърят билан жадид шеърятти рўбарў келди. Ҳар икки қутб бир-бири билан кесишди. Ҳатто баъзи масалаларда мумтоз шеърый анъаналари янгисига ўрнини бўшатиб беришга мажбур бўлди. Бошқача айтганда, жадид шеърятти мумтоз ва янги шеърят чоррахасида пайдо бўлди. Чунончи, жадид шеъряттида мумтоз шеърят жанрлар - ғазал, рубоий, туюқ, таърих, муаммо, мухаммас, мусаддас, мусамман, айникса, маснавий фаровон қўлланилди. Саёҳатнома мустақил жанр сифатида шаклланди, ғазал ижтимоий мазмун касб этди.

Жадид шеърятти - мазмунан янги. Шу боис ҳам янги мазмун ўзича янги шаклни ҳам талаб қилди. Бу, энг аввало, поэтик образда намоён бўлди. Анъанавий поэтик образлар **боғу бўстон, гул, гулзор, булбул, гулу ғунча, гулоб, ари боли** кабига «абас» (беҳуда, бефойда) сўзини қўшиш билан Авлоний янги мазмун юклаган. Мисол: “**айшимиз гулзорига ўт тушди барки чархдин**” (Абдулла Авлоний) мисрасидаги **гулзор, барки чарх** -

анъанавий поэтик образ ҳисобланади. Унга «ўт тушди» сўзини қўшиш билан мутлақо янги маъно касб этган. **“Айшимиз гулзорига”** иборасидаги айиш ҳуда-беҳуда майишат маъносида эмас, осойишта, фаровон турмушимиз маъносидадир. “Булбули шўридани дом ила хур кўрмак абас» каби мисрага ҳам худди шу фикрни айтиш мумкин. Хондайлиқий мардикорларни кутиб олиш маросимига бағишлаб ёзган “Хуш келдингиз” шеърида **“боғи нахл”, “дурахшон гавҳар”, “кахрабо”, “боғу тарим”, “нек ахтар”** каби анъанавий назмий образларни мардикорлик воқеаси ва унинг иштирокчилари ҳаётига нисбат берган. Янги поэтик образларга “Европа оловланди” (Авлоний), **“Миллат баҳори”, “қорбўрон”** (Л.Олимий), **“хазон”** (Ҳамза), **булут, қора булут, кишан** (Чўлпон), **“Миррих юлдузи”** (Фитрат) кабилар мисол бўла олади.

Анъанавийлик ва янгиланиш шеърий вазн ва қофияда ўлароқ тезкорлик билан содир бўлди.

Форс-тожик шеърияти таъсирида туғилган аруз вазни жаҳид шеъриятида сўнгги ҳукмронлигини давом эттириб, ундан кейин бармоққа ўрнини бирмунча бўшатиб берди. Сокин (ундош - ҳаракатсиз) ва мутаҳаррик (унли - ҳаракатли) ҳарфларининг бирикувидан сабаб, ватад, фосила ҳосил қилинган. Жузвлар (энг кичик қисм)нинг муайян такроридан арузнинг вазнлари юзага келган. Бошқача айтганда, бу усулда товуш эмас, ҳарф асосий ролни ўйнаган, яъни график вазн дейиш ҳам мумкин.

Арузшунос Алибек Рустамовнинг уқтиришича, бўғин ёки ҳижо тушунчаси бўлмаган бир пайтда жузв атамаси ишлатилган. Жузв сўзининг ўрнига бўғин сўзини ишлатса, тўғри бўлади, шунда талаффуз ва ёзув бирликлари қоришиб кетмайди, қоида аниқ, ихчам тус олади, деган қарашни олға суради. Бир вақтлар Фитрат “Туркий тил аруз вазнига мос эмас” деган эди. Бу фикр кўп баҳсларга боис бўлди.

А.Рустамов, Ҳ.Неъматов, У.Тўйчиевлар - ўзбек тилидаги бўғинларни чўзиш ҳам, қисқа қилиш ҳам мумкин, деган қараш тарафдори. Шу маънода аруз туркий тилларга ҳам хосдир. Арузни ўрганиш ва татбиқ қилишда ўқиш-эшитиш усулини қўллаш маъқул. Бу усул асосида жаҳид шеъриятининг вазнини аниқлаш имкони туғилади. Бу даврда таржима шеърлар ҳам арузда ўгирилган. Чўлпон Пушкиннинг “Булбул ва гул” шеърини арузнинг ҳазаж баҳрида таржима қилган.

Арузда сифат ўзгариш микдор ўзгаришга ўта бошлаган. Натижада бир шеърда аруз, бармоқ ва сарбастнинг унсурлари баробар қўлланилган. Бу – вазнларнинг алмашиш жараёнининг бошланишидан далолат. Тўғри, бармоқ, айниқса, сарбаст вазнининг ўрин олишида турк шеъриятининг самарали таъсири бўлди, бу шубҳасиз. Н.Афоқова ўзининг “Жаҳид шеърияти поэтикаси” монографиясида “Жаҳид адабиётида аруз аввало фонетик ўзгаришларга учради” (-Т., 2005, 26-бет), деган яхлит хулосага келади. Биз бу хулосага қўшилаемиз. Арузда фонетик ўзгаришнинг бир нечта тури мавжуд бўлиб, унинг уч кўринишига тўхталамиз, холос.

1. Истихлоф – яъни амалда қисқа айтиладиган товушни вазн талабига кўра чўзиқ ўқиш. Бу ҳолат жаҳид шеъриятида анъанага айланди.

Боғ - да ки а / сал – а – ри чак / ди би-зи/
Лаб-ши-ши-риб / до-ғ-дур-миз / уч ки-ши
Фо и ло тун фо и ло тун фо и лун

Рамали мусаддаси маҳзуф вазнида.

2. Таслим – сўз маъносини бузмай, айрим товушларни ўзгартириб ўқиш.

Ман аз ту	- - -
Маназ ту	v - -
Ман зи ту	- v -
Ман зи ту	- v v

Буни Фитрат мисолга келтирган.

3. Вазн талаби билан товушларни тушуриб қолдириш ҳодисаси жаҳид шеъриятида сероблашди.

Ўн – тў /р/ [т] ў-ғул-ет ти-қиз бер/ сун-ху-до-ван-ди жа-ҳон,
Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

Рамали мусаммани маҳзуф.

Биргина ўн тўрт сўз бирикмасини фоилотунга мослаштириш учун ўн-тў-р[т]ў-ғул/шаклига келтирилиб, [т] товуши тушириб қолдирилган.

Қисқаси, аруз вазнидаги кенглик ҳисобга олиниб, “эркин аруз” (Н.Афоқова) атамаси вужудга келган.

Жаҳид шеъриятида бармоқнинг шаклланиши ва такомили ҳам ўзига хосдир. Шеършунослик ва мусиқашунослик илмида “**шарқи**” атамаси яшайди. Мусиқашунослар уни кўпинча мусиқага оид атама деб келишди. Бу атама ўз ўрнида бармоқ тизимига ҳам ишлатилганини унутмаслик лозим.

Шарқи-туркий бармоқ, қолаверса, шарқ назмида қадимдан қўлланилиб келинган, аммо унинг назарияси билан шуғулланиш эътибордан қолиб кетаверган.

Фитрат ўзича эслаб, “бармоқда шеърни биринчи мен ёздимми ёки Чўлпонми, эслай олмайман, лекин унинг назариясига мен биринчи киришдим”, дейди.

Аруз билан бармоқнинг алоқаси бу даврга келиб, ўзгача маъно касб этди. Гарчанд, жаҳид шеъриятида дастлаб аруз асосий вазн ҳисобланса-да, кейинчалик шеърятнинг мазмун ўзгариши ва хориж шеър тузилишининг таъсирида бармоқ етакчилик қила бошлади. Бунга яна бир сабаб халқ оғзаки ижодидаги бармоқ вазнининг оҳанги аруз таъсирини аста-секин сиқиб қўйиши бўлди. Шундай қилиб, арузнинг бармоққа ўтишида халқ оғзаки поэтик ижоди кўприк вазифасини ўтади. Бармоқнинг тизим даражасига кўтарилишида Авлоний ва Ҳамза муҳим рол ўйнади. Ҳамзанинг “Миллий шеърлар учун миллий ашулалар” тўплами, Авлонийнинг “Адабиёт ёхуд

миллий шеърлар” мажмуасидаги шеърларнинг аксарияти халқ оғзаки ижоди оҳанги ва вазнидадир.

Бармоқ тарихига келсак, бу ҳақда Навоий маълумотлари ҳам бу вазннинг қадимийлигидан огоҳ этади. Аҳмад Яссавий, Боқирғоний, Муқимий ҳам бармоқда ижод қилганлар.

Жадид шеъриятига келиб, бармоқ тизим даражасига кўчиб, ҳоким вазнга айланди. Бунга қадар аруз билан бармоқ орасида ўзаро таъсирлар бўлгани аниқ.

Бармоқ мисралардаги бўғин ва туроқларнинг тенглигига асосланади. Дастлаб бўғинларнинг тенглиги кузатилмаган ҳоллар ҳам учрайди.

Авлоний:	Туғуб ўсдим бу Ватанда	= 8
	Ватаним йўқ мисли жаҳонда.	= 9

Байт гарчанд бармоқда ёзилган бўлса-да, иккита истисно мавжуд: 1) мисрада бўғинлар тенг эмас (8+9); 2) айрим сўзларнинг шакли бузилган ҳолда ишлатилган: туғуб-туғилиб. Ҳар икки истисно арузнинг бармоққа таъсири туфайли содир бўлган дейиш мумкин. Худди шу истиснолар арузда қоида шаклига кириб қолган. Бармоқнинг энди такомиллаша бориш жараёнида бундай истиснолар кузатилиши табиий ҳолдир.

Сарбаст шеър. Бармоқ ҳали тўлиқ ҳукмрон бўлгунгача арузнинг таъсири бўлиб турди. Аруздаги бир бўғинни кўшиш ёки қисқартириш ҳодисаси бармоққа ҳам кўчди. “Туғилиб” сўзи - туғуб, қазияси сўзи - қазя каби ёзилган ва талаффуз ҳам қилинган. Бу керакли фикрни ифодалаш мақсадида сўзларни ихчамлаштира олмаслик ёки атайин нуқсонга йўл қўйиш ҳодисаси содир бўлди. Бунинг натижасида туроқлар ёки кичик мисрачалар туғилди. Буни шоирлар ўз вақтида пайқадилар. Масалан, Чўлпон 1922 йилда ёзган “Тун” шеърининг тагига “эркин шеър”, деб ёки Ҳамза “Шеъри мансур”ининг остига “сарбаст”, деб ёзиб қўйган. Шунингдек, Ҳамзанинг “Қутлуғ бўлсин” шеъри ҳам сарбаст деб қайд қилинган.

Аёнлашадики, сарбаст шеър асримизнинг ўнинчи йилларида бармоқнинг тармоғи сифатида турк сарбаст шеъри таъсирида шакллана бошлаган. Аммо бу вазнга “ўғай кўз” билан муносабат қилингани учун унинг назарияси узоқ вақт ишланмай келинган.

Фитрат ўзининг “Адабиёт қоидалари” китобининг 44-бетида “Адабиёт, шеър торликни истамайдир, торликда ўсмайдир” деган ва бунга ўзи амал қилиб, янги публицистика ва драмалар, турк шеърияти таъсирида сарбаст шеърлар ёзди. Сарбаст шеърнинг шаклланишида Ҳамза, унинг тақомилида Фитрат ва Чўлпон асосий рол ўйнади.

Бармоқ ҳам торликни истамай қолди. Чунки шоирнинг фикри, поэтик туйғулари бармоқнинг турғун қолипига ҳамиша сиғавермайди. Шунинг учун бир мисрада бўғин узун, иккинчисида қисқа, бу ҳолат ҳатто банд тизимида ҳам кўриниш берган. Жадид шеъриятида сарбастнинг туғилиши 3 босқичда кўзга ташланади:

1 - босқичда бир-икки ўринда бармоқнинг бўғин миқдорида ўзгариш бўлган давр.

Чўлпоннинг «Бузилган ўлкага» шеърида бир-икки ўриндагина бўғинлар миқдорида ўзгариш содир бўлган.

Учар қушдек ёт йигитлар қаерда? -11

Тоғ эгаси сор бургутлар қаерда? -11

Эй, ҳар турли қулликларни сиғдирмаган ҳур ўлка -15

Нега сенинг бўғзингни бўғиб ётар кўланка? -14

2-босқичда бармоқ билан сарбаст аралаш келиш ҳолати кузатилади:

Хотинларнинг пардаси, -7=4+3

Бойларнинг юраги, -7=4+3

Қариларнинг гавдаси - 7=4+3

Йиртилғон -3

Ёрилғон -3

Эзилғон -3

Фитратнинг «Миррих юлдузига» шеъридан олинган ушбу парча бармоқнинг қўшма вазнига мансубдай. Аммо охирги бандни «Йиртилғон, ёрилғон, эзилғон» шаклида ёзсак, 9 бўғинни ташкил қиладики, бундай ҳолатда парчада бармоқ билан сарбаст аралаш келган бўлади.

3-босқичда бармоқ сарбастга тўлиқ ўтган. “Бинафша” шеъридан мисол:

Бинафша -3

Айт менга -3

Кимлардир уларким -6

Игнани бағрингга санчалар -9

Бинафша -3

Жадид шеъриятида қофия борасида ҳам жиддий ислоҳот ва ўзгаришлар содир бўлди. Мумтоз шеъриятдаги зебоқофия (аа.аа-аа), зулқофия (икки сўзнинг қофия бўлиб келиши) анъанавийдир.

Маълумки, мумтоз адабиётда қофиянинг композицион марказида равий туради. Ундан олдинги ҳарфлар бир-бири билан уйкаш келса, эънот ҳисобланган. Бу ҳолат ҳам давр шеърияти қофиясида учрайди.

Мумтоз қофиядаги равий график қофиядир, яъни ҳарфларнинг шакл жиҳатидан ўхшашлиги талаб қилинган, масалан, кўп-хўб қофия, чунки охирги ҳарфлар араб имлосида шакл жиҳатидан ўхшаш. Жадид адабиётида ана шу каби қонунлашган қофияларда ўзгариш бўла бошлади. Авлонийнинг “Биз нима ҳолдамиз?” шеърининг қофияси: покмиз-хокмиз, токмиз-чокмиз, бебокмиз-эркакмиз-кетмоқдамиз кабилар равий қоидасига тўлиқ риоя

қилинмаган. От сўз туркумидаги сўзлар билан қўшимчани қофия қилиш, яъни қўшимча асосида юзага келган қофиялар ниҳоятда фаровонлашиб кетган:

Сидқийда: суюрман – бўлурман – қилурман – ювурман – келурман – ўкурман – этурман кабиларда ўзак қисм оҳангдош эмас, бу равий қоидасига зиддир. Унда “урман” қўшимчасигина оҳангдош.

Мумтоз қофияда бир сўз икки марта қофияга жалб қилинмайди. Сидқийда бир шеърда “наво” ва “бало” икки марта қофияга тортилган. Баъзи шеърларда қофия тушиб қолиш ҳолатлари ҳам учрайдики, А.Қаюмов, Э.Иброҳимова бунини Увайсий шеъри муносабати билан ўрганиб, “оқ шеър”нинг пайдо бўлишига асос деб қараганлар.

Хулоса, аруз вазни ва равий қоидасига асосланувчи қофияларда ўзгариш юзага келиб, қофия оҳангдорлигида ранг-баранглик, шаклий хилма-хилликлар пайдо бўлган.

Назорат учун масалалар:

- 1. Жадид шеъриятининг асосий хусусиятларини айтинг.
- 2. Давр шеъриятида мазмуний ўзгаришлар ва бадиий ифодаларни изоҳланг.
- 3. Шеърий жанрдаги янгилик ва ранг-барангликни шарҳланг.
- 4. Шеъриятда жаҳон афкор оммаси ҳаётидаги муҳим воқеаларнинг акс этилишини тушунтиринг.
- 5. Поэтик образларда анъанавийлик ва янгиланишни айтинг.
- 6. Мазмуний янгиланиш поэтик ўзгаришни тақозо этиши ва бу борадаги сифат ўзгаришларни тушунтиринг.
- 7. Аруз вазни ҳокимлигининг ўзгариб бориши ва “эркин аруз” тушунчасини айтинг.
- △ 8. Бармоқнинг ҳукмрон тус олиши ва янгиланишини изоҳланг.
- 9. Сарбаст шеърнинг пайдо бўлиши ва хусусиятларини сўзланг.
- △ 10. Қофия тизимидаги туб ўзгаришларни тушунтиринг.

Адабиётлар: 4, 6, 7, 8, 9, 16.

5.2. Жадид насри

Режа:

1. Ҳикоя жанрининг шаклланиши ва такомили.
2. Публицистика – жанговар жанр.
3. Романга ҳос тафаккурнинг шаклланиш ва такомили.

Таянч тушунча ва иборалар: ҳикоя, ҳикоят, ривоят, реалистик ҳикоя, реалистик эпик жанр, романга ҳос тафаккур.

1-асосий савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларга жаҳид ҳикоячилигининг шаклланиши, тадрижий таракқиёти ва ўзига хос хусусиятлари ҳақида тушунча бериш.

Идентиф ўқув мақсадлари:

1. Жаҳид ҳикоячилигининг илдишлари, шаклланиш жараёнлари ва тақомили ҳақида тушунчага эга бўлади.
2. Маърифий ҳикоя борасида тасаввур бера олади.
3. Реалистик ҳикоянинг шаклланиши ва таракқиёт йўлларини гапириб беради.

1-саволнинг баёни:

Жаҳид насри - ўзига хос шаклланиш ва таракқиёт хусусиятларига эга. Унга ўзбек мумтоз насри - негиз бўлгани тайин. Шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, мумтоз адабиётда реалистик наср ҳали шаклланиб, мустақил таракқиётга юз тутган эмас эди. Бироқ ўзига хос анъанавий наср кўринишлари мавжуд бўлган.

Маълумки, мумтоз адабиёт насрида жаҳон насри ёки ҳикоячилиги андозалари йўқ эди, бу ҳақда гап бўлиши мумкин ҳам эмас. Ҳикоят, ривоят тарзидаги наср жаҳид насрининг негизларидан бири бўлди. Ҳикоят мумтоз адабиётимизда сероб учрайди.

“Ҳикоя” сўзи “ҳақ” сўзидан олинган бўлиб, тарашлаган, аввалги қиссадан тарашлаб олинган маънони англатади (А.Насриддинов, Маърифат ва шарҳи адабиёт, Душанбе, “Ирфон”, 1991).

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да ҳикояга “бирор кимса, нарсаси, воқеа ёки ҳодиса ҳақида оғзаки бериладиган ахборот ёки маълумот, бирор нарсанинг оғзаки баёни, тафсилоти” деб изоҳ берилган. Бу ҳикоя сўзининг оғзаки нутқдаги маъно қирраларидир.

Дарҳақиқат, ҳикоят билан ҳикоя муқояса қилинса, ҳикояда мустақиллик бор, ҳикоятда эса мустақиллик деярли йўқ. Аслида ҳикоят бадиий, ахлоқий ёки илмий тусдаги тарихий-мемуар ва шунга ўхшаш асарларда муайян фикрни тасдиқлаш учун маълум ва машҳур сюжетнинг қисқартириб, қайта баён қилинган шаклидир. Ҳикоят ҳажм жиҳатидан чекланган ва тугал бир фикрни ифодалаши жиҳатидан ҳикоядан фарқланса-да, у ҳикоя, аниқроғи, реалистик ҳикоя жанрининг тамалтоши вазифасини ўтаган. Ривоят илмий, луғат, дарсликдаги маънавий-маърифий фикрларнинг тасдиғи сифатида келтирилади.

Масалан, Абдулла Авлонийнинг “Иккинчи муаллим” китобида ақл ҳақида ўғит айтилади. Фикрнинг исботи учун “Ақл” сарлавҳали ҳикоят келтирилади, мазмуни:

Жаброил Одам а.с.га Дин, Ақл, Ҳаёни келтириб, яратган сизга шуларни ҳидоят қилди, дейди. Одам а.с. “Ақлни ихтиёр қилдим”, дейди ва шунда Жаброил Дин ва Ҳаёга: “Сизлар ўз жойингизга кетингиз. Одам сизларни

қабул қилмади”, деса улар: “Жаноб Ҳақ бизларни, Ақл қайда бўлса, сизлар ҳам шунда бўлурсиз, деб амр қилган эди, бизлар Ақлдан айрилмаймиз”, деди.

Маълум бўладики, Ақл қайда бўлса, Дин ва Ҳаё ҳам шунда бўлур экан. Ақл қанча ортса, юксалса, Дин ва Ҳаё ҳам шунча қувват топар экан (2,11).

Мумтоз адабиётда ҳикоя, қисса, масал кўпинча ривоят атамаси билан ифодаланган. Айниқса, ҳикоя билан ривоят ажрим қилинмаган.

Жадид адабиётида бу икки тушунчага ажримлик киритилганининг гувоҳи бўламиз. Аёнки, ўтмиш адабиётида ахлоқий-диний, маърифий, диний-дидактик, ахлоқий-бадий ҳикоялар ва асарлар дарсликларда келтирилган. Жадид адабиётида эса ана шу йўсиндаги ҳикояларнинг мазмун ва шакл сирасида ўзгаришлар пайдо бўлди. “Ўзбек адабиёти тарихи”нинг 5-жилдида жадид адабиётининг дастлабки насри 2 гуруҳга таснифланган.

1) янги дарсликлардаги ҳикоялар;

2) соф бадий тусдаги ҳикоялар.

Янги дарсликлардаги ҳикоялар ўтмиш дидактик ҳикоячиликдан тубдан фарқ қилади. Ўтмиш дидактик ҳикоялар диний-дидактик характерда бўлса, янги дарсликдаги ҳикоялар реалистик руҳи билан ажралиб туради. Уларда ҳаётийлик, реал маиший, миллий мазмун биринчи режада туради.

Янги дарсликларга кирган ҳикоялар ҳам оғзаки ва мумтоз адабиёт, шунингдек, рус адабиётидан олинган бўлиб, унинг шаклланишига тамалтош бўлди. Бу ҳолат ҳикоя жанрининг реализми ва бадииятига катта таъсир кўрсатди.

Бу давр ҳикоячилигига масал (басня) жанри, сатира ва юмор пафоси, ҳазил-мutoйиба, мажозийлик ва ибрат бўларли сюжетлар кириб келди.

Юқорида саналган хусусиятлар Саидрасул Азизийнинг “Устози аввал” дарслигида ўзининг муносиб ўрнини олган. Ундаги 20 та шеърӣ ҳикоядан 17 таси насрий ҳикоядир ва уларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Муаллифнинг ўзи яратган ҳикоялари: “Онага ҳурмат”, “Поклик”, “Сўзчи”, “Зулук бирла илон”, “Ақлли ўғил”, “Ҳамоқат”.

2. Рус адиблари ижодидан ўтирилган ҳикоялар: “Тулки бирла узум”, “Бола ва отаси”, “Ёлғончи чўпон”, “Ватани рус”.

3. Халқ оғзаки ва мумтоз адабиётдан намуналар: “Хат”, “Беодоб”, “Икки ошна”, “Чақимчи”, “Ақлли қизлар” кабилар.

Рус адабиётидан И.Криловнинг “Тулки ва узум”, Толстойнинг “Бола ва отаси” каби ҳикоялари ўзининг реалистик фантазиялари билан ажралиб туради. “Бола ва отаси” ҳикоясида маърифат рамзий маънода улуғланган.

Ота кўзойнаги билан китоб ўқир экан, боласи унга ҳам китоб ўқиш учун кўзойнак олиб беришни сўрайди.

Отаси: “Хўп яхши айтасиз, ўғлим, мен сизга болаларнинг кўзойнагидан олиб бераман”, деб алифбо китобча олиб берибди.

“Маълум ўлурки, болаларнинг кўзойнаклари алифбо бўлур, яъни катта китобларни айнак воситаси бирла кўриб билур.”

Мумтоз адабиётдан олинган ҳикоялар ахлоқий-дидактик мазмуни билан мутлако ажралиб туради. “Беодоб” ҳикоясида мактуб битувчи ёзиб турган мактубини ўқиётган кимсага танбеҳ беришни билмай, хатда шундай деган:

“Бир бегона ахлоқ хатимга қарагани учун ёзолмадим”, деб илова қилибди.

Ҳикоя жанрининг инкишофида Абдулла Авлониининг “Биринчи муаллим”, “Иккинчи муаллим”, “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ”, “Мактаб гулистони” каби дарсликлари алоҳида ўрин тутади. Унинг “Учинчи муаллим”, “Мактаб жуғрофияси”, “Ҳисоб масалалари” каби дарсликлари босилмай қолган.

Абдулла Авлониининг ҳикоялари ҳаётий асосга қурилгани ва мазмуни теран, поэтикаси мукамаллиги билан фарқланиб туради. Айрим ҳикояларни ўзи тўқиган, баъзи ҳикояларга ўзича янги сайқал берган.

Рус адабиётидаги “Бўри билан кўзи” масалига баъзи ўзгартиришлар киритиб, янгича талқин қилган. Рус вариантыда “Шундай қилиб, кўзичоқни бўри еди ўрмонда” жумласи билан тугайди. Абдулла Авлониий эса ҳикояни “Ямоннинг кучи япалоққа етар” мақоли билан тугатади. Иккинчи вариантда киноя кучли.

Кўзи бўри турган ердан қуйироқда ариқдан сув ичади. Бўри унга дашном бериб: “Эй ярамас, нима учун мен ичадурғон сувни булғатасан”

- Афандим, бу қандай сўз! Сиз сувнинг юқори ёғинда, мен қуйи ёғинда бўлсак, мен қандай сувни булғатурман?

- Ўтган йил сан манинг отамни ҳам сўккан эдинг, эмди манга ҳам қаршилиқ қилурсан.

- Афандим! Мен ўтган йил отангизни сўкмоқ қайда, ўзим онадан ҳам туғилғоним йўқ эди.

- Ҳа, нодон, холо ҳам адабсизлик қилурсан, деб кўзини парча-парча қилиб еб қўйди.

Ақлли бола. Бир бола кўшнининг уйига ўралган тобоқда таом олиб бораётган эди, бир киши:

- Эй ўғлим, тобоқда нима олиб борурсан?, - деди.

- Эй отажон, тобоқ ичидаги нарсани(нг) кишига айтмоқ ва кўрсатмоқ мумкин бўлса эди, усти ўралмаган, очик бўлур эди, - деди.

Адиб ҳикояларининг поэтикаси хийла мукамал, дедик. Биргина хусусияти ҳақида. Ҳикояда воқеа нақл, баён қилинмайди, аксинча, ҳақиқат таҳлил қилинади, тасвирга ўрин берилади. Ҳикояда бола ўзидан каттани мантиқли жавоби билан мулаҳаза қилади.

Абдулла Авлониий қатори Ҳамза ҳам “Ўқиш китоби”, “Қироат китоби” каби дарсликларида ҳикоятлар келтиради. Унинг ҳикоятлари анъанавий йўсиндадир. Агар уларни Авлониий ҳикоятларига қиёсласак, Ҳамза дарслигидагилар ҳикоя эмас, балки ҳикоятга хосдир. Сабаби ундаги воқеалар

нақл қилинади, кучли мантиқ, монолог ёки диалог ўрнини оддий баёнчилик эгаллайди.

Аён бўладики, Ҳамза ҳикоячиликда ўз замондош ва сафдошларидан ўзиб кетолган эмас. Биргина мисол Обид ҳақидаги ҳикоятидир.

Обид - камсуқум, камтар, тавозеъли киши. У кундан-кун бойиб кетади. Буни қўшниси Абдуқаҳҳор кўролмайди. Унга қасд қилиш учун пичоқ кўтариб, мақсади уни сўйиш эканлигини айтади, шунда Обид:

- Жон биродар, бир жон бўлса, сиздек дўсти мушфиқ ҳамсояларга минг курбон бўлсин! Аммо сиз аввал бир нафасгина ўлтуринг. Мен мезбонлик вазифамни адо қилиб, таъзим ва тавозеларингизни ўз жойида адо қилай.

Абдуқаҳҳор қилган хомтамалигига пушаймон бўлиб, Обиднинг оёғи остига йиқилади.

Хулоса: “Мана, тавозе деган мундоқ қотил душманларни дўст қила олур”.

Ҳамзанинг бу ва бошқа ҳикоялари жаҳид реалистик ҳикоячилигида муҳим ўрин тутолмади.

Фитратдан бошланган жаҳид насри Қодирий ижодида ўзининг реалистик ўзанига етди. Аллома адиб Қодирий маърифий ҳикояси – “Жувонбоз”да жаҳид насрига хос баёнчилик, насиҳатгўйлик ва нари борса фожеавийликка кўпроқ эътибор берган эди. Шундай бўлиши табиий эди. Чунки энди тамал тоши қўйилаётган жаҳид насри ана шундай хусусиятларга эга эди. Қодирий бу каби анъаналарни ёриб чиқиб, реалистик ҳикоя жанрига асос қўйди. Бу “Улоқда” ҳикояси эди. “Улоқда” ҳикоясигача жаҳид ҳикояларида тасвир ҳали ниш кўрсатган эмас эди. Реалистик ниш “Улоқда” ҳикоясида намоён бўлди.

Адибнинг мазкур ҳикояси тасвир, образлилик ва ифодалилик жиҳати билан, умуман, жаҳид ҳикоячилигидан мутлақо фарқ қилади. Унда воқеа ва образни адиб етакламайди. Воқеа холис тасвирланади, баён қилинмайди, балки ифодаланади. Образлар ўзига ўзи ва ўзгалар характеристикаси билан тавсифланади. Ҳикоя воқеасини образлар ҳаракатга келтиради. Тасвирда ифодалилик, киноя, кесатиш, мақол билан тасдиқлаш яққол намоён бўлиб туради.

Ҳикоя қаҳрамони ва ҳикоячи маъмур оиланинг фарзанди Турғундир. У ота-онаси ва акаси ижозати билан қорақашқани улоққа миниб бормоқчи. У шундай хурсанд, ўзида йўқ хушнуд бўлиб, отини қашлайди, ажойиб жабдуқлар билан эгарлайди. Унинг бундай ҳолатини кўрган ота-онаси:

- Оёғинг олти, қўлинг етти бўлиб қолдиёв! – дейди.

Мақол Турғуннинг хурсанд ва серҳаракат бўлиб, улоққа тайёргарлик кўриш ҳолатини аниқ, ихчам ва тасдиқловчи иборада беришга омил бўлган.

Ҳикоянинг яна бир хусусияти нутқ шакллариidir. Унда якка шахс ва омма овози ҳам жаранглаб туради.

Воқеанинг якка шахс томонидан ифодаланиши:

“Энди тойчам жуда ҳам гижинглаб, худди тўраларникидек бўлиб кетди. У ёқ - бу ёғини супургандан кейин устунга қантариб қўйдим. Энди қолди: оқ

жужунча камзулимни, ўрисча шимимни, амиркон этикимни, бахмал тўппини кийиш... Ана шундан кейин отга минсак чин тўрача бўламиз-да!”

Турғун улоққа бориш учун хўб тайёргарлик кўрган. Унинг кайфияти ўта кўтаринки, ўзини улоқчи чавандоз ва келбатини тўраларга қиёс қилади. Бу тасвир ҳикоя қаҳрамонининг ички руҳий ҳолатидан келтириб чиқарилган. Адиб “Турғун хурсанд” деган сўзни ишлатган эмас, бу тасвирдан, ички туйғунинг ифодасидан келтириб чиқарган. Ҳикояда омманинг овози берилган. Бу жаҳид насрида янгиликдир: “Тақимга бос, тақимга!”, “Отнинг бошини қўй, човига қамчини шиғаб бер!”, “Бўш келма, маҳкам тут!”, “Юганни бўшат, қамчингни тишлаб ол, ёнингга алаҳсима!”, “Олдинг, олдинг!”, ... “Вой тўймагур, бериб юбординг-а, ўз кўнглингда сен ҳам улоқчисан-да!”, “Отинг ҳаром қотсин, отми, эшакми – бу ҳаром ўлгуриг?”

Мантиқли диалог ҳам тасвир жараёнидан ўрин олган:

- Нима гап, нима гап?
- Ҳеч нарсаси эмас, Эсонбойни от босипти!
- Қўрқинчли эмасми?
- Йўқ, сағал.

Мухим воқеа диалогда берилган.

Қодирий жаҳид ҳикоячилигида холис тасвир йўлидан бориш, воқеа ва образлар ҳаракатига аралашмаслик, четдан кузатиб ифодалаш усулини устувор қўллади.

Ҳикоя ҳақида баъзи адабиётшунослар Биринчи жаҳон уруши кетаётган бир пайтда кишилар бекор, ўз ҳолича, улоқ ўйини билан машғуллиги тасвирланган дейишди. Асло ундай эмас. Улоқ қадриятимиз экани, чиниқиш машқи экани, аммо хатарли томони ҳам мавжудлигини эслатишдан иборатдир.

Жаҳид ҳикоячилигида Чўлпоннинг ўрни алоҳидадир. Унинг публицистик асарларида даврнинг чирсиллаб турган муаммолари, адабиётнинг янги эстетик пафоси ва хизмати ҳақида гап боради. Айниқса, ўзбек ҳикоячилиги ва қиссачилигининг илк ғиштларини қўйишга муваффақ бўлди. Адибнинг илк ҳикояларида жаҳидчиликнинг маърифатпарварлик тамойили устувордир. Тўғри, ҳикояларида холис туриб тасвирлаш етакчилик қилмаси-да, илм, одоб-ахлоқ тарғиботи кучли берилган. Бу илк жаҳид насрининг етакчи хусусиятини ташкил қилар эди.

“Қурбони жаҳолат” ҳикоясида ўқиган билан ўқимаган, тўғрироғи, маърифат ва жаҳолат қиёсланган. Асар қаҳрамони Эшмурод ўқимишли, даврий газеталарни узлуксиз ўқиб, дунё воқеаларидан хабардор ва бошқаларни огоҳ этиб туради. Унинг уйига таниш бола Мўминжон ташриф буюради. Уй соҳибининг кўзини шамғалат қилиб, отасининг тилла соатини ўғирлаб чиқиб кетади. Соат отаси учун жуда ардоқли эди. Чунки соатни сўфи Назарали тақдим қилган эди.

Шу захоти отаси сўфи билан кириб келади. Сухбат айланиб келиб, совға қилинган соат устида боради. Қарасалар, соат ўрнида йўқ. Ота Эшмуродни

олган гумон қилиб, унга тан жазоси беради. Ўғил ориятдан бир ойча ётиб қолади. Ўзига келгандан сўнг бойнинг боғида газета мутолаасига берилади. Бой кўриб қолиб, дунё янгиликларидан ўкиб ва айтиб беришини сўрайди. Улар уйга киришади. Меҳмонхонада тилла соат осиглиқ эди. Ўйинқароқ болалардан бири бойнинг меҳмонхонасига кириб, соатни ўғирлайди. Ўғирланган соат Эшмуроддан кўрилади. Нохуш хабар ҳуқуқ ходимларига етиб боради. Тўсатдан милиция ходимлари бостириб киришади. Номус-орга бардош беролмаган Эшмурод ўзини-ўзи нобуд қилади. Орадан вақт ўтгандан сўнг ўғирланган соат ва унинг ўғриси топилади. Афсус, ноҳақ тухматга қолган Эшмурод жаҳолатнинг қурбони бўлиб кетган эди.

Ҳикоя сюжетига назар ташласангиз, воқеа ва деталлар - ўта содда. Ҳатто тилла соат детали такрорланади. Воқеа нақл қилинади, тасвир йўқ. Аёнки, бадиият суст, тилда ифода кам. Шунга қарамасдан ҳикоя илк жаҳид насрининг шаклланиши ва такомилида муҳим ўрин тутди. Айниқса, замонавий ўзбек насрининг шаклланишини эътиборга олсак, гарчандки бадиияти заиф бўлса-да, маърифий жиҳатдан қийматга эгадир. Унда жаҳолат қаттиқ қораланади.

Қисқаси, жаҳид ҳикоят ва ҳикоялари дидактик ва ижтимоий-маърифий ғоялар ташиши билан бирга жаҳид реалистик ҳикоячилигининг бадииятини такомиллаштиришга тағкурси вазифасини ўтади. Бадииятга оид турли тажрибалар тўпланди.

2-асосий савол бўйича дарснинг мақсади. Жаҳид публицистикасидаги ижтимоий-сиёсий масалаларни талабалар шуурига сингдириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Беҳбудий публицистикасининг моҳиятини англайди.
2. Фитрат публицистикасида ислоҳот ва мухториятнинг моҳиятини идрок этади.

2-асосий саволнинг баёни:

Жаҳид адабиёти ўзининг жанр ранг-баранглиги ва унинг янгилари юзага келиши билан мутлақо ажралиб туради. Шеърятда бўлганидек, насрда ҳам жанговор публицистикага қўл урилди. Бу жанр жаҳидларнинг туб ислоҳотчилик ғояларини олға суришда қўл келди.

Марказий Осиё адабиётида публицистиканинг ибтидоси ва тараққийси, албатта, ўзга юрт адабиётларининг таъсирида экани шубҳасиз. Шулар қаторида Исмоил Ғаспиралининг “Таржимон” газетаси етиб келган публицистика ерли халқ, айниқса, жаҳидлар учун об-хаводек зарур эди. Хусусан, унинг “Ғоя” публицистик мақоласи ҳаммани лол қолдирди ва барча учун дастур бўлди. Шунинг таъсирида Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон ва бошқалар ўзларининг жанговор публицистикасини яратдилар.

Жанрнинг “доя”си газета бўлди. Биринчи газета “Тараққий”нинг (1906, 17 июн) бош муҳаррири Исмоил Обидий бўлиб, уни газетанинг обрўйи жихатидан “Тараққий” исми билан чиқарар эдилар. Бунинг таъсирида Абдулла Авлоний “Хуршид” (1907), “Шухрат” (1908), Тошкентда Саидкарим Саидазимбой “Тужжор” (1907), Аҳмаджон Бектемир “Осиё” (1908), Бехбудий “Самарқанд” (1913), “Ойна” (1913-15) газета ва журналларини чоп эттирди. 1910 йилга келиб, газета нашри кенг авж олди. Нуфузли “Садойи Туркистон” (Тошкентда, 1914, Убайдулла Асатиллахўжаев), Фарғонада “Садойи Фарғона” (1914, Обиджон Маҳмудов), “Турон” (1913), “Ал-ислоҳ” (Тошкент, Абдурахмон Сайёҳ, журнал) чоп этилди.

Самарқандда Бехбудий “Самарқанд” (1913), Тошкентда Убайдуллаев “Садойи Туркистон” (1914), Абдурахмон Сайёҳ “Ал-Ислоҳ” (1915), Обиджон Маҳмудов “Садойи Фарғона” (1914), “Тирик сўз” газетасини нашр қилдирди.

Миллий матбуотнинг майдонга келиши янги адабиётнинг шаклланиб, дастлабки дадил кадам қўйишига имкон берди. Унинг мазмуни, бадиий шакли, жанри, услуби мукаммаллаша борди. 1900 йилда бошланган публицистика 20-йилларда ўзининг тараққиёт чўққисига эришди.

Давр публицистикаси ўзининг “сўнмас бир жўшқинлик” пафоси билан миллатнинг у ёки бу муаммоларини кўтариб чиқди. Унинг энг муҳим муаммоси миллий озодлик учун кураш эди.

Бехбудий ўзбек публицистикасининг тамал тошини қўйганлардан бири бўлди. Баъзи манбаларда 300 дан зиёд, баъзи манбаларда 500 та мақола эълон қилган дейилади. Унинг мақолаларида ислохотчилик, ерли халқларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, хурриятни қўлга киритиш масалалари қаламга олинган. “Дума ва Туркистон мусулмонлари” мақоласида думада 70 минг европаликка 6 киши, 7 миллион ерли аҳолидан 5 нафар вакил сайланганини эслатиб, маҳаллий халқнинг ҳақ-ҳуқуқи ниҳоятда поймол қилингани таъкидланади.

“Хайрул умри авсатуҳо” (“Ишларнинг яхшиси ўртачасидир”) мақоласида Русиянинг идора тартиби “идораи мустақла” – “самодержавие”ни ўта танқид остига олади. Чор ҳукуматининг мустабид сиёсати, айниқса, Туркистонга тўғри келмас эди. Мустабид сиёсат туфайли вақф мулкининг тортиб олиниши, рус мужикларининг кўчириб келиниши, мулк ва давлатнинг яҳудий ва арманлар қўлига ўтиб бориши ерли халқнинг қашшоқлаштирар, тўғрироғи, фожеага олиб келар эди. Ана шу нуқтаи назардан Русиянинг социал-демократик партиясининг дастурини инкор этиб, Туркистон мусулмонларининг алоҳида ўзига мувофиқ партияси бўлишни ёқлаб чиқади. Бўлажак партия кадетлар партиясига ўхшаши лозимлигини ёқлаб чиқади Бехбудий.

Фитрат дастлабки публицистик асарларида миллатни уйғотиш, ўзлигини танишини истади. Бунинг учун у миллатнинг ўтмиши ва буюклари, бугуни, эртаси, қисмати ҳақида куйиб, ёниб ёзади.

1917 йил “Хуррият” газетасида “Мухторият” мақоласида ёзади:

“Эллик йилдан бери эзилдик, таҳқир этилдик, қўлимиз боғланди, тилимиз кесилди, оғзимиз қонланди, еримиз босилди, молимиз таланди, шарафимиз юмурилди, номусимиз ғасб қилинди, ҳуқуқимизга тажовузлар бўлди... бутун борлиғимизни қўлдан бердик. Ёлғиз бир фикрни бермадик, яшинтирдик, иймонларимизни авайлаб сақладик: “Туркистон мухторияти”.

Фитратнинг оташин нафаси – сатрларда мужассам. Публицистика авваллари миллат муаммоси билан чегараланиб қолган эди. Кейинчалик унинг мавзу доираси кенгайди. Россия империясига қарши кураш ва халқаро масалалар ҳам унинг мавзу доирасидан ўрин олди.

Бу борада Фитратнинг “Инглиз ўйинлари” (“Хуррият”, 1918 йил, 64-сон), “Шарқ сиёсати” (“Иштирокиюн”, 1919, 25-сентябрь) каби мақолаларида империализмнинг очкўзлик сиёсати фош қилинади.

“Шарқ сиёсати”да ёзади:

“Уларнинг тилаклари бизга маданият бериб, бизда маориф тарқатиш, бизни тараққий эттириш эмас, турли фоҳишахоналар, майхоналар очиб, бизнинг ахлоқимизни бузмоқ, бизнинг соғлиғимизни хароб қилмоқ ва уруғимизни қуритиб, бизни ишдан чиқармоқ ва қўлларига муҳтож қилиб қўймоқдир. Улар Шарқ халқини бутун йўқ қилиб, Шарқни ўзларига моя қилмоқчи эрурлар”.

Чўлпон ҳам Фитрат сингари хориж сиёсатининг ёвузлиги ва босқинчиликларини қоралаб, уларга қарши уйғониб келаётган кучларни самимий муҳаббат билан ёзади ва уларни: “истиклол эрлари”, деб атайти.

Жадид матбуоти жадид публицистикаси ва адабиёти учун олтин бешик вазифасини ўтади. Энг аввало, матбуотда эълон қилинган мақолалар миллатни уйғотиш, бирлик (иттиҳод), уюшмалар тузиш, ғоявий мақсадлар қўйиш, уни амалга оширишда оммани даъват этиш, боринги, бутун мусулмон оламининг жадидчиликка майлини буриб турди. Матбуот Туркистон Мухториятининг зоҳир бўлишида ижтимоий-сиёсий тарғибот ролини ўйнади.

Публицистика, энг аввало, янги адабиётнинг инкишофи учун катта йўл очди. Авваллари адабиётнинг мавзу доираси тор, дидактика, насихатгўйликдан иборат эди. Айниқса, **т а с в и р** ниҳоятда бўш ҳисобида эди. Янги адабиётда насихатгўйлик ўрнини бадиият ола бошлади. Бу катта ўзгариш ва ютуқ бўлди.

1908 йил Фитрат бир қатор ёшлар сингари Туркияга таҳсилга боради. 4 йил ўқийди. Муллавачча бўлиб кетган Фитрат европача кийимда қайтиб келади. Ҳамма уни кофир, деб аташади. Фитрат эпик характердаги публицистик асарларга қўл урди. 1909 йил Туркияда “Мунозара” асарини тожик тилида ёзади. Уни Ҳожи Муин ўзбек тилига ўгиради. Асар ҳиндистонлик фаранги билан бухоролик мударрис ўртасидаги суҳбат тариқасида ёзилган.

Қисқаси, асар жадид усулидаги мактаб ва дин қоидаларини ҳимоя қилиш ғояси билан суғорилган.

3-асосий савол бўйича дарснинг мақсади. Романга хос тафаккурнинг шаклланиш жараёни ва такомили ҳақида талабаларда тасаввур ҳосил қилдириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. “Ҳинд сайёҳи баёноти”да эпик кўлам ва ижтимоий муаммоларни англайди.
2. Илк романларнинг реалистик тамойилларини билади.
3. Ўзбек романчилик мактабини идрок этади.

3-саволнинг баёни:

Фитрат эпик характердаги асарга кўл урди. Унинг “Мунозара” (1909) асарида қадимчилар ва жаидларчининг моҳияти ҳақида фикр боради. Бу асар “Ҳинд сайёҳи баёноти”га такурси бўлди.

“Ҳинд сайёҳи баёноти” асари бир хинд сайёҳининг бухоролик билан учрашиб, шаҳарнинг кўркемлиги, у ерда Абу Али ибн Сино ва Имом Бухорий каби алломалар етишганини эшитгани ва оқибат қизиқиб қолгани ҳақидаги баён билан бошланади.

Сайёҳ бухороликларни учга - умаролар, уламолар ва фуқароларга бўлади.

У Бухоронинг турли тоифадаги кишилари, уларнинг касбу корлари, характерлари, турмуш тарзларини бошқа халқлар ҳаёти билан қиёслайди, ўзига хос хулосалар чиқаради. Хулоса шуки, хонлик тузумини ислоҳ қилиш шарт. Бусиз яшаш тарзи ва турмуш фаровонлиги манзарасида ўзгариш бўлмайди. Асарда Фитрат буюк ислохотчи бўлиб кўринади.

Бухоро ўз бағрида етишган алломаларини “қулоғига зирак этиб таққан, аммо кейинги икки юз йил ичида ўзининг илмий қийматини йўқотган”и ҳақида фикр боради асарда.

Уламо: Бухорода 200 дан ортиқ мадраса бўлган. Вақф пули ҳаддан зиёд, бироқ у уламолар чўнтагига кириб кетаверган. Уламолар саводдан қашшоқ, 20 йил ўқиб, яна 20 йил дарс бериб, муфтий лавозимига ўтирганлар. Шунда ҳам оятларни чала ўқийдилар, форсийча ўқишга берилиб кетадилар. Сураларни қандай ўқиса ва изоҳласа, шундай деб кетаверадилар, яъни тўғри шарҳлай олмайдилар, “ҳадис тўқиб чиқмишлар”, дейди сайёҳ.

Умаро: Бухоро қозисининг қилмиш-қидирмиши асарда қизиқарли лавҳа ва бадиий тилда берилган. Мушук олиб қочган битта нон учун хотин эридан калтак ейди. Қозига арз қилади, уни каматади.

Хотин: “Мени бева, фарзандларимни етим қолдирманг”, дея қозига арзу дод ҳам қилади. Хотин қозига 2 минг, унинг оқсоқолларига 1,5 минг танга беради. Сўнг эрини озод қилади. Қози шу пулдан сайёҳга ҳам тақдим қилади, аммо у олмайди. Бу мусулмончиликка тўғри келмайди, дейди.

Хулоса, битта нон машмашаси 3,5 минг тангага тушди.

Асарда Шаҳрисабз қозиси борасида ҳам қизиқарли, аммо афсуснадоматга тўла фикр ифодаланган. У - билимли, дунё хабарларидан воқиф.

Ўзи яшаб турган муҳитдан норози, ўзгалар ҳаётидан биров бўлса-да, огоҳ. Унинг ақидасича, ҳар бир ҳоким уч томонни - мамлакат, халқ, подшони тан олиши керак. Бухорода эса ҳоким мамлакат билан халқни дарров унутади. У “шунинг учун мамлакатимиз ҳалигача обод бўлмайди ва аминмизки, агар шу ҳол давом этса, бир умр обод бўлмас”, дейди.

Сайёҳ Бухорода демократиянинг йўқлигини афсус билан таъкидлайди. Барча амалдор юқоридан тайинланади. Натижада барча амалдор хоннинг ёки подшонинг қовоғига қараб иш кўради, уни хурсанд қилиш пайига тушади. Халқ сайлаган ҳокими нодон ва ноқобил чиқса, ўз қилмишидан кулолмайди. Сайёҳ халқни кўйга қиёс қилишни номақбул топади. Халқ донишманд, бунёдкор, ҳақиқатталабдир. Шаҳрисабзнинг ери японларда бўлса, “зар экиб, зар ундиради”, дейди.

Сайёҳ Қарши ҳунармандларининг иши ва матосини кўриб, қойил қолади. Шундай мисол ҳам келтиради. Ҳожи Мадинага совға учун алача олиб боради. У совғани нимадир сабаб билан яна қайтариб олиб келади. Истанбул божхонаси вакиллари алача Бухороники эмас, фарангиларники, дея бож беришни талаб қилади. Пул бериб божхонадан ўтади.

Сайёҳ қаршилик устадан қилаётган ишингизнинг келажагини биласизми ёки ўйлайсизми, деганда, уста:

“Ҳозир ишимиз яхши, 10 йилдан кейин ким бору ким йўқ?”

Сайёҳ:

- Эртани ўйлаш олам ободлигининг боисидир.

Сайёҳ устанинг нозик иш устаси эканини пайқайди. Аммо у узоқни кўзлаб иш тутмайди. Ўзининг умри тугаб бораётгандир. Фарзандлари, набиралари-чи? Боз устига бирор фабрика қурмаса, унинг майда дўкони таназзулга учраши тайин. У буни ўйламайди.

Фитрат сайёҳ тимсолида юрт таназзулининг боисини умаролар сиймосида кўради. Улар фуқарони аравага қўшилган қуллар деб билишади.

Асарда тижорат ишлари ўсиш-ривожланиш ва савоб иш сифатида талқин қилинган. Ўзга юртларда тижорат тараққий қилган. Бизда тижоратга уламолар монелик қилишади, яъни улар фуқаронинг қашшоқ бўлиш тарафдори.

“Сизларнинг уламоингиз қашшоқликни ўзлари учун эмас, балки ўзгалар учун муносиб биладилар”, дейди сайёҳ.

Чўлпон қаламига мансуб “Дўхтур Муҳаммадиёр”да маърифатнинг амалиёти ва фойдаси баён қилинган. Биз “баён” қилинган сўзига алоҳида урғу бермоқдамиз. Сабаби асар қаҳрамони Муҳаммадиёр маърифат ва ўқиш натижасида “эл дўхтури” – “ходим миллат” даражасига етса-да, асарнинг сюжети, характер яратиш жиҳати тўлақонли бадий асар “таъм”ини бермайди. Шунга қарамасдан адиб қиссаси маърифий-тарғибий жиҳатдан энг муҳим саналишга моликдир.

Муҳаммадиёр – дунё кўрган йигит. Унинг отаси Ҳожи Аҳмад 15 ёшида ҳажга бориб, бир қатор мамлакатларни кўришга муяссар бўлган. Ҳожи

Аҳмаднинг эзгу тилаги ўғли Муҳаммадиёрни миллий тарбия билан ақли расо фарзанд қилиб тарбиялаш. Бахтга қарши отаси ўғлининг устози татар муаллимини поездда жўнатиб, қайтаётганда майпарастларнинг ноҳақ калтагига учраб, қазо қилади. У вафоти олдидан ўғлига ўқишни ва маърифат орқали одам бўлишни насихат қилади. Ўғил ота насихатига амал қилиш учун ҳайрия жамғармаси кўмагида Боку гимназиясига ўқишга боради. У ердаги илғор кишиларнинг кўмаги билан Петербургга ўқишга киради. Ундан сўнг Швейцария университетининг Тиббиёт факультетида таҳсил олади. Уни битириб, врач сифатида фуқароларни бепул даволайди. Шифохона очиб, “Ходими миллат, Муҳаммадиёр” деган эл мақтовига сазовор бўлади. У ўз қилмишидан маъмун бўлиб, ўзгаларнинг маънавий ўзгаришига ҳам таъсир қилишга уринади. “Ватан” журнали, “Хабар” газеталарини нашр қилади. Бу жиҳатдан у ўз даврининг тадбиркоригина эмас, балки илғор маърифатпарвари ҳамдир.

Петербургда ўқиб юрган чоғларида, маҳаллий мактаб талабалари билан Европа мактаб талабаларини қиёслайди. Мадраса талабалари бир йилда 6 ой ўқиб, 6 ой иш излаб, изғиб юришларини эслаб, афсусу надоматга чўмади. Ҳосил бўлган туйғуларини “Умрлик шогирдлар” романида ифодалайди. Романни ўзи рус тилига ҳам таржима қилади.

Муҳаммадиёрни яна бир ҳодиса ҳайратга солади. Маҳаллий кишиларнинг ўзга юртларга бориб, энг оддий турмуш тарзи билан таниш эмаслиги ва муносабат қила олмасликларидан афсусга келади. Ҳатто бойлар Москва, Петербургга бориб, меҳмонхона, ресторан, кўчаларда юриш-туриш, муомала-муносабатни билмасликлари, ўзгаларга кулгу бўлишлари дўхтурни ажаблантиради. Шунинг аён қилиш учун “Пойтахт меҳмонлари” номли драма ёзади. Драмада поездда билетини йўқотиб қўйиб, кондукторлардан сўқиш ва тазйиқ эшитган миллатдоши образи яратилган.

Жадид насри мавзу ва мазмун жиҳатидан тадрижий ўсишга йўл олди. Фитрат ўз насрида ислоҳот ва туб ўзгаришлар масаласини илгари сурса, Чўлпон жамиятдаги иллат, маърифатсизликнинг фожеалари, маорифнинг нурли ҳаёт учун машъала бўлишини қаламга олди.

Насрнинг эпик шакли ҳам ниш ура бошлади. Эпика жадид насри учун янгилик бўлса-да, ҳали бу борада жўяли тажриба йўқ эди. Нима бўлса-да эпикада даврнинг иллат ва жароҳатларини ёзиш ва айтишни тақозо қилар эди.

Адиб Мирмуҳсин Шермуҳаммедов “Фарзандсиз Очилдибой” қиссасида (муаллиф роман деб атайди) бой Очилдибой ва унга муте, қарздор Қулаҳмад ўртасидаги муносабатлар мисолида 1910 йилларнинг фожеали воқеаларини тасвирлайди. Ёш қаламқаш Мўминжон Муҳаммадҷонов (Тошқин) “Эски мактаб турмуши ёки Толиб” (1915) қиссасида эски мактаб билан янги мактабнинг таълим тизимидаги қолоқлик ва афзалликларини қиёсий трзда тасвирлайди. Эски мактаб мударрисларнинг шахсий манфаатига кўпроқ хизмат қилувчи таълим маскани ҳисобланган. Унда талаба катта тўлов ёки тухфалар бериш ҳисобига таълим олиши керак. Толиб иқтисодий

қашшоқлиги туфайли эски мактаб талабига жавоб беролмайди. Синфдошлари муллаваччалар сингари турли маъракаларга таклиф қилинмайди. Турмуш даражаси кундан-кун чуруклаша бошлайди, тирикчилик жўнида бузук йўлларга кириб, оиласига кулфат ва фожеа келтиради. Толиб ҳаёти мисолида муаллиф эски мактабнинг нобоплиги ва жаид мактабининг маърифат ўчоғи эканини тасдиқлайди. Жаид мактабининг нуфузини оммага тушунтириш ва сингдириш даврининг долзарб масалаларидан бири эди.

Жаид носирларининг орзуси жаҳон андозасидаги роман жанрида қалам тебратиш эди.

Романга оид тафаккурнинг шаклланиши жаид адабиётида ўзига хос йўл билан амалга ошган. Энг аввало, шуни таъкидлаш лозимки, давр адабиётида роман жанрининг туғилиши аксар жаид адиблари орзу қилган ва бу каби фикрларини шеър, ҳикоя ва қиссаларда ифодалаганлар (Ҳамза, Чўлпон, М.Шермуҳаммедов). Шунингдек, муаллифлар ёзган насрий асарларини “рўмон”, “миллий рўмон”, “рўмон рисоласи” деб аташган.

Чўлпоннинг “Дўхтур Муҳаммадиёр” қиссасида бош қаҳрамон “Умрлик шогирдлар” номли роман ёзади ва уни рус тилига ўзи ўтиради. Адиб Айний Фитратнинг “Ҳинд сайёҳи баёноти” публицистик асарини роман услубида ёзилган асар деб белгилаган. Юқоридаги фикрларга ҳамоҳанг равишда жаид адабиёти роман жанрининг мавжудлигини Л.Қаюмов, С.Мирвалиев, Б.Назаров, С.Қосимовлар ҳам таъкидлашади.

Масаланинг бошқа томони, яъни мазкур асарлар роман жанрига хослиги ва уларни илк реалистик роман дейишга асос борми? Бундай масаланинг қўйилиши табиий. Чунки ҳукмрон мафкура даврида жаидчилик ва жаид адабиёти қораланган бир пайтда бу адабиётда пайдо бўлган романни “реалистик” деб баҳолаш, аниқроғи, баҳолашни амримаҳол эди, ҳатто мумкин эмас эди. Адабиётшунос Юсуфали Шоназаров жаид насрида туғилган илк романлар “илк реалистик роман жанри намуналари, ибтидоий миллий романлар” деб номлаш мақсадга мувофиқ деган фикрни олға суради. У ўзининг фикрини Ҳамза романлари мисолида исботлашга уринади. Адабиётшуноснинг келтирган далил ва талқинлар “илк реалистик роман” дейишга ҳар жиҳатдан асослидир.

Ҳамза романларига келсак шуни айтиш лозимки, “Янги саодат ёхуд миллий роман”и тўлиқ, “Учрашув” романидаги айрим фасллар “Ҳақиқат кимда?”, “Турмуш аччиғи” романлари борасида бирор маълумот йўқ.

Ҳамзанинг “Янги саодат” эпик асари роман жанри борасида илк тажриба бўлди. Унда маърифат ҳар қандай кулфат ва фожиага янги саодат олий келади, деган тушунча ҳамда ғоя сингдирилган. “Янги саодат” деб номлашда ўзига хос бир маъно бор. Асар қаҳрамони тўкин оила (қайнатиси Ғоипбой даври)да умргузаронлик қилган Марямнинг ҳаёти ва кечаги саодат. Унинг такурсиси-бўш, заиф. Ўғли Олимжонни ўқитиб, маъмур, эмин-эркин ҳаётга эришишини янги саодат деб билишади. Икки саодат қиёсланади, кейингиси ҳақиқий ва янги саодат. Янги саодат маърифат ва билим, яхши ахлоқ асосида

рўёбга чиқади. Маърифатли ўғил Олимжон оиладан чиқиб, ёмон ва бузук йўлларга кириб кетган отаси Абдуқаҳҳор акани қайта оилага олиб келади. Абдуқаҳҳор ака аслида бойнинг ўғли. У отасининг молу мулкини қимор ўйнаб, адо қилади. Маърифат орқали бахтга эришган Олимжон оиладан бош олиб кетган отасини оила бағрига қайтаради. Қиссада маърифатнинг нурли йўли ҳар қандай оилага бахту саодат келтиради деган хулоса келиб чиқади.

Олимжон яхши ўқийди. Бир вақт муаллими отасини даъват этади. Олимжон отасини ташлаб кетганидан ҳижолат чекади, имтиҳонга боролмайди. Муаллим ҳузурига бувиси Рўзвон боради. Сўнг Олимжон имтиҳонга қатнашади, муаллимнинг яхши ёрдамчисига айланади. Абдурахмонбой хўжалигига ишга қўяди. Кейинчалик бойнинг куёвига айланади. Дўсти Аҳмаджонни ишга олади. Синглиси Ҳадичани ўқитади ва Аҳмаджонга узатади. У бойнинг кўлига қараб қолмайди. Ўзи иқтисод ва тижорат билан шуғалланади. Отасига дўкон очиб беради. Бу ўринда Олимжон ислохотчи сифатида шаклланади ва камол топа боради. Ислохот жадиждларнинг бош масалаларидан биридир.

“Янги саодат”да Абдурахмонбой образига ҳам янгича ёндашилгани сезилиб туради. Гоипбой эса ўғлини ўқитмайди, маърифатдан узоқ, Абдурахмонбой эса ўқимишли Олимжонни куёв қилишга, барча харажатларни ўз ёнидан қилиб беришга саъй-ҳаракат қилади. Маълум бўладики, жаид даври бойларида ҳам ўзгариш ва янгиликка интилиш содир бўлган.

Романда реалистик тасвир, драматизм ўрни билан сентиментализм ҳам учрайди. Воқеаларда кескин бурилиш тез-тез содир бўлиб туради. Бу адабиётшуносликда реалистик перипетия дейилади. Тасвирда кўламлик, кенг қамровлик мавжудки, бу романга хос поэтикадир.

Ҳамзанинг “Янги саодат” романи ижодий изланишнинг ҳосиласи, ўзига хос реалистик тасвирнинг намунаси сифатида жаид романчилиги мактабининг пайдо бўлишида бир муносиб ғишт вазифани ўтади.

XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида Туркистонда ижтимоий-маънавий уйғониш кенг қамров олди. Зиёлилар, айниқса, жаидлар миллат ҳаётида ниш уриб келаётган эврилишларга кенг йўл очди. Бу бадий адабиётга ҳам том маънода тааллуқли бўлди. Аллома адиб Абдулла Қодирий “Ўткан кунлар” романига ёзган сўз бошида “Модомики, биз янги даврга оёқ қўйдик, бас, биз ҳар бир йўсинда ҳам шу янги даврнинг янгиликлари кетидан эргашамиз ва шунга ўхшаш достончилик, рўмончилик ва ҳикоячиликларда ҳам янгаришга, халқимизни, шу замоннинг “Тоҳир-Зухро”лари, “Чор дарвеш”лари, “Фарҳод ва Ширин” ва “Баҳромгўр”лари билан таништиришга ўзимизда мажбурият ҳис этамиз” деб ёзганда, бадий адабиётнинг ҳам жанр ўзгаришлари, ҳам эстетик қарашларидаги бўлғуси эврилишларини назарда тутган эди. Бу қарашлари ҳосиласи бўлиб, “Ўткан кунлар” дунёга келди.

Романнинг юзага келишига қатор омиллар сабаб бўлди. Энг аввало, Шарқ адабиёти, халқ оғзаки ижодидан унумли фойдаланилди. Қолаверса, рус

ва европа, турк адабиётидан озиқланилди. Яна бир муҳим омил адиб романга хос тафаккурғача ҳикояда реализмга эришди. Унинг “Улоқда” ҳикояси ўзбек насрида реализмнинг чўққиси бўлди. Айни вақтда қодирийёна реализм шаклланиб, устуворлашди. У биринчидан, тарих ва ҳаётни холис туриб баҳолаш ва кишилар руҳий аҳволи, ички дунёсини ўзгаларга-китобхонга юктира олиш санъатини эътироф этди. Романнинг туғилиши ва юксак пафос билан ёзилиши адиб қалбида дард бўлиб ётган, вулқон бўлиб отилиши шарт бўлган миллат тарихи, тақдири ва келажак истиқболини йирик насрда ифодалашга олиб келади. Октябрь тўнтарилиши маҳаллий халқ истаган хурриятни бермади, аксинча, янги истибдоднинг туғилиш хавфи пайдо бўлмоқда эди. Ана шу боис ҳам адиб, “мозийга қайтиб иш кўриш”ни мақсад қилиб, кейинги “хон замонлари”ни олди. Бундан адиб сабоқ излади. Бу туйғулар “Ўткан кунлар”да ўз аксини топди. Асарга “Ўткан кунлар” деб ном қўйишининг боиси бор. Адиб турк адиби Ҳусайн Жовиднинг “Ўткан кунлар” тўплами номидан андоза олган бўлиши мумкин. Лекин аслида романдаги воқеалар ўтди-кетди, у тарих бўлиб қолди, ундан хулоса чиқариб, бугунги кунни ўйлайлик деган эстетик фикр сизиб туради.

Романда тарихий ҳақиқатнинг бадиий инъикоси, яъни қўқонликларнинг ўзи хон, таби вазирлиги, хону бекларнинг келишмовчилиги натижасида халқнинг ҳаддан ташқари эзилиши, қипчоқ ва қорачопонлар, ниҳоят кундошлик балоси, ана шу масалаларга нисбатан даврнинг зиёли, пешқадам инсонлари адолат ўрнатиш, зулм пичоғини қайраганларнинг попугини пасайтириб қўйишга интиланлар образи ҳам берилган.

Биз бу ўринда романдаги мустақиллик, истиқлол масаласига алоҳида тўхталишни лозим топдик. Чунки романнинг пафоси ҳам ана шу нуқтадан келиб чиқади. Бинобарин, юртнинг мустақиллиги, бирлиги, тотувлиги, тинчлиги масаласи романнинг асосий пафоси даражасига кўтарилган (дарслик, 134-бет).

Юртнинг дахлсизлиги, мустақиллиги романгача ва унинг муаллифи Қодирийгача бундай тўла ва ҳаққоний акс эттирилган эмас. Боз устига маҳаллий давлатнинг ўзгалар олдида таслимчилик, мутеълик иллатлари чуқур бадиий ифодаланган. Шунга қарамасдан, ўша “кир” тарихда миллатнинг тақдири билан қизиққан ва бу борада ўйлаган зиёлилар ҳам борлиги Юсуфбек хожи ҳамда Отабек образларида ёрқин ифодаланган.

Отабек Шамайга бориб келгандан сўнг маҳаллий ҳукумат ва унинг бошқариш тизимини яроқсиз деб билади: “Мен ўруснинг идора ишларини кўриб, ўз идорамизнинг худди бир ўйинчоқ бўлганлигини иқроф этишга мажбур бўлдим”. У ҳар икки юрт давлат бошқариш тартибини солиштиради ва билган ҳамда кўрганларини хону бекларга айтиб юборгиси келади, аммо:

“Сенинг арзингни шу хонлар эшитадими, шу беклар қиладими?” деб мени маъюс қилдилар”, деган хулосага келади.

Хону бекларнинг миллат истиқболи тушига ҳам кирмайди. Сухбатларнинг бирида Зиё шоҳичи:

“Бизнинг бу ҳолга тушишимиз ўз феъли бадимиздан” деса, Ҳамид “Худо кофирнинг бу дунёсини берган” дея ўзи ва ўзгаларнинг дилига тасалли беради.

Зиё шоҳичи ва Ҳомиднинг фикрларини хулосалаб Отабек: “Менингча, ўруснинг биздан юқорилиги унинг иттифоқидан бўлса керак... аммо бизнинг кундан-кунга орқага кетишимизга ўзаро низоларимиз сабаб бўлмоқда, деб ўйлайман...” дейди.

Ноиттифоқлик ўлкани, халқни тобора жар ёқасига олиб бориб қўяди. Адиб қаҳрамонлари ҳаракати билан юртнинг таназзулга учраши ва бунинг оқибатида келиб чиқадиган ўнглаб, тузатиб бўлмас кулфатларни ҳам бирдай тасвирлайди. Ўлкада омма ҳали халқ бўлиб шаклланиб улгурмаган, улар оломон. Ким қаяққа бошқарса кетаверади. Қорачопон ва қипчоқ низоси ва қон тўкишлари бунинг яққол гувоҳи ҳамда исботидир.

Тошкент беги Азизбек халқ устида қиличини ўйнатди. Кимнинг отасини, кимнинг акасини, кимнинг укаси қонини сувдай тўкди. Қони сув бўлиб оққан оламон Тошкент қамалида Азизбекнинг ёнида туриб жанг қилмоқчи, бунга сўз беради. Бундай воқеаларнинг иштирокчиси Юсуфбек ҳожи ўзини қўйрга жой тополмайди. Кундан-кун сабр косаси тўлиб боради. Аҳволни ўғлига шундай шарҳлайди. “Ана, ўғлим, бизнинг халқнинг ҳолига йиғлашни ҳам билмайсан, кулишни ҳам”.

Қўқон хонлиги билан Тошкент беклиги ўртасидаги жангу жадал халқнинг маймун ўйнатгандай томошаси бўлади. Қўқонликларнинг ўлик гавдасини кўриб, тошкентликлар гўё ғалабасидан мағрурланиб кулади. Қипчоқларнинг тир яланғоч қилиб, қиличдан ўтказилган мурдалар манзарасидан ҳам халқ ҳузур қилиб кулади. Бир халқнинг икки уруғи, бир халқнинг оға-иниси бир-бирини қиришидан ўзини ғолиб деб билади. Ана сизга ўша даврдаги маҳаллий амалдорлар ва унинг тобе халқнинг дунёқараши ва юртдаги ноиттифоқ, бир мақсаднинг йўқлиги.

Бундай вақтда халқни доно, оқил, пешво бошқариши даркор. Шундай зот йўқ. Иттифоқо, бундай зот Юсуфбек ҳожи бўлиб чиқса не ажаб!

Юсуфбек ҳожи Азизбекнинг хазинани қайта тўлдириш мақсадида халқдан 32 танга солиқ солиш буйруғига аввал инонмайди, бекнинг “жаллод” дейишидан чўчиб, розилик билдиради. У оломон орасига солиқ солишни эълон қилиши эвазига кийган адрас тўнини отиб юборади ва:

“Биродарлар! Ўрис ўз ичимиздан чиқадирган фитна-фасодни кутиб, дарбозамиз тагида кўр тўкиб ётибдир. Шундан меҳшар каби бир кунда биз чин ёвга берадиган кучимизни ўз қўлимиз билан ўлдирсак, сен фалон деб қаршиласак, ҳолимиз нима бўладир! Бу тўғрида ҳам фикр қилувчилар борми? Кунимизнинг кофир қўлига қолиши тўғрисида ҳам ўйлаймизми ёки бунга қарши ҳозирлик кўриб қўйганмизми?”

... Сиз ўз қипчоғингиз учун қабр қазган фурсатда сизга иккинчилар тобут чопадир. Сиз дунёга ўзингизнинг ягона душманингиз қилиб қипчоқни кўрсангиз, мен бошқа ёвни ҳар замон ўз яқинимга етган кўраман!...”.

Тошкент халқи ғолиб келди. Азизбекни от думига боғлаб судратди. Омма бундан ҳузур қилиб кулди, оломоннинг кўзини Юсуфбек хожи очди.

Бундай қир-қипчоқдан мақсад нима? Бири бек, бири мингбоши, бири бошқа амалнинг бошини ушламоқчи. Муҳими, Тошкент беклигига яқинда ўтирган Нормухаммадни йўқотиб, унинг ўрнини эгаллаш.

Худоёрхон эса қипчоқни қириб, Мусулмонкулдан ўчини олмоқчи ва ғубордан чиқмоқчи. Адиб, Туркистонда ҳукм суриб турган ана шундай густохлик, жоҳиллик, боши берк кўчага қириб қолиб, ўзаро жангу жадал чиқариш манзараларини ижтимоий-сиёсий пардада чуқур тасвирлайди. Хулоса Юсуфбек хожи Отабекка айтган мана бу сўзларидан яққол аёндыр:

“Иттифоқлик нелигини билмаган, ёлғиз ўз манфаати, шахсияти йўлида бир-бирини еб-ичган мансабпараст, дунёпараст ва шуҳратпараст муттаҳамлар Туркистон тупроғида йўқолмай туриб бизнинг одам бўлишимизга ақлим етмай қолди... Яқиндирки, ўрис истибдоди ўзининг ифлос оёғи билан Туркистонимизни булғар ва биз бўлсак ўз қўлимиз билан келгуси наслимизнинг бўйнига ўрус бўйинтуруғини кийдирган бўлармиз”.

Романнинг ғоявий якунига эътибор берсак, асарнинг пафоси – юрт мустақиллиги, дахлсизлиги, иттифоқликка даъват этиш эканлиги аён бўлади.

Отабек Авлиё ота (ҳозирги Жамбул) устидаги рус подшоси аскарлари билан жангда ҳалок бўлади. Бу Отабекнинг юрт дахлсизлиги, мустақиллиги, ўзга томонидан ўз юртини босиб олишини истамаслиги, аксинча, элу юртини бошқа тараққий қилган юртлар қаторида кўришни хоҳлашидир. У миллат ўғлони сифатида оддий сипоҳи бўлиб жангга отланди. У юрт истиқлоли йўлида кўксини қалқон қилди ва кўкрагидан ўқ еди. Бу - миллат учун фидойилик. Романда ана шундай истиқлол масаласи улуғланган.

Жадид эпик насрининг ривожига Қодирийдан сўнг Чўлпон салмоқли ҳисса қўшди. Қодирий Шарқ насри, халқ оғзаки ижоди, бир қур ажнабий халқлар адабиётидан фойдаланган бўлса, Чўлпон рус ва жаҳон адабиёти, аниқроғи, насридан сероб фойдаланиб, “Кеча ва кундуз”ни ёзди. Агар тарихийлик ва тадрижийлик нуқтаи назаридан қаралса, “Кеча ва кундуз” “Ўткан кунлар”нинг мантиқий давоми. “Ўткан кунлар” XIX асрнинг иккинчи ярми Туркистон тарихини, “Кеча ва кундуз” эса XX асрнинг бошлари воқеаларини қамраб олади. Қодирий романи воқеалари Тошкент, Қўқон ва Марғилонда кечса, Чўлпон романининг воқеалари Дукчи Эшон кўзғолони бўлган, яъни Андижоннинг Марҳамат тумани ҳудудида содир бўлади.

Воқеаларгина эмас, образларда ҳам мантиқий давомийлик бор. Отабек мустақиллик, истиқлол йўлида кўксини рус империяси аскарлари ўқига тутган бўлса, Мирёкуб рус империясининг таназзалини истади, таназзул ниш бериб қолган эди. У империя деб, ноиб тўранинг поғони ва унинг уйидаги ҳукуматга оид маслаҳатларни тушунган эди. Айниқса, ноиб тўра оиласидаги бузуқликни кўриб, “империя ирибди” деган хулосага келади.

“Кеча ва кундуз” романидаги Зеби, Қурвонбиби ва Раззоқ сўфи образлари Туркистон аҳолиси ва унинг ҳаётининг “кечаси”га оид ифодадир.

Мирёкуб ва Ш.Хўжаевларнинг образига келсак, улар жаҳид тоифасига мансуб бўлиб, иқтисодий ўсиш, тижорат ва маданиятнинг маҳаллий халқ ҳаётига кириб келиши тарафдори.

Мирёкуб – мураккаб образ. Унда одамийлик ҳам бор, айти пайтда чапанилик, бузуқлик ҳам мавжуд. У Ш.Хўжаев таъсирида уч кунда жаҳид бўлади. Жаҳид сўзини эшитса, “белым қайишарди”, деган Мирёкуб: “Агар жаҳид шундай бўлса, мен ҳам жаҳидман” дейди.

Романнинг “Кундуз” қисми ҳамон мунозарали ва ноаниқ бўлиб турибди. Агар бордию, ёзилган бўлса, Мирёкубнинг Қримдан бошқа қиёфали киши бўлиб келиши, Зебининг етти йиллик сургун ҳаёти тасвирланган бўлиши мумкин.

Роман ўзбек халқининг катта бир тарихий даврини акс эттирди. Ботқоққа ботган тузумни ўзгартириш, мустақилликни қўлга олиш, империя сиртмоғини бўйиндан олиб ташлаш тилаклари “Кеча ва кундуз” романининг ғоявий-бадий пафосини ташкил қилади. Роман “Ўткан кунлар”дан кейинги образларнинг ички оламини турфа рангларда ёритган психологик роман сифатида ўзбек насрининг ноёб дурдонаси бўлиб насримиз тарихини бойитди.

Назорат учун масалалар:

- 1. Мумтоз адабиёт насрининг жаҳид насрига асос бўлишини айтинг.
- 2. Ривоят, ҳикоят ва ҳикоя атамалари, улар ифодалаган тушунчаларни изоҳланг.
- △ 3. Илк жаҳид насрининг нақл, баёнчилик хусусиятларини сўзланг.
- △ 4. Янги дарсликлардаги ҳикояларнинг ўзига хослигини изоҳланг.
- 5. Дарслик муаллифлари томонидан яратилган соф бадий ҳикояларнинг хусусиятларини тушунтиринг.
- △ 6. Жаҳид ҳикоячилигида рус ҳикоячилигининг самарали таъсирини изоҳланг.
- 7. Жаҳид реалистик ҳикоячилигининг шаклланиши (“Улоқда”)ни айтинг.
- 8. Публицистика - янги жанр, унда ижтимоий-сиёсий масалаларнинг акс этишини изоҳланг.
- 9. “Мунозара”нинг жанр хусусияти ва қадим-жаҳид масаласини гапириб беринг.
- 10. “Ҳинд сайёҳи баёноти”да туб ислоҳот масалаларининг бадий-публицистик инъикосини тушунтиринг.

Адабиётлар: 7, 8,9,10,11,16.

5.3. Жадид драматургияси

Режа:

1. Драма-янги жанр.
2. Драматургияда ахлокий-маърифий мавзу.
3. Драматургияда ҳаётни ҳаққоний акс эттириш тамойиллари.

Таянч тушунча ва иборалар: драма-янги жанр, драматургияда ахлокий-маърифий мавзу, драмаларда ҳаётни ҳаққоний акс эттириш, “Турон” жамияти, Колизей театри.

1-асосий савол бўйича дарснинг мақсади. Ўзбек адабиётида драма жанрининг пайдо бўлиш ички ва ташқи омиллари, тараққиёт босқичлари, мавзу доирасининг кенгайиши, поэтикаси бўйича талабаларга тушунча сингдирилади.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Драматургиянинг туғилишидаги ички омилларни пайқай олади.
2. Драматургиянинг пайдо бўлишидаги ташқи омилларни англайди.
3. Жадид драматургиясининг ҳудудий тараққиётини идрок этади.

1-асосий саволнинг баёни:

Жадид драматургиясининг шаклланиш ва тараққиётини уч даврга: илк даври (1865-1905), жадидчилик даври (1905-1917), мафкуравий курашлар даврига (1917-1929) бўлиб ўрганиш мумкин.

Ўзбек адабиётида драма - янги жанр. Унинг пайдо бўлишида ички ва ташқи маънавий омиллар муҳим ўрин тутди. Ички омил, бу энг аввало, ўзбек тилининг драматик ифодага мойиллиги ва мослигидир. Чунончи, ўзбек тилида монолог ва диалогларнинг ифодалаш имконияти кенг. Халқ оғзаки ижоди намуналарида диалог жуда яхши берилдики, бу тилнинг ички имкониятларидан далолат (“Ўпка қишлоғи”, “Икки аҳмоқ” каби латифалар). Айниқса, “Афанди” ва бошқа халқ латифалари драматик диалогга жуда ҳам мос. Мумтоз адабиётдаги “Фарҳод ва Ширин” достонида Хусрав ва Фарҳоднинг диалоги ибратли мисол бўла олади. Шунингдек, драманинг назарий жиҳати Форобий-фалсафий трактатларининг ҳошияларида берилган. Унинг назарий фикрлари Аристотелнинг “Поэтика”сига ёзган шарҳи таъсирида юзага келгани аниқ.

Бундан ташқари жадид зиёлилари матбуот орқали драма жанри, театр ҳақида маълумотларга эга бўла борганлар. Жадид зиёлилари матбуотни ташкил қилиб, маърифат воситасида оммани уйғотиш иштиёқида бўлдилар. Матбуот энг таъсирли восита эди. Аммо уни ҳамма ҳам мутолаа қилавермаслиги аниқ. Зиёлилар оммага бирданига таъсир қиладиган восита излашди. Бу, албатта, театр эди. Улар театр сахнасини “ойна” деб билишди.

Ойнада ўз аксини кўрганидек, театр сахнасида ҳам томошабин ўз сиймосини кўради. Жадид зиёлилари сахна ҳақида худди шу фикрда бўлдилар.

Абдулла Авлонийнинг “Турон” труппаси 1914 йил 27 февралда Тошкентда “Падаркуш”ни қўйишганда, сахна бошланишидан аввал Мунавварқори театрнинг жамият ҳаётидаги мавқеи ҳақида кириш сўз айтган. Ёки “Турон” гуруҳи ижросида спектаклни кўрган А.К.Самойлович шундай деган:

“Туркистонда янги адабиёт майдонга келди. Бу мен учун кутилган ҳол эди... Янги адабиётнинг маркази – Самарқанд. Ёш қаламкашларнинг бош илҳомчиси самарқандлик муфти Маҳмудхўжа Бехбудийдир”.

Қисқаси, драма жанрининг туғилишида жадидчилик ҳаракати доялик қилди. Бевосита уларнинг саъй-ҳаракатлари, айниқса, театр сахнаси орқали оммани маърифатга чақириш, миллий уйғонишга даъват қилиш тақозо этилди. Бунга жадидларнинг ғоявий, мафкуравий тамойилдаги ҳаракатлари баралла тўлиқ жавоб берар эди.

Ташқи омил: Зиёлиларнинг Оренбург, Петербург, Кавказортида бўлиши уларни театр билан танишишга муяссар этди. Бундан ташқари “Туркистон вилояти газетаси”да драма, театр ҳақида мақолалар чиқа бошлади. Тошкентга рус генерал губернаторлигининг даъвати билан рус театрининг ташкил қилиниши ва унда драматик асарларнинг сахнага қўйилиши муҳим омил саналади.

Туркистон губернаторининг ўша даврдаги пойтахти Тошкентда “Суворов” ҳақида пьеса қўйилади ва унда шоир Фурқат иштирок этади. У бекорга:

Суворов эмиш бир катта одам,
Баҳодирлик ичра машҳури олам, демаган.

Кейинчалик шоир Суворов ҳақида манзумасини ёзади. Икки марта генерал губернаторнинг хонадонида иззатли меҳмон бўлади. Буни Остроумов ташкил қилгани аниқ тарихий фактлардан маълум.

Миён Бузрук Солиҳов 1935 йили нашр этилган “Ўзбек театр тарихи учун материаллар” асарида Фурқатнинг театр томошасига қизиққанини тўғри қайд қилган ҳолда “юрт катталари – буржуазия элементларининг завқларига кўра шеърлар ёзиш билан танилган...” дейдики унинг бу фикри шўро мафкурасининг тегирмонига сув қуйишдан бошқа нарса эмас эди.

Театр ва драманинг пайдо бўлиши Маҳмудхўжа Бехбудий номи билан боғлиқ. У Россиянинг йирик шаҳарларига миллат тақдири туфайли боради. Ҳатто Нижний Новгородда Россия мусулмонлари турмуш тарзи ва маданияти борасидаги қурултойда катта нутқ сўзлаган. Буларнинг бари унинг публицистик ижоди ва сахна асарини ёзишига маънавий-ижодий таъсир кўрсатди. Бундан ташқари халқнинг “қабоҳати ҳам, малоҳатини ҳам” (Б.Қосимов) ойнадай кўрсатиш учун восита излади. Восита ойна- театр эди. У бунга эришди. 1911 йилда “Падаркуш” драмасини яратди. 1912 йил

Бухорода чиқиб турган “Турон” газетасида эълон қилинди. Унинг сахна юзини кўриши жуда қийин кечди.

“Падаркуш” кенг камровли драматик анъана ва янги мактаб яратди. Хусусан, 1910 йиллардан сўнг драма ва театр борасида ҳудудларда алоҳида муҳит юзага келди.

Самарқандда: Абдулла Бадрий (“Жавонмарг”, “Аҳмоқ”), Ҳожи Муин (“Эски мактаб – янги мактаб”, “Кўкнори”, “Мазлума хотин”, “Жувонбозлик қурбони”, “Бой ила хизматкор”, “Қози ила муаллим”), Нусратилла Қудратилла ўғли (“Тўй”, “Кенгаш мажлиси”);

Тошкентда: Абдулла Авлониё (“Адвокатлик осонми?”, “Пинак”, “Сиз ва Биз”), Абдулла Қодирий (“Бахтсиз кув”), Ғулом Зуфарий (“Бахтсиз шогирд”);

Фарғона водийсида: Ҳамза (“Заҳарли ҳаёт”, “Илм ҳидояти”, “Мулла Нормухаммад домланинг куфр хатоси”), Хуршид (“Ориф ила Маъруф”, “Қора хотин”);

Бухорода: Фитрат (“Беғижон”, “Мавлуди шариф”, “Абу Муслим”) кабилар қатор драмалар ёздилар.

2-асосий савол бўйича дарснинг мақсади. Жаҳид илк драматургиясида маърифатпарварлик мавзусидаги драмалар ҳақида талабаларга тушунча бериш.

Идентиф ўқув мақсадлари:

1. Маърифатпарварлик мавзусидаги драмаларнинг асосий хусусиятларини идрок этади.
2. Абдулла Авлониёнинг мазкур мавзудаги драмаларини таҳлил қила олади.
3. Драмаларнинг поэтикаси ҳақида тушунча ҳосил қилади.

2-асосий саволнинг баёни:

Абдулла Авлониё Тошкентда “Турон” тараққийпарвар жамиятини ташкил қилади. Унинг 73 моддадан иборат низоми мавжуд бўлиб, жамиятнинг вазифаси белгиланган, шундан иккитасини айнан келтирамиз:

- аҳоли ўртасида сахна ишларига, эзгуликка муҳаббат уйғотиш, жиддий муносабат ўстириш;

- маънавий ва моддий аҳволини яхшилашга муҳтож бўлган Туркистон ўлкаси доирасидаги мусулмон эътиқодига мансуб кишиларга ёрдам бериш.

Низомда жамият жамғармаси, турли мактаблар, китобхоналар қуриш ва маҳаллий халқ боласини олий маълумотли қилиш каби масалалар ҳам бор эди.

“Турон” труппасининг биринчи қўйган асари “Падаркуш” бўлди. Драмани қўйишдан аввал Мунавварқори сўзлайди:

“Театр бамисоли ойнаванд бир уйким, кирган ҳар бир киши ўз ҳусну қабиҳини кўра олур... Юзига ун суртиб, масхарабоз шаклига кирган зотлар табиби ҳозикдирлар”.

Тошкентга бошқа юртлардан гастролга театрлар келган. Бирок Тошкентда арзирли театр биноси йўқ эди. Биринчи қурилган театр Колизей бўлди. Уни қурдирган Г.М.Цинцадзе (1868-1919)дир. У XIX асрнинг 90-йилларида Тошкентга келиб, муқим бўлиб яшаб қолган. Санъатсевар ва ғоят маърифатли инсон бўлган. Тошкентдаги “Бильвю”, “Европа” меҳмонхоналарини тиклаган.

Абдулла Авлоний труппа ишини янада жонлантириш мақсадида турли тиллардаги драмаларни таржима қилиб, сахнага қўйишга уринган. Чунончи: “Қотили Карима”, “Уй тарбиясининг бир шакли”, “Хиёнаткор оиласи”, “Бадбахт келин”, “Хўр-хўр”, “Жаҳолат”, “Ўликлар” каби сахна асарларидир. “Ўликлар” (Жалил Маматқулизода асари) “Колизей” (маҳобатли-маъносида) театрида қўйилди, томоша роса зўр ўтган.

Таржимада адибнинг маҳорати чархланди. Ўзи ҳам қатор драматик асарлар ёзди: “Пинак”, “Адвокатлик осонми?”, “Сиз ва Биз”, “Икки севги”, “Португалия инқилоби” кабилар.

Абдулла Авлоний драма, айниқса, комедия жанрида халқ Туркистон ҳаётини сахна орқали кўриб, билиб, тушуниб олишларига саъй-ҳаракат қилди. У драманинг жанр кўринишларини аниқ белгилаб, асари сарлавҳаси остига ёзиб ҳам қўйган. Масалан: “Адвокатлик осонми?” (Туркистон турмушидан олиб ёзилмушдур, бир пардали кулги). 1923 йилда ёзган “Сиз ва Биз”ни Туркистон турмушидан олиб ёзилган фожеа, деб номлайди.

Муаллифнинг бош мақсади жаҳолатдаги Туркистон билан маърифатга эришган Европани қиёслаш, зиллатга ботган, ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ, кишиларни кулги остига олиш эди.

“Пинак”да дунёнинг учдан бир қисмини идора қилган боболарнинг бугунги авлоди қиморбозлик ва кўкнорихўрликка муккасидан кетиб шуғулланади. Дунёни сув босса, тўпиғига чиқмайдиганлар драмада роса кулги остига олинган.

Комедияда Турсун бир тоғора кўкнори, қанд-мағиз ва бир чойнак чой билан: “Оҳ, оҳ, оҳ. Ҳар ким бу кўкноридан ичмайдур, дунёга келмайдур”, деган пайтида эшик тақиллаб қолади. Кўрқади, яшинади, сандиқ ёнига беркинади. Қилган кайфи бузилади. Худди бомба ёрилгандай чўчийди. Шовқин солган қиморбоз Толиб экан. У пулини ютқазиб қўйиб, Турсундан пул сўраб келган. Қарзга пул беради. Яна ютқазиб келади. Алаmidан кўкнори ичиб, ўчиб қолади. Ўчиб қолган Толибга Турсун ва бошқалар туртиниб, йиқилишади:

Т(урсун): Фўлод (Пўлат), бу ҳаромзодани ўлугими?

Фўлод: Ўлуги курсун, Турсун ака!

Т(урсун): Кел, Фўлод, бу ҳаромзодани ўлигини эшикка олиб чиқиб ташлайлик.

...

Турсун: Фўлод, бўлмаса, сен бошидан кўтар, ман оёғидан.

Фўлод: Кўй, ака, боши курсин. Мен кўрқаман, сан кўтар.

Толибнинг гавдасини кўтараман, деб кўкнорининг кайфи тарқаб кетади. Яна қайтадан кўкнори ичишга киришади. Аммо милициядан кўрқишади. Тўсатдан хуштак чалинади, улар қочадилар.

Юқоридаги воқеага изоҳнинг ҳожати йўқ.

“Адвокатлик осонми?”да Россияда етти йил ўқиб келган Давронбек Туркистондаги ҳаётда бирорта ҳам ўзгариш бўлмаганини кўради. “Мен Европада ўқуб юргонимда Туркистонда чиқгон газетларни кўруб яхшигина хурсанд бўлур эдим. Бизнинг халқларнинг ҳам кўзлари очилур, дунёдан хабардар бўлгондур деб ўйлар эдим. Лекин келиб кўраманки, яна эски ҳаммом, эски тос, турган еридан зиғирча ҳам қимирламагон, илгари босмагон, илм ва маърифатдан асар йўқ. Эл бутун тошдек қотгон, тараққиёт, маданиятдан нишон йўқ. Халқ таассуб чуқурига қараб юз тубан кетгон”.

Давронбек, бир томондан, халқимиз нодон, оламдан хабарсизлигидан изтироб чекади, куяди, иккинчи томондан, ҳузурига келганлар “адвокатлик осонми?” деб масхара қилади. У икки ой маошсиз халққа кўмак беради, бор-будини сотиб ейди, “жинни бўлишга сал қолдим” дейди, унинг мақсади давлат идорасига ишга кириб, маошли иш билан шуғулланиш, у бу ниятига етади. Халқ – ҳали ҳам гумроҳ. Маърифатдан йироқ. Оддий ҳаётий қонунларни билмайди. Ҳуқуқ билимидан маҳрум. Буни кўрган Давронбекнинг халққа ичи ачийди. Ёрдам кўлини чўзади. Кўмакка келган Худойберди чол тилхат бериб олган пулини бойга ўз вақтида беролмасдан “чуви тушади”. Қонидани билмаган чолнинг ерини бой ўзига расмийлаштириб олишга уринади.

Оиланинг супургиси ва косови бўлиб қолган Меҳринисо хола қиморбоз эридан рўшнолик кўрмайди. Оилада кунда ғурбат. Эллик боши эрининг тарафини олади, калтак еганига гувоҳи йўқ. Давронбек дўхтурдан калтак жароҳати учун ҳужжат олишини маслаҳат беради.

“Адвокатлик осонми?” комедиясида маҳаллий халқ адвокатга мурожаат қилишни, қонуний равишда унга тўлов тўлашни ҳам билмаслиги баён қилинган. Асар қаҳрамони жадид адабиётида бўлганидек, руҳий афтодаликка тушиб қолади ва:

- Оҳ... кошки мен ҳаётга келмоғон бўлсам эди. Бу қайғулик кунларни кўрмаган бўлар эдим.

Давронбек халққа ҳуқуқ жиҳатидан озми-кўпми ёрдам беришга ҳаракат қилади. Аммо халқ унинг хизматига қонуний жиҳатдан тўловини бермайди, аниқроғи, буни тушунмайди. У конторга ишга кириб, ўзини ўзи иқтисодий жиҳатдан эпламоқчи. Олти ойдан бери бор-будуни сотиб еган.

Давронбекка мурожаат қилувчилар қонунни билмай, йўл кўрсатишини сўраб келишади.

Тожик Хушвақт отини йўқотиб қўйибди. Фол очирса, оти рус беморхонасига тушиб қолган эмиш. Русчани билмагани учун Давронбекка рус билан гаплашиб, отини беморхонадан чиқариб беришини, яхудий Рафоил қарзга берган пулининг судхўрлик фойдасини ундириб беришини, аравакаш Эгамберди қарзга тўй қилиб, қарз эвазига еридан ажралиб қолишдан қутулиш йўлини адвокатдан сўрайди. Эгамберди аравакашга ерини оиласи ва хотини номига ўтказишни маслаҳат бериб, тўғри йўл кўрсатади.

Комедия жанрининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Кулги қўзғатадиган вазият қаҳрамонларнинг нутқи комедиябоп бўлиши шарт. Мазкур комедиянинг тили кулгибоп, ўзга халқ вакили иккинчи халқ тилида сўзлашади, албатта, тўғри талаффуз қилолмаслик аломатлари содир бўлади. Бу комедиядаги тожик Хушвақтнинг нутқида яққол сезилади.

Хушвақт: “Акунки, хўжайин маники от йўқотган. Сан, билганки, тавоқдек яғир бор. Яғирингни устингга, зангар ёғингдан сурғонсан. Буку... кун уч кун бўлди. Қайси гўрга кетганини билмаймуз. Қидирасан, қидирасан, тополмайсан. Агар топиб берсанг, беш танга суюнчи берасан.”

Адвокат суюнчини ким беради, деб сўраганда, Хушвақт:

- Акунки, адвокат бўлгансан, гап тушунмайсан. Отингни ман йўқотгансан, ман қидиргансан, сан суюнчи берасан!.

Котиб Абдужаббор образи ҳам Хушвақт образи сингари жуда қизиқ ва кулгили чиққан. Адвокат хузурига кирувчиларни таърифлаб, тавсифлаб, ҳазил-мутуйиба билан таништиради:

-Хўжайин, хўжайин... жуда бир қизиқ... жуда бир ғалати... ҳали келса кўрасиз, кула-кула ўласиз (мол йўқотган Ҳайдарали дудуқ кирганда). Адвокатнинг котиби Абдужаббор - ўта комик образ. Унинг нутқидаги деталлар кулги қистатади. Давронбекни иш билмасликда, нодонликда айблайди. Халқнинг пулини шилиб олиб, сўнг маслаҳат беришни билмайди, дейди. Ўзи дарров адвокатнинг кийимини кийиб, келганларга ҳуқуқий маслаҳатлар бера бошлайди. “Бу бизни адвокат хўжайинимизни ўзи ишни кўзини яхши билмайди. Халқни алдаб, пулини олиш илмини ўрганган эмас”. “Лўлини эшагини суғор, пулини ол” деган эски замондан қолган гапга ҳам ақли етмайди.

“...Пул, эй қурбонинг бўлай оқчажон тўрам, сира бул бечора Абдужаббор акангга ҳам юзингни кўрсатасанми, йўқми? ... Шошманг, мана, мен ҳозир пул топишни ҳийласини топдим... Мана, мен адвокат бўламан, кўрасиз, мен қандай пул топаман”.

Оқибатда сири очилиб қолади. Бир кунда 20 сўм ишлайди. Аризачилар унинг адвокат эмаслигини билиб қолиб, роса дўппослайдилар.

Драмада комик вазият яратувчи деталлар кўплаб учрайди. Бу кулги қисташнинг воситаларидир. Худойберди чол ери ҳақидаги васиқасини (форсча) ҳижжалаб ўқийди, адвокатни узундан-узоқ дуо қилишга ўтади:

“Жон болам, оппоқ болам, тупроқ олсанг, олтин бўлсин” дея ариза ёзиб беришини сўрайди. Чолнинг жаврашидан Давронбекнинг асаби бузилади.

Чол: “Жаҳлинг чиқадиган бўлса, адвокатлик қилма.... Ҳим болам, адвокатлик осонми?” деб чиқиб кетиши ҳам муайян даражада кулги қистади.

Арзга келган Рапоил келганда шундай дейди:

“Олаверасиз, хўжайин, бир ғарчча ёғ, бир жуда соқоли узун жухут келубти, кирсинми?”

Дарҳақиқат, адвокатлик осон эмас экан.

Адабиётшунослар “Адвокатлик осонми?” асарини жанр жиҳатдан трагик комедияга дахлдор қилишади.

Қисқаси, асар жаҳид драматургиясининг реалистик хусусиятини бойитишда муҳим рол ўйнади.

3- асосий савол бўйича дарснинг мақсади. Ўзбек драматургиясида маърифатпарварлик мавзусининг ҳаётий мавзуга тамойил олишини талабалар шуурига сингдириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Маърифатпарварлик мавзусидаги драма билан ҳаётий-ҳаққоний мавзудаги драмани фарқлай олади.
2. Ҳамзанинг “Заҳарли ҳаёт” драмасини таҳлил қила билади.
3. “Заҳарли ҳаёт” драмасининг бадиий-ғоявий тилакларини идрок этади.

3-асосий саволнинг баёни:

Ҳамза ўз сафдошлари қатори иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан ботқоққа ботган Туркистоннинг аҳволини яхшилаш йўлларида бири маърифат, деб билади. У амалан ҳам, бадиий қалам йўли билан ҳам маърифатни тарғиб қилди. Бунинг учун халқни маърифатли қилиш лозим эди. У турли воситалардан фойдаланди. Энг оммавийси драма ва сахна эди. Бу йўлда қатор ишларни амалга оширди ва драматик асарлар яратди. Унинг “Заҳарли ҳаёт ёки ишқ қурбонлари” драмаси жаҳолат ва фосихликни мутлақо қоралайди. Янгича нурли ҳаёт маърифат асосида туғилишини, бунда омманинг кўзини очиш шарту зарурлиги қаламга олинади. Маърифат нурлари онг ва қалбига ёт Мирзо Ҳамдамбой фарзанд орзуси эмас, балки бойлик ҳамда унинг орқасидан келадиган обрў-эътиборни ўйлаб, оддий косибнинг қизи Марямхонни келинликка раво кўрмайди.

“Ман эл-халқ ичида хўб яхши обрў, шуҳрат топган киши; ...энди биттагина ўғил бўлса... ахир, бир дурустроқ, ўзимиздан юқори бўлмаса ҳамки, баробарроқ жойдан уйлантирайликки, ҳам орзу ушалсин, ҳам атрофдан келган ёру дўстларга маъқул бўлсин-да!”

Драматург Туркистон ҳаётини Европа билан қиёс қилишга уриниб, ҳар икки бош қаҳрамонни янгича кийинган ва янгича таҳсил кўрган кишилар сифатида талқин қилади. Уларнинг маънавий ҳаётларини маърифатсиз турмушга зид қўйиб, характерларининг ўсиб бориши воқеалар сирасида намоён бўлади. Йигит-қизнинг ота-онаси ёшларнинг орзу-ҳаваслари, оташин

муҳаббатларини эътиборга олмайди. Бойликка учиб, муҳаббат алангалари чакнаб турган Марямхон қалбини урф-одат заҳарлайди. Аслида Маҳмудхон ва Марямхон ўқимишли бўлганликлари туфайли юрт ободлиги ҳамда келажagini ўйлайдилар. Маърифатни халқ орасида кенг ёйиб, юртни обод қилишни орзу-армон қилишади. Бу Марямхоннинг хатида шундай берилган:

“Ғунчаи муҳаббатим, суюкли Маҳмудхон! ...икковимиз элимизни Сиз қуёши бўлганда, мен моҳитоби бўлиб, қоронғу ватанни ёритайлик. Сиз-да эрларимизнинг ҳолидан, мен мазлума оналаримизнинг ҳолидан газетларга ёзишиб, бир-биримизни огоҳлантирайлик”. Маҳмудхоннинг тили билан айтганда, Марямхоннинг мактуби “лаззат ҳаёт” берадиган даражада.

Пьесада икки қутб: кечаги ақида билан яшаётган ота-оналар ва бугунги янгича ният ва ҳаракат қилишга тайёр ёшлар тўқнашуви ифодаланган. Ёшлар-шаклланиб келаётган муҳитнинг илк бойчечаклари. Аммо улар жаҳолат уя қўйган шароитни ёриб чиқа олмайдилар. Улар ўз муҳитларидан бироз бўлса-да, илгарилаб кетган. Уларни муҳитнинг шафқатсиз фожеаси кутади. Ақллилик балоси ҳар икки ёш қалбни ўлимга маҳкум этади.

Ҳамза жаҳолат ва жоҳиллик икки севишган қалбни фожеага олиб келди дейиш билан бирга бир-икки кишининг зиёли бўлиши маърифатли замонни дунёга келтирмайди, демоқчи.

Драманинг руҳида “жаҳолат ва ғафлат зиндони”дан қутулиб, маърифат нуридан баҳраманд бўлиб, янгича ҳаётга эришиши мумкин, деган хулоса ётади.

Маҳмудхон. У - бойнинг ўқимишли, тижоратчи боласи. Дунё таниган, ўз тақдирини ўзи яратишга ҳаракат қилади. Аммо охиригача етказа олмайди. Ширин-сўз, хатларни қийиб ёзади. Унинг мактубларидаги юракни ларзага соладиган сўзлар – муҳаббат ҳароратидан далолат.

Ҳамза Маҳмудхон образи орқали куйдим-ёндим, дейиш билан киши ўз мақсадига етиша олмаслигини уқтиради. Ота-онанинг мутеси бўлиб қолиш тақдирни қўлдан бой бериб қўйиш демакдир.

Маҳмудхон ота норозилигига қарши ҳаракат қилади. Бироқ ислом муҳити уни синдиради. Марямхон отаси томонидан эшонга нарз қилинган. Нарз, албатта, ижро этилиши шарт. Маҳмуд севгилисининг заҳарланган ҳолатини кўриб, ўзини айбдор ва золим деб билади.

Маҳмудхоннинг севгиси - чин, самимий, соф ва тиниқ. Гарчандки, севгилисига етиша олмаса ҳам, унга содиқ қолади, замоннинг ғаддор кирдикорларига туфуради. Содикликнинг белгиси сифатида Марямхон қабри ёнида ўзини-ўзи отади. У ҳамиятсиз, маърифатсиз жамиятга сиғмади, аммо ўзи яшаган муҳитни тушунди ва баҳолади. Бу образнинг маърифий аҳамияти ҳам шунда:

“Бу қандай жаҳолат замон! Қандай ваҳшат замон! Илмсиз, виждонсиз кишилар, исломиятсиз, миллатсиз кишилар (дан иборат) қандай замон!..мана шу жигардан бино бўлмиш фарзандни ақчага сотадиган замон!..”

Марямхон. У - севги йўлида жонини тиккан қиз. Афсус, ислом хурофотига кўра ота-онаси уни ҳазрати эшонга нарз қилиб қўйган. Ота-онанинг “орзуси”, мажбуриятдан олти хотинлик эшонга узатилади. Аммо ўзига яқинлаштирмайди. Ўзини ҳалол ва шаръий эшоннинг хотини, деб билмайди. Эшонни диний тушунчалар билан ҳам мот қилиб ташлайди. Унинг миннатли гапидан ва жирканч турмушидан ўлимни афзал кўради.

Марямхон - ўқимишли қиз. Рўзнома ўқийди. Дунё янгиликларидан хабардор. Маҳмуд куёш, ўзи эса моҳитоб бўлиб, нафақат севгисини, балки замондошлари ҳаёти ва турмушини ёритмоқчи бўлади. Қизлар мактаби очиб, ожизаларнинг кўзини очмоқчи. У Маҳмудхондан бир пайса баланд фикрлайди. Ҳаракати ҳам шунга яраша.

Эшон менинг пулим билан бўйнинг маржон кўрди деганда, маржонларни юлиб ташлаб:

“Ол бисотингни! Мани гавҳарим бор! Ёкутим бор! Мани кўзимга кўринмайди мундақа нарсалар!”

Ҳа, унинг “гавҳари”, “ёкути” бор эди. Унинг соф севгиси, элу юртига бўлган муҳаббати, эрта баҳори, тиниқ осмони ва беғубор тонги бор эди. Орзу ва армонлари ҳар қандай гавҳару ёкутдан аъло эди. Марямнинг ўлими ўзига ўхшашларнинг кўзини очиб кетди. У Маҳмудхон иккови ваъдага вафо қилиб, охиратга йўл олиб, жоҳилларнинг ёқасидан тутмоқчи, даъво қилмоқчи. Шу боис Маҳмудхон ҳалок бўлди. Бу – ҳар қандай шариатпешаларнинг кўзини мошдай очади.

Пьесанинг бадиий хусусиятида ҳам ўзига хослик мавжуд. 1-4-пардада Маҳмудхон, 2-3-пардада Марямхон иштирок этади ва ҳаракат қилади. Ҳар икки қаҳрамон тез-тез учрашиб турмайди. Улар монологлари орқали бир-бирларини тавсифлайди. Ҳар иккисида ҳам сентиментализм кучли. Аммо тасвирнинг бу усули ўзини оқлайди. Драматург сентиментализм воситасида қаҳрамонларни афсус-надоматларга чулғайди, томошабинларни кўз ёш қилдиради. Бундай кўз ёшлари жаҳолат ботқоғига ботган жамиятни ҳақорат қилиш ва лаънатлашга қаратилган.

“Заҳарли ҳаёт” драмасининг бош қаҳрамонлари Фарҳоду Ширин, Лайли ва Мажнун, Тоҳиру Зухро сингари фалакдан “дод” дея умрини ҳаётнинг шафқатсиз ҳукмига бериб қўймайди. Улар ўз орзу интилишларини элу юрт ва замондошлари тақдири билан боғлашга саъй-ҳаракат қиладилар. Бу Ҳамза маърифатпарварлик ижодининг янгича куч-қудратидан далолат беради. Драма ҳаётни ҳаққоний, реалистик тасвирлашнинг янгича бадиий кўринишидир. То шу вақтгача бирорта асар қаҳрамони ҳаётни “заҳарли” деган эмас. Ҳамзанинг Маҳмудхони эса:

“Ох, жаҳолат! Дод, ғафлат! Фарёд, заҳарли ҳаёт!” дейишда ўзида ички бир туйғу ва жасорат топади. Ҳамзанинг мазкур драмаси ўлка театр саҳналарида тез-тез ўйналди. Унинг таъсирида “Йигитлар овози”, “Хотин-қизлар товуши” каби мақолалар пайдо бўлган. Асар ўлка ёшларининг миллий

уйғонишига кучли таъсир кўрсатиб, бадий ижодда янги анъаналарнинг туғилишига ҳам боис бўлди.

Назорат учун масалалар:

- 1. Миллий драматургиянинг пайдо бўлиш илдизларини тавсифланг.
- 2. Миллий драматургиянинг пайдо бўлишидаги ташқи омилларни айтинг.
- Δ 3. Миллий драматургиянинг пайдо бўлишидаги ички омилларни сўзланг.
- 4. Маърифатпарварлик мавзусидаги драмаларнинг замонавийлиги ва долзарблигини тушунтиринг.
- 5. Абдулла Авлониёв маърифатпарварлик мавзусидаги драмаларининг таҳлилини беринг.
- Δ 6. Абдулла Авлониёвнинг “Пинак” драмасидан парча айтиш ва унинг комик хусусиятларини шарҳланг.
- Δ 7. “Падаркуш” драмаси ибтидо асарлиги ва унинг анъаналарини изоҳланг.
- 8. Маърифатпарварлик мавзунинг реалистик мавзуга ўсиб ўтиши (“Заҳарли ҳаёт”)ни тавсифланг.
- 9. “Падаркуш” ва “Бахтсиз кув” драмаларининг муштарак ҳамда номуштарак томонларини ажратинг.
- 10. Жаҳид драматургиясининг поэтикасини шарҳланг.

Адабиётлар: 6, 7, 8, 9, 10, 11, 16.

6. Бехбудий - бошловчи адиб

Режа:

1. Бехбудий ҳаёт йўлига чизгилар.
2. Бехбудийнинг мақоланавислик ижоди.
3. “Падаркуш” – ибтидо драма.

Таянч тушунча ва иборалар: Бехбудий Туркистонда жаҳидчилик ва янги адабиётнинг асосчиси, буюк истиқлолчи, ижтимоий-сиёсий публицист, ўзбек драматургияси ва театрининг “отаси”.

1-савол бўйича дарснинг мақсади. Маҳмудхўжа Бехбудий ҳаёти ва адабий меросини ўрганиш бўйича талабаларга тушунча бериш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Адиб ҳаёти ва таҳсил йиллари ҳамда илк ижоди ҳақида тасаввурга эга бўлади.
2. Бехбудий ижодини ўрганиш босқичларини идрок этади.
3. Мустақиллик даври бехбудийшуносликни тасаввур қила олади.

1-саволнинг баёни:

Бехбудий ижодини ўрганишнинг ўзи - бир тарих. Агар даврларга бўладиган бўлсак, унинг биринчи даври ўзи ҳаётлигидаги ўрганиш босқичи, қатл этилгани аниқ бўлгач, 30-йилларнинг иккинчи ярми (бу даврда Ҳожимуроднинг “Маориф қурбонлари” драмаси яратилди, дарслик ва хрестоматияларга унинг ижодидан намуналар киритилди) гача, узоқ танаффусдан сўнг турғунлик йилларида яна ўрганишга киришилди. Бу давр баҳслар, тортишувлар, ўта зиддиятли босқич ҳисобланади. Биргина Ўзб.С.Э-сига у ҳақида кичик мақолача бериш катта шов-шувлар ва тортишувларга сабаб бўлди.

Давр қанчалик долғали ва аёвсиз бўлмасин, ҳақиқий ижодкор ва унинг асарлари ҳар қандай тўсиқларни ёриб чиқаверади. 1990-йиллар шўро мафкураси чирсиллаб турган пайтда адабиётшунос Беғали Қосимов Бехбудий ижодини ўрганиб, у ҳақида талашиб-тортишиб матбуотларда мақолалар эълон қилди. Шундан сўнг Лазиз Азиззоданинг хотиралари, энг асослиси муаллифнинг шогирди Ҳожи Муиннинг Бехбудий ҳақида ёзиб қолдирган маълумотлари эҳтимолларнинг энг кучлиси бўлди.

Бехбудийшуносликнинг энг чўққи ва маҳсулдор даври мустақиллик замониға тўғри келди. Юртбошимиз ташаббуси билан миллий тарихимизни қайта яратиш, қадриятларимизға қайтиш, ўзбек давлатчилиги тарихи 3 минг йиллик экани, айниқса, давлатдорлигимизнинг байроқдори Амир Темур ҳаётини ҳар қандай қизил мафкуралардан тозалаб, соф, аслича, кўхна тарихнинг берган баҳоси асосида истиқлол фидойилари ижоди ва меросини ўрганишға кенг ва катта йўл очди. Шу жумладан, 1995 йил Бехбудий таваллудининг 120 йиллик муносабати билан қарвонбоши (Б.Қосимов) адиб ижоди кенг ва атрофлича ўрганила бошланди. У ўзбек жаҳид адабиётининг кашшофи экани аниқланди. Матбуот, янги мактаб, театр, драматургиянинг илк тамал тошини қўйган буюк сиймо сифатида юксак баҳоланди. Шу аснода унинг ижоди умумий таълим ва олий мактабларда кенг ўрганиладиган бўлди. Унинг бир жилдлик танланган асарлари муштарийлар мутолаасига ҳавола қилинди.

Бехбудий - XX аср ўзбек адабиёти тарихида янги саҳифа очган буюк сиймо. Миллий театр ва драматургиянинг кашшофи, машҳур журналист, буюк публицист, таниқли жамоат арбоби, истиқлол фидойиси. 1929 йилда Қозонда босилган “Ўзбек адабиёти” китобида “Ўзбек миллий адабиётининг негиз тошини Бехбудий билан Фитрат қўйиб берди” (8-бет) дейилишининг ўзи унинг ўзбек адабиёти ва маданияти тарихидаги ўрнини эътироф

этилишидан далолат беради. Беҳбудий (1975 й. туғ.) нинг отаси Беҳбудхўжа ибн Солиххўжа дин ва араб илмидан кофий билимга эга бўлган. Отаси туркистонлик Яссавий авлодидан, она авлоди Ниёзхўжа урганчликдир. Тоға уруғлари ҳам ниҳоятда ўқимишли, маърифатпарвар шахслар бўлган. Сиддиқ, Одил исмли тоғалари Маҳмудхўжанинг тахсили ва илмий тарбиясига ўсмирлигидаёқ мураббийлик қилишади. Олти ёшидан Қуръон оятларини билган, “Таржимон”ни ўқиб турган, 18 ёшида мадраса ва қозихонада мирзалик қилган.

Беҳбудий Самарқанд, сўнг Бухоро мадрасасини битирар экан, унда дунёни кўриш, кўрган юртини ўз халқи ҳаёти билан қиёслаш истаги туғилади. Бунинг бирдан бир воситаси ҳаж сафари деб билади ва 1899-1900 йилларда бухоролик дўсти Ҳожи Бақо билан Истанбул, Миср, Қоҳира бўйлаб сафар ва ҳажда бўлади. 25 кун давом этган саёҳат адибга кучли таъсир кўрсатади. Айниқса, таълим соҳаси билан яқиндан қизиқади. Бунинг натижаси ўлароқ ўз юртида мактаб очиш иштиёқи туғилади ва 1903 йилда Самарқанднинг Ҳолвойи (С.Сиддикий), Ражабамин (А.Шакурий) каби қишлоқларда янги мазмундаги мактаблар ташкил қилади. Мактаб жиҳозлари ва унинг дарсликларини ўзи яратади, чунончи: “Рисолаи асбоби савод” (1904), “Аҳоли жуғрофиясига кириш” (1905), “Русиянинг қисқача жуғрофияси” (1905), “Китоб ул-атфол” (“Болалар учун китоб”, 1908), “Ислом амалиёти” (1908), “Ислом тарихи” (1909) кабилар.

Дарсликлар муаллифининг аксар китоби жуғрофияга бағишлангани бежиз эмас. Унинг қарашича, Ватанни севиш унинг табиати ва географиясидан бошланади. Дарсликларини варақлар экансиз, географик тушунча ва ибораларга, бу соҳадаги етук олимларнинг ишлари ҳақида кенг изоҳлар беради. Қисқаси, бу фан ер ҳақида экани уқтирилади. Ер ҳақида хурофий илм билан ҳақиқий фаний қарашни қиёсан келтиради, масалан:

“Ер курравий юмалоқ, остида хўкиз, балиқ йўқ, атрофиға девори йўқ ва Ер айланмадур, ҳавоға муаллақ турадур. Бизни назаримизда сокин ва аммо ҳақиқатда айланадур.”

Осмон жисмлари ҳақидаги изоҳлари астрономия илмининг энг тўғри шарҳларидир:

“... биз устида турғон Еримиз Офтобни атрофига ҳар бири ўзига тегишли доира-айланасига айланиб юрадурлар. Ернинг Офтобга нисбатан учламчи сайёра юрувчи юлдуздур! Юргувчи юлдузларни ҳаммаси бенур ва ёруғликни офтобдан оладур”.

Келтирган икки мисолимиз муфти Беҳбудийнинг модюнча дунёқарашини мутлақ исботлайди. Ўзи илоҳий илмнинг вакили ва сардори бўлатуриб, дунёнинг тузилиши ҳамда осмон жисмларининг ҳаракатини илмий изоҳлаши унинг билим доирасининг қомусийлигидан гувоҳлик беради.

Беҳбудий дарсликларида Миррих юлдузида одам яшаши ҳақида эҳтимол фикр келтирилади. Унинг ислом тарихига бағишланган рисоласида “Динсизлик ... ҳайвонийликдир” дейди ва:

“Динсиз мутомаддун (маданиятли) бўлмоқ маҳол (қийин)дур” деб ёзади. Шундай қилиб, у динни жамиятни бошқариш низомларидан биридир, деб билади.

2-асосий савол бўйича дарснинг мақсади. Талабаларга Бехбудийнинг матбуотдаги фаолияти ҳақида маълумотлар ва мақоланавислик асарларида олға сурилган ғояларни сингдириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Адибнинг “Самарқанд”, “Ойна” газета ва журналлари ҳақида тушунча бера олади.
2. Публицистик мақолалари мавзу доирасининг кенглигини изоҳлай олади.
3. Мақолаларидаги сиёсий, миллий ва Туркистон мухторияти масалаларини идрок этади.

2-асосий саволнинг баёни:

1922 йилда “Зарафшон” газетасида Бехбудийни нашри маориф соҳасида “Ватанимизнинг биринчи қаҳрамони” дейилиши айтилиши ҳақиқатдир. Бунинг ёрқин далили “Самарқанд” (1913), “Ойна” (1913) газета ва журналларини таъсис этиб, миллат ҳаёти билан боғлиқ публицистик мақолалар эълон қилишидир. Бир манбада 300, иккинчи манбада 500 дан зиёд мақола ёзган дейилади. Унинг газета ва журналлари Туркия, Арабистон, Эрон, Кавказ, Татаристонда тарқалган.

Бехбудий газета, журнал ва мактаб ишлари билан ҳаддан ташқари банд бўлиб, бироз толиқади, асаби бузилади. Унга саёҳат қилиш орқали зикрликни енгиш мумкин деган маслаҳат берилади. Боз устига “Кутубхонаи Бехбудия”га кўпгина адабиётларни ҳам сафар баҳонасида хориждан олиб келишга тўғри келади. Шу маънода 1914 йил иккинчи марта араб дунёсига сафарга йўл олади. Саёҳат вақтида кўрган-кечирганларини хотира сифатида ёзиб боради. Хориждаги техника ва самолёт парвози борасида, шунингдек, электр чироғи, темирйўл ҳақида завқ-шавқ билан ёзади. Истамбулга борганда эски таниши Исмоилбек Гаспирли билан учрашади, 7 соат суҳбатлашади: “Ва ул суҳбатнинг лаззати асло мандан кетмайдур” деб ёзади.

Саёҳат чоғида адиб борган шаҳар аҳолиси урф-одати, деҳқонларнинг ҳол-аҳволи, олимлар ва улуғлар ҳақида материаллар жамлайди, биринчи кўрган эскалатор ҳақида ҳам ёзади. У айниқса, дину диёнатнинг аҳволу қудрати, муқаддас жойларни томоша қилади. Қуддус шаҳридаги Масжидал-Ақсони зиёрат қилади. Муқаддас замин ва даргоҳда туриб, Оллоҳга мурожаат қилади. “Авф эт, биз инсонларни, ҳидоят эт. Ер юзинда сулҳ ва сиёҳи умумий ато айла. Инсонларга инсоният бер. Яшасун адолат ва ҳаққоният, омин”.

Арабистоннинг кўркам жойларини томоша қилаётганда бир тошкентлик йигитни кўриб қолади. Унга Туркистон харитасини кўрсатади. Харитадаги Тошкентни ўпиб, кўзига суртади. Шу ўринда адиб: “Ватанни севмоқ иймондандур”, деб ёзиб қўяди. Ватанни қўмсаган йигитга “Ойна” журналининг намунасини беради.

Саёҳат натижалари “Хотиралар” номи билан ёзилди. Уни ўқир жонсиз, Бехбудий ўз диёрини ободу кўркам кўриш мақсадида барча нарсалар билан қизиққан. Улар ўз Ватанида ҳам бўлишини исботлаган. “Хотиралар”да келтирилган эсдаликлар маърифатга, иқтисодий ўзгаришга, Ватанни маъмур қилиш туйғуси билан тўлиб-тошган эсдаликларида нимани ёзса, унда ўз юртига бўлган садоқат, фидойилик уфуриб туради. У бу жиҳатдан дунёқараши қомусий характери билан ажралиб туради.

Бехбудийнинг мақолалари мавзу доираси: маориф соҳасида – “Туркистонда мактаби жадида”, тил ўрганиш – “Икки эмас, тўрт тил керак”, турмуш янгиликлари - “Бухоро хонлиги сиёсати” (Жиззах, Самарқанд, Каттақўрғон ерларини Амударё суви ҳисобига ўзлаштириш масаласини кўтариб чиқади), “Фельетон” мақоласида эса Россияда пайдо бўлаётган партия дунёни хонавайрон қилади, хусусан, динга зид, аммо кадетлар партиясининг дастурини эътиборга олиш мумкин, дейди.

Бехбудий “Ойна” журналида “Ҳиммат ва саботи бўлмаган миллатнинг ҳаққи ҳаёти йўқдур” мақоласини чоп этади. Мақоланинг номи ижтимоий исёнкорликдан далолат беради. Унда:

“Тушундигим замон кўнглум ёнар, йиғламоқ истарман, кўз ёшларим келмайдур”, дейилади.

Маълумки, руслар маҳаллий халқни “сарт” деб аташган. Н.Остроумовнинг худди шу номдаги китоби ҳам чиққан. Худди шу масалада Бехбудий “Ойна” журналида баҳс очишга имкон беради. Ўзи ҳам баҳсга қўшилиб, “Сарт сўзи мажҳулдир” деган мақола эълон қилади. Яна бир баҳсида “сарт” сўзи ҳақида узоқ гапириб, вақтимизни бекорга ўтказмайлик деса-да, бундай баҳснинг зарурлигини ҳам таъкидлайди.

“– миллат масаласи муҳим ва муқаддас тутилган бир замонда бизлар ҳам миллат масаласидан саналган “сарт” ҳақида гоҳ-гоҳ баҳс этуб, миллатимизни хотирлаб турганда, зарар кўрмасмиз”, дейди Бехбудий.

“Туркистон тарихи” (1914) мақоласида “Тарих кўб аҳамиятли ва фойдали бир нарсадир”, деб ёзади ва аксар ҳолларда олди-қочди мазмундаги китоблар ёзилаётган, улар кенг нусхада нашр қилинаётганидан афсусланади.

“Ҳоло, биз - туркистонликлар марҳум боболаримиз аҳволи ҳам Туркистон воқеоти тархиясидан бутун ғофил ва бехотирмиз” деб ёзган фикри мустақиллик давригача ўз кучида бўлиб келди. Эндиликда ўзбек миллатининг тарихи яратилди. “Эски мактаб” мақоласида – “дунёга турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур”;

“Ўқувчиларга ёрдам керак” мақоласида – “биз хоҳласакки, ўзимизни бошқаларнинг маданий ваа иқтисодий ютишидан сақланилса, юқорида

айтилган кишиларни (15 дан зиёд мутахассисларни назарда тутди) ҳозирлаб яна илм замони тайёрламоқ керакдур”;

“Омилимиз ёинки муродимиз” (1913) мақоласида – “... бугун бизларга тўрт тилни таҳлил ва таҳрир этувчилар керак” деб ёзади. Шу мақсадда “Ойна” журналини тўрт тилда ўзбек, эрон, рус, араб тилида чиқармоқчи ҳам бўлади. У араб тили динни, рус тили дунёни сақлашга зарур, дейди.

Бехбудийнинг мақолалари ўз замонасининг ўткир масалаларини ҳал қилишга бағишланган. Даврнинг чирсиллаб турган масалаларини бир жаид мактабида ерли халқ боласини ўқитиб, саводини кофий даражада чиқариш эди. 1914 йил 3 январда Мирзо Улуғбек мадрасаси майдонида тумонат намозчилар ҳузурида муаззин жаид мактабига боласини юборганнинг “ўзи кофир, хотини талоқ” деб эълон қилинади. Бундан қаҳру ғазабга келган Бехбудий бундай разолат ва қохинликнинг олдини олиш учун қарши чоратадбирлар ишлаб чиқади. Шулардан бири газетага мақола ёзиб, муаззиннинг фикри асосиз эканини исботлаш бўлди. “Либос, киёфат”, “Кийим ва ташаббуқ масаласи” мақолаларида мутаассаб диндорларнинг сохта қарашларини фош қилиб ташлайди. Адиб гап кийимда ёки Европанинг техникасидан фойдаланишда эмас, балки иймоннинг бутунлигидадир, дейди. Унинг одилона ва кофий фикрига мусулмон учун алоҳида кийим тайин этилган эмас. Бирор қитъа аҳолисининг кийимини кийиб ибодат қилинг, мусулмончиликдан чиқмайди, деган ақидани олға суради Бехбудий. “Иттифоқ керак” мақоласида руслаштириш сиёсатини қаттиқ қоралайди, хусусан, миссионерлик (бу атама Бехбудийга тааллуқли)нинг олдини олиш зарурлиги уқтирилади.

Юқоридаги мақолалар ва уларда кўтарилган муаммолар Бехбудий ҳақида Файзулла Хўжаевнинг қуйидаги фикри чандон ҳақ эканлигини тасдиқлайди.

“... сиёсий, ижтимоий фаолияти ва билимининг кенглиги жиҳатидан Туркистоннинг ўша вақтдаги жаидларидан унга тенг келадиган киши бўлмаса керак”.

Бехбудий маърифий мақолалардан **сиёсий** мақолалар ёзишга жиддий киришди. Буни ўша даврнинг ижтимоий-сиёсий йўналиши тақозо қилар эди.

Феврал буржуа инқилобини хушнудлик билан кутиб олган Бехбудий октябр тўнтарилишига келиб, бу хушнудлик устига совуқ қорлар ёққанини таъкидлаган эди. Кутилган эрк қўлга киритилмади. Бунга қарши Бухоро хонлигида ёш бухорочиларнинг ҳаракати алангаланиб кетди. Бухоро хонлигининг рус элчихонаси вакили Миллер Самарқанд Ижроия қўмитасидан бир нечта комиссия аъзолари келишини таклиф қилади. Бу таркибда Бехбудий ҳам бор эди. Кўриладиган масала хонлик тузумини ислохот қилиш йўли билан ёшларни тинчитиш эди. Мунозарадан сўнг ёшлар ҳаракати бошланиб кетади. Бу ҳаракатни Миллер Бехбудийга нисбат беради.

Бу нохуш воқеани Тошкентдаги Туркистон ишчи ва солдат депутатлари советининг ўлка съездида айрим рус депутатлари самарқандлик комиссия аъзоларига тўнкайди. Рус депутатлари маҳаллий халқ орасида ўзаро низо

чиқариш мақсадида шундай қилган эди. Вазиятни кузатиб турган Бехбудий сўз олиб, бор ва ҳаққоний воқеани айтиб, ўзининг холислигини тасдиқлаб беради.

1917 йил 26 ноябрда Туркистон ўлка мусулмонларининг қурултойи чақирилади, унда Бехбудий мухторият ва ўзга миллат вакилларида ҳам ҳукумат аъзолигига сайлаш масаласини кун тартибига жиддий қилиб қўяди.

Кези келганда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Бехбудий Туркистон мухторияти ҳақида аввал Россияда батамом ажралиш ва мустақил бўлишини таклиф қилган эди. Унинг донна фикри таҳрир топди. Биринчидан, Россияга Федерация бўлиш, сўнг тўла мустақилликка эришиш масаласини кўтариб чиқди.

Бехбудий ҳукумат большевиклар тасарруфида эмас, халқ ихтиёрида бўлишни жиддий ёқлаб чиқди. Туркистон мухториятини таъсис этиш борасидаги масалаларга фаол қатнашди. Бу борада “Туркистон мухторияти” мақоласини битди. Мақолада келтирилишича, мухториятга ҳеч ким монелик қилмайди, ҳамма рози, эътироз йўқ, факт бирлик, иттифоқлик лозиму холос, дейилади ва сатрлар бор:

“Бутун Туркистон халқи иттифоқ этса, қон тўкилмас. Минг қарра доду бедодга ихтиёр этмоқ учун иттифоқ этганимиз ва ихтилофларимиз сабаби ила бадбахтликка дучор бўлурмиз”.

Бехбудий “Туркистон мухторияти” ҳужжатларини тайёрлашда фаол қатнашди ва баъзи таҳрирларни киритди. Ўша кунлари кўпгина халқ вакилларига мурожаатнома ҳам ёзди. Чунончи, қозоқ биродарларга қарата:

“Бовурлар! ... Сиз билингки, ҳақ олинур, лекин берилмас. Инчунун мухторият-да олинур, лекин берилмас”, деб ёзган эди. Ушбу сатрлар муаллифи сиёсий жиҳатдан пишиб етилган эди. Мухториятга туркистонликлардан ташқари яҳудий ва христианларни ҳам бирлашишга, иттифоқликка даъват этади. У буюк донишманд эди. Бирор соҳа йўқки, у дахл этиб, у ҳақда мақола ёзмаган ва фикр билдирмаган бўлсин. Айниқса, унинг тилимиз ва адабиётимизнинг софлиги учун жиддий курашиб, бу борада мақолалар (“Тил масаласи”) ёзгани муҳимдир. Адабиёт борасида **эстетик қарашларини** ҳам баён этишга улгурди. Бу борада унинг “Танқид сараламоқдур” мақоласи диққатга моликдир. Унда адабиётимизнинг чўққиси Навоийдан сўнг бир неча асрлик сукунат бўлгани ва бунинг ўзига хос томонларини изоҳлайди. Танқид барча даврдаги адабиётга бирдай, тенг ҳуқуқли қарашда бўлишини уқтиради.

Буюк Бехбудий публицистик мақолаларида миллатнинг дарди, мустақиллиги, сиёсий эркинлик учун кураши, ҳатто Россия билан муросаи-маторада яшаш, мухториятни мубориза орқали олиш масалаларини миллат фидойиси ва ўтқир донишманд сифатида матбуотларда ёрита олди.

3-асосий савол бўйича дарснинг мақсади. Ўзбек миллий театри ва драматургияси “Падаркуш”дан ибтидо олишини талабалар билимига кўчириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. “Падаркуш” пьесасининг биринчи ўзбек драмаси эканини идрок этади.
2. Драмада маърифат ва бошқа масалаларнинг бадиий ифодасини тушунтира олади.
3. Драма қаҳрамонлари ҳаёти сирасида маърифатсизлик жоҳиллик эканини англайди.

3-асосий саволнинг баёни:

Ўз даврининг пешвоси Бехбудий драма ёзиш ниятини қолоқ, зиллатга ботган Туркистоннинг ночор ва чуруқ турмуши тақозо этди. Халқ ҳаётини кўрсатишда биринчи ойна матбуот бўлса, иккинчи ойна театр бўлишини Бехбудий эрта идрок этди. Шу йўлни маҳкам тутди ва қардош халқлар театрини кўрди ҳамда драматик асарлари билан яқиндан танишди. Оқибат биринчи ўзбек драмасини яратди ва миллий театрга дастлабки ғиштни шахсий ҳовли саҳнида қўйди. “Падаркуш” ибтидо драма экани илмда аллақачон эътироф этилган. Чунки “Падаркуш” яратилган вақтда рус драмалари театрда ўйналган, озарбайжон ва татар драматургиясининг намуналари таржима қилинган. Ўзга юрт фидойи санъаткорлари Тошкентда театр барпо қилиб, уни оёққа турғазган. Аммо миллий драма йўқ эди. Барча, шу жумладан, Бехбудийнинг шогирди Ҳожи Муиннинг эътироф этишича, биринчи драма “Падаркуш” ҳисобланади. У 1911 йилда ёзилса-да, 1913 йилда нашр қилинган. Сабаби Русия генерал губернаторлигининг цензураси - назорати жуда кучли эди. Айниқса, маҳаллий халқнинг кўзини очадиган, маърифатга даъват этадиган ҳар қандай матнга тиш-тирноғи билан қарши турарди. Муаллиф бу ҳудудда цензурадан ўтиши гумон эканлигини ҳис қилиб, Тифлис цензурасига китобнинг бетига “Бородино жанги ва Русиянинг французлар босқинидан халос бўлишининг юбилей санасига бағишланади” деган ёзув билан тақдим қилади.

Айрим тарихий фактларнинг гувоҳлик беришича, “Падаркуш” Кавказorti театрлари учун рухсат берилган, деган гап бор. Асар чоп этилгандан сўнг ҳам бир йил ўтди. Ҳамон саҳнага қўйиш мушкул ва қийин кечган. Ниҳоят 1914 йил 15 январда саҳнага қўйилади.

Асар ўйналгандан кейинок у борасида тақризлар чиқа бошлаган. Уларнинг бирида шундай дейилади:

“Халқ ниҳоят кўп келиб, билет етмагани ва жойнинг йўқлиги учун уч-тўрт юз киши қайтиб кетди”, дейилади.

Такризларнинг яна бирида асар ўйналишидан аввал ғайратли ва фидойи ёшлар томонидан билетлар сотилган. Кирувчилар билет тополмаганликлари сабабли икки баробар ортиғи билан олишга рози, аммо туриб кўришга ҳам жой бўлмаган. Ўша вақтдаги 2 сўмга бир қўй берган. Билет қўлда уч сўмга чиққан. Минглаб томошабинлар ибратхонага (театр – Ҳ.М.) ташланганлар.

Драма ҳажм жиҳатидан қисқа, давр китобхонларининг савияси ҳисобга олиниб, содда ёзилган. Бадиий жиҳати ҳам жаҳид адабиётининг илк даври талаб тақозосидан келиб чиққан. Тўғри, драмада кучли характер ва коллизия йўқ. Ўткир ва шиддатли монолог ҳамда диалоглар ҳам учрамайди. Образларга бадиий чизгилар ҳам кам. Бир ўринда бой ҳамоза (хуррак) тортиши, Тошмуроднинг отасига қараб “жуда кўп гапирасиз”да каби чизгилар образнинг белги ва хусусиятларига бир ишора. Жаҳид адабиётида характер яратиш ҳали адабий анъанага кирмаган, фақат маърифий-тарғибий мазмун биринчи ўринда қалқиб турган.

Драма сахнада ўта моҳирлик билан ўйналгани туфайли ҳам кулги, ҳам изтироб туйғусини кўзғатиб юборган. Бой зиёлининг маърифатини тинглаш ўрнига ҳамоза тартади (кулги қилинди), Тошмурод жўраси Тангрикул билан отасини қатл қилганда томошабинда ҳаяжон, изтироб ва ачиниш туйғуси туғён уради. Бир такризда шундай дейилади: “Бу фожеа ва аламли манзарани парда ёпар. Халқга ҳаддан зиёда таъсир. Баъзи кишилар фожеадан кўз юмарлар...”

Томошабинда чуқур ҳаяжон уйғотган. “Падаркуш”нинг қисқача мазмуни шундай. Бой ўғли Тошмуроднинг ўқишини истамайди. Ўқиганлар бир бурда нонини топиб ея олмас эмиш. Ўғли ўқимай жаҳолат йўлига кириб, дўстлари билан маишат қилади. Зиёфатга пуллари етмай қолиб, отасидан пул сўрамоқчи бўлиб, уйга келишади. Ота уйкуда. Фурсатдан фойдаланиб, сандикдан пул олишмоқчи бўлади. Ота уйғониб, уларга ҳамла қилади. Дўсти Тангрикул бойнинг қўлтиғига пичоқ уради. Тошмурод одамларни кўрқитиш учун осмонга тўпонча отади.

Бойвучча: Ие, жувонмарг Тошмурод! Қон қус, кошки чечакда кетсайдинг. Вой, падаркуш Тошмурод! Вой, дод-ей!

Домла бойвуччани юпатмоқчи бўлади. Бой “Фарзандингни ўқит!” маслаҳатига қулоқ солмагани, ўғлини жаҳолат ўлдирганини айтади.

Бойвучча: Дод, вой, болам, иккисидан ҳам айрилдим, эримни мазорга, боламини Сибирга юборарлар. Вой, вой, вой –у-у -у !

Драманинг тўртинчи пардасида маишатпараст Тошмурод ва унинг дўстлари Лизани келтириб, ўйин ташкил қилиши ҳикоя қилинади. Хурсандчилик айна авж пардага чиққанда, пристав келиб, уларни тутиб:

- Ҳайда, турма, марш, дейди.

Драмада жаҳолат ва зиё қарама-қарши қўйилади. Ҳамма касофат ишнинг боши маърифатсизликдан бошланади.

Асардаги ота болага, бола отага ўхшайди. Зиёлини эмас, бойни эл ҳурмат этади. Нафақат ўз миллатдоши, хатто ўрис ва арман ҳам иззат қилади. Ота ва

боланинг ақидаси ана шундай муштарак. Отага домланинг насиҳат ва маърифати қор қилмайди. Акс ҳолда унга:

- Ўқиганнинг бири сиз, ёмоққа нонингиз йўқ, деб ўшқиради.

Мутафаккир Беҳбудий икки кўринишдаги илм - зиёлини истаган эди. Бири диний йўналишдаги уламолардир. Улар маълум даражада жамиятни ушлаб, бир йўналишга солиб туришда муҳим аҳамиятга эга. Иккинчиси замонавий илм – зиёлилари. Улар сирасига муҳандис, тиббиётчи, қонунчи ва бошқалар қиради. Зиёлининг жамият ҳаётидаги ўрни драмада домла образида берилган.

Муаллиф Ватанда яшаб туриб, беватан қолиш муаммосини қаламга олган. Илмсизлик одамларни бошбошдоқлик, бузуқлик, қотилликка бошлайди. Илмсиз, маърифатсиз оилада ота қатл этилди, ўғил Сибирга сургун қилинди.

“Падаркуш” ўзбек драматургиясида ибтидо асар сифатида катта анъана яратди.

Қодирий “Бахтсиз куёв”ни “Падаркуш” драмаси таъсирида ёзгани ҳаммага маълум. Бундан ташқари асар Самарқанд, Тошкент, Бухоро ва Фарғонада драматургиянинг шаклланиши ва такомилига асос бўлди. Бундан ташқари драма озар ва татар драматургиясига ҳам самарали таъсир кўрсатгани маълум.

Қисқаси, Беҳбудий ўзбек маданияти, адабиёти ва миллий тафаккурига тамал тош қўйган буюк сиймолардан биридир.

Назорат учун масалалар:

- Δ 1. Беҳбудий – бошловчи адиб эканлигини изоҳланг.
- Δ 2. Адибнинг мактабдорлиги ва олиб борган таълим усулининг янгилигини тавсифланг.
- 3. Дарсликларининг дунёвий мазмун-моҳиятини тушунтиринг.
- 4. Беҳбудий-миллий матбуот кашшофи эканини изоҳланг.
- 5. Публицистикасининг ғоявий мундарижасини сўзланг.
- Δ 6. Туркистон мухториятидаги фаолиятини шарҳланг.
- Δ 7. “Падаркуш” драмасининг сахна тарихини гпилинг.
- Δ 8. Драмада маърифатсизлик фожеага олиб келишининг акс этишини изоҳланг.
- 9. Драмада бадиият чизгилари ва бадиий ўртамиёналикни шарҳланг.
- 10. Беҳбудийнинг эстетик қарашлари. Истиқлол ғоясида Беҳбудий адабий-маърифий ижодининг аҳамиятини тавсифланг.

Адабиётлар: 7, 8,9,11,16,22,23.

5. Фитрат – истиқлол фидойиси адиб

Режа:

1. “Мунозара” асарида маърифат, илм-фан, истибдод масалалари.
2. “Ҳинд сайёҳи баёноти” асарида туб ислохот ва миллий уйғониш муаммолари.
3. Фитратнинг журналистик фаолияти ва публицистикаси.

Таянч тушунча ва иборалар: Фитрат – истиқлол фидойиси, “Мунозара” ва жадидчилик, “Ҳинд сайёҳи баёноти”да ислохот ва миллий уйғониш, адиб публицистикаси – жанговар жанр.

1- асосий савол бўйича дарснинг мақсади. “Мунозара”да қадим ва жадидчилик масаласини талабаларга сингдириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Фитратшунослик ҳақида тасаввур пайдо қила олади.
2. “Мунозара” даги жадид мактабининг туб моҳиятини англайди.
3. “Мунозара”да ифодаланган истибдод масаласини идрок этади.

1-асосий саволнинг баёни:

Ҳар қандай фан кўп жабҳали ва қатламлидир. Бунга адабиётшунослик фани ҳам киради. Унинг ўрганиш манбаига адабий жараён ва алоҳида машҳур калам аҳли ижоди ҳам киради.

Бадиий адабиётда шундай сўз санъаткорлари борки, уларнинг ижодини ўрганиш алоҳида фан қамровига эга бўлади. Навоий ижоди навоийшунослик, Қодирий ижоди қодирийшунослик каби. Жумладан, Фитрат адабий мероси фитратшунослик фанининг пайдо бўлишига асос бўлди.

Фитратшунослик худуд жиҳатидан ҳам кенг қамровли фандир. Ўзбекистон, Марказий Осиё ва хорижда фитратшунослик кенг жабҳада ўсди ҳамда самарали натижаларга эришди. Фан оламида айрим масалалар ҳукмрон мафкуранинг тазйиқ ва талаби билан икки хил қарашда ўрганишга боис бўлди. Бунда даврнинг мафкураси мазкур фанни ажрим ёки бошқача айтганда, кечаги қараш ва бугунги қарашга бўлиб ўрганишни тақозо қилади. Худди шунингдек, тоталитар сиёсат мафкураси туфайли “кечаги Фитрат” ва “бугунги Фитрат” тушунчалари пайдо бўлди.

Америка дунёсида Эдворт Олворт, турк оламида Фуод Кўпрулзода, славян филологиясида Евгений Бертельс каби буюк олимлар фитратшуносликнинг илк тамал тошини қўйганлар.

Ўзбек адабиёти илмида Лазиз Азиззода, Ҳамидулла Болтабоев, Илҳом Ганиев, Анқабой Қулжоновлар тизимли ва салмоқли иш олиб бордилар. Тўғри, шўро даврида фитратшунослик анчагача танаффус қилди, аммо фитратшунослик хорижда узлуксиз давом этади. Шу аснода Фитрат ижоди ва

фитратшуносликни қуйидаги босқичларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлар эди: а) ижодини икки даврга, яъни 1900-1917 йиллар ва 1917-1937 йилларга; фитратшуносликни эса уч даврга: XX асрнинг бошидан 1937 йилгача, 1956 йилдан 1990 йилгача ва ниҳоят мустақиллик даврига таснифлаб, тадқиқу талқин қилиш маъқулу мақбулдир.

Фитратшуносликнинг чўққи босқичи мустақиллик даври бўлди. Чунки Юртбошимиз мустақиллик учун тамал тош қўйганларнинг хизматини, тарихдаги мавқеи ва ўрнини муносиб баҳолаб, уларнинг пок рухларига “Шаҳидлар майдони”ни ташкил этди. Айниқса, Фитрат таваллудининг 120 йиллиги (2006) унинг ижодини ўрганиш борасида етарлича илмий “хирмон” кўтаришга имкон берди. Шу-шу, Фитрат истиқлол фидойиси, мустақиллигимизнинг кашшофларидан бири, буюк адиб сифатида баҳоланди. У бунга сазовор қалам аҳли ва бошини мустақиллик учун тиккан миллий озодлик курашчиси эди:

“Мана, мен бутун борлиғим билан сенга кўмак қилурга ҳозирман. Мен чин кўнгул билан сенинг йўлингда ўлурга рози.

Устига илонлар эмас, шайтонлар қўшини келса, оёғига занжирлар эмас, жаҳаннам илонлари сорилса, яна сен сари чопарман, мен сенинг учун тирилдим, сенинг учун ўлурман”.

Бу сўзи билан Фитрат ўз жону жаҳонидан истиқлолни афзал ва аъло кўрди. Унинг бу сўзи маҳоват ва мақтаниш учун айтилган эмаслиги унинг ижодий ҳамда ижтимоий ҳаётидан маълум.

Фитрат таржимаи ҳолининг ўзи унинг фидойи инсонлигидан, илм ва таҳсилга чанқоқ кишилигидан далолат беради. У ўзига тўқ ва тинч Абдурахимбой оиласида дунёга келди. Маъмур оиланинг эркатойи бўлиб юриши мумкин эди. Аммо ёш бухорочиларнинг Туркияга бориб, ўз билим ва тажрибаларини ошириб, Ватан мустақиллиги йўлида хизмат қилишга тайёрланувчилар сафига кириб, тўрт йил Истанбулда яшади, ўқиди ва ижод қилди. Адиб “Сайҳа”, “Миллий шеърлар” (1910), “Мунозара” (1909), “Ҳинд сайёҳи баёноти” (1912) каби асарларини форс тилида ёзди.

Адабиёт илмидан маълумки, Фитрат ижодини ўрганиш тарихи жадиличилик тарихини ўрганиш демакдир. У жаид ижтимоий ҳаракатининг карвонбошиларида бири эди. Унинг ижоди (1956) оқлангандан сўнг ҳам адабий мероси тез орада бир текисда ўрганилмади. Нари борса “Қиёмат”, “Шайтоннинг тангрига исёни”, “Абулфайзхон” каби асарлари аранг тилга олинадиган бўлди.

Шўро даврининг биров юмшалишга йўл олган босқичи - қайта қуриш ва ошкоралик йилларида ҳам Фитрат ижодини ўрганиш долғали кечди. Ҳамон кечаги мафкура асносида адиб ижодини тафтиш қилиш давом этди. Шунга қарамай Фитрат ижодини гоҳ зиддиятли, гоҳ чекланганлик ўринлари борлигини давр руҳидан келиб чиқиб, унинг меросини халққа қайтаришга жиддий ҳаракатлар бўлди. Уларга Б.Назаровнинг “Адабий меросимиз ва янгича фикрлаш” (ЎзАС, 1988, 26 феврал), И.Султон ва С.Мамажоновнинг

“Маданиятимизнинг икки сиймоси” (ЎзАС, 1988, 3 июн), Г.Раҳимованинг “Мунозара” – уйғониш даракчиси” (ЎзАС, 1989, 29 декабр) мақолалари мисол бўла олади. Бугунга келиб, Фитрат асарларидаги зиддиятлар ва чекланганликлар ўша даврнинг тарихий янгилалишлари, ислохотлари билан, илғор ҳаракатлари билан чамбарчас боғлиқлиги тан олинди. Унинг хатога йўйилиб келинган асарлари ўз даврининг бонги, бадиий даъвати, баҳоси эканлиги эътироф этилди. Ислохот, энг аввало, Фитрат шахси ва сиймосида юзага келди. У Истанбулга муллавачча суратида кетиб, қайтишда европача зиёли бўлиб келиши ҳаммани ҳайратга солган бўлса, ўзи учун оддий ҳол ва ҳақиқат эди. Фитрат Истанбулда ўқир ва ўқитар экан, фикри-ёди ўз Ватанининг мустақиллиги ҳақида эди. Қандай йўл тутмасин, ўз юртидаги ўзбошимчалик, якка ҳокимиятчилик бўлса бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар каби ўзи бўларчилик кайфиятида яшаётган, айниқса, рус империясининг таъқибу тазйиқига ён бериб қолган халқни уйғотиш чора-тадбир ва воситаларини тинимсиз излади. Бунинг бирдан-бир воситаси эндигина ниш ураётган жадиждчилар ҳаракатини жонлантириш, иккинчиси - омма онгидаги мағор босган фикрларни ювиш, ўзга юрт ҳаётини намуна қилиб кўрсатиш орқали мудраб ётган оммани бедор қилишга интилиш қилиш эди.

Фитратнинг “хатоси” деб топилган – “буржуа ислохотчилиги”, “бозор иқтисоди”, “мустақиллик ғояси” шўро мафкурасига яшиндек туюлган бўлса, бугунга келиб, у ўз ҳақиқатини топди. Буларнинг бари Туркия истиқлолчилари ҳаракати туфайли Фитрат тафаккурида туғилган эди. Унга Туркия буржуа инқилоби катта сабоқ бўлди. У Ватанига қайтиб келиши билан кўрган, билган, эшитган, орттирган тажрибаларини сафдошлари билан ўртоқлашди, жадиждчилик ҳаракатига янгича обу ҳаво олиб кирди, уни амалиётга жорий қилиш учун бор тажриба, билим ва кучини қаратди. Фитрат ўз фикрини содда, халқ тилида, савол-жавоб шаклидаги “Мунозара” публицистик асарида баён қилади. Унинг бундай шаклни қабул қилиши даврнинг цензурасидан қулай ўтиш йўли бўлган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Асар Туркияда ёзилган, тожик тилидан Ҳожи Муин ўзбек тилига ўгирди ва “Туркистон вилояти газетаси”да чоп этилди. Сал вақтдан сўнг Беҳбудийнинг асар ҳақидаги тақризи эълон қилинди. 1913 йилда Москвада рус тилида нашрдан чиқди.

Асар бир фаранги (европалик) билан бухоролик мударрис ҳажга бориш олдидан Ҳиндистонда учрашиб қолиб, Бухоро, ундаги таълим-тарбия ва одабийлик ҳақида баҳс қилишади. Улар баҳслари қадимчилар ва янги усулдаги жадижд мактаби борасида кетади. Асарнинг бош ғояси узун илдизлари билан феодал тартибот ва диний аҳкомларга бурканган Бухоро ва турғун бир қолипга кириб қолган амир Олимхоннинг яроқсиз тузумига бориб тақалади. У буни жасорат билан қаламга олди. Ундаги яна бир жасорат рус империясининг босқинчилик сиёсатига шама қилиш эди, қилди ҳам.

Суҳбатдошлар Бухородаги бир баҳс – қадим ва жадижд мунозарасини асосий мавзу қилиб олишган. Адиб бундай ихтилофни мутлақо қоралайди.

Ҳар иккиси қадим ва жаид иттифоққа келсалар, жуда хушнудлик бўлар эди, деган хулосага келишади.

Қобилиятли талабаларни хорижга, сусларини Бухорода ўқишга юборишни таклиф қилишади. Рисолада фаранги ва жаид мунозараси шундай берилган:

“Аллоҳ номи билан қасам! На замонавий илмларнинг таҳсили ҳаром, на ислом иттифоқи!”

Мударрис ва унинг ватандошлари ақидасича, ҳамма ўқиса, бошқа ишлар қолиб кетиб, дунё хароб бўлармиш.

Фаранги: Сизнинг ва ватандошларингизнинг бу ақидаси ботилдир, деб жавоб беради.

Мударрис: Жаид мактабида ўқиганлар кофир бўлурлар.

Фаранги: Далилингиз борму?

Мударрис: Далилим - нўғай муаллим айтди.

Фаранги жаид мактаби бир қатор мамлакатларда фаолият олиб бораётгани, бу борада на Қуръонда, на ҳадисда бирор нарса дейилмаганлигини уқтиради.

Фаранги: Исломга собитқадамликда ҳиндилар бухороликларга қараганда мусулмонроқ экан, дейди.

Асарда Фитрат динни бузғувчиларга қарата қарши фикрларини баён этади: ислом саодатимиз, дейди.

Кофир деймизу улар фаровон яшаши. Биз гадоиликда, деган ўқик фикрни ҳам айтиб:

“Тфу, бу қадар қаро кунимизга, эшигу девордан ҳам хижолат чекмоғимиз лозим” (97-бет).

Фаранги Бухоро таълимини “қора усул”, унинг аҳволи ҳақида “бечора Бухоро” деган хулосага келади.

Фитрат фикрининг исботи сифатида қатор мисоллар келтиради: Бир нўғай, яъни Иброҳим Нўғай 18 сўм рус пули билан чиқиб, Японияда ислом иттиҳодини тузади, кўпчиликини мусулмон динига мансуб қилади.

Салобатига тоғ ларзага келадиган япон вазирлари бўш вақтларида ўз халқининг болаларини ўқитади, билимли қилиш пайдан бўлади. Бунга мояна олмайди, ўз харажатлари ҳисобидан ўқитадилар. Бу, дарвоқе, энг ибратли мисолдир.

Фаранги Туркистондаги 10 миллион нафар аҳолининг 8 миллион нафари рус империяси томонидан оёқости, тобе этилишини изтироб билан айтади:

“Самарқанд уламоси русларнинг байрами кунда табрик учун черковга бориб турадилар. Буларнинг ҳар бири ислом вужудига берилган катта зарба эмасми?”

Фаранги маҳаллий халқ — рус империясининг тўлиқ исканжасида эканини чуқур ҳис қилади. Миллат хўр, оёқости бўлганини ўз кўзи билан кўрмаса ҳам мударрис ҳикояси орқали ҳис қилади ва куйиб, ёниб, миллатпарастлик қилиб шуларни айтади:

“... меҳрибон она Ватанингизнинг ҳуқуқини унутсангиз, жаҳонгир Темур бобонгизнинг шаъни ва иззатига хиёнат қилсангиз, бу мужассамани ваҳималар доирасидан ҳам чиқариб ташлаб, ном-нишонсиз, шарафсиз, иззатсиз роҳат уйида азал абад ухлатяпсиз.”

Фарангининг бу даъвати мударрис юрагини эзади, кўзининг оби дийдасини реш-реш этади. Бу фикр амирликка, рус империяси томирига урилган қаттиқ зарба эди. Зарба бўлганда ҳам бутун вужудини ларзага келтирадиган зарба эди. Бундай ўткир сўзлардан омма ҳам сесканмаслиги мумкин эмас.

“Мунозара” асарининг бошидан охиригача қадим мактаб ва жаид мактаби муқоясаси, жаид мактабининг афзаллиги, у шарқона андоза эканлигига қаратилган, шу фикр асар ҳужайрасидан қизил ипдек ўтиб туради.

Фаранги мударрисдан Бухорода қанча аҳоли яшагини сўраганда, у кечаси тоат-ибодат, кундузи мударрислик қиламан, кўчама-кўча юриб, одам санашга вақт йўқ, деб жавоб беради.

- Биродар! Мен иш билан банд бир одамман. Бухоро кўчаларида юриб, одамларни санаб менга нима?

Фаранги: - Ия, мен қачон бундай таклиф қилдим? Магар сизнинг юртингизда жуғрофия ўқимайдиларми?

Мударрис: - Бундай китоблар йўқ. Агар бўлса ҳам, қиссахонликка ҳаваси бор бойларнинг уйида бўлса керак.

Фаранги: - Жуғрофия қисса китоби эмас.

Бухоро мадрасаларида таълим ўлда-жўлда, болалар билими ҳам кофий эмас. Сабоқ учун маош олишдан ташқари, бола ота-онасидан қўшимча ҳақ ҳам олади. Бўш вақтларида эркин ҳолда талабаларга сабоқ ўргатиш таомилга кирмаган. Бундан фаранги ҳайратга тушиб, японларда ҳатто вазир бўш вақтида болаларга бепул дарс ўтишини мисол қилиб келтиради.

“Инсонларнинг яхшиси инсонларга наф келтирувчилардир”, деган пайғамбар сўзи билан мударрисни лол қолдиради.

Ҳар иккисининг баҳси аёллар ҳаётига кўчади.

Мударрис: Аёллар таҳсил кўрмайдилар. Фаранги “муслимин ва муслиматун” илм олиши фарз деса, мударрис унда “таваллуд ва таносил” (туғиш ва насл қолдириш) қажда қолади, деб жавоб беради. Мударрис фикрини далиллашга уриниб, бизда таҳсил 37 ёшгача давом этади, шу ёшгача аёллар ўқишга, у вақтда аёлларга эркаклар рағбат кўрсатмайди, насл узилиб қолади, дейди.

Фаранги бундай жавоблардан куйиниб, Форобий авлодлари илмга мойил билдирмаса, тараққиётдан таназзулга юз тутишини уқтиради ва:

“Илм миллат тараққиётининг тожидир”, дейди.

Мударрис ҳамма нажотни Бухоронинг авлиёларидан бири Баҳоваддиндан кутади. Буни хурофот, деб билган фаранги:

- Айтинг-чи, Оллоҳ улўғми ё Баҳоваддин?

Мударрис: - Оллоҳ.

Фаранги аччиқланиб, яна мударрисга мурожаат қилади:

- Сиз уларни эшитишга қобил эмассиз!

- Мен одам эмасманми?

- Билъакс, сиз одамсиз, аммо одабийлик сифатларидан бири сизда йўқ.

Фаранги ўз ўрнида Бухоро Россияга вассал бўлиб қолганини ҳам рўқач қилади. Бунда ислом заифлашиб бораётгани, баъзи уламоларни пайғамбар сифат қилиб, унга ҳаддан ташқари сиғинишларини қоралайди:

- Агар ўруслар Бухорони эгаллаган бўлсалар, нега бунга Баҳоваддин йўл кўйиб берди?

Ана шундай жиддий суҳбатлардан сўнг баҳс яна жаҳид мактаби борасига кўчади. Фаранги жаҳид мактаби очишни тезлатиш лозим деса, мударрис бу мактаб “ҳаром” деб жавоб беради.

Мударрис Бухорода бир йилча жаҳид мактаби очилгани ва унинг ваҳшатларини мударрислар билиб қолиб, уни тезда ёпганлар, дейди.

Фаранги бир йиллик фаолият кўрсатган жаҳид мактабини таҳлил қилади. Унда бегона, кофир муаллими эмас, ўзимизнинг мударрислар дарс бергани, қадимда 7 ёшдан, жаҳидда эса 6 ёшдан болалар таҳсилга борилгани, жўғрофия, ҳисоб ва бошқа фанлар ўқитилгани, болаларнинг саводи тезда чиқа бошлаганини исботлайди. Аммо мударрис ана шу тасдиқловчи фикрларни ҳам тан олмай, жаҳид мактаби “кофир” тайёрламаса ҳам у “**бидъат**” деб жавоб қайтаради.

Мударрис жаҳид мактабининг бидъатлигини исботлаш учун иккита далил келтирди: 1) бу мактабда болалар курсида ўтириш, у насронийларнинг иши; 2) Қуръон ҳарфларини форсийлаштириб, 25 тага келтирилишини рўқач қилади. Бунга жавобан фаранги, биринчидан, курсини насронийлар кашф қилган эмас, бани курсида ўтирган биринчи кимса саҳобаларнинг улуғларидан Мусовия бинни Абу Сўфёндин, дейди. Иккинчидан, фаранги ҳарфларнинг тартибидаги ўзгариш ҳар миллат тили, талаффузи табиати билан боғлиқлигини исботлайди.

Курсида ўтирса, ўрус бўлиб қоладими? Худо ўрусга ҳам кўз, кулоқ, мусулмонга ҳам кўз, кулоқ берган. Фарқи нима?

Ўрус мактабида болалар курсида ўтириб, ўрус тилини ўрганадилар, нега бу мактабни ёпмайсизлар? Ҳиндистон, Миср, Бухорода аллақачон жаҳид мактаби амал қилади. Қадим мактабида 30 йил ўқиб, мулла, жаҳид мактабида ўн йил ўқиб, 19 ёшида олим бўлади, қайси бири афзал? Жаҳид мактабини ўқиб, техника ихтиро қилмоқда. Улар ҳажга 25 кунда бориб келишади. Қадимчилар эса уч йил, борингки, ундан ҳам кўп муддатда боришади, ҳатто йўлда ўлиб кетишади.

19 ёшли бола “олим, ватанпарвар, дунёни, миллатпараст, сиддик, одил, тамом исломий муте, бутун инсоний шартларга муштамал бир шахс бўлади” (1-жилд, 83-бет).

Фаранги бугунги Бухоро аҳволини эшитиб, ҳайратга тушади. Фигони фалакка кўтарилади ва “Ислом маданияти қани? Илм нима бўлди?” деб

юборади. Ноиттифоқликдан усмонли турк ва эрон пошшосининг қўли калта бўлиб қолди. Темур набираларининг гарданига ўриснинг итоат арқонини ким боғлаб қўйди?

Баҳслардан мударрис шундай хулосага келади: Фаранги ниҳоят илмли одам экан. Нажотимизнинг йўли илм эканини, қадим мактабдан жаид мактаби афзал эканини исботлади, бизнинг хатоларимизни кўрсатди.

Фитрат асарга хотима илова қилган. Унда юқорида айтилган фикрларга хулоса ясалган:

- уч олам: ҳайвонот олами, жанзот (жонсиз) олами, инсоният олами (инсон ҳаракат қилмаса, ҳайвонот ва жонзот оламига дахлдор, демоқчи Фитрат);

-кофирлар камоли давлатмандлик ва осудалик билан ҳаёт кечирсалар-у биз нега гадойликка рози?!;

-тфу, бу қадар қаро кунимизга, эшигу девордан ҳам ҳижолат чекмоғимиз лозим;

-ислом очик дин, кимки калимаи шаҳодатни айтса, у ҳам мусулмон, сунний ва шиага ажратилмасин, иттифоқ бўлинг;

-замонавий илмнинг таҳсили ҳаром эмас.

“Мунозара” асари Фитратнинг жаидчилик ижтимоий ҳаракатига қўйган тамал тоши бўлди. Ўша вақтда рамзий маънода икки салтанат ҳукм сураб эди: биринчиси - амир Олимхон, иккинчиси - Фитратнинг ислохотчилик салтанати. Иккинчи салтанат ғалаба қилди, музаффарликни қўлга киритди. Биринчи салтанатга зилзила келтирди, у нуради.

Фитрат асарида туркларнинг Анварбек ва Ниёзиабий, ёш эронийларнинг Сатторхон ва Боҳирхонларнинг конституцион монархияни тузганликларини эҳтиром билан тилга олади. Бу унинг азалий орзуси эди. Фитрат Бухорода ҳам амирлик ворислигини тағ-туби билан йўқотиш тарафдори бўлиб чиққан.

“Мунозара”ни баъзилар суҳбат, мунозара, драма йўсиндаги асар қабилида баҳолади. У аслида “фалсафий – сиёсий - диалог” (Э. Каримов) асардир. У - Фитратнинг катта билим эгаси ва буюк ислохотчи эканидан далолат. Мазкур асар жаид реалистик насрига катта ва улкан, залворли тамал тошини қўйди.

2-асосий савол бўйича дарснинг мақсади. XX асрнинг боши Туркистонда туб ислохот ва миллий уйғониш масалаларини “Ҳинд сайёҳи баёноти” асари мисолида талабаларга сингдириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. “Ҳинд сайёҳи баёноти” асарининг воқеасини баён қила олади.
2. Асардаги ислохот масалаларини идрок этади.
3. Асардаги миллий уйғониш ғояларини тушунтиради.

2-саволнинг баёни:

Фитратнинг “Мунозара”дан кейинги энг йирик насрий асари “Ҳинд сайёҳи баёноти”дир. Уни қисса, роман жанрига мансуб қилиш ҳоллари учрайди. Романнинг айрим унсурлари бўлса-да, у ижтимоий-сиёсий публицистик асардир. Унда муаллифнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари ифодаланган. Бундай асарларни жаҳон адабиётида памфлет ёки манифест дейилади. Аниқроғи, асар памфлетга яқин туради. Ҳинд сайёҳи Бухоро ҳақида кўп яхши воқеа-ҳодисаларни эшитган, уларни кўргиси келади. Иттифоқо, жуда кеч Бухорога кириб келади. Шаҳар дарвозаси ёпиқ. Фақат арманлар ва уларнинг итларини қўйишади. Сайёҳ шаҳар дарвозасидан киролмай, шу кеч чойхонада тунаб қолади. У ерда бир йигит билан танишади. Бир неча кундан сўнг йигит сайёҳни ўз уйига қўноқ қилиш учун олиб кетади. Сайёҳ Бухоро аҳолисини уч гуруҳга: уламо, умаро ва фуқарога бўлиб, тасаввур қилади.

Уламо “... бугунги кунда ҳақиқий илмдан мутлақо хабарсиз қолмишдир. Ҳадис тўқиб чиқармишлар. ...ўзлари чексиз гуноҳларни содир этганлари ҳолда ҳеч нарсани кўрмагандек, яна авом халқини озгина гуноҳи учун “кофир” деб айблаб, тепкиламишлар”, дейди фаранги.

Уламоларнинг ярашмаган қилиқларини сайёҳ “Ҳавзи Девонбеги”да ўз кўзи билан кўради. Улар ҳовуз сувида таҳорат олади, оёқ ювади, оғиз-бурун чайқайди.

Сайёҳ: - Ҳали сизлар ҳам шу сувдан ичасизларми?

Мулла: - Бу сувга нима қилибди?

Сайёҳ: - Бунинг соғлиққа катта зиёни бор.

Сайёҳ йигит билан Баҳоваддин мақбараси зиёратига боришади. От думи ёпиштирилган алам (байроқни) ўпаётган кишиларни кўради, ёнидаги йигит ҳам уни тавоб қилади, сайёҳ унинг қулоғи тагига қарс қўйиб юборади. Сабаби Худодан бошқага сиғинмайдилар. Мусулмон оддий ислом аҳкомини ҳам билишмайди. Бундан ҳайратга тушган сайёҳ:

“Эй, Муҳаммад! Бу шармсиз шармандаларнинг ифлос вужуди Куръони каримнинг обрў-эътиборига путур етказишларига йўл қўйма.”

Сайёҳ мадрасаларнинг вақф маблағлари билан қизиқади. Мадрасаларда жуда катта маблағ жамланади, аммо мечкай руҳонийларнинг тасарруфида.

- Оламга тўрт юз олимни етказган Бухоройи шариф. ...Жаҳолатнинг асл макони, хорлиқ занжирининг асирилигича қоляпти, -дейди сайёҳ.

Уламолар шунчалик бесаводки, “Оллоҳ” деган сўзни “Аввоҳ”, “Аблоҳ” деб айтадилар. Боз устига улар амри маърифат қилиб, “чап қўли билан оғзига сув олса, ёхуд таҳоратда ўнг оёқдан бошламаса, етмиш минг дўзах оловида ёнармиш”, дейишади.

Сайёҳ афсусланади ва “... бу уламо жамоаси бизга қандай таълим берадилар”, дейди.

Сайёҳ кўрганларидан надоматга тушади, аммо ёнидаги ёш йигит ва шунга ўхшаганларни кўриб, “бу.... бухороликларнинг уйғониши учун катта

бир далилдир” деган ўғитни айтади ва шундай хулосага келади, у бекорга “ҳар бир миллат тараққийси учун асосий сабаб илмдир” деган хулосага келмаган (117-бет).

Йигит сайёҳнинг миллат борасида ташвиш билан гапирган сўзларини тинглаб, ўз халқини ботқоқдаги омма, унга ҳеч қандай куч таъсир қилмайди, дейишга бориб етади. Сайёҳнинг гапини кесиб, миллатни қоронғуликдан чиқаришнинг бирдан-бир йўли ислоҳотдир, у эса сабр билан амалга ошади, деган фикрни беради.

Сайёҳ йигитни ишонтириш учун Европа муқобил кучлари ўз мазҳаблари ва ҳокимларини ҳам ўз изнларига бўйсундира олишларини сўзлаб беради. Наҳот Европага илм оламини ҳадя қилган Туркистон қашшоқлик ботқоғига ботиб қолаверади, деган фикрга келади.

Сайёҳ Рамазон ҳайитининг иккинчи кунида касалланиб қолади. Дўстига табиб чақиришни сўрайди. Табибларни савол-жавоб қилиб, билимини кўради. Ночор билимга эга табиблар унинг саволига жавоб қайтара олмайди ва ниҳоят дўстига:

-Менга ўрус дўхтурни чақиринг. Иттифоко, ўрус дўхтурнинг берган дориси билан икки кунда соғайиб кетади.

Бу эпизодни шарҳлаб ўтиришга ҳожат йўқ. Фақат бир далил учун ўрус дўхтурнинг қуйидаги фикрларини келтирамиз:

-Мен бир марта ўтган кўчадан ҳеч ким ўтмайди.

Сайёҳ: - Бунга сабаб нима?

-Сабаби маълум! Мен кофир, улар эса мусулмон. Бухорода илм кўп. Сабаби табобат учун маблағ тўпламайдилар. Тиббиёт билан қизиқмайдилар. Ҳолбуки, Европада одамлар тиббиёт бўйича бир дўхтурчалик маълумотга эгадир.

Уламоларни таништириш учун муаллиф халқ ҳаётидаги шафқатсиз зулм, ҳақ-ҳуқуқсизлик, турмушнинг чуруклиги, айниқса, маҳаллий амалдор фуқарони поймол, талон-тарож қилишларини аниқ воқеа ва лавҳаларда кўрсатиб беради. Хусусан, бир дона нон можароси туфайли умароларнинг башараси фош қилинади. Мушук еган битта нон учун хотин ҳам калтак ейди, ҳам қози олдида жавоб беради.

Шаҳрисабз қозиси эса Бухоро ва бошқа ҳудуддаги умароларнинг яроқсиз сиймосини шундай очиб ташлайди:

“Халқнинг тинчлиги, мамлакатнинг ободлиги каби масалалар биронтамизнинг ҳаёлимизга келган эмас. Ҳатто худони ҳам унутамиз. ...Маъмурларимизнинг кўпчилиги адолат кўчасидан ўтмаган”.

Давлат тузилиши ва жамиятни бошқаришда сайёҳ демократик бошқарувни маслаҳат кўради. Туркистонда сайлов халқ хоҳиш-иродаси билан бўлгандай. Аммо халқ сайлаб қўйган амалдорнинг қошу қовоғи, дўқ-пўписасига қараб юраверади. Ўзи қилган ошни ўзи ейди.

Сайёҳ Бухоронинг ҳар бир воқеа ва ҳодисасига теран кўз билан боқади, ўзининг хулосаларини чиқаради. Якуний хулосалар ҳам Туркистон

тараққиёти, миллатнинг ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий мустақил ривожига қаратилган.

Иқтисодий жиҳатдан: Қарши сафарида у ердаги гилам, олача каби тўқима буюмларни кўради, уларнинг ишлаб чиқариш жараёни билан танишади. Хусусан, Қарши олачаси - тенгсиз буюм. У жаҳонда тан олинган.

“Баёноат”да тасаввуф масаласига ҳам кўл урилган. Маҳаллий домлалар тасаввуф борасида тасаввурга эга эмаслар. Улар қашшоқликни ёқлаб чиқадилар. Домланинг хатто пайғамбаримиз шуни илтифот қилган, деган фикрини сайёҳ яқсон қилиб ташлайди.

“Қашшоқлик куфрга яқиндир” деган пайғамбаримиз. Уламолар эса “сен ўлгин-у, мен қолай” тарзида қашшоқликни тарғиб қилганлар.

Аслида тасаввуфда қашшоқлик фақирликдир. Фақирлик эса нафсни тийишдир. Бундай фақирлик давлатманд кишиларда ҳам бўлади. Кундуз куни рўза тутиб, кечаси тоат-ибодат қилиш. “Фақирлик ҳам мендан ва мен у билан фахрланаман” деган пайғамбаримиз. Биргина қашшоқлик ва фақирлик тушунчаларини шарҳлай олмаганлар, ерли домлалар. Фитратнинг идеали сайёҳ образида ўз ифодасини топган. Унинг идеали ҳозирги кунда ҳам ўз кучини йўқотган эмас:

1. Бегоналар ўзаро иттифоқ тузиш ва бирлашиш кучига эга, сизларда эса нифоқ ва бегоналик бор.

2. Бегоналарнинг ўз фабрикалари бор, сизларда эса йўқ.

3. Улар савдо илмини неча йил зўр бериб ўқиганлар ва биладилар, сизлар эса билмайсиз.

Фитрат “ихрож санъати” (ер ости конини юзага чиқариш) ва “аъмол санъати” (фабрика ва завод қуриш) масаласини ҳам кун тартибига ўтқир қилиб қўяди. Қарши, Бухоро ерларидан мўл ҳосил олинмаслигига куйинади сайёҳ. “... агар бу ерлар японларда бўлса, зар экиб, зар ундиради” деган хулосага келади.

“Ҳинд сайёҳи баёноти”нинг биринчи таржимони (форс тилидан) Ҳасан Қудратуллаев (иккинчи таржимон Ҳамидулла Болтабоев) бир мақоласини шундай атаган эди: “Фитрат: тижорат – башариятнинг ҳаёт-мамот масаласи”. Дарҳақиқат, Фитрат ўз асарида Туркистоннинг ҳаёт-мамотини жон фидойилик билан шамдек ёниб ёзган эди.

3-асосий савол бўйича дарснинг мақсади. Фитратнинг журналистик фаолияти ва публицистик асарларининг мазмунини талабалар билимига кўчириш.

Идентив ўқув мақсади:

1. Фитратнинг журналистик фаолиятини таҳлил қила олади.

2. Фитратнинг публицистик асарларини санай олади ва мазмунини англайди.

3. Адиб публицистикасининг бош ғоявий йўналишларини таҳлил қила олади.

3-асосий саволнинг баёни:

Тарихда катта из қолдирган Феврал инқилоби ва октябр тўнтарилиши Бухоро амирлигини ҳам ислохотга мажбур қилди. Ёш бухорочилар инқилоби партиясининг саркотиби Фитрат икки ой мабайнида ислохотнинг шартларини тузиб чиқди. 1920 йил 7 апрелида Фитрат ёзган талабнома асосида амир “Фармони олий” эълон қилди. Унда бир қатор ўзгаришлар ваъда қилинган эди. Бундан хушнуд бўлган ёш бухорочилар хиёбонда кўп минг кишилиқ митинг ўтказдилар. Амир Россиянинг содиқ элчиси Миллер билан маслаҳатлашиб, намоёйишчиларни ўққа тутди. Туркистондан мадад сўради. Фитрат шу орада Тошкентга кетади. Ёш бухорочиларнинг бошқа вакиллари амир билан музокара олиб боришади, натижа чиқмайди.

Орадан сал вақт ўтмай октябр тўнтарилиши ғалаба қилиб, орадан Муваққат ҳукумат кўтарилади. Ф.Хўжаевнинг айтишича, бухороликлар аввал октябрни тушунишмайди.

Октябр тўнтарилиши ҳам ерли халққа эрк бермади. Бухорода Чўлпонга берилган зиёфатда Фитрат Шарифжон қозига қараб, “Биз бундай ҳурриятни истамаган эдик”, дейди.

Фитрат октябр тўнтарилишидан сўнг ёш бухорочилар ташкилотида фаол қатнашди ва матбуотда ўзининг қарашларини баён қила бошлади, айниқса, сиёсий фаолиятини янада жадаллаштирди. Айтиш мумкинки, октябр тўнтарилишидан сўнг Фитрат бутун борлигини ёш бухорочилар дастурининг амалга ошиши ва Туркистон мухториятининг фаолиятига қаратди.

1917 йил 15 апрелида самарқандлик жадид Мардонкул Шохмуҳаммадзода муҳаррирлигида “Ҳуррият” газетаси нашр этилади, 1918 йилдан бошлаб, унга Фитрат муҳаррирлик қилади. “Иттифоқ этайлик”, “Сайлов яқинлашди”, “Мусулмонлар, ғофил қолманг!”, “Икки рўйхат” каби мақолаларини эълон қилди. Газетанинг “Хабарлар” рукнида Қишки саройда (Муваққат ҳукуматни қамокқа олиниши муносабати билан), яъни Русияда янги бир бало бош кўтарди. “Большевик балоси”, деган қайдга дуч келамиз. Уни Фитратнинг ўзи ёзган.

Соф сиёсий масалаларда Фитрат “Шарқ сиёсати”, “Сиёсий ҳоллар” каби мақолаларини битди. Давр воқеалари тобора туманлашиб борган. Гўё оқ пошшо йиқилди. Бухоро ўз эрикига эга бўлгандай. Ёш бухорочиларга ҳам кун чиққандай. Буни Фитрат кейинчалик чуқур идрок эта олди. Бундай ур-йиқитлар, тўнтарилишлар халққа эрк бермади. Яна курашни давом эттириш зарурияти борлиги аниқ бўлди. Сиёсий долғали воқеаларга Фитрат газета орқали, аниқроғи, сиёсий-маърифий йўсиндаги мақолалари билан туғён ураётган фикрларини ифодаламакчи бўлди ва бунга эришди ҳам.

Сиёсий жабҳада икки мураккаб йўл турар эди. Ўнгу сўлга ажралган жадидларнинг қайси томонига қўшилиш, яъни сўл большевиклар тарафида

бўлиш лозимми-йўқми? Бош мақоланинг бири “Курашнинг қайси томонида бўлиш керак?” деб аталган. Унда фидойи Фитрат бир қадар большевикларга ён босдим, уларнинг мақолаларини чоп эттирдим, ҳатто “Шўройи исломия” ишчи ташкилотларнинг муносабатига ҳам юмшатиш киритишга ҳаракат қилдим, деб ёзади.

Туркум мақолаларида Туркистон қайғусини ифода этиб ёзди:

- Эй, улуғ Турон, арслонлар ўлкаси! Сенга не бўлди?

- Дунёни “урхо”лари билан титратган йўлбарс юракли болаларинг қани?

Нечун товушинг чикмайдур? Нечун чекиндилар? Нечун кетдилар?

Унинг мақолалари қизгин баҳсга боис бўлди.

Октябрнинг шарпаси Тошкентга ҳам етиб келиб, 1 ноябрда рус большевиклари ҳукуматни қўлга олдилар. Ўлка кенгашининг III съезди бўлиб, унда 15 кишидан иборат Туркистон ХКС сайланди. Аъзоларнинг ҳаммаси европалик халқ вакиллари эди. 10 миллион нафар аҳоли, яъни унинг 92 фоизни ташкил қилувчи халқдан кенгашга вакил йўқ эди.

Жадидлар мухторият масаласини янги шиор ва вазифа сифатида кўтариб чиқдилар. Туркистон мухториятини таъсис этиш борасида (26 ноябр) ўлка мусулмонларининг IV қурултойи чақирилди. Унда мухторият дастури ва ҳукумат аъзолари сайланди. Фитрат унга аъзо бўлса-да, қатнашмасдан Самарқандда бўлиб турди. Газетада эса мухториятнинг ҳужжатлари, айрим кишиларнинг мухторият ҳақидаги мақолалари эълон қилиниб турилди.

Янги ташкил бўлган мухторият шу йилнинг феврал ойида тор-мор қилинди. Амир бундан фойдаланиб, ёш бухорочиларни қон қақшатди. Бу тарихда “Колесов воқеаси” номи билан қолди (Колесов отряди ёш бухорочилар билан биргаликда амирга қарши курашган).

У бир кур Тошкентдаги Афғонистон элчихонасида таржимонлик қилди ва сўнгроқ Бухоро большевикларининг “Тонг” журнаliga муҳаррир бўлди (У Тошкентда нашр этиларди). Улуғ адиб янада ижтимоий фаолиятга чуқур киришади.

Ўша давр мактабларида усмонли тил ва усмонли адабиёт она тили ўрнида ўқитила бошланди. Бунинг хавфли томонини сезган Фитрат “Чиғатой гурунги” уюшмасини ташкил қилиб, тилимизнинг софлиги учун кураш олиб боради.

“Гурунг” 1919 йил Тошкентда ташкил топган. Унинг номланиши ҳам тарихий маъно-мазмунга эга. Чингизнинг иккинчи ўғли Чиғатой Мовароуннахр, Қошғар, Етгисув, Каспийбўйи ҳудудларини бирлаштириб, ўз ҳукмронлигини юритган. У 1242 йилда вафот этгандан сўнг унинг ихтиёридаги барча халқ “Чиғатой улуси”, тили эса “Чиғатой тили” деб атала бошлаган. Фитрат шу ном билан аташининг икки маъноси бор: биринчиси, катта ҳудуддаги халқни, унинг тили ва адабиётини бирлаштириб, бир ном билан аташ, иккинчиси, янги ўзбек адабиёти ва маданиятига Навоий даври адабиётини асос қилиб олиш.

Маданият ва адабиёт синфий мезонида элашни бошлаган Пролиткульт маданий меросга шубҳа билан қаради. Ана шу нуқтаи назарга зид равишда “гурунг” маданий меросни ўрганишга кенг йўл очмоқчи бўлди. “Чиғатой улуси” яратган меросни ўрганмоқчи бўлгани ўз-ўзидан тайин. “Гурунг”нинг аъзоси Чўлпон:

“У жамиятга мансуб кишилар тилини соддалаштирмоқ мақсадларини асос қилиб ушлаганлари ҳолда ўзбек адабиётининг тугалланишига ҳам катта аҳамият бердилар. Шунинг учун адабий асарларга ҳақиқий қийматини бериб... адабиётга кира олмаган нарсаларини шафқатсиз суратда майдондан ҳайдай бошладилар. ... ўзбекнинг янги адабиётида янги, порлоқ, шарафли саҳифалар очди ва очмоқда давом этадир”, деб ёзади.

Бегали Қосимовнинг “Маслакдошлар” китобида келтирилишича, тарих ва меросни инкор этиш сиёсат мақомини олган. Ҳамма ҳодиса синфийлик ва пролетар манфаатидан келиб чиқиб, ўрганилиши ҳамда баҳоланиши шарт бўлган. Ҳатто ўзбеккомфирка раҳбарлари ўзбек тили ва адабиёти Октябр тўнтаришидан бошланишини кун тартибига қўйишган. О.Ҳошимнинг терговда берган ахборотида, бу фикрга А.Икромов тарафдорлик билдирган, Ф.Хўжаев эса қарши турган. Улар ўртасида қаттиқ келишмовчилик туғилган. Агар мана шу “қизил ғоялар” ҳақида фикр олға сурилган даврда Фитратнинг “Чиғатой гурунги” ниҳоятда тарихий-ижтимоий масалани ижобий ҳал қилишга урингани аён бўлади.

“Гурунг”нинг маданий меросга муносаба ғояси давр мафкурасига сиғмади, натижада 1922 йил у тугатилди. 1923 йил эса “Адабий-бадиий тўғарак” пайдо бўлди. У кейинчалик ТошАППга айлантирилди.

Фитрат ташкил қилган “Чиғатой гурунги”нинг ижтимоий-тарихий аҳамиятини истиқлол мафкураси асосида кенг ўрганиш тақозо қилинади.

“Чиғатой гурунги” ўзбек миллатчилиги”: ўзбек тили ва адабиёти шиори остида пантуркизмни тарғиб қилувчи тўда ва жаҳидларга қарши кураш бошлади.

“Чиғатой гурунги” қандайдир норасмий ташкилот бўлмай, ТАССРнинг ижозати билан ташкил топган уюшма бўлиб, синфий кураш билан ҳеч қандай алоқаси йўқ эди. Уюшма соф маданий-адабий мазмунга эга бўлиб, ислохотчилик билан жадал суръатда шуғулланди. Ўзбек маданияти ва адабиётининг Навоий даврини асос ҳамда мезон қилиб олди. Шу боис ҳам уюшма Навоий даври халқ-улус номи – “Чиғатой” атамаси билан номланди.

Уюшма шўро мафкураси баҳо бергандек, бирор миллатнинг ҳақ-ҳуқуқини ва маданиятини устун ёки камситиш билан шуғулланмаган. У асосан маданий, энг фаол йўналиши тил эди. У “Тилимиз” мақоласида ёзади:

“Дунёнинг энг бой, энг бахтсиз бир тили қайси тилдир, биласизми? Туркча!” жавоб беради яна ўзи”.

Фитрат ҳамкорликда “Она тили” дарслигини, “Билим йўллари” қўлланмаларини яратди. Қўлланмада ўзбек тилининг унли ва ундошлари борасида фикр боради. Имло, тилнинг софлиги, она тилини ажнабий

сўзлардан тозалаб, ўзининг ички имкониятларини кенгайтириш масалаларини кўтариб чиқди.

У адабиёт соҳасида ҳам муҳим масалаларга қўл урди. Шарқдаги ҳижо вазни эски туркий вазн эканини исботлади.

Ўша даврда арузни ёқлаганлар қадимчилар, бармоқни ҳимоя қилганлар жаҳидлар ҳисобланган. Бармоқни Чўлпон ва Фитрат жиддий ҳимоя қилиб чиққанлар, шу боис Фитрат "...бармоқ вазнини назарий жиҳатдан ёқлаб чиққан биринчи ўзбек миллатчиси мен эдим", дейди.

"Чиғатой гурунги" миллий маданиятимиздаги узилишларни улади ва миллий мактабларнинг тараққиётига катта эътибор берди.

Назорат учун масалалар:

- 1. Фитрат ижодини ўрганишнинг босқичларини айтинг.
- 2. Фитрат шеъриятида ижтимоий мотивлар: истиқлол ва эрк ғояларини сўзланг.
- 3. Фитрат публицистикасида ижтимоий-сиёсий тилакларни тавсифланг.
- Δ 4. "Мунозара"да қадим ва жаҳид масаласи баҳсини изоҳланг.
- 5. "Ҳинд сайёҳи баёноти"да туб ислоҳот масаласининг қўйилишини тушунтиринг.
- 6. Бидъат-хурофотни танқид қилган асарларида инсон қадриятининг улуғланишини шарҳланг.
- 7. Фитрат тарихий драмаларининг замонавий мазмунини тҳлил қилинг.
- 8. Фитрат – тилшунос мавзусини талқин қилинг.
- 9. Фитратнинг адабий-эстетик қарашларини ифодаланг.
- 10. Истиқлол ғояси ва Фитрат меросини қиёсланг.

Адабиётлар: 7, 8,9,24,25,26.

6. Абдулла Қодирий

Режа:

1. Жаҳидчилик – адиб илк ижодининг тамал тоши.
2. Кичик насрий асарларида маърифатдан реализмга ўсиши.
3. "Ўткан кунлар" романи пафоси - мустақиллик.

Таянч тушунча ва иборалар:

Маърифий шеърлар, "Бахтсиз куёв" - фожеа, "Улоқда" реалистик ҳикоя, романчилик ва ҳикоячиликдаги янгилаш, "Ўткан кунлар" пафоси – мустақиллик.

1-асосий савол бўйича дарснинг мақсади. Қодирийнинг маърифий шеърлари ва "Бахтсиз куёв" драмасининг бадиий-ғоявий йўналишларини талабалар тушунчасига сингдириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Қодирийнинг янгича эстетик қарашларини идрок этади.
2. Маърифатпарварлик мавзусидаги шеърларининг даъваткорлик хусусиятини англайди.
3. “Бахтсиз куёв” маърифий-фожеавий драма эканини таҳлил қилади.

1- асосий саволнинг баёни:

Абдулла Қодирий – жадид адабиётининг йирик сиймоси. Жадид адабиёти бешигида балоғат ва камолотга етган адиб ўзбек реалистик ҳикоя ва романчилик мактабига асос солди. У бадий ижод ва бадий эстетикада бирдай қалам сурди. Шу боис ҳам жаҳон адабиётида олтинчи романчилик мактабини ўзбек адабиётида яратишга муяссар бўлди. Адиб эстетик қарашларида бадий ижоднинг қатор тамойилларини эътироф этган ва ўз асарларида уни қўллаган.

Айниқса, бадий асар тили борасидаги фикрлари ҳамма замонлар учун ибратлидир. У “сўз қолип, маъно қолип ичидаги ғишт” деган эди.

“Равот қашқирлари” кинофильмига ёзган тақризида “...фильмнинг ҳаётимизга ёндашиб келган лавҳалари кўринишлари бус-бутун деб бўлмаса-да ва лекин қисман ҳаёлий, сохтанамо бўлади” каби жумлалар бор. Адиб бундай сохталиклардан қутулишнинг чораси “халқ турмушини чуқур билиш” деб англади. Унинг “Ўзбек турмушининг майда-чуйдасигача ўзбек боласи билади” деб қўшиб қўйишида рамзий маъно бор эди. Европалик сценаристлар, артист ва артисткаларнинг ўрнига миллийсини тайёрлаш орқали сохталикдан ҳаққонийликка эришиш мумкин, деган хулосага келади адиб.

Улуғ адиб бундай эстетик тафаккур соҳиби бўлишгача жадид адабий муҳитида тарбия топди, қаламини чархлади. Унинг бадий қалам ушлашига вақтли матбуот боис бўлди. У ёзади:

“Шу миёнларда бозор воситаси билан татарларда чиқадурғон газетларни ўқиб, дунёда газета деган гап борлиғига имон келтирдим...” Унинг биринчи “Янги масжид ва мактаб” мақоласи “Садойи Туркистон” газетасининг 1914 йил 1 апрел сонида “Абдулла Қодирий” имзоси билан чиқди. Ўз эсдаликларининг бирида... шуларга (газеталарга) “гап ёзиб юбориш фикри уйғонди” дейди. Ана шу гаплар айрим мақолаларини ҳисобга олмаганда, асосан, илк ижодини шеърдан бошлаб, “Миллатимга”, “Аҳволимиз”, “Тўй” каби шеърларини эълон қилди.

Қодирий бадий қалам тебратишга киришган вақтларда “Миллат”, “Ватан” тушунчалари бот-бот такрорланадиган ва унинг тақдири ҳамда келажаги ҳақида фикр билдирилар эди. Хусусан, ҳар икки тушунча умум, жамоа, ягона, яхлит Ватан, миллат тушунчасига кўчди. Албатта, ҳар икки сўзнинг умумэл, умумхалқ маъно касб этишида жадид зиёлиларининг саъй-ҳаракати алоҳида бўлгани тайин.

Жумладан, Қодирий “Аҳволимиз”, “Миллатимга” шеърларида олтин, молу мулкни мактаб, дорилфунунга сарфлаш ўрнига қишин-ёзин кўкнори ичиб, бедона сайратиб, болаларга кокил солдириб, “оҳ-воҳ” дегувчилар устидан кулади.

Келингиз, ёшлар, зиёлилар бу кун ғайрат қилинг,

Ухлаганларни агар қодир эсак, уйғотамиз.

Ғафлат уйқусидаги халқни уйғотиш Қодирий учун олижаноб ғоягина эмас, балки бунга жасорат ва фидойилик ҳам керак эди. У бу йўлдан тоймади. Фикрини чархлаб, матонатини кўрсата борди.

“Тўй” шеърининг ғоявий мазмуни ҳозир ҳам ўз кучини йўқотган эмас. Аммо ундаги “ташласун бўлса гар мусулмон тўй” мисрасини тўғри идрок қилмоқ керак. Муаллиф миллий урф-одатимиз тўйни инкор қилмоқчи эмас, балки дабдабали, ортиқча сарфу харажатли, хўжакўрсинга қилинадиган тўйга зид. Зеро, “тўй ақчаси йўқни этади вайрон”. Қарзлар эвазига қилинган тўйнинг оқибати фожеа билан тугаши жаид адабиётидан маълум.

Профессор А.Қулжоновнинг “Наср султони” рисоласида келтирилишича, Қодирийнинг “Фикр айлағил” ғазали ҳам мавжудлиги аниқланган.

Қисқаси, Қодирийнинг илк шеърляти жаид адабиётининг йўналишидан келиб чиқиб, чақириқ, даъват, ташвиқ характери билан ўз даврида катта аҳамиятга молик бўлган.

Қодирий матбуотни кузатиш жараёнида жаидчиликнинг туб моҳиятини эрта англади ва жаид адабиёти йўналишига тезда берилди. Ўша даврда Беҳбудийнинг “Падаркуш” драмасининг таъсири беҳад кучли эди. Адибнинг айтишича, “Падаркуш”нинг таъсирида “Бахтсиз куёв”ни ёзиб юборган.

Шўро адабиётшунослигида “Падаркуш”га нисбатан “Бахтсиз куёв”да ғоявий-бадий жиҳатдан ўсиш борлиги таъкидланган. Дарҳақиқат, образларнинг ўзаро муносабатлари, ижтимоий йўналиши устуворлик касб этади. Қисқача воқеаси шундай: Солиҳ ота-онаси вафотидан сўнг киши эшигида хизматкор бўлиб ишлайди. Ҳовли бўм-бўш. Бир кун амакиси Абдурахим Солиҳни уйлантириб қўймоқчи бўлиб, қарз олишни маслаҳат беради. Жиянининг рад этишига қарамай, ҳовлини гаровга қўйиш ҳисобига судхўр бой Қосимдан қарз олишади. Қарз муддати битгач, суддан тўлов ҳақида қоғоз келади. Бу воқеанинг устига қайин отаси Файзибой келиб қолади ва ҳеч қандай ёрдам кўрсатмайди. Солиҳ эл олдида шарманда бўлади. У ўзини-ўзи пичоқлайди. Бу аёвсиз фожеага дош беролмаган Раҳима ҳам ўзини ҳалок этади. Икки ёш заҳарли ҳаётнинг қурбони бўлади. Асар “Падаркуш”га жуда-жуда ҳамоҳанг. “Падаркуш”да бойнинг хатосини зиёли эслатса, “Бахтсиз куёв”да элликбоши Файзибой катта қарз эвазига тантанали тўй қилиб, ҳар икки ёшнинг тақдирига сабабчи бўлганини рўқач қилиб айтади:

“Куёвимиз билан қизимизнинг ўлимига нима сабаб бўлди, биласизми? Мен сизга сабабини айтсам, қизга бекор шариатдан ташқари тўй қилиб, куёвингиздан кўп ақча олиб, қарздор қилганингиз сабаб бўлди”.

“Падаркуш”нинг хотимасида зиёли одамларга қарата илмсизликнинг беадад жоҳилликка олиб келиши гапирилса, “Бахтсиз куёв”да ҳам худди шундай насихатомуз якуний фикр билан хулосаланади.

“Сизлар ҳам шундай исроф қилмоқдасиз. Исрофнинг зиёнини кўрдингизлар, Файзибойдан ибрат олинглар. Кўрдингизларми, исроф қилиб, охири нима бўлди?.. Бидъат, тўйда исроф бўладиган ақчага ўғлингизни ўқитингиз!”

Барибир “Бахтсиз куёв” “Падаркуш”га нисбатан ҳаётни ҳаққоний акс эттириш ва реалистик тасвир жиҳатидан анча олдинлаб кетган. Турмуш ҳаққонияти изчил тасвирланган.

Файзибой ҳар икки ёшнинг қийналиши, азоби, изтиробидан пинагини бузмайди, кўмакка келмайди. Худди шунингдек, Қосимбой ҳам ўта судхўр, мулк олдида иймонини сотган шахс. Ўлик устида қарзини қичайди, ҳовлини расмийлаштириш масаласини кўндаланг қўяди. Капитал жамғариш унинг иймони, диёнатидир.

“Бахтсиз куёв”да элликбоши зиёли ўрнида иш кўради ва илғор фикрларни ўртага ташлайди.

“Ҳозирда биз туркистонликлардан бошқа жумла мусулмонлар, хусусан, Макка, Мадина, истанбулликлар ... куёвдан ақча сўрмакликни номусулмонлик деб биладилар ва бизлардек исроф қилмайдилар”.

Асарда элликбоши улуғ инсонийлик кўрсатиб, фожеанинг сабабларини ахтаради. Бироқ ўзи ёлғизлик қилади. Имом-домла унинг ёнини олмаганидан бироз койинади. Айниқса, судхўр Қосимнинг қарзни тикилинч қилиб сўрашига нисбатан:

“Бир-икки кун тўхтанг, ўлик кўмилгандан сўнг ҳовлини соттириб оларсиз?”, дейди.

Драмадаги Солиҳ ўз даврининг тўпори йигитларидан эмас. Ҳаёт оқимини баҳолай олади. Биринчидан, уйланса, қаровсиз, ташландиқ ҳовли эгалик бўлади. Иккинчидан, тўй харажатининг ошиб-тошиб кетганини эшитгач, рад қилмоқчи бўлади, аммо амакиси Абдурахимнинг “фотиҳадан қайтиш гуноҳ” эканини онгли тушуниб, фикридан қайтади.

Раҳима образи энг ёрқин ва муаллиф уни инсонийлик мавқеида туриб тасвирлаган. У - бойнинг эрка, егани олдида, емагани кейинида қизи. У ижтимоий нотенгликка бормайди. Ҳаётдаги бошқа аёлларга кўра эрига содиқ, оилага қайишувчан, садоқатли аёл. У эрининг қарзини эшитиб, турмушини бузиб, яна ота даргоҳига қайтиши мумкин эди. У бу йўлни танламайди ва танлай олмас ҳам эди.

Асар нуқсонлардан ҳоли эмас. Файзибой, Қосим, Абдурахим образлари схематик чикқан, улар ҳақидаги ифодалар куруқ. Боз устига икки ёшнинг фожеаси ҳам, руҳий зиддиятлар ҳам кечинмалар воситасида берилмаган. Жаидчилик ғоялари элликбоши образида қаламга олинган. Унда бироз яланғоч ифода устун.

Драма “Падаркуш”, “Адвокатлик осонми?”, “Пинак” каби асарлардан бадиий тиниклиги, нақл, куруқ воқеалик ўрнига тасвир, ифода эгаллаши жихатидан муҳимдир. Бу келажаги буюк носир Қодирий ижодининг раўнақидан ниш бериб туриш эди.

Ўз даврида янгилик бўлган театр омма орасида осонликча ижобий баҳо олган эмас. Ҳатто маъмурият қаттиқ қаршилиқ кўрсатар эди.

“Падаркуш”га Тифлистан ижозат олиниб, сўнг сахнага қўйилди. “Бахтсиз куёв” эса тезда тегишли театрларда ўйналди. Бунга қарши театр “ҳаром” деган ваҳима ва кўрқинчли сўз эл орасида ўрмалаб қолди. Бу Сайидахмад Васлийнинг “Шариати исломия” мақоласида учрайди (“Садойи Фарғона”, 1914, 83-сон).

Драма борасида ўринли ва баъзан ўринсиз тақризлар эълон қилинди. Шўро даврида Қодирийга тиргак ва кўмак бўлсин учун матндаги сўзга атайин сунъий маъно юклаб, асарни ҳимоя қилишга куч беришлар бўлган.

Э.Каримов “Ўзбек адабиётида реализмнинг ривожланиши” асарида драмадан куйидаги матн келтириб, “**суствлашган**” сўзини “сиёсатлашган” қабилида ўқишга даъват этади, мана ўша матн:

“...эллиқбоши қаёқдаги бўлмаган сўзларни гапириб, сизни сиёсатлаштириб қўйдилар”.

И.Султон таҳрири остида чиққан “Ҳийлаи шаръий”, Ҳ.Ёкубов таҳрири остида эълон қилинган “Адабиёт хрестоматияси” китобида “Бахтсиз куёв” драмасининг матни берилган. Ҳар икки матнда ҳам “сиёсатлаштириб” эмас, “суствлаштириб”, дея ёзилган. Агар Қодирий асарлари варақ-варақ ахтарилса, “сиёсатлаштириб” қўйди, деган ибора ёки сўзни умуман учратмайсиз.

Э.Каримов “сиёсатлаштирган” сўзига алоҳида урғу бериб, сунъий сўз ясашидан мақсад Қодирий ижодий ғоясини устуворлаштириш ва мавқеини сиёсат пардасига ҳамоҳанглаштиришдан бошқа нарса эмас эди. Аммо бунга Қодирий ижоди муҳтож эмас.

“Бахтсиз куёв”га қанча ранг бермайлик, у жаҳид адабиётининг маърифатпарварлик йўналишидаги асардир. Қодирийнинг ўзи эса жаҳид адиби сифатида намоён бўлади.

2-асосий савол бўйича дарснинг мақсади. Қодирий ҳикояларининг маърифий ва реалистик хусусиятларини талабалар шуурига сингдириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. “Жувонбоз” ҳикоясининг маърифий тамойилини идрок этади.
2. “Улоқда” ҳикоясининг реалистик принципларини таҳлил эта олади.

2-саволнинг баёни:

XX аср ўзбек ҳикоячилигининг жаҳон миқёсидаги шуҳратини Абдулла Қаҳҳор таъминлаган бўлса, унинг тамал тошини Абдулла Қодирий қўйди.

1915 йил Туркистон генерал губернатор девони босмахонасида биринчи асари “Жувонбоз” кизил рангда, араб алифбосида босилиб чиққан. Мазкур ҳикоянинг иккинчи нашри адиб таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан “Шарқ юлдузи”да чоп этилди.

Ҳикояда Ўрта Осиёдаги энг яроқсиз одат-ярашамган қилиқ жувонбоз (баччабозлик) лик қораланади. Яроқсиз “удум” миллатнинг урф-одати эмас, балки тўқликка-шўхлик қилувчи бир ҳовуч бойвачча ва безориларнинг “ўйини” эди, холос. Бу ярашмаган “гажжак” оилада бола ва ўсмирлар тарбиясига қаттиқ салбий таъсир кўрсатган.

Ҳикояда бесоқолбозликнинг оқибати таназзул эканини Саъдулла ҳаёти воситасида кўрсатиб берилади. У - турмушнинг ярамас иллоти.

Оиланинг онаси Солиҳа ўғли Саъдулладан шикоят қилиб, дод солади:

“Саъдулла тушкур эса мадрасада турмаса, на уйга келмаса, на дадасига хат ёзиб, омон-эсонлигини билмаса, бола бўлиб, ақли кирмади.”

Қисқача мазмуни: Саъдулла Раҳимни бачча қилиб олиб, ўйнатади. Раҳим эса кундан-кун таъмахўрлигини ошириб, от олиб беришни сўрайди. От олиб беради (300 сўм), от майиб бўлади. Яна бошқа от сотиб олиб беради. Раҳимнинг отаси ўғли “хизмати”ни рўкач қилиб, пул талаб қилади. Унга 700 сўм беради. Бир ресторанда ўтириб, кетган харажатга қарздор бўлиб, қарзи эвазига тўн ва камзулини, уйдаги пулга кетадиган нарсаларни, боғ-роғларни сотади.

Саъдулланинг отаси Рауфбой катта савдогар, сафарга кетишдан олдин 15 сўм ташлаб кетган. Ота ўғли тарбиясига катта сарфу харажат қилган (ўқитиш, тўйи ва ҳ.о.). Рауфбой банкка 4 минг 500 сўм қўйиб, сафарга кетади. Ўғлига банкдан пул олиш учун ишончнома ёзиб қолдиради. Дўсти Каримбойдан хабар келади. Унда Хитойдан яхши ва арзон мол келгани, олишга келиши айтилган. Катта пулни олиб юрмасдан орқасидан юборишини маслаҳат кўриб, буни ўғлига ишониб топшириб кетади. Ўғли ишонч қоғоз билан банкдан пулни олиб, Раҳим бесоқолнинг сарфу харажатиغا ишлатиб юборади. Маҳалланинг саркори Боқи, Эшназар, Кичикхўжа гапхўрликда Раҳимга кокил қирқтириб, ўйнатади. Бунга қарши турган Саъдулланинг қўл-оёғини боғлаб қўйишади. Ҳар иккиси сазойи қилинади. Алаmidан Раҳим Саъдуллага:

“Агар мени хўрликка солувчиларни ўлдирмасанг, сен билан юрмайман”, дейди.

Саъдулла мажбур бўлиб, гапхўрларни гумдон қилади. Оқибат Саъдулла суд бўлиб, 15 йилга Сибирга сургун қилинади.

Ҳикоя бадиийлик мезони жиҳатидан баланд савияда эмас. Аммо муаллиф Туркистондаги ярамас жоҳилликни илмсизлик ва калтабинликда деб кўрсатади. Қолоқ ўлкада бундай турмуший шармандалиқ бўлишини муаллиф фош қилади. Ҳикоянинг моҳияти ҳам шу нуқтада.

Қодирий фожеавий ҳикоясида йирик бир масалани кўтариб чиққан. Ҳаётнинг катта ва муҳим оқимидан ажралиб қолган, ўзининг шахсий

манфаатини ўйлаган, қолоқ, ўта тубан шахслар башараси ҳикояда очиб берилган. Бундай қисмат фожеа билан тугаши асар ҳулосасини белгилайди.

Тўғри, муаллиф баёнчиликдан тўлиқ қутулган эмас. Асар образларини муаллиф баёни етаклайди. Ҳикоя маърифий жиҳатдангина эмас, балки бадииятга кўра ҳам бир қадам бўлса-да, олға силжишдир. Эпик тасвир, тилдаги ифодалилик, тасвирдаги ҳолислик бадииятга дахлдор.

Ҳикоя мазмунидан қолоқлик, жоҳиллик маърифатнинг душмани, деган ҳулоса келиб чиққани.

Ҳикояни жаҳид илк насри тадрижи нуқтаи назаридан баҳолайдиган бўлсак, “Янги саодат” типдаги романга нисбатан тасвирда жозиба ва ҳолислик, индивидуаллик мавжуд. Шу маънода ҳикоя жаҳид насрининг тамал тошига алоҳида бир ғишт вазифасини ўтайди.

“Улоқда” номли ҳикояси “Жувонбоз” ва бошқа асарларига нисбатан тенглаштирилмас даражада юқори бир асар” (Ойбек).

“Жаҳид адабиёти учун характерли аломат, яъни санъаткорнинг ўрнини воиз эгаллаши, насиҳатгўйлик, “оқартирувчилик” ва бошқалар “Бахтсиз куёв” (“Жувонбоз”да – Ҳ.М.) да кўринади” (Ойбек). “Улоқда” (1915) ҳикоясида эса воиз ўрнини санъаткор эгаллайди. Насиҳатгўйлик, баён қилиш ўрнини тасвир, ифода, жозибали тил эгаллайди. Образларни тавсифлаб, етаклаб юрмайди муаллиф, аксинча кўрсатади. Бадиий адабиёт ҳаёт ва образни ифодалаб, тасвирлайди.

Тўғри, “Улоқда” ҳам жаҳид адабиётининг анъанаси бор. Бир кўнгилсиз воқеа ва ахлоқ масаласи баён қилинади. Аммо бу воқеалар воизлик билан эмас, балки санъаткорлик билан тасвирланади.

Жаҳид адабиёти намуналарида воқеага нисбатан танқид бошдан оёқ давом этарди. “Улоқда”да ундай эмас. Ёш Турғуннинг чавандозлар қаторидан ўрин олишига интилиши, ҳаваси, отга, улоққа меҳри самимият билан тасвирланган. Тасвирда ифода, тил жозибаси, тимсоилик бор:

- Бечора бултурги ҳайитда менга ярим сўм ҳайитлик берган эди. Илоҳим, яхши бўлсин, деб кўнглимдан ўтказдим. Бу жумлаларда тиниқ ва самимий ифода мавжуд.

- “Дадам бозор кетмадим?” – деб сўраган эдим, ойим:

- Эсонбойнинг жанозасида! – деб жавоб берди.

Менинг уйқум ўчди.

Бу жумлаларда истиоравий ифода баёнчиликнинг ўрнини олган.

“Улоқ”да ҳикояси Турғун тилидан олиб борилса-да, оломон иштирок этган биринчи асар (У.Норматов).

Биринчи жаҳон уруши кетмоқда, аммо одамлар бундан ғофил. Ўзларининг машғулоти, одатий ўйинлари билан банд. Эҳсон полвоннинг ўлиmidан сўнггина оломон ва Турғун биров хушёр тортадилар.

“Қисқаси, “Улоқда” - октябр тўнтарилишигача бўлган ўзбек адабиётидаги реализмнинг чўққиси, ёзувчининг ижодий муваффақияти” (У.Норматов).

3-асосий савол бўйича дарснинг мақсади. “Ўткан кунлар” романининг пафоси мустақиллик эканини талабалар тушунчасига сингдириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. “Ўткан кунлар” романининг танқидчиликдаги ноҳолис баҳолаш тамойилини идрок эта олади.
2. Романнинг бош муаммоси синфий кураш эмас, балки яхшилик дунёси билан ёмонлик оламининг кураши эканини тушунади.
3. Романнинг пафоси мустақиликка эришиш эканини англайди.

3-асосий саволнинг баёни:

“Ўткан кунлар” романи нашр этилгандан буён танқидчиликнинг мунтазам равишда ўрганиш манбаи бўлиб келди. Ҳатто у жаҳон адабиётшунослиги гази билан ҳам юқори баҳоланди (Бертельс). Қолаверса, Кавказорти (Озарбайжон адабиётшунослигида), Марказий Осиё адабиётшунослари ва буюк санъаткорлари (Берди Кербобоев, Хидир Деряев, Чингиз Айтматов, Мухтор Авезов) ҳам юксак баҳо беришганлар.

Ўзбек адабиётшунослигида романнинг авра-астарини чиқариб, танқид қилганлар М.Шевердин ва Сотти Ҳусайн бўлган. Ўртамиёна баҳони Ойбек, Ғафур Ғулом, Асқад Мухторлар беришганлар.

30-йилларда республика ҳукумати Ойбекка Қодирий, Ҳамид Олимжонга Фитрат, Шайхзодага Чўлпон борасида китоб ёзиш буюрилади. Шунда Ойбек “Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли” (1936) монографиясини даврнинг руҳини ҳисобга олган ҳолда адиб романига муносабат билдирган. Аввало, Ойбек бадиий адабиётнинг сиру асроридан чуқур огоҳ бўлганлиги учун ҳам романнинг жозибаси, тансиқ асарлигига, айниқса, адибнинг маҳоратига таъзим келтиради. Бироқ у Қодирий ҳақидаги ёзилаётган китоб экани, у назорат остига олинишини билган ҳолда уни замон, жамият, синфий кураш нуқтаи назаридан баҳолашни мезон қилиб олиши тайин эди.

“Синфлар мавжуд бўлган жамиятда ... ижтимоий ҳаётнинг асосини синфий кураш ташкил қилади.” Ойбек ана шу кредодан келиб чиқиб, романга шундай баҳо берган:

“...Ўтган кунлар ҳақиқати бу қолипга тушмайди. ...синфлар кураши эмас, яхшилик идеяси билан ёмонлик идеясининг кураши каби бир ҳол сезилади” (260-бет).

Буюк адиб романдаги феодал турмушнинг қолоқликлари, чиркинликлари, оилавий муносабатлардаги фожеа, эркин муҳаббат масалалари тўғри акс этганини тўғри пайқаса-да, бош мезон синфий кураш четда қолиб кетган каби тушунчасидан жилла бўлса-да тоймайди. Яна бир баҳога эътибор берайлик. Ойбекнинг таъкидлашича, Отабек социал-тип даражасига кўтарилмаган. Типда эса бирор социал гуруҳнинг муҳим белгилари ифодаланиши назарда тутилган ўша вақтда.

Хўш, роман воқеаси кечган даврда Туркистонда қандай социал типлар бор эди. Ҳали ўзбек халқи бирлашмаган, иттифоқлашмаган, миллат даражасида эмас эди. Яна бир қараш. Романда савдогарлар тоифасига мусбат баҳо кўтаринки руҳда берилган эмиш. Яна бир қолипга сиғмайдиган чизги. Уста Олим дўкондор – тўқувчи бўлса-да, ош билан Отабекни меҳмон қилишга ҳамиша тайёрлиги бузиб тасвирлаган эмиш. Шўро адабиётининг тамойили бўйича уста Олим қамбағал-қасанғи, нону ошга зор шахс бўлиш керак эди.

Роман Ойбекдан ташқари адиб ва танқидчиларнинг баҳосига ҳам боис бўлди.

Г.В.Белинский ва И.Султонларнинг фикрича, асарнинг йўналиши, ғоявий-бадиий калити - пафосдир. Адабиётда инқилоб, синфийлик, партиявий принцип, социалистик жамият манфаати нуқтаи назари ҳукмрон бўлиб турган бир пайтда “Ўткан кунлар” романи пафосини истиқлол нуқтаи назаридан белгилаш ва уни ошқора этиш жаҳаннамга кетиш билан баробар эди.

Роман пафоси тўғри аниқланмасдан ҳар куйда баҳоланди. Улоқ қилиб, чўзишиб, “социалистик реализм асари” (У.Норматов) даражасида мезонланди. Бунга асос бадииятнинг юксаклиги эди.

Қанчадан-қанча тадқиқот ва мақолаларда романнинг пафоси нимадан иборат? Нимага воқеани кейинги “хон замонлари”ни, “тарихимизнинг энг қирлиқ, қора кунлари”дан танланди? Нега “қир”, нега “қора кунлар” - бунга эътибор қаратилмади?

Миллати, элати бирлашган ва иттифоқлашган халқ - кучли, қудратли. Бу ҳол Туркистонда бормиди? Йўқ эди, бори ҳам тарқоқ тарзда эди.

Қипчоқ билан қорачопонлар, Азизбек билан Худоёрхон, Тошкент баёнлари билан Азизбек, боз устига Нормухаммади ўртасидаги зиддиятлар ана шу тарқоқликни ташкил этар эди. Бундан ҳам ашаддийси халқнинг бурни остидаги душман – рус империяси ерли халқни оёқости қилган рақиб бўлиб ётарди. Бундан ташқари октябр тўнтарилиши туфайли чор Россияси зобитлари оёғи остидан жафокор омма бош кўтаргандай бўлди, аммо орзу ушалмади. Буларнинг ҳаммаси Абдулла Қодирий кўнглида дарду алам ва ғусса бўлиб туғён урарди. Ички изтиробни ювиш учун Туркистон умаро ва фузалоларининг иттифоқлигини тиклаш ва бунинг натажасида рус зобитларига қарши ҳис-туйғуни халқ кўнглида уйғотиш масаласини ҳам бадиий образларда кўрсатиш заруру шарт эди. Бу хуррият бермаган инқилобга нисбатан бир киноя ҳам эди.

Романда кўп ижтимоий ва ҳаётий масалалар қаламга олинган. Шулардан бири миллатни озод кўриш. Қодирийгача ва унинг даврида бирор санъаткор мустамлака зуғуми остида халқнинг кесакдай эзилаётганини бадиий таъсирчан қилиб ҳеч ким қаламга олган эмас.

Отабек Шамайга бориб, рус тузумига ҳавас қилиб, уни ўз юртида кўришни дил-дилидан исташи ва: “Шамай меним бу фикримни ост-уст қилиб, ўзимни ҳам бутунлай бошқа киши ясади. Мен ўруснинг идора ишларини

кўриб, ўз идорамизнинг худди бир ўйинчоқ бўлганлигига икром этишга мажбур бўлдим.”

Отабекнинг тасаввурида юрт бамисоли улкан қабристон, унга нажот берувчи кимса йўқ. У иш бошидан, идора усулидан ғаразўйлар қувилиб, холис ва яхши одамларни қўйишни нажот йўли деб билади. Шу фикрнинг ўзи Туркистонда ҳам жамиятга нажот йўлини излаётган зиёлилар борлигини кўрсатади. Акс ҳолда романдан инқилобчи қидириш ўта бемаъниликдир.

Хусусан, Юсуфбек хожи исённинг йўлбошчиси бўлиб, ўртадан Азизбекни олиб ташлаш ҳам сабр косанинг тўлгани ва бунга малҳам изловчилар борлигидан далолат.

Романда Қодирий ислохотчи бўлиб кўринади, дегувчилар ҳам бўлди. Бу гап ҳам ақлга сиғмайди. Қодирий октябр тўнтарилишидан сўнг ижтимоий сиёсий ўзгаришнинг катта қозонида қайнади. У ислохотчилик ва инқилобчиликни жуда яхши фарқлар эди. Бироқ роман воқеаларининг зирваги инқилобчиликни эмас, фақат ислохотчиликни кўтарарди. Синфий курашнинг ўзи бўлмаган жойда инқилоб нима қилсин. Роман воқеаси ва унинг содир бўлган даври фақат ислохотчилик билан эмас, балки юрт мустақиллиги ва халқ озодлигини орзу қилиш билан боғлиқ эди.

Юсуфбек хожи қипчоқ қирғини маслаҳати иштирокчиларига бурун остидаги душман ҳақида куйиниб, кўз ёшини соқолига оқизиб, гапиради.

Отабек ўз яқини билан сайрдан қайтса, Тошкент қипчоқлар мурдаси билан тўла. Уйга келиб, отага қарз саломини ҳам бермасдан кўрпага ўраниб, ётиб олади. Ота ўғли гумонини зудлик билан пайқайди. Рўбарў ўтириб, ўғлига:

“Ўз наслини ўз қўли билан кофир қўлига тутқун қилиб топширувчи – биз кўр ва ақлсиз оталарга худонинг лаънати албатта тушар, ўғлим!”, дейди.

Донишманд отанинг ўғли падар ўғити ва ҳаётий қарашини тўғри англиб етди. Кекса отанинг айтганини, бошлаган ишини давом эттириш учун сипоҳ бўлиб, Авлиё ота устидаги чор аскарларга қарши тўқнаш келиб, мардларча, ҳалок бўлади. Отабек доно, оқил падарнинг изидан бориб, эл-юрт ғами, мустақиллик йўлида жонини қурбон қилди.

Асар пафоси эл-юрт ғами, миллатнинг иттифоқлиги, юртни душманлардан озод қилиб, мустақилликни қўлга киритиш. Асар пафоси ҳам ана шу. Роман шу пафосда таҳлил қилинса, нореал даъволар, муҳокама ва мунозаралар ўз-ўзидан изга тушиб кетади.

Назорат учун масалалар:

- 1. Қодирий ижодининг икки кўз қарашда баҳоланишини изоҳланг.
- 2. Жадид насрининг инкишофида Қодирийнинг ўрнини сўзланг.
- Δ 3. “Жувонбоз” ҳикоясида маърифатсизликнинг қораланишини таҳлил қилинг.
- Δ 4. “Улоқда” - биринчи жадид реалистик ҳикояни талқинига тутининг.

- 5. “Бахтсиз куёв”да “Падаркуш” анъанасини изоҳланг.
- 6. “Ўткан кунлар” романининг пафосини белгилашдаги нуқсон ва янгиликни тушунтиринг.
- 7. “Ўткан кунлар” романида мустақиллик учун кураш тилаklarини айтиб беринг.
- 8. Юсуфбек ҳожи ва Отабек ўз даврининг пешволари эканини сўзланг.
- 9. Отабек ва Кумушбиби янгича турмуш ва муҳаббатга мойил образлар эканини талқин қилинг.
- 10. Миллий қадрият ва Қодирий ижодини қиёсланг.

Адабиётлар: 2, 6, 8,11,16,27,28.

7. Чўлпон

Режа:

1. Адибнинг илк насрида жади́дчи́лик ғояси.
2. Чўлпон шеъриятида миллий истиқлол истаклари.
3. “Кеча ва кундуз”да жади́дчи́лик тилаklarи.

Таянч тушунча ва иборалар: Чўлпоннинг янгича эстетик қарашлари, “Қурбони жаҳолат” ҳикояси, “Дўхтур Муҳаммадиёр” - эпик наср, Чўлпон шеърияти - муҳим кашфиёт, “Кеча ва кундуз”да жади́дчи́лик муаммолари.

1-асосий савол бўйича дарснинг мақсади:

Чўлпоннинг эстетик қарашлари ва илк насрининг етакчи тамойилларини талабалар шуурига сингдириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Чўлпоннинг адабий-эстетик қарашларини тушунади.
2. “Қурбони жаҳолат” ҳикоясининг мазмунини ўзлаштиради.
3. Ҳикоядаги жади́дчи́лик ғояларини идрок этади.

1-асосий саволнинг баёни:

XX аср адабиёти пурқувватини икки буюк сиймо, бири – насрини Қодирий, иккинчиси, шеъриятини Чўлпон ташкил қилади. Чўлпон ўзбек шеъриятига “янги тўн кийдирди” (В.Маҳмуд), романчилигида янги дадил қадам ташлади.

Унинг ижоди “кечаги Чўлпон”, “бугунги Чўлпон”га бўлиб, қисматга тақсимлаб ўрганишни кечаги ва бугунги мафкура тақозо қилди. Истиқлол ғояларини устувор туриб қуйлаган ва ҳимоя қилгани учун ҳам у шўро даврида бадном қилинди. Ҳатто 30-йилларда унинг ижоди борасида

Шайхзодага махсус китоб ҳам ёздиришга қарор қилинди. Боринги, улуғ адиб ижоди “чўлпонизм” руки асосида тескари таҳлил қилинди, ҳатто унинг ижоди адабий жараёнда узоқ вақт ўрганилмади.

У 1956 йил зиёлилар қурултойида оқланди. Истиқлол даврига келиб эса унинг ижоди аслича ўрганилди ва баҳоланди. “Чўлпонизм” номи билан адиб ижодининг қораланиши бутун адабий мероси билан мудроқ, ғафлатдаги ўлкани бедор қилиш, халқни миллий уйғонишга даъват этиши боис эди. Чўлпоннинг шундай йўл тутиши шарт эди. Чунки ўсиб, вояга етиб, қўлига қалам тутган муҳити миллий бедор бўлишга йўл ахтараётган бир давр бўлган. Ахтарувчилар сафига Чўлпон ҳам қўшилган. У мажбурийликдан эмас, балки табиий равишда маърифатпарварлик оқимига шўнғиб кетди. Отаси Сулаймон баззоз ўғлидан яхшигина муллавачча тайёрламоқчи эди. Унинг бахтига ўзи таъкидлаганидек:

“...Мен у ерда бир киши билан танишдим ва бу киши менга таъсир кўрсатди. У Қуръонни бошдан-оёқ ёд олган мулла бўлгани учун мударрис, деган нуфузли унвонга сазовор бўлган. У Истанбулдаги пантуркистлар марказидан пантуркистлар ва панисломистлар таълимотини тарқатиш учун Хитой Туркистонига юборилган ва Фарғонада ташвиқот учун тўхтаган бир турк эди. У мени турли-туман муаммолар билан биринчи марта таништириб, менда сиёсий ва адабий ишга қизғин ҳавас уйғотди. ... Аммо мударрислик қилиш ўрнига мен миллий ўзбек ёзувчиси бўлишга аҳд қилдим, отамдан ҳам, муллалардан ҳам қочиб, Тошкентга бордим ва у ерда шеърлар, ҳикоялар ёзиб, журналларга юбордим.”

Чўлпоннинг Тошкентдаги ижодий фаолияти 1913-1914-йилларга тўғри келади. Бу даврда жаидчиларнинг айна авж парда фаолияти эди. Ҳатто “Кеча ва кундуз” романининг қаҳрамонларидан бири “Қандай яхши газеталар бор Оренбургда, Қозонда, Уфада, Бокуда, Астраханда, айниқса, Москвада... Боқчасаройга беш сўм пул юборсангиз, бир йилгача ҳар куни “Таржимон” келади”, дейди.

1914 йил Чўлпон ижодининг илк даври, айна сермахсул палласи ҳисобланади. Шу йили 18 апрелда “Садойи Туркистон” газетасида унинг илк шеъри “Туркистонлик қариндошларимизга”, сал ўтмай “Қурбони жаҳолат” ҳикояси босилиб чиқди.

Шу рўзномада “Адабиёт надур?” номли илмий мақоласи ҳам эълон қилинади. Бу мақоланинг ёзилганида Чўлпон эндиgina 16 ёшга тўлган эди. У бундай мақола ёзишга маънан тайёр эди. Форс, рус, араб тилларини мукамал биларди, “Таржимон” орқали адабиёт илмидаги гаплардан ҳам хабардор эди. Унинг асарлари Боқчасарой, Уфа, Қозонда ҳам босилгани аниқ. Бу давр Ғарб, қолаверса, татар ва озарбайжон адабиёти илмида бадий адабиётнинг ижтимоий ҳамда эстетик вазифаси борасида баҳс, қарашлар эълон қилинаётган эди. Бундан эрта воқиф бўлган Чўлпон юқоридаги илмий мақоласини газета орқали эълон қилиб, адабиётнинг ижтимоий юмушини ошкора баён этди. Албатта, жаидчилар адабиётнинг жамиятдаги ўрни

борасида ўзларининг шеърлари, бадиий яратикларида эслатганлар. Чўлпон эса уни илмий эстетик қарашида олға сурди. У адабиёт жамиятининг тараққиётига таъсир этувчи, маънавиятини таъминловчи омил эканини эътироф этди. У фикрини давом эттириб, тирикчилик жўнида адабиёт суву ҳаводек зарурлигини маънан чуқур пайқади.

Юртнинг равнақи учун, энг аввало, мутеликдан озод бўлиш йўли ва воситаларини ахтариш керак эди. Унинг бирдан-бир йўли халқнинг мудраб ётган шуурини ҳаракатга келтириш, кўзини очиш, оқ-қорани танитиш эди. Бунинг энг муҳим омили адабиёт эди, буни Чўлпон идрок эта олди. Шу боис ҳам бадиий адабиётнинг ҳис-туйғуни уйғотиш фазилати, айниқса, образининг намуна бўларли фаолиятларини эътироф этди ва:

“Адабиёт чин маъноси ила ўлган, сўнган, **қораланган**, ўчган, мажруҳ, ярадор кўнгилга руҳ бермак учун, фақат вужудимизга эмас, қонларимизга қадар сингишган қора балчиқларни тозалайдурган ўткир юрак кирларини ювадурган тоза **маърифат суви**, хиралашган ойналаримизни ёруғ ва равшан қиладурган, чанг ва тупроқлар тўлган кўзларимизни артуб, тозалайдурган **булоқ суви** бўлганликдан бизга ғоят керакдур”.

Муаллиф бадиий адабиётнинг бадиияти хусусида қайғуради. Бунинг боиси ҳам бор. Аёнки, жаҳид адабиёти гарчандки янги бўлса-да, бадиият жиҳатдан суст, заиф эди. Шунинг учун ҳам Чўлпон адабиёт бадииятига махсус тўхталади ва унинг олдига юксак вазифалар қўяди.

Адиб адабиётининг ҳам мазмуни, ҳам шакли мукаммал ва уйғун бўлишини талаб қилар экан, бунинг учун у ўзи, энг аввало, адабий ижоди билан “лаббай” деб жавоб берди. Унинг дастлабки ижоди мазмун жиҳати, бадиий образлари жиҳати билан жаҳидчиликка хизмат қилди.

Чўлпоннинг илк насри бадиият жиҳатидан заиф деб баҳоланиши, ўша давр жаҳид насри савияси билан изоҳланиши даркор.

Истеъдод ва ёрқин маҳорат балки ёш танламас. 16 ёшида ёзган “Қурбони жаҳолат” ҳикояси бунинг туб мисолидир. Унда маърифат билан жаҳолат қарама-қарши қўйилган. Ҳикояда жаҳолат ғолиб, маърифат мағлуб. Пировад натижада маърифатнинг йўқлиги, оз мунча бўлса ҳам унга амал қилмаслиги қаламга олинган.

Адиб “Садойи Туркистон”да эълон қилинган нусханинг тагига “фельетон” деб ёзиб қўйган бўлса-да, у аслида ҳикоя жанрига дахлдордир. Тўғри, ҳикояда нўноқлик, тажрибасизлик сезилиб туради, соат детали икки марта такрорланади. Буни адабиётнинг ҳазми кўтармайди.

Мисол диалогнинг ўта жўнлигини қаранг:

“Эшмурод ўз уйида ўтуруб эдики, биров эшик қокди. Эшик олдида келуб:

- Кимдур?
- Мен.
- Сен кимсан?
- Мен Мўминжон:

- Вой, Мўминжон экан-ку, - деб эшикни очуб, Мўминжонни меҳмонхонага олиб кирди”.

Эътибор берайлик. Диалогда бир жиддий хабар ёки ибора тилга олинмаган. Эшмурод Мўминжоннинг овозидан таниса-да, “сен кимсан?” деб сўрайди. Шунга қарамай, тасвирда ингичка ифода ҳам учрайди. Мўминжон тасодифий ўғри эмас, у ўғриликни касб қилиб олган:

- Мўминжон ёшлигидан ўғриликка одат қилиб келганидан меҳмонхона девори қозиғида осилган соатга тикилди.

Шу деталнинг ўзи Мўминжонга тўла тавсиф берадики, бадииятга, характерга нисбатан дастлабки чизгилардир. Ҳикояда Эшмурод билан Мўминжон бир-бирига зид қўйилган. Эшмурод рус мактабида ўқимоқчи, унга қарши Мўминжон: “... Отангиз хотин олиб берадилар. Ўзингиз роҳат қилуб мадрасада ўқуб ётасиз”, дейди.

Эшмурод овқат устида ҳам газета ўқийди. Бунга жавобан отаси:

“Эй, аҳмоқ. Газетачиларнинг иши ҳамма вақт ақча топмоқ. Газетанинг сўзини тўғриси бўлмайдур, ҳамма ёлғон нарсалар. Бор, уйдан “Жангнома”, “Аҳмад Занж”ни олуб чиқуб, бизга ўқуб бер”, дейди.

Эшмурод образида сезиларли бўлса-да, ўсиш бор. Мўминжон соатни ўғирлагандан сўнг Эшмуроднинг отаси ўғлини ўғри гумон қилиб, уни жазолайди. Ўғил ойлаб ётиб қолади. Аммо маърифатга интилишдан тўхтамайди. Газета саҳифаларидаги мақолалар мазмунига муносабат билдиришга ҳаракат қилади. Қайси мақолага бокмасин, Туркистон бечора ҳол, илмсиз, ҳунарсиз, деб ёзилган. Бу ҳақда ўзининг хулосаси:

“Бу бизнинг Туркистонимиз ғафлатдан уйғонурму? Йўқми? Биз бундай ҳолда бўлсак, **битамиз**, инқироз топамиз...”

Эшмурод Европани икки хилда кўради. Унинг жоҳиллиги, “одати қабиҳ”лиги, боз маданияти, ҳунари ва илми жиҳати. Эшмурод бу фикрларини тараққийпарвар мингбошининг боғида ўтириб, ўшандай хаёлларга берилади. Мингбоши сайловнинг бориши ҳақида газета ахборларини ўқиб беришини сўрайди. Маърифатдан тўла огоҳ бўлмаган мингбоши ўзга бола ўғирлаган соатни Эшмуроддан кўради. Мингбоши уни калтакламоқчи бўлади. Ору номусга дош беролмаган Эшмурод ўзини ўзи ҳалок қилади. Унинг ҳалокатидан сўнг ҳақиқат қарор топади. У ҳақ экан. Барибир у жаҳолат қурбони бўлди.

Ҳикояда Эшмурод ўзининг ҳақлиги учун курашмайди. Маърифатнинг устидан жоҳиллик устун келишига ишонади ва айб “жаҳолатда”, деб билади.

Асарда ҳар икки ўғри болалар воқеаси ошириб юборилган, сунъийлик устун, тасвир хира. Шунга қарамай ҳикоя илк жаҳид насри бўлганлиги учун ҳам узрлидир.

Чўлпоннинг қалами насрда тобора қайралиб боради. Унинг эпикадаги маҳорати “Дўхтур Муҳаммадиёр” ҳикоясида яққол намоён бўлди. “Падаркуш” анъанасидан келиб чиқиб, илм бахту саодатнинг калити деган маъно келиб чиқади. Бу жиҳатдан у Ҳамзанинг “Янги саодат” романига

ўхшаб кетади. “Падаркуш”да ота ўғлининг маърифатли бўлишини инкор қилса, “Дўхтур Муҳаммадиёр”да ота хожи Аҳмад Россиядан келиб, янгича сабоқ берувчи муаллимга 10 яшар ўғлини топширади.

Ота - ўз замонининг улуғ маърифатпарварларидан. Кўп хориж мамлакатларида сафарда бўлган, рус, араб, форс тилларини ўз она тилидай билади. Халқ уни 72 тилни билувчи сифатида эътироф этиб, “хожи сартарош”, деб атади. Ўғил ўзгалар сингари кўча, чойхонага чикмайди, унга бир рус офицери бадан тарбияси машқини ўргатади. Россиялик муаллимини поездда жўнатиб, қайтишида безори, майпарастларнинг хужумига дуч келиб, отаси жароҳат олиб, вафот этади. Отадан ўғилга икки хил мерос қолади: 1) уй-мулк; 2) ўқиш-тарбия мероси.

“Қурбони жаҳолат”да Эшмурод гимназияда ўқишни орзу қилади, аммо орзуси орзулигича қолади. Муҳаммадиёр эса бу орзусига қатъий эришади. У жаҳид ислохотчилиги йўлидан устувор боради.

Асарда ўлкада содир бўлаётган маърифий ўзгаришларнинг уч кўриниши талқин қилинади: 1) Туркистонда жаҳолатнинг ҳукм суриши; 2) бош қаҳрамон жаҳолатга қарши кураши; 3) ўлкада юзага келаётган ижтимоий-сиёсий-маданий янгиликларни қўллаб-қувватлаш, эътироф этиш.

Ўзгаришлар ва қолоқликлар: уйни суғурта қилишни билмаслик, ичкилик боисидан театр боғида икки кишининг қизишиб, бир-бирини сўйиб қўйиши, поезд бекатларида халқ вакиллариининг абгору сарсон юришлари, Муҳаммадиёр кўрган мамлакатлари билан ўз юртини қиёсласа, руслар яшайдиган маҳаллада туб ўзгариш бўлганлиги, маҳаллий халқ янада абгор ҳолда яшаши ва бошқалар...

Муҳаммадиёрни ҳукумат мактабига ўқишга юбормоқчи бўлиб, ота шаҳар бойларидан ақча сўрайди, ўқишга ақча йўқ. Маишат, тўй, майхўрликка пул топилади. Барча хайрия жамиятида ҳам пул йўқ.

Бокудаги “Жамияти хайрия” кўмагида Муҳаммадиёр таҳсил олади, Петербург, сўнг Швейцарияда. Етук мутахассис, журналист, ёзувчи бўлиб етишади. Ўқиган йилларини хотирлаб, “Умрлик шогирдлар” деган романини, “Пойтахт меҳмонлари” деган театр асарини яратади. Ҳар икки асарини ўзи русчага таржима қилади. Уларда ерли халқнинг маърифатсизлиги, ўлкада жаҳолатнинг кенг қанот ёзгани таҳлил қилинади.

Адибнинг “Қурбони жаҳолат” ҳикоясига нисбатан “Дўхтур Муҳаммадиёр” ҳикояси (баъзилар қисса, повесть дейишади)да жиддий ўсиш кузатилади. Муҳаммадиёр отасининг кушандаларини топиб, ўч олмоқчи бўлади, аммо отасининг сўзига амал қилади. “Жаҳолатга қарши тўп, милтиқ, тўппонча, ханжар, ўқ-дору – ёлғиз ўқув, ўқув, ўқув!”. Отасини қасддор душманлар эмас, жаҳолат ўлдирди.

Муҳаммадиёр ўз шахсидан кўра элини, юртини, Ватанини ўйлади ва бу ҳақда дейди:

“Эй, ватандошларим! Қачонгача бу ғафлат? ...Бунча хушёқмассизлар? Ахир сизлар ҳам одам-ку! Одамлардек ҳаракат қилинглар! Кўз олдингизга

келиб турган илм ва маърифат мевасидан фойдаланмасдан нимага оғизларингизни очуб караб турасизлар? Нимага бу ишларга киришмайсизлар? Уйкудан кўз очинглар!... вақт етди, балки ўтди!”

Бунинг чораси нима? Чораси Муҳаммадиёрга ўхшаган зиёлиларни кўпайтириш, оммани ҳаракатга келтириш лозим. Ҳикоянинг бошқа ҳикоялардан туб фарқи шундаки, бундан аввалги ҳикоя қаҳрамонлари фақат гап, баён, ҳикоя, нақл, оҳ-воҳдан сўз очар эди. Муҳаммадиёр - иш одами, тадбиркор. Айтган сўзи билан қилган иши уйғун. У - ҳаракатчан, янгиликлар тарфдори. Ёзган романи, берган дарслари эвазига тушган, отасидан қолган уйни рус кишисига ижарага бериб, орттирган пулларини ишлатади, кўпайтиради. Газета (“Хабар”), журнал (“Ватан”) нашр қилдиради, хусусий шифохона очади, бир қишлоқдан боғча сотиб олади, ундан нефть чиқади, “Жамияти хайрия” очади, бошқа хайрияларга ҳам пул ўтказилади. У “ходими миллат” унвонига сазовор бўлади. “Ходими миллат” эса жадиждларнинг энг ардоқли, энг фахрли унвони ҳисобланарди.

Ҳикояда ҳовлини ижарага қўйиб, хусусий шифохона очиши, нефть кони чиқариши ясама эмас, балки жадиждларнинг ижтимоий-иқтисодий жабҳада ҳам ҳаракат қилиши, тадбиркорлик билан шуғулланиши каби янги қараш ва фикрлар олға сурилган.

Адабиётшунослар Чўлпон “Дўхтур Муҳаммадиёр” ҳикоясида жадиждчилик қобиғидан чиқа олмаган, деган ақидани муҳрлаб келишди. Бу фикр - таҳрир талаб. Жадиждчиликнинг илк даврида дўхтур Муҳаммадиёрнинг фаолияти энг тўғри ва шароитнинг типиклиги шуни тақозо қилар эди.

Чўлпон ҳикоясида роман ҳақида истаклар билдиради, дўхтур роман ёзади. Кейинчалик адиб газета орқали замонавий романларни яратиш ҳақида истакларини айтади. Роман яратиш жадиждларнинг энг долзарб ва қимматли орзуларидан бири эди. Бу орзу аъмол Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз”ида баралла ушалди. Роман Қодирий романларидан кейинги дадил қадам бўлди. Янги мактабга йўл очди.

2-асосий савол бўйича дарснинг мақсади. Ўзбек шеърляти тизимида Чўлпон поэтик ижодининг ўрнини талабалар билимига кўчириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Чўлпоннинг илк шеърлятидаги маърифатпарлик ғояларини идрок этади.
2. Шоир шеърляридаги мустақиллик учун кураш истакларини пайқай олади.
3. Шоир поэтик ижодининг вазн хусусиятларини тасаввур қилади.

2-асосий саволнинг баёни:

Чўлпон ижодини насрдан бошлаб, насрда такомилга етказган бўлса-да, шеърляти ҳам асосий мавқени тутди. Унинг назмий ижоди ХХ аср ўзбек шеърлятининг асосий мезонларини белгилаб берди. Айниқса, 20-йиллар шеърлятининг чўққисини Чўлпоннинг поэтик ижоди ташкил қилади.

Ўсмир Чўлпон дунё хабарлари ва ўлка борасидаги янгиликларни газеталар орқали билиб борди. Хусусан, ўзи яшаб турган ўлкасининг ночорлиги, иқтисодий қашшоқлиги, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан рус империясига ўта қарамлигини ҳис қилди, кўрди. Даврининг илғор зиёлилари истак ва тилакларини ҳам ўрганди. Маърифатни тарғиб қилиш, халқни ҳушёрликка даъват этиш долзарб масала эканини зудлик билан пайқади. Худди шу руҳда биринчи поэтик жуфтламаларини қоғозга туширди.

Шоирнинг 14 та илк шеърларини ўз ичига олган “Ўзбек ёш шоирлари” (1922), “Уйғониш” (1922), “Булоқлар” (1923), “Тонг сирлари” (1926), “Соз” (1935) тўпламларидаги ва турли даврларда чоп этилган жами шеърлари 252 тадан иборат. Нашр қилинмаган шеърларидан ташкил топган “Гўзал Туркистон” (1997) тўплами ҳам эълон қилинди. Айтиш мумкинки, Чўлпоннинг шеърлари ҳали тўлиқ топилган ва нашр қилинган эмас.

Чўлпоннинг “Туркистонли қариндошларимизга” илк шеърида жадид шеъриятида бўлганидек, Ватан қайғуси, ўксик ва кемтик қалблар тебраниши “маърифатсизлик балосига йўлиққан”, “фойда-зарарни унутган, яхши-ёмонни танимайдиган”, “топганини бошқага бериб, ўзи “оч-яланғоч” қолган, қисқаси, миллат сифатида адои тамом бўлган халқ борасида ёниб, куйиниб ёзади. 1917 йил 28 ноябрдаги “Туркистон мухторияти”ни олқишлаб, уни “озод турк байрами” деб улуғлади.

Мухторият олинди,
Ишлар йўлга солинди.
Миллий маршлар чалинди,
Душман ўртансун энди!

Айтишларича, Чўлпон мухторият ишида фаол қатнашган, ҳатто биринчи миллий мадҳияни ҳам ўзи ёзган. Унинг қуйидаги байти ҳар қандай миллий мадҳиядан қолишмайди.

Туркистонли – шонимиз, туронли – унвонимиз,
Ватан – бизни жонимиз, фидо ўлсун қонимиз!

Бир ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмайди. Чўлпон октябр тўнтарилишидан катта умид кутган эди. Уни халқнинг абадий халоскори деб ҳам билди. Чунки шиорлар чиройли, мафтункор, ишонтирарли даражада эди. Унга инонмасдан мумкин эмас эди. Уни олқишлаб, қатор назмий сатрлар битди, чунончи “Қизил байроқ”, “Қизил байналминал”, “Париж коммунаси” кабилар. Бироз ўтмай, шоир большевикларнинг иккиюзламали қиёфасини кўрди. Ундан юз ўгира бошлади. Ваъдалар пучга чикди, миллатнинг қадриятини ҳикоя қиладиган декрет куруқ гап бўлиб қолди. Уч ой яшаган мухторият ўққа тутилди, уни ҳимоя қилиб чиққан халқ қон қақшаб қолди. Ўлка қизил қонга ботди. Омма ўтин сингари ёндирилди. Ерли халқ яна янгича истибдоднинг оёғи остида қолди. Бу каби қонли кунлар шоир Чўлпоннинг назаридан четда қолмас эди. Бутун изтиробларини, ғаму аламини, ғусса бўлиб кўнгил

пучмоғини тўлдирган туйғусини 1920 йилда ёзган “Бузилган ўлкага” шеърида ифодалади.

Шеър қарийб ярим аср баҳснинг манбаи бўлиб келди. Гўё шеър аксилинқилоб, ёш шўро ҳукуматига қарши “ўқ” бўлиб ёзилган эмиш. Боз устига ана шу шеър мисолида Чўлпонга миллатчи тамғаси босилди.

Хўш, миллатчи деб кимни англаш мумкин? Чўлпон ўз миллатини ўзга миллатдан устун қўйиб, бошқаларни пастга урган эмас. Унинг миллатчилиги-миллат фидойилигида, миллатпарастлигида. Шўро мафкураси миллатнинг курбони, ҳимоячиси, фидойиси бўлганларни “миллатчи” деб атади. Ана шу ёрлик Чўлпонга ҳам ёпиштирилди.

“Бузилган ўлкага” шеъри аналитик ёки синтез йўли билан эмас, балки ижтимоий услубда таҳлил қилишни тақозо қилади. У мухториятнинг қон қақшаб қолганидан сўнг ёзилган. Қонга чўлганган ўлка ҳақиқий маънода бузилган, ёндирилган, кул бўлган эди. Биргина Қўқоннинг ўзида 10 минг нафар аҳоли худди ўтин каби қалаштирилиб, ёндирилган. Бундай жаҳолатни бузилган ўлка дейиш мумкин. Мана ўша манзарани ифодаловчи сатрлар:

Нега сенинг турмушингда умидларнинг ўлиши?

Нега ёлғиз қон бўлмишдир улушинг?...

Шеърда икки манзара яққол акс эттирилган. Биринчиси, гўзал, кўркам, маъмур, салоҳиятли ва ўктам ўлка манзараси, иккинчиси, ўз ҳолича умр гузаронлик қилаётган юртни ўзга ёвуз куч босиб олиши, муқаддас заминларини пайхон қилиши, бойликларини талаб, халқини хизматкор қилган куч – Русия. Икки йўналишдаги туйғулар сирасида Ватанни, юртни, заминни севиш ҳислари билан тўлиб-тошган ушбу сатрлар битилган.

Шеър адабий танқидда миллатчилик руҳида баҳоланиб келинди. Бу маънода шоирнинг бошига маломат тошлари ҳадсиз ёғилди. Аслида у Ватанни севиш руҳидаги шеър эди. 20-йилларда миллий истиқлол ҳаракатида катта ижтимоий-маънавий рол ўйнади. У энди ўз баҳосини олди.

Тўғри, шеър ўша йиллари матбуотда чоп этилган эди. Шеър чоп этилиши билан унга қарши шеърлар ёзила бошланди. Ғайратий унга контраст равишда “Тузалган ўлкага” шеърини яратди. Айрим маълумотларга қараганда, “Тузалган ўлкага” шеърини Чўлпоннинг ўзи таҳрир қилиб, айрим тузатишларни киритган. Бу “Бузилган ўлкага” шеърининг курашчанлик куч-қудратини янада оширишга қаратилган эди.

1920 йил 20 сентябрда Бухоро инқилоби ғалаба қилди. Унга бағишлаб, Чўлпон ўзининг “Халқ” шеърини битди. Шеърнинг мағзини чақар эканмиз, халқнинг буюк кучлиги, ўлканинг истиқлоли унинг билан боғлиқлиги, қалам аҳли халқ билан ҳамиша бирга бўлиш туйғусини кўнглингизга туясиз:

Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир,

Халқ исёндир, халқ оловдир, халқ ўчдир.

Чўлпоннинг шеърий маҳорати, поэтик олами такомиллашиб, жозибалашиб боргандек, унинг ижитмий-сиёсий қараши ҳам ўсиб борди. У шу вақтгача истиқлолни ислохот, мураса, халқни уйғотиш воситасида қўлга

киритиш мумкинлигини қаламга олиб келди. Кейинчалик у курашни жиддий қилиб қўяди; ё бор бўлиш, ё йўқ бўлиш тарзида тушунади, яъни узил-кесил қилиб қўяди.

Ё бор бўлиш, ё йўқ бўлиш:
Йўқ яраш!

Шоирнинг шеърияти ўн беш кунлик тўлин ойдек тобора тўлишиб боради. Истиқлол кишанлари ва тушовларининг заифлашиб, занг босиб, узилиш даражасини пайкайди ва уни омма шуурига етказиш учун ўткир мисраларни жуфтлайди. Тез кунда ҳақсизлик ўз умрини тугатиши муқаррар эканини англайди. Шеърини ҳам “Қўзғалиш” деб номлашдан чўчимайди:

Кишанлар занг босгандир, сергак бўлким, узилур;
Томиримда қўзғалишнинг ваҳший қони гупурди.

“Кишан” шеърида эса инсоннинг инсонийлик белгиси ҳақида фалсафий фикрлайди. Бош аломат - ҳурлик. Ҳур яшаманг, ҳурриятингиз, ғурур ва сурурингиз сўнади. Ҳурсиз инсон - туткун инсон. Табиатнинг мўъжизаси инсон мағрур яшаши, ўз ҳукми билан яшаши лозим. Боши баланд инсонгина эркиндир:

Тириксан, ўлмагансан,
Сен-да одам, сен-да инсонсан;
Кишан кийма, бўйин эгма,
Ки, сен ҳам ҳур туғилғонсан!

20-йиллар боши давридаги шеърларининг аксарияти истиқлолга бағишланган. Қайси бир шеърига эътибор қаратманг, истиқлол ғоялари уфуриб туради. “Пўртана” ана шундай шеърлардан. Пўртана – тошқин, вулқон. У ҳар қандай денгизни тўлқинга, жумбушга келтиради. Ўрни билан денгиз қирғоқни ўпади, ўпиради. Пўртана – денгиз тўлқини. У денгизни таг-туби билан чайкайди. У - ҳам гўзаллик, ҳам фожеага ўч. Унинг севгилиси – сув қизи. Сув қизини ҳам ҳаракатга келтиради. У сув маликасини суяди, қўйнига ҳам олади, даҳшатга ҳам туширади. Шоир пўртанани қиёматга қиёслайди. Борингки, пўртана - йўқсил, қудратли халқ қўзғолони рамзи. Рамзлар энди тиниклаша боради:

Бу маҳшар қиёмат, пўртана. Тўлқинлар
Ҳаммаси йўқсилнинг кўнглида.

Ҳа, пўртана – йўқсил, унинг даҳшатли ҳаракати йўқсилликнинг қалбида, азму иродасида. Шеърга эътибор берган бўлсангиз, бошдан то охириги мисрагача рамз орқали ифода этилиб, энг сўнггида пўртана – йўқсил экани аёнлашади.

Чўлпон – рамзлар шоири. Унинг поэтик образлари майин ипакдек, аммо пўртана сингари сеҳрли, кўп маънони англатади. Агар рамзлар устидаги парда очилмаса, шеърни тўла-тўқис ҳис қилиш, поэтик образлар замиридаги маъно тароватларини пайқаш амримаҳоллик келтиради:

Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим, дўстлар,
Қуёшнинг нурига тоқат қилолмай ерга ботдим-ку.

Шеърдаги поэтик рамзлар-осмон жисмлари. Бундай қарасангиз, анъанавий образлардек туюлади. Осмон-сокин ва бепоён, осойишта, тинч Туркистон ўлкасини эслатади. Осмон оддий эмас, муҳаббат осмони, яъни севимли замин, севимли юрт осмони. “Гўзал Чўлпон эдим”, яъни ўзининг серифода, мазмунли, тароватли ижоди, машғулоти билан банд ижодкор.

“Қуёшнинг нури” ижтимоий-сиёсий мазмун касб этган, яъни октябр тўнтарилишини англаш, тасаввур этиш мумкин. Ҳамма қуёшни соғинади, ундан баҳраманд бўлади. Аммо Чўлпонгина унинг тафти, нурига тоқат қилолмайди. Сабаби қуёш рамзий-октябр тўнтарилишидан сўнгги ижтимоий-сиёсий турмуш. У бу турмушга тоқат қилолмайди.

Чўлпон XX аср ўзбек шеърятига янги мазмун, янги образ, янги соз олиб кирди. Асрий арузнинг ёнида майин, гоҳ тошқин, гоҳ бағри кенг бармоқни кўя олди. Бармоқнинг имкониятини кенгайтирди. Шеърятни ажнабий сўзлар, тайёр трафаретлардан тозалади. У шеърдаги безак, жимжимадорлик, сунъийлик, такрор ибораларни қувиб чиқарди. Шеърятга халқ назмининг соддалиги ва теранлигини олиб кирди. Кутилмаган образлар, сўз образлари, иборалар сув остидаги жавоҳирлардек жилва беради.

“Чўлпон шеърятни” деган бетакрор эстетик бойлик ўзбек шеърятининг XX асрдаги ҳам тамал тоши, ҳам такомили, янги анъаналарига тагкурси бўлди.

3-асосий савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларга “Кеча ва кундуз” романидаги мустақиллик учун кураш пафосини тушунтириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Романдаги жаҳид Ш.Хўжаев образи моҳиятини билади.
2. Мирёқуб образидаги шаклланаётган янги жаҳид сиймосини идрок этади.
3. Россия империяси таназзулини англайди.

3-саволнинг баёни:

“Кеча ва кундуз” романининг қисмати унинг муаллифи Чўлпон тақдири билан бирдай кечди. Чўлпон маданиятимиз ва адабиётимиз қасридан қанчалик суриб ташланишга уриниш бўлган бўлса, унинг “Ўткан кунлар”

қаторидаги дурдона ўзбек романи “Кеча ва кундуз”ни ҳам халқнинг бадиий мулкидан чиқариб ташлашга ҳужум қилинди.

1936 йилда нашр қилинган мазкур роман қатор монеликлардан сўнг 1988 йил (“Ш.Ю.”, 2-3 сонлар) эълон қилинди. Унинг дунё юзини иккинчи марта кўриши маданиятимизнинг катта ютуғи бўлди. Иккинчидан, роман ҳақидаги баҳс тарафкашлик ақидаларидан тамомила озод бўла ололмаган танқидчилар томонидан давом эттирилди. Чунончи, нима учун роман “Кеча ва кундуз” деб аталади? “Кундуз” қисми борми, бош қаҳрамон масаласи, Мирёкуб ва Зеби образи тугалланганми, роман психологизми, ундаги жадиदчиликка муносабат ва шунинг қабилар. Биз эса ушбу мажмуада Чўлпоннинг жадидчиликка нисбатан мавқеини ҳадди имкон ўрганиб, атрофлича талқин қилишга тутинамиз.

Чўлпонни жадиद адабиёти билан “Қурбони жаҳолат”, “Дўхтур Муҳаммадиёр” ҳикоя ва қиссаси ҳамда бир қатор маърифий шеърлари мустаҳкам боғлаб туради. Адабиётшунос Анқабой Қулжоновнинг таъкидлашича, Чўлпон “инқилобий миллий кураш-жадидчилик ҳаракати қозонида” қайнаган эди. Бу қозонда аввалроқ Фитрат Туркияда қайнаб келди. Анвар пошшо ташкил қилган “Иттиҳод ва тараққиёт” партияси фаолиятдан таъсирланган Фитрат шу йўлдан борди ва ундан андоза олди.

Фитратнинг сафдоши Чўлпон Туркияда таҳсил олмаса-да, у ердаги жадидчилик ҳаракатни матбуот, қолаверса, “Мунозара”, “Ҳинд сайёҳи баёноти” асарлари орқали танишди. Бунинг бевосита исботи Зебини суд қилиш жараёнида прокурор судланувчини “Туркиядаги 1908 йил инқилоби”, “Эрондаги сўнгги маршрутият” (конституцион), “Оврупа қиёфали жадидлар”, “Ёш сарт кадрлар чор империясига тиш қайрашида Туркия иттиҳодчиларидан қолишмайди” каби ақидалар билан гуноҳсизни гуноҳкор қилишида кўринади. Прокурор тоғ воқеалари ва Қумариқ ҳодисаларини эслатиб, судда шундай дейди:

“Зоҳирда рус маданиятига ёпишиб келган европалик қиёфасидаги жадидлар, аксари кулар юзли ёш савдогарлардан иборат “ёш сарт” кадрлари-империяга қарши тиш қайрашда Туркия иттиҳодчиларидан қолишмайдилар. Ҳолбуки, биз яқиндагина эшон тўполони бўлиб ўтган жойдан унча олис эмасмиз... У вақтда мухтарам муттафиқимиз Англия биз билан тегишган бўлса, энди душманимиз Германия ва унинг кўғирчоғи бўлган Туркия биз билан унақа ҳазиллашиб ўтирмайди”.

Чўлпон суддаги прокурорнинг нутқини жиддий киноя, истехзо билан келтиради. Бу гапларнинг замирида коса тагида ним коса борлиги тайин. У аввал ўзларини жадид ҳисоблаб, сўнг тўнини тесқари кийганлардан ғазабланган, уларнинг бошқарув қиёфаси”ни фош қилиш ниятида бўлгани табиий. Ҳатто Бухоро жадидларининг пешволаридан бири Ф.Хўжаев ўз ақидасидан қайтишга мажбур бўлади, давр тазйиқи шуни талаб қилар эди. Боз устига А.Икромов 1926 йилда “Жадидизм буржуа мафкураси - бу савдо буржуазияси мафкураси” деб эълон қилди. 1929 йилда эса партия Пленумида:

“Мана, бизда Мунавварқори, Фитрат, Чўлпонларни ҳақорат қиладилар - бу яхши, сўкиш керак. Аммо сўкишни билиш ҳам керак, бу билангина чекланиб қолиш - бу консерватизмдир, бу орқада қолишдир” дея жиддий чиқиш қилган эди. Бу гаплар айтилаётган вақтда Чўлпон ҳам шубҳа остига олинган. Бир кунмас-бир кун сиёсат сиртмоғи бўйнига илинишини кутиб юрар эди. Шу воқеалар даҳшати Чўлпон тасаввурида тошга нақш ўйгандек муҳрланиб қолган эди. Унинг кўнгил рози, елкасидаги тоғдек бўлиб ётган “юк”ни суд жараёнида прокурор нуткида ифодалангани ўз-ўзидан аён.

Чўлпон жадинчилик кўз қарашларини аниқ шахслар образи мантиқида журъат қилиб ифодалай олган эди. Бунга Акбарали образи яққол мисолдир.

Мингбошининг хотини Хадичахон эри ҳақида амалдор бўлгандан кейин “айниди” дейди. Бу айниш Акбаралининг маърифатсизлиги ва омийлигига ҳам тааллуқлидир. Унга тагида оти, белида қиличи, атрофида қоровуллари ва бойлик бўлса, бас. Дунёни сув босса тўпиғига чиқмайди. Ноиб тўрага: “Мен бир оми одамман, сиёсатингизни билмайман”, дейишидан унинг кимлиги аён. Унга ноиб тўра - пайғамбар, худо. Унинг айтганини худога сиғингандек, сидқидилдан бажаради. Тўра фармойиши билан янги усул - жадин мактабини ёптиради. Унинг бу қилмиши жадин газеталарида танқид қилинади. Бу унинг мисқоллаб топган обрўйини тўккан эди. Мирёқуб кўмагида мадҳу саного тўла мақола эълон қилдирди. Гўё шаъну шавкати биров қайта тиклагандай бўлди.

Давр ва жадин Шарафиддин Хўжаев таъсирида жадинчилик йўлига тезкорлик билан (уч кунда) кириб борган Мирёқуб образини таҳлил қилишдан аввал 30-йиллар роман ҳақидаги бир фикрга мурожаат қилайлик. О.Шарафиддинов, Ж.Шарипов, Ф.Султоновларнинг “Кеча ва кундуз” ҳақида” сарлавҳали мақоласида шулар қайд қилинган: “Романда тарихий фактлар қасддан бузиб кўрсатилган. Шахсий бойишлари йўлида курашган, шу мақсадлари йўлида ҳар қандай ифлосликдан тортинмаган халқ душманлари ва Ватан хоинлари-жадинларни халқнинг ҳақиқий ўғиллари сифатида тасвирлаш тарихни қалбакилаштиришга уринишдан бошқа нарса эмас” (“Қизил Ўзбекистон”, газетаси, 1936 йил 6 август). Бу 30-йиллар романга берилган ижтимоий-сиёсий баҳо эди. Аниқроғи, аксинча, романда акс этган тарихий ҳақиқат қийшиқ ойна орқали ўқилди ва баҳоланди.

Мирёқуб- “эпақа” лақаби билан машҳур. Бу ҳақда адиб ёзади:

“Мирёқубга “эпақа” лақаби камлик қилар эди. Унга бошқа бир лақаб топиш лозим бўлардики, ундай лақабни энди бу қишлоқ одамлари тополмасдилар. Мунинг учун амир Навоий ёки мавлоно Жомий ё бўлмаса, шоҳ Машрабнинг тирилиб келиши даркор эди”. У - ўз замони табиркорларининг янги типи. Ўз қишлоғида икки баққолик дўкони, қассоблик дўкони ва чойхонаси бор. Пахта заводи ва пахта саройидан ҳам манфаатдор. “Шаҳардаги катта банклардан бирида “учёт қўмитаси” нинг аъзоси, ҳафтада бир мажлис ўтказди”.

Русия империясининг вакили ноиб тўранинг уйида бўлган суҳбатда поезд йўли қурилиши ҳақидаги фикрга дуч келиб қолади, йўлнинг қаердан ўтишидан огоҳ бўлади. Натижада поезд йўли четидаги ташландиқ ерларга ҳам ўзининг тижоратга оид қурилишларини бунёд этмоқчи.

Мирёкубнинг бундай топқирлик ва тадбиркорлигини сезган ноиб тўра “Сен худди бир америкаликка ўхшайсан, Мирёкуб” (74) дейди. Унинг бундай ишбилармонлигини “қанча давлат қўлга кирганини худо биладию, худонинг сеvimли бандаси қорақўз Мирёкуб”(75).

Мирёкуб роман сюжетида муҳим ўрин тутати. Акбарали оиласи ва мингбошилиқ фаолиятининг таназзулига хотинлари қатори Мирёкуб ҳам рол бажаради. Айниқса, Русия империяси ичдан чирий бошлашини кўрсатишда ҳам Мирёкубнинг ноиб тўра хотини билан бўлган интим муносабатларда янада ойдинлашади.

Хусусан, ноиб тўра билан Мирёкубнинг суҳбатида империянинг нураб бориши тобора равшанлашади. Пошшо ҳукуматининг вазияти чатоқ, чора излаш керак, аммо топилмайди. Империя ҳам ичдан, ҳам ташқаридан заха тортмоқда. Буни ноиб тўра шундай тушунтиради:

- Чорани ўйлашга ҳам қўрқаман, Мирёкуб... Сен чора нима деб ўйлайсан? Чорасини топишдан биз амалдорлар ожизмиз. Дуруст, ичимиздаги душманга, қора халққа қарши чиқиш бўлса, тадбир осон.

Қозоқ ўрусимиз, миршабимиз, жандармамиз, аскаримиз бор... Хориждан келаётган ёвга биз ожизмиз, нима қилишимизни билмаймиз. Бу ёмон, бу жуда ёмон ҳол.

Романда “инқилобиюн” деган тоифа ҳақида ноиб тўра сўзлайди. Бу – куч. У ... фабрикачилардан фабрикаларни, заводчилардан заводларни тортиб олиб, халққа бер, дейди. Уларнинг халқ дегани қора халқ, “ялангоёқлар...”(145).

Империя деганида бу пошшонинг сурати, ноиб тўра елкасидаги погонни тушунган Мирёкуб “империяси тагин ҳам ботмасинми?” деган хулосага келади. Сабаби Акбарали ўлгандан сўнг ноиб тўранинг ошпази Зуннун мингбоши бўлади. Уни ноиб тўра кўтарган. Ноиб тўрага хотини айтган. Хотини билан Зуннуннинг тили бир. Шуларни ўйлаб, Мирёкуб империя шаллақилар, маиший бузуқлар қўлида экан, унинг эртаси қоронғи, деган қарорга келади. Романда “империя” дегани ичдан емирилиб бораётгани бадий таҳлил қилинган. Буни ҳатто олифта, ҳаётни айш деб биладиган Мирёкуб ҳам сезади. Мирёкуб тадбиркорлиги туфайли империянинг бетайин одамлар тасарруфида эканини билиб ҳам Россиянинг маҳаллий амалдори мингбоши Акбаралидан узоқлашишга ҳаракат қилади, мақсадига эришади ҳам. У исловатхонада танишган Марям билан Қрим сафарига йўл олади. Мақсад ҳам айшини қилиш, ҳам мингбошидан йироқлашиш эди. Сафарга йўл олар экан, жаид Шарафиддин Хўжаев билан танишади, унинг суҳбатидан лолу ҳайрон қолади. Жаид Мирёкубнинг ҳамқишлоғи Абдусамаднинг янги мактаби, Исмоил Ғаспратининг “Таржимон”даги “Тилда, фикрда, ишда бирлик!” шиорини мактайди. Бу ҳали ҳолва. Жаид Ш.Хўжаев Петербург,

Финляндияда дўконлари борлиги, бир укаси Хелсинг форс гимназиясида, яна бири Уфадаги машхур Олия мадрасасида, ёш ўғли эса Финляндияда махсус муаллимда таълим олишини ошириб-тошириб гапиради. Мирёкуб унинг суҳбатидан ўзини ўта кичик ва заиф тадбиркор ҳис қилади. Суҳбатдошининг гапларига ҳайрон қолади. Одам ҳам шунчалик дилкаш ва ишбилармон бўладими. Мирёкуб ўзича:

- Қизиқ: гап деган нарса шунча таъсирлик бўладими? Кечагина мен “жадид” деган сўзни эшитсам, белим қайишарди...

- Мана, мен энди жадидни кўриб турибман... Гаплари ҳаммаси маъкул. Бировнинг мол-мулкига чанг солатурганга ўхшамайди...Ўзи ҳам бадавлат одам. Ҳалол касб қилиб, пул топишини, дунё орттиришини билар экан.... Агар жадид шундай бўлса, мен ҳам жадидман” (186-187). Мирёкуб “эпақа” нафақат маишатнинг орқасидан қувувчи, балки зукко, фаросатли, ишнинг кўзини биладиган киши. Шунинг учун мингбоши унингсиз калавасининг учини йўқотиб қўярди. Мингбошининг жилови унинг қўлида эди. Ёки ноиб тўра “империя даҳшатли тўлқинлар ичида зулматга, белгисизликка, йўқликка қараб кетаётир” деган сўзини пайқаб, империянинг нималигини сўраб билиб олади. Хўжаевнинг ширин суҳбатидан ёқтирмаган жадидчиликни ёқтириб, “мен ҳам жадидман” дейишигача бориб етади.

Мирёкуб империя ҳақида фикрини равшанлаштириш учун бу борада суҳбатга Хўжаевни тортади ва ундан шундай жавоб олади:

“... Сиз-биз соғин сигирмиз, бизнинг ширин сутимиз бор, руслар ва бошқа ажнабийлар “бизни эмиб ётадилар”(187).

Унинг фикри тобора тиниқлаша боради. Халқ ва миллат каби тушунчаларни англай бошлайди. “Миллат одам бўлсин” деган фикрга келади. Ундаги ўзгаришни йўлдоши Марям сезиб:

“Мирёкубнинг фикри очилади, “маданийлашади”, дейди. Воқеан ҳам Мирёкубнинг маданийлашиши ва жадидлашишида Марямнинг мавқеи алоҳида бўлгани тайин. Буни ҳатто Хўжаев пайқаган:

“Сиз бахтлисиз. У ҳам сизни энди сиз учун янги бўлган бир дунёга олиб киради” (124).

Мирёкуб Хўжаевнинг дунёқарашини эшитиб, ўзида ўзгариш ясалаётганини пайқайди. “Миллат”, “Бой бўл!”, “Завод сол!”, “Фабрика оч!” каби сўзлар унинг қулоғига мойдай ёқарди. Ибтидоий синфда миллий мактабда ўқитиш, юқори синфга ўтганда рус мактабига ҳам берса бўлади, деган фикрни эзибички деб тушунади. Ўзи болаларининг тарбиясини Марямга бериш хаёли билан яшайди.

Марям айтгандай, Мирёкуб “маданийлашиб” борди. Шу билан бирга у - дину диёнатни ҳам қўлдан бой бермаган йигит. Марямнинг исми – шарифи ва фамилиясини ўзгартириб, фоҳишахонадан олиб чиқади. Москвага етганда нўғой масжидини топиб, Биби Марям Ойша қизи номи билан уни ўз никоҳига олади. “Мовий кўз” дилбар аёл Марямнинг асл исми – Мария Степановна Острова эди. У маълум сабабларга кўра ўз ўлкасини тарк этиб, бу юртга

келган. Уни Мирёкуб муҳаббатли ҳаётга ҳидоят этди. Бу Мирёкубнинг замин одами, диёнатли эканлигидан далолат.

Мирёкуб Қримда туриб, мингбошига хат ёзади. Мактубни Ҳакимжон Акбаралига ўқиб беради. Унда жаҳидча сўзлар сероб, ҳатто бир ўринда Акбаралини “валинеъматимиз” дебди. Шу мактуб Мирёкубнинг жаҳид ақидасини тўлиқ қабул қилганига далилий ашёдир.

Мирёкуб – мураккаб образ. Шу билан бирга ўзбек адабиёти тарихида янги типдаги образ. Унинг образи Туркистоннинг истиқлол сари уйғонаётгани ва Россия империясининг ичдан чириб бораётгани ифодасини акс эттирувчи ва бу борада фаоллашиб бораётган шахс тимсолидир. У истиқлол фидойиси Чўлпоннинг кашфиёт даражасидаги образидир. Отабек истиқлол йўлида даста чопган бўлса, Мирёкуб уни соплашга илк қадам қўйди. Мирёкуб “акаси” Отабекнинг йўлини давом эттирган ўз замонининг жаҳид кишисидир.

Назорат учун масалалар:

- 1. Адабиётшуносликда “чўлпонизм” масаласи ва истиқлол фидойиси Чўлпонни қандай тушундингиз.
- 2. Чўлпоннинг адабий-эстетик янгича қарашлари.
- 3. Чўлпонона янги шеърят: юрт ғояси ва ишқий оҳанглари, ишқий ва ижтимоий мотивларнинг янгича талқини.
- 4. Чўлпон шеъряти поэтикаси: янги образ ва янги вазн.
- 5. Ҳуррият эрк бермаган инқилобдан норозилик истакларидаги шеъряти.
- 6. Чўлпоннинг маърифатпаварлик ҳикоялари.
- 7. “Кеча ва кундуз” романида чоризм империясининг таназзули талқини.
- 8. Романда жаҳидчилик тилакларининг ифодаланиши.
- 9. Жаҳид - Шарафиддин Хўжаев образи.
- 10. Мирёкубнинг жаҳидчилик мавқеига ўтиши.

Адабиётлар: 8,9,16,29,30,31,32.

V. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР

1. Абдулла Авлоний драматургияси

Режа:

1. “Адвокатлик осонми?” фожеасида ҳуқуқий қарашларнинг талқини.
2. “Пинак” драмасида яроқсиз иллат ва маиший бузуқликнинг танқид қилиниши.
3. “Биз ва Сиз” драмасида янги турмуш ва янгича севги талқини.

1-машғулот бўйича дарснинг мақсади. Абдулла Авлоний драмаларида ҳуқуқий қарашнинг қашшоқлиги, маиший бузуқликнинг ярамас оқибатлари ва турмушга янгича қараш тилакларини талабалар билимига айлантириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Драматург драмаларида янгиликка интилиш истакларини тушунади.
2. Адиб драмаларидаги яроқсиз иллатларни илғай олади.
3. Драмалардаги янгича ҳаёт ва янгича муҳаббат талқинини идрок эта олади.

Ишнинг бажарилиш тартиби:

1. Абдулла Авлоний икки жилдлик танланган асарларининг(-Т.;1998) 2-жилдидаги “Адвокатлик осонми?”, “Пинак”, “Биз ва Сиз” драмалари ўқиб, ўзлаштирилади ва таҳлил қилинади.

2. “Адвокатлик осонми?” драмасидаги образларнинг ҳуқуқшунослик бўйича нодонлиги ва Давронбекнинг янгилик тарафдорлиги таҳлил қилинади.

3. “Пинак” комедиясининг тили асарнинг кулги қисташ хусусияти эканлиги ўрганилади.

4. “Биз ва Сиз”да янги турмуш ва янгича севги масалалари образлар сиймосида очиб берилади.

Дарс жиҳози:

Абдулла Авлонийнинг 2 жилдлик (-Т.; 998) асарлари, электрон адабиёт.

Манбалар:

1. Қосимов Б. ва бошқалар, Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти,-Т.; 2004
2. Баракаев Р. “Ўзбек болалар адабиёти ва Абдулла Авлоний ижоди”. –Т.; 2004.

2. Сидқий – масалнавис

Режа :

1. XX аср масалнавислигида анъана ва нуктадонлик.

2. Сидқий зарбулмасалининг ўзига хос хусусиятлари.
3. Сидқий зарбулмасалининг поэтикаси.

2-амалий машғулот бўйича дарснинг мақсади: Шоир Сидқий зарбулмасалининг XX аср масалнавислигида янги анъана яратгани ва ўзига хос фазилатларини талабалар билимига айлантириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Зарбулмасалдаги анъана ва нуктадонликни англайди.
2. Сидқий масалаларини санайди ва мазмунини идрок этади.
3. Шоир зарбулмасалининг тузилиш хусусиятини пайқайди.

Ишнинг бажарилиш тартиби:

1. XX аср масалнавислигида анъана ва нуктадонлик масаласи Ҳ.Мирҳайдаровнинг “XX аср масалнавислигида анъана ва нуктадонлик” мақоласи асосида ўрганилади.

2. Сидқий масалларининг Гулханий масалларига ўхшаш ва ноўхшаш томонларини адибнинг танланган асарларида “Ибратлар ва ҳикматлар” (180-208-бетлар) бобидаги масалларни ўқиб, ўзлаштириб, муқояса қилиш лозим.

3. “Зарбулмасали Сидқий”даги мақол, масал ва савол-жавоб шакли ўрганилиб, унинг поэтикасининг ўзига хослиги аниқланади.

Дарснинг жиҳози: электрон адабиёт ва Сидқий шоирнинг “Танланган асарлари” китоби (-Т.; 1998).

Манбалар:

1. Қосимов Б. Миллий уйғониш, - Т.; 2002.
2. Қосимов Б. ва бошқалар, Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти, -Т.; 2004.
3. Қосимов Б., Р.Жавҳарова, Дин ва дунёни ушлаган шоир // Сидқий Хондайлиқий, Танланган асарлар, -Т.; 1998.
4. Мирҳайдаров Ҳ. XX аср масалнавислигида анъана ва нуктадонлик масаласи // Ўзбек филологияси масалалари, Хўжанд, 2006.

3.Фитратнинг “Ҳинд сайёҳи баёноти” асари - ижтимоий долзарб масалалар ифодаси

Режа:

1. “Ҳинд сайёҳи баёнотида” умаро ва уламолар қиёфаси.
2. Асарда ҳинд сайёҳи образига чизгилар.
3. “Баёнот”да туб ижтимоий ислохотлар масаласи.

3-амалий машғулот бўйича дарснинг мақсади: Фитратнинг “Ҳинд сайёҳи баёноти” асаридаги ижтимоий-сиёсий, маърифий долзарб масалаларни талабалар билимига айлантириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. “Баёнот”да тасвирланган умаро, уламо фуқароларнинг қиёфасини идрок этади.
2. Асардаги ҳинд сайёҳи - Фитратнинг ўзи эканини пайқайди.
3. “Баёнот”да олға сурилган ижтимоий долзарб масалаларни тушунади.

Ишнинг бажарилиш тартиби:

1. Абдурауф Фитратнинг 2 жилдлик “Танланган асарлар”ининг биринчи жилдида келтирилган “Ҳинд сайёҳи баёноти” асарини ўқиш жараёнида умаро, уламо, фуқаро ва ҳинд сайёҳи образлари ҳамда уларнинг ҳар бирига изоҳ берилади.

2. Асарда умароларнинг жоҳиллиги, товламачилиги, уламоларнинг нафс йўлида динни бидъатга айлантириши, фуқароларнинг гўл-гумроҳлиги мисоллар асосида тавсифланади.

3. Ҳинд сайёҳи - Фитрат ўз даврининг буюк ислоҳотчиси, истиқлолчиси экани асардан айнан мисоллар келтириш орқали очилади.

4. Асарда олға сурилган ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар саналади ва уларнинг бугунги кундаги ифодаси таҳлил қилинади.

Дарснинг жиҳози: Тарқатма материаллар, кўргазмали куроллар ва Фитратнинг 2 жилдлик “Танланган асарлар”и. (-Т.; 2000).

Манбалар:

1. Абдурахмонов Ғ., Мамажонов С. Ўзбек тили ва адабиёти, -Т.; 2003.
2. Каримов Н. ва бошқалар, XX аср ўзбек адабиёти тарихи, -Т.; 1999.
3. Қосимов Б. Миллий уйғониш, -Т.; 2002.
4. Қосимов Б. ва бошқалар, Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти, -Т.; 2004.
5. Қулжонов А. Фитрат дунёси, Гулистон, 2007.

4. Сўфизоданинг ҳаёти ва адабий мероси

Режа:

1. Сўфизода – ҳақиқатгўй шоир.
2. Шоир шеъриятида миллат қайғуси.
3. Сўфизода шеъриятида Ватан қисмати.

4-амалий машғулот бўйича дарснинг мақсади:

Шоир Сўфизоданинг маҳаллий амалдорларнинг иккиюзламачилик қиёфаси, ночор халқнинг аҳволи, Ватан қайғусига бағишланган шеърляти ҳақида талабаларга тасаввур бериш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Шоирнинг маҳаллий амалдорлар башарасини фoш қилувчи шеърляти ҳақида тасаввур ҳосил қилади.
2. Шеърляридаги миллат қайғуси тилакларини англайди.
3. Ватан қисмати ва келажак тақдири ифодаланган шеърлярини таҳлил қила олади.

Ишнинг бажарилиш тартиби:

1. Сўфизода. Тароналар (-Т., 1968 йил) тўплами мутолаа қилинади ва режадаги мавзулар бўйича шеърляри таснифланади.
2. “Чуст баёнларининг бир гапхонада бир-бирлярига мақтанишляри”, “Чуст қозиси Аббосхон Ҳожимурод ўғлига жавоб” ҳажвияляри таҳлили асносида шоирнинг аччиқ тили, ҳақиқатгўй қалам соҳиблиги ўрганилади.
3. “Ватан” шеърля таҳлили воситасида шоирнинг поэтик маҳорати аниқланади.
4. “Хонимлар исминда”, “Ўқинг, оналар” шеърляри мисолида ўлка хотин-қизляри озодлиги куйланганлигини таҳлил қилиш, поэтик образлярини шарҳлаш лозим бўлади.

Дарснинг жиҳози: Сўфизоданинг “Тароналар” (-Т.;1968) китоби ва тарқатма материалляри.

Манбалар:

1. Қосимов Б. Миллий уйғониш. –Т.; 2002.
2. Қосимов Б. ва бошқалар. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти, -Т.; 2004.

5.Ҳамзанинг мардикорликка ва мухториятга бағишланган драматик асарляри

Режа:

1. “Истибдод қурбонляри” драмасида мардикорлар фoжеасининг ифодаси.
2. “Мухторият ва автономия” драмасида “Шўройи уламо” аъзоларининг фoш қилиниши.
3. Драмадаги образлярнинг комик сажжияси.

5-амалий машғулот бўйича дарснинг мақсади:

Ҳамза драмаларида мардикорларнинг фожеавий аҳволи ва “Шўройи уламо” аъзоларининг мухториятни қўлга киритиш борасида нотўғри йўл тутганлигини талабалар тасаввурига сингдириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. “Истибодод қурбонлари” драмаси қаҳрамонларининг мардикорликдаги фожеаларини идрок этади.
2. “Мухторият ёки автономия” драмасида “Шўройи уламо” уюшма аъзоларининг кирдикорларини англайди.
3. “Мухторият ёки автономия” драмаси образларининг комик характерини тасаввур қилади.

Ишнинг бажарилиш тартиби:

1. Ҳамзанинг “Истибодод қурбонлари”, “Мухторият ёки автономия” драмалари мутолаа қилинади, мавзу доираси ва образлари таҳлил этилади.
2. “Истибодод қурбонлари” драмасида мардикорликка олиш тартибининг бузилиши, маҳаллий амалдорлар фуқарони оёқости қилиши, мардикорларнинг Россия ўрмонларидаги даҳшатли ҳаётлари, уларнинг пешсафи Сайидхон образи таҳлилу талқин қилинади.
3. “Мухторият ёки автономия” драмаси қаҳрамонлари нуқтаи назаридан мухториятни тушунмаслик ҳажв қилиниши ўрганилади.
4. Драма образлари номлари ҳарфлар билан аталиши ва уларнинг нутқи орқали характер яратилиши таҳлил қилинади.

Дарснинг жиҳози: Ҳамза “Тўла асарлар” тўпламининг 3-жилди (-Т.; 1988), тарқатма материаллар.

Манбалар:

1. Каримов Н. ва бошқалар. XX аср ўзбек адабиёти тарихи, – Т.; 1994.
2. Қосимов Б. ва бошқалар. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. – Т., 2004.

6.Қодирийнинг маърифатпарварлик ижоди

Режа:

- 1.Қодирий шеърияти.
- 2.Қодирийнинг драматик ижоди.
3. “Жувонбоз”- илк фожеавий ҳикоя.

6-амалий машғулот бўйича дарснинг мақсади. Абдулла Қодирийнинг шеърияти, драмаси ва ҳикоясида акс этган Туркистон фуқароларининг аянчли аҳволи ва бидъатга ботган турмушини талабаларга тасаввур қилдириш.

Идентиф ўқув мақсадлари:

1. Қодирий шеърларининг маърифий хусусиятларини изоҳлай олади.
2. “Бахтсиз куёв” драмасида маърифатсизлик жоҳиллик эканини пайқайди.
3. “Жувонбоз”даги ярамас бидъатлар ва маърифатсизликнинг қораланишини тасаввур қилади.

Ишнинг бажарилиш тартиби:

1. “Абдулла Қодирий” (кичик асарлар),-Т.;1969) китобидаги адибнинг ҳикояси мутолаа қилиниб, берилган режа асосида таҳлил қилинади. А.Қулжоновнинг “Наср султони” монографиясидаги “Қодирий шеърляти”; “Жувонбоз” - илк фожеавий ҳикоя” боблари ўзлаштирилади (Гулистон,2006).
2. Қодирий шеърлятидаги миллат аҳволи, нобоп турмуш тарзи ва ундан чиқиш йўли ҳақида фикрларга эътибор берилади.
3. Адиб “Бахтсиз куёв” драмасининг бадиий ютуқ ва ютуқсизликлари таҳлил қилинади.
4. “Жувонбоз” ҳикоясининг фожеавий хусусиятлари талқин қилинади, унинг тилига эътибор қаратилади.

Дарснинг жиҳози:

“Абдулла Қодирий” (кичик асарлар) (-Т.;1969) ва А.Қулжоновнинг “Наср султони” китоби (Гулистон, 2006).

Манбалар:

- 1.Норматов У. Қодирий боғи,-Т.; 1994.
2. Каримов Н. ва бошқалар, XX аср ўзбек адабиёти тарихи,-Т.;1999.
- 3.Қосимов Б. ва бошқалар, Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти,-Т.; 2004.

VI. Семинар машғулоти

1. Таваллонинг ҳаёти ва адабий мероси

Режа:

- 1.Таваллонинг таржимаи ҳолига чизгилар.
- 2.Шоир шеърлятида миллат тақдири ва истикболи.
- 3.Шеърлятида Турон ва Туркистон.

1-семинар машғулоти бўйича дарснинг мақсади:

Шоир Таваллонинг фожеали ҳаёт йўли, шеърлятида мазлум халқ ҳаёти, миллат тақдири ва Ватан қисмати ифодаланган ижодини талабалар билимига кўчириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.Шоир Тавалло ҳаётига оид маълумотларни билади.
- 2.Миллат ҳаётига бағишланган шеърларини таҳлил қила билади.
- 3.Турон ва Туркистон тақдири ифодаланган шеърларни идрок этади.

Ишнинг бажарилиш тартиби:

1. “Равнакул исломия” (-Т.; 1999) тўплами ўқиб ўзлаштирилади ва режадаги масалаларга оид шеърлари таснифланади.
- 2.Таваллонинг “Турон” жамиятидаги иштироки, масъул ишларда ишлаши, ноҳақ судланиши, у айбсиз айбдор экани ўрганилади.
3. “Равнакул исломия” тўпламидаги ислом ва миллат шаъну шарафига оид шеърлар таҳлилига эътибор берилади.
- 4.Турон ва Туркистон ҳақидаги шеърлар Ватан тушунчасини инъикос этувчи шеърлар эканига асосий диққат қаратилади.

Дарс жиҳози: тарқатма материал, Таваллонинг “Равнакул исломия” (-Т.; 1993) тўплами.

Манбалар:

1. Қосимов Б. Миллий уйғониш,-Т.; 2002.
- 2.Қосимов Б. ва бошқалар.Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти,-Т.; 2004.

2.Фитрат драматургияси**Режа:**

1. Фитрат драматургиясида ҳиндларнинг миллий истиқлол учун кураш тилаклари ифодаси.
2. Ҳинд ихтилолчиларининг фожеали ҳаёти.
3. “Мозий истиқболнинг тарозисидир” (Беҳбудий).

2-семинар машғулоти бўйича дарснинг мақсади. Фитрат драматургиясида мазлум шарқ мавзусининг ёритилиши драмалари қаҳрамонларининг миллий озодлик учун кураши ва тарихий ҳақиқатнинг замонага хизмат қилишини талабалар шуурига сингдириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. “Чин севиш” драмасидаги ҳиндистонликларнинг инглизлар истибдодига норозилик туйғусини идрок этади.
2. “Ҳинд ихтилолчилари” драмасида миллий озодлик курашини изохлай олади.
3. “Абулфайзхон”да нобоп давлат бошқариш сиёсатининг ифодаланишини тасаввур қилади.

Ишнинг бажарилиш тартиби:

1. Фитрат “Танланган асарлар” (-Т.; 2000) икки жилдligининг биринчи жилдидаги “Чин севиш”, “Ҳинд ихтилолчилари”, “Абулфайзхон” каби драмалари мутолаа қилинади.

2. “Чин севиш” драмасида хиндистонликларнинг миллий озодликка эришиши учун ҳаракатлари образлар орқали очиб берилади.

3. “Ҳинд ихтилолчилари”да озодлик ва эрк учун кураш жараёни таҳлил қилинади.

4. “Абулфайзхон” драмасида давлат бошлиғининг ноҳолислик билан иш тутиши фожеага олиб келиши ифодалангани таҳлил қилинади.

5. Ҳар учала драма жаҳидларнинг миллий мустақиллик учун олиб борган курашларига у ёки бу аснода ишора эканлиги идрок этилади.

Дарс жиҳози:

Фитратнинг 2 жилдлик “Танланган асарлари” (-Т.;2000), Абдурауф Фитрат, Чин севиш,-Т.;1995, кўргазмали қуроллар.

Манбалар:

1.Каримов ва бошқалар, XX аср ўзбек адабиёти тарихи,-Т.;1999.

2.Қосимов Б. Миллий уйғониш,-Т; 2002.

3.Қосимов Б. ва бошқалар, Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти,-Т.;2004

3. Ҳамзанинг “Заҳарли ҳаёт” драмасида маърифат ва инсон эрки учун кураш тилаклари

Режа:

1.”Заҳарли ҳаёт” драмасида маърифатнинг улуғланиши.

2. Маърифатсизликнинг интиҳоси-фожеа.

3. Юртнинг “офтоби ва моҳитоби” - ёшлар образи.

3-семинар машғулоти бўйича дарснинг мақсади. “Заҳарли ҳаёт” драмасида маърифатнинг нури инсон озодлиги ва эрки учун маёқ эканини талабалар шуурига сингдириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Драмадаги маърифатсизликнинг оқибати фожеа эканини изоҳлай олади.

2. Маърифат инсон эрки учун ҳидоят этишини англайди.

3. Оз сонли маърифат соҳиблари бўлган юртда инсон эмин-эркинлиги ва жамиятнинг озодлиги амалга ошмаслигини изоҳлай олади.

Ишнинг бажарилиш тартиби:

1. Ҳамзанинг “Тўла асарлар тўплами”нинг 3- жилдидаги “Заҳарли ҳаёт” драмаси юқорида берилган режа асосида ўзлаштирилади.

2. Инсон эрки ва муҳаббатига ғов бўлган замона бидъати Мирзаҳамдам бой ва эшон образи орқали очиб берилади.

3. Марям ўз даврининг ўқимишли ва жамиятнинг ўзгаришини истаган ўзбек аёллари вакили экани шарҳланади.

4. Маҳмуд ўз даврининг зиёлиси бўлса-да, унда курашчанлик, жасурлик етишмаслиги, руҳий тушкунлик гирдобида ўралашиб қолган шахс экани талқин қилинади.

5. Сора ва Зайнаб - тақдирига тан берган ўзбек муштипар аёллари сифатида талқин этилади.

Дарс жиҳози:

Ҳамза. Тўла асарлар тўплами,-Т.;1998, 3-жилд, талабалар ижросида Маҳмуд ва Марямхон диалоглари сахна кўринишида берилади.

Манбалар:

- 1.Каримов Н. ва бошқалар, XX аср ўзбек адабиёти тарихи,-Т.;1999.
- 2.Қосимов Б. ва бошқалар. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти,-Т.; 2004.
- 3.Ўзбек адабиёти, 11-синф учун дарслик,-Т.;2000.
- 4.Ўзбек адабиёти (мажмуа),11-синф учун,-Т.;2000.

4. Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романида истиқлол тилаклари

Режа:

1. “Ўткан кунлар” романининг пафоси масаласи.
2. Романда маҳаллий амалдорларнинг ўзаро низолари ва халқнинг аянчли аҳволи.
3. Юрт дахлсизлиги учун интилиш истаклари.

4-семинар машғулоти бўйича дарснинг мақсади: “Ўткан кунлар” романининг пафосини аниқлаш асосида ундаги мустақиллик учун интилиш истаги ва тилакларини талабалар шуурига сингдириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. “Ўткан кунлар” романи пафосини аниқ идрок этади.
2. Романдаги қорачопонлилар ва қипчоқлар тўқнашувининг туб моҳиятини аниқлай олади.

3. Романда Русия империяси истибдодидан озод бўлиш истагини изохлай олади.

Ишнинг бажарилиш тартиби:

1. Абдулла Қодирий “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён” (-Т.,1992) китобидан “Ўткан кунлар” романи мутолаа қилиниб, унинг пафоси ва мустақиллик учун саъй-ҳаракат ифода этилган туйғулар ўрганилади.

2. “Ўтган кунлар” романида Отабекнинг Шамайга қилган саёҳати ва таассуротлари натижасида унда ҳосил бўлган ўзгаришлар идрок қилинади.

3. Романда қорачопонлилар сардорлари маслаҳати ва унга нисбатан Юсуфбек ҳожининг муносабати ўрганилади ҳамда баҳоланади.

4. Романнинг бош қаҳрамони Отабекнинг қипчоқ қирғини ва Рус империясига муносабати матн сирасида ўрганилади ва талқин қилинади.

Дарснинг жиҳози: Абдулла Қодирий, “Ўтган кунлар”, “Меҳробдан чаён”, (-Т.; 1992, “Ўзбек адабиёти” (мажмуа, 1991), 11-синф учун хрестоматияси.

Манбалар:

- 1.Норматов У. Қодирий боғи,-Т.; 1994.
2. Каримов Н. ва бошқалар, XX аср ўзбек адабиёти тарихи,-Т.;1999.
- 3.Қосимов Б. ва бошқалар, Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти, -Т.; 2004.

5. Чўлпоннинг “Дўхтур Муҳаммадиёр” ҳикоясида зиёли образи ва тадбиркорликнинг улуғланиши

Режа:

1. “Дўхтур Муҳаммадиёр” ҳикоясида маърифатсизликнинг қораланиши ва оила тарбиясида фарзанд камоли масаласи.
2. Маҳаллий ёшларнинг хорижда таҳсил олишининг омили ва самаралари ҳақида.
3. Дўхтур Муҳаммадиёрнинг тадбиркорлик фаолияти-муваффақиятлар гарови.

5-семинар машғулоти бўйича дарснинг мақсади: Чўлпоннинг “Дўхтур Муҳаммадиёр” ҳикоясида маърифат, хорижда таҳсил олиш, тадбиркорлик билан шуғулланиш инсон маънавий ўзгаришининг омили эканини талабалар тасаввурига сингдириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Чўлпон “Дўхтур Муҳаммадиёр” ҳикоясининг жанр хусусиятларини ажрата билади.
2. Ҳикоядаги маърифатнинг ҳаётбахш аҳамиятини илғай олади.

3. Ҳикоядаги Муҳаммадиёрнинг тадбиркорлигини идрок этади.

Ишнинг бажарилиш тартиби:

1. Чўлпон танланган асарлари 2 томлигининг 1-томидан “Дўхтур Муҳаммадиёр” ҳикояси мутолаа қилинади.

2. Ҳикоядаги ҳожи Аҳмаднинг маърифатпарварлик сабоқлари матндан аниқланади ва таҳлил этилади.

3. Дўхтур Муҳаммадиёрнинг таълим олиш фаолияти алоҳида ўрганилади ва баҳоланади.

4. Дўхтур Муҳаммадиёрнинг тадбиркорлик фаолияти бугунги тадбиркорлик билан муқояса қилинади.

Дарснинг жиҳози: Чўлпон. Танланган асарлар. 1-2-жилд. –Т.; 1993.

Манбалар:

1. Чўлпон. Танланган асарлар. 1-2-жилд. – Т.; 1993.

2. Ўзбек адабиёти. Мажмуа (– Т.; 1999). 11-синф учун хрестоматия.

3. Каримов Н. ва бошқалар, XX аср ўзбек адабиёти тарихи, -Т.; 1999.

4. Қосимов Б ва бошқалар. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти, -Т.; 2004.

5. Шарафиддинов О. Чўлпон. Шоир ҳақидаги ривоятлар ва ҳақиқатлар, -Т.; 1991.

6. Каримов Н. Чўлпон, -Т.; 1991.

6. Чўлпон шеърляти

Режа:

1. Чўлпоннинг илк шеърлятида маърифатпарварлик тилаклари.

2. Шоир шеърлятида мустақиллик учун кураш туйғулари.

3. Чўлпон шеърляти поэтикаси.

6-семинар машғулоты бўйича дарснинг мақсады:

Талабаларга Чўлпон шеърлятининг маърифат, мустақиллик учун кураш истаклари, эрк, озодлик, хуррият мотивлари ҳақида билим бериш.

Идентив ўқув мақсадлары:

1. Чўлпоннинг маърифий шеърлярини идрок этади.

2. Шоирнинг мустақиллик учун курашчан назмиётини таҳлил қила олади.

3. Чўлпон шеърляти поэтикасини изоҳлай олади.

Ишнинг бажарилиш тартиби:

1. Чўлпон, Танланган асарлар 2 жилд (-Т.; 1993) нинг 1-жилдидан ўрин олган шеърларини юқоридаги режа асосида ўрганилади ва таснифланади.
2. “Туркистонли қариндошларимизга”, **“Озод турк байрами”**, “Гўзал Туркистон” шеърлари таҳлили асосида шоирнинг юрт қайғуси ва унинг маърифий янгилиниши ҳақида қарашлари таҳлил қилинади.
3. “Бузилган ўлкага” шеъри ижтимоий-тарихий нуқтаи назаридан таҳлил қилиниб, ундаги поэтик образлар шарҳланади.
4. “Қўзғалиш”, “Қурбон”, “Пўртана”, “Халқ”, “Кишан” шеърларини таҳлил қилиш орқали шоирнинг истиқлол тилаклари очиқ берилади.
5. Шоир шеърияти поэтикаси: бармоқ вазни, сарбаст вазни, қофия, турок, ритмдаги эркинлик кузатилади ва хулосаланади.

Дарс жиҳози:

Чўлпоннинг икки жилдлик танланган асарлари (-Т.; 1993), тарқатма материаллар.

Манбалар:

1. Каримов Н. ва бошқалар, XX аср ўзбек адабиёти тарихи, -Т.; 1999.
2. Қосимов Б. ва бошқалар. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти, -Т.; 2004.
3. Шарафиддинов О. Чўлпон. Шоир ҳақидаги ривоятлар ва ҳақиқатлар, -Т.; 1991.
4. Каримов Н. Чўлпон, -Т.; 1991.

7. Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романида миллий уйғониш саъй-ҳаракатлари ғояси

Режа:

1. Русия империясининг маънавий-ахлоқий таназзулига чизгилар.
2. Ўлкада миллий уйғонишнинг ниш ура бошлаши.
3. Шарафиддин Хўжаев ва Мирёқуб образларида янги даврга хос хусусиятлар.

7-семинар бўйича дарснинг мақсади: “Кеча ва кундуз” романидаги жадиличлик ғояси ва миллий уйғонишнинг кўриниш бера бошлаш тилакларини талабалар билимига кўчириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Ўлкадаги Русия империяси истибдоди таназзулга юз тута бошлашини изоҳлайди.
2. Ерли халқлар шуурида миллий уйғониш юз бераётганини идрок этади.

3. Ш.Хўжаев ва Мирёкуб образларидаги жади́дчи́лик тилакларини таҳлил қила олади.

Ишнинг бажарилиш тартиби:

1. Чўлпоннинг икки жилдлик Танланган асарларининг (-Т.;1993) иккинчи жилдидан ўрин олган “Кеча ва кундуз” романи мутолаа қилиниб, юқорида келтирилган режадаги саволларга жавоб топилади.

2. Россия империясининг ўлкадаги ижтимоий ва маънавий-ахлоқий (ноиб тўра) таназзули, Қумқишлоқдаги кўзғолон, бойларнинг норозилигини таҳлил қилиш орқали миллий уйғониш ниш бериши пайқалади.

3.Маҳаллий амалдорларнинг ҳукуматни бошқаришдаги ноқонунийликка йўл қўйиши Акбарали образи ва Зебини суд қилиш лавҳалари орқали ўрганилади.

4. Жади́дчи́ликнинг шаклланиш жараёни, унинг жамият ўзгаришидаги роли Ш.Хўжаев ва Мирёкуб образлари воситасида очиб берилади.

Дарс жиҳози: Чўлпоннинг икки жилдлик танланган асарлари (-Т.; 1993), тарқатма материаллар.

Манбалар:

1. Каримов Н. ва бошқалар, XX аср ўзбек адабиёти тарихи, -Т.; 1993.
2. Қосимов Б. ва бошқалар. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти, -Т.; 2004.
3. Шарафиддинов О. Чўлпон. Шоир ҳақидаги ривоятлар ва ҳақиқатлар, -Т.; 1991.
4. Каримов Н. Чўлпон, -Т.; 1991.

VIII. Талабанинг мустақил иш топшириқлари

1-мавзу: Жади́д адабиёти мустақил адабиёт сифатида

Мавзуни ўзлаштириш асосида қуйидаги бандларга ёзма ва оғзаки изоҳ тайёрлаш:

1. “Жади́д адабиёти - маърифатпарвар адабиёт”, деган қарашга муносабат билдириш.

2.Жади́д адабиётини мустақил адабиёт сифатида тавсифлаш.

1.3. Мустақил уй вазифаси:

1.Жади́д адабиётини мумтоз адабиётдан фарқлаш.

2.Жади́д адабиётининг Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти билан уйғунлигини изоҳлаш.

1.4. Реферат мавзуси: Жади́д адабиёти - яхлит ва мустақил адабиёт.

1.5.Конспект тузиш ва юқоридаги масалаларни ёритиш учун адабиётлар:

Қосимов Б. ва бошқалар (-Т.; 2004); “Миллий уйғониш даври ўзбек адабиётининг илк босқичи” фасли, 5-181-бетлар; Шарафиддинов О. 20-30-йиллардаги ҳукмрон мафкура ва жаид адабиёти// Жаидчилиқ: ислохот, янгиланиш, мустиқиллик ва таракқиёт учун кураш (тўплам),-Т.; 1999, 188-201-бетлар.

1.6.1-17- гача бўлган тест саволларини ечиш.

2-мавзу: Жаидчилиқ ҳаракатининг ижтимоий-сиёсий моҳияти

Мавзунини ўзлаштириш асосида қўйидаги бандларга ёзма ва оғзаки изоҳ тайёрлаш.

1.Жаидчилиқ ҳаракатининг ижтимоий-сиёсий моҳиятини ёритиш.

2.Жаидчиларнинг давлат тузуми, ислохот, эрк ва озодликка эришиш режаларини изоҳлаш.

2.2 Мустиқил уй вазифаси:

1.Жаидчилиқ ҳаракатининг хориж ва Туркистонда тарқалишини ўрганиш.

2.Жаидчиларнинг сиёсий қарашини шарҳлаш.

3.Жаидчиларнинг янгича давлат ва тузум ҳақидаги қарашларини ўрганиш.

2.4 Реферат мавзуси : Жаидчиларнинг янгича ижтимоий-сиёсий тафаккури.

2.5. Юқоридаги масала ва мавзу бўйича алоҳида конспект тайёрлаш учун адабиёт:

Алаимова Д.А. Жаидчилиқ ҳаракатининг ижтимоий-сиёсий моҳияти ва жаидлар тафаккури // Жаидчилиқ: ислохот, янгиланиш, мустиқиллик ва таракқиёт учун кураш. -Т.;1999, 35-53-бетлар.

2.6.18-35-гача бўлган тест саволларини ечиш.

3-мавзу: Жаидчилиқ ҳаракатида “Шўройи исломия”нинг роли

3.1. Мавзунини ўзлаштириш асосида қўйидаги бандларга ёзма ва оғзаки изоҳ бериш:

1. “Шўройи исломия”нинг ташкил топиш омиллари ва истиқбол режаси. “Миллий иттиҳод” ташкилоти ва унинг дастури.

3.2.Мустиқил уй вазифаси: К.Ражабовнинг “Жаидлар-истиқлолчилиқ ҳаракатининг ғоявий раҳнамолари” // ”Жаидчилиқ: ислохот, янгиланиш, мустиқиллик ва таракқиёт учун кураш (тўплам, -Т.; 1999, 174-188-бетлар) мақоласини конспект қилиш орқали юқоридаги саволга жавоб топиш.

3.4. Реферат ёзиш: Жаидчилиқ ҳаракатининг бухоролик раҳнамолари.

3.5. Конспект тузиш: К.Ражабовнинг юқорида эслатилган мақоласи асосида.

3.6. 36-53-гача бўлган тест саволларини ечиш.

4-мавзу: Туркистон мухторияти ва миллий демократик давлат ғоялари

4.1. Мавзуни ўзлаштириш асосида қуйидаги бандларга ёзма ва оғзаки жавоб бериш:

1. Туркистон мухториятининг мустақиллик учун кураш тилаклари.

2. Туркистон мухториятининг истиқбол режаси.

4.2. Мустақил уй вазифаси: С.Аъзамхўжаевнинг “Туркистон мухторияти-жадидлар миллий давлатчилиқ ғояларининг амалдаги ифодаси” //Жадидчилиқ: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш” (-Т.; 1999, 152-174-бетлар) мақоласи асосида юқоридаги икки саволга изох топиш.

4.3. Реферат мавзуси: Туркистон мухторияти - жадидчилиқ ҳаракатининг бош муддаоси.

4.4. Конспект учун адабиёт 3.4. бандда кўрсатилган.

4.5. 54-71-гача бўлган тест саволларини ечиш.

5-мавзу: Жадид адабиёти - Миллий уйғониш даври ўзбек адабиётининг негизи

5.1. Мавзуни ўзлаштириш асосида қуйидаги бандларга ёзма ва оғзаки шарҳ бериш:

1. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиётининг асосий хусусиятларини изохлаш.

2. Жадид адабиёти Миллий уйғониш адабиётининг чўққиси эканини шарҳлаш.

5.2. Мустақил уй вазифаси:

Қосимов Б. ва бошқалар, Адабий ҳаёт// Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти,-Т.; 2004, 21-27-бетлар, Қосимов Б., Адабиёт - миллат ойнаси// Миллий уйғониш, -Т.; 2002, 123-128-бетлар, мақоласи асосида 5-банднинг 1-2- саволларига жавоб топиш.

5.3. Реферат мавзуси: “Адабиёт яшаса, миллат яшар”.

5.4. Конспект тузиш учун адабиётлар 5.2-бандда берилган.

5.5. 72-89-гача бўлган тест саволларини ечиш

6-мавзу: Жадид шеъриятида мардикорлар образи талқини

6.1 Мавзуни ўзлаштириш асосида қуйидаги бандларга ёзма ва оғзаки шарҳ бериш:

1. Ҳамзанинг мардикорларга бағишланган шеърлари.

2. Сидқийнинг мардикорлар аҳволига бағишланган ғазаллари.

6.2. Мустақил уй вазифаси:

Ҳамзанинг “Соғиниб”, “Салом айтинг”, Сидқийнинг “Рабочийлар намоиши”, “Рабочийлар келиши”, “Сизларга мужда” шеърлари мутолаа қилинади ва таҳлил этилади.

1.Ҳамза шеърларидаги мунгли, муштипар мардикорнинг поэтик образи.

2.Сидқийнинг “Сизларга мужда” ғазалида хонахароб мардикорлар ҳаёти талқин этилади.

6.3. Сидқийнинг “Рабочийлар келиши” шеъри асосида реферат ёзиш.

6.4. “Рабочийлар келиши” мухаммасининг поэтикаси ёзма равишда ўрганилади.

6.5.90-107-гача бўлган тест саволларини ечиш

6.6. Абдулла Авлонийнинг “Мардикорлар ашуласи” шеъри бўйича тезис тайёрлаш.

7-мавзу: Жаид публицистикаси

7.1. Мавзуни ўзлаштириш асосида қуйидаги бандларга ёзма ва оғзаки шарҳ бериш:

1.Бехбудийнинг “Саёҳат хотиралари” мақоласида маърифий, адабий-эстетик масалаларни аниқлаш.

2.Фитратнинг “Мухторият”, “Шарқ сиёсати”, “Тилимиз”, “Ёпишмаган гажаклар” мақолаларидаги истиқлол ва адабий-эстетик қарашларни изоҳлаш.

7.2. Мустақил уй вазифаси:

1.Бехбудийнинг публицистик мақолаларидаги адабий-эстетик тушунчаларни ўрганиш.

2.Фитратнинг “Мухторият” мақоласидаги мустақиллик тилакларини таҳлил қилиш.

7.3. Реферат ёзиш: Фитратнинг “Тилимиз” мақоласида тилнинг софлиги масаласи.

7.4. Конспект ёзиш ва юқоридаги масалаларни ёритиш учун адабиётлар:

Қосиимов Б. Миллий уйғониш, -Т.; 2002, 50-740-бетлар;
О.Шарафиддинов. 20-30-йилларда жаид адабиёти//Ижодни англаш бахти, -Т.; 2004, 152-166-бетлар.

7.5. 108-125-гача бўлган тест саволларини ечиш.

Манба: Абдурауф Фитрат, Чин севиш, -Т.; 1995, 237-241-бетлар.

8-мавзу: Фитратнинг “Ҳинд ихтилолчилари” драмасида истиқлол тилаклари

8.1 Мавзуни ўзлаштириш асосида қуйидаги бандларга ёзма ва оғзаки шарҳ бериш:

1. “Ҳинд ихтилолчилари” да ҳиндистонликларнинг миллий озодлик учун олиб борган курашлари.

2. “Ҳинд ихтилолчилари” драмасининг ғоявий-бадiiй тилаклари ва Туркистон истиқлоли масаласи.

8.2. Мустақил уй вазифаси:

“Ҳинд ихтилолчилари” драмаси мутолаа қилинади ва таҳлил этилади:

1. Курашчилар образлари.
2. Ёвуз кучлар образлари таснифланади.
- 8.3. “Драмада ёт кучлар образлари” мавзусида реферат ёзиш.
- 8.4. Драмани таҳлил қилиш учун адабиётлар:
Каримов Н. ва бошқалар, XX аср ўзбек адабиёти тарихи, -Т.; 1999, 113-137-бетлар, Қулжонов А. Фитрат дунёси, Гулистон, 2007, 145-168-бетлар.
- 8.5. 126-143- гача бўлган тест саволларини ечиш
- 8.6. Драмадаги Раҳимбахш образига тезис ёзиш.

9-мавзу: Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романида муҳаббатнинг янги талқини

- 9.1. Мавзунини ўзлаштириш асосида қуйидаги бандларга ёзма ва оғзаки шарҳ бериш:
 1. Ноанъанавий кундошлик балоси фожеага олиб келиши.
 2. Отабек ва Кумуш севгилари - янги тафаккурнинг меваси.
- 9.2. Мустақил уй вазифаси:
 1. Абдулла Қодирий, “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён” (-Т.; 1992) китобининг “Кутилган бахт”, “Бек ошиқ”, “Унутмайсизми?”, “Мактуб”, “Кумушнинг сўз ўйини” каби бобларини мутолаа қилиш.
 2. Мазкур боблар асосида Отабек ва Кумушнинг анъанавий ҳамда янги талқини севгиларини мушоҳада қилиш.
- 9.3. Реферат ёзиш: “Севгига садоқат”.
- 9.4. 144-161-гача бўлган тест саволларини ечиш.
- 9.5. Кумуш севгиси ва бугунги ёшлар мавзусида ёзма иш ёзиш.

10-мавзу: Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романида янги интим муносабатлари талқини

- 10.1. Мавзунини ўзлаштириш асосида қуйидаги бандларга ёзма ва оғзаки изоҳ тайёрлаш:
 1. Мирёқуб-шаклланаётган жаҳид образи.
 2. Мирёқуб ва Марям муносабатлари-янги тафаккур меваси.
- 10.2. Мустақил уй вазифаси:
 1. Чўлпон “Кеча ва кундуз” (-Т.; 1993) романи (2-жилд)нинг XII боби (167-188 бетлар) мутолаа қилинади.
 2. “Кеча ва кундуз” романининг XVII боби (230-230-бетлар) ўқилади.
- 10.3. XII (167-188-бетлар) ва XVII (130-132-бетлар) боблар конспект қилинади ва янги талқин бораётган Мирёқуб ва турмушга покиза қалб билан қайта кириб бораётган Марям образлари талқин қилинади.
- 10.4. 162-169-гача бўлган тест саволларини ечиш.
- 10.5. “Мирёқубда жаҳидчилик тафаккурининг шаклланиши” мавзусида ёзма иш тезисини тайёрлаш.

ТЕСТ САВОЛЛАРИ:

Умумий масалалар

1. “Жадид” сўзи қайси тилдан олинган?
А) форс;
Б) юнон;
В) лотин;
Г) араб.
2. “Жадид” сўзининг маъноси?
А) ўзгариш;
Б) тараққий;
В) янги;
Г) анъана.
3. Шарқ минтақасида “жадид” сўзини ким биринчи қўллаган?
А) Ғаспнали;
Б) Заки Валидий;
В) Авлоний;
Г) Беҳбудий.
4. “Жадид” сўзини ўзбек маърифатпарварларидан ким биринчи ишлатган?
А) Ҳамза;
Б) Фитрат;
В) Авлоний;
Г) Беҳбудий.
5. Биринчи жадид газетаси нима деб аталган?
А) “Ойна”;
Б) “Хуршид”;
В) “Таржимон”;
Г) “Турон”.
6. “Жадидчилик” деганда нимани тушунаси?
А) оқим;
Б) йўналиш;
В) ижтимоий ҳаракат;
Г) уюшма.
7. Жадид адабиётининг предмети нима?
А) XIX асрнинг охири XX асрнинг бошлари Туркистон адабий муҳити;
Б) Туркистон мухторияти;
В) Қўқон мухторияти;
Г) Бухоро жадидчилик ҳаракати.
8. Жадид адабиёти қачондан бошлаб мустақил фан сифатида ўтила бошланди?
А) октябр тўнтарилишигача;
Б) октябр тўнтарилишидан кейин;
В) Миллий уйғониш даврида;

- Г) мустақиллик даврида.
9. Миллий уйғониш қачондан бошланган?
- А) IX – XI асрлар;
Б) XI-XV асрнинг иккинчи ярми;
В) XIX аср;
Г) XIX асрнинг охири ва XX асрнинг боши.
10. Миллий уйғониш тушунчаси қайси жавобда?
- А) цивилизация;
Б) уйғониш;
В) миллий ҳаракат;
Г) миллий ўз-ўзини англаш.
11. Миллий уйғониш даври қачондан бошланган?
- А) XIX асрнинг охириги чораги;
Б) XIX асрнинг ўрталари;
В) XX асрнинг боши;
Г) XX асрнинг йигирманчи йиллари.
12. Миллий уйғониш қандай шаклда таркиб топди?
- А) маърифатчилик;
Б) жади́дчилик;
В) ғоявий оқим;
Г) иттиҳод.
13. Ўзбек адабиётининг чўққиси қайси давр?
- А) X-XI аср;
Б) XIV аср;
В) XV аср;
Г) жади́д адабиёти.
14. Жади́дчилик ҳаракатининг назарий асосчиси ким?
- А) Заки Валидий;
Б) Исмоил Ғаспрали;
В) Мирзо Фатали Охунзода
Г) Бехбудий.
15. Жади́дия мактаби қандай таълим усули?
- А) янги тип мактаб;
Б) рус-тузем мактаби;
В) қадим мактаби;
Г) мадраса мактаби.
16. Усули савтия қандай таълим?
- А) товуш-ҳарф таълим усули;
Б) товуш усули;
В) ҳарф усули;
Г) Ҳафтияк таълим усули.
17. Қадимчилар кимлар?
- А) газета ўқувчилар;

- Б) газета ўқимайдганлар;
В) янги мактаб тарафдори;
Г) эски мактаб тарафдорлари.
18. Жаидчилар кимлар?
А) янги таълим тарафдорлари;
Б) эски мактаб тарафдорлари;
В) газета ўқувчилар;
Г) тузем мактаб тарафдорлари.
19. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти қайси адабиёт билан ҳамоҳанг ривожланди?
А) XII аср адабиёти;
Б) XV аср адабиёти;
В) янги ўзбек адабиёти;
Г) жаид адабиёти.
20. Жаид адабиётининг даврини аниқ кўрсатинг.
А) 1864-1905;
Б) 1905-1929;
В) 1910-1925;
Г) 1910-1917.
21. Жаид адабиётининг чўққи тараққиёт даврини айтинг.
А) 1905-1910;
Б) 1910-1925;
В) 1910-1916;
Г) 1905-1925.

Биринчи мавзу бўйича:

22. Ҳукмрон мафкура нима?
А) тоталитар мафкура;
Б) миллий уйғониш мафкураси;
В) жаид мафкураси;
Г) истиқлол мафкураси.
23. Ҳукмрон мафкура жаид адабиётини аксил-реакцион адабиёт дейиши тўғрими?
А) жаид адабиёти - миллий уйғониш даври адабиёти;
Б) тўғри;
В) нотўғри;
Г) жавоб йўқ.
24. Жаид адабиётини инқилоб адабиёти дейиши тўғрими?
А) тўғри;
Б) нотўғри;
В) жавоб йўқ;
Г) мутлақо нотўғри.
25. Ҳукмрон мафкура қандай манфаатдан келиб чиқар эди?

- А) пролетар;
Б) синфий;
В) А, Б;
Г) коммунистик кўзқараш.
26. Октябр тўнтарилишидан сўнг жадинчилик қандай гуруҳларга бўлинди?
А) аксил ҳаракат доирасида турувчилар;
Б) шўролар мавқеини ёқловчилар;
В) бетараф турувчилар;
Г) А, Б, В.
27. Жадинчиларни шўро тузумидан қандай ғоя четлаштирди?
А) коммунистик ғоя;
Б) синфий-кураш ғояси;
В) мафкуравий ғоя;
Г) А, Б, В.
28. Жадин адабиёти нима учун аксил инқилобий адабиёт деб баҳоланди?
А) октябрнинг “меvasи” бўлмагани учун;
Б) “Яша, Шўро!” деб куйламагани учун;
В) коммунизмни улуғламагани учун;
Г) ижод мезони “социалистик реализм” бўлмагани учун + А, Б, В.
29. Янги ўзбек адабиётининг пойдевори қайси жавобда?
А) Мумтоз адабиёт;
Б) Миллий уйғониш даври адабиёти;
В) Қардош халқлар адабиёти;
Г) Жадин адабиёти.
30. Жадин адабиётини яхлит ва мустақил адабиёт деб бўладими?
А) йўқ;
Б) ярим мустақил;
В) яхлит адабиёт;
Г) мустақил + В.
31. Октябр тўнтарилишидан сўнг жадинлар ўз фаолиятларини тўхтатдиларми?
А) йўқ;
Б) ярим тўхтатди;
В) тарқаб кетди;
Г) давом эттирди.
32. Йигирманчи йилларда синфий курашнинг баҳо мезони қайси жавобда берилган?
А) мулк;
Б) зиёли;
В) А, Б;
Г) деҳқон.
33. Хусусий мулкдор янги (шўро) жамиятининг душманими?
А) йўқ;

Б) ярим тўғри;

В) А, Г;

Г) дўсти.

34. Миллий зиёли душманми?

А) йўқ;

Б) замонавий зиёли бўла олмайди;

В) миллий зиёли келажак жамиятнинг мафкурачиси бўла олади;

Г) миллий зиёлини инкор қилиш керак.

35. Кимнинг қайси мақоласида миллий зиёли “зиёнли”, деб эълон қилинди?

А) Абдулҳай Тожи, “Миллий зиёлилар ўртасида ишлаш тўғрисида”;

Б) Ф.Хўжаев, “Бухоро инқилоби тарихига доир”;

В) Зиё Саид, “Зиёлилар масаласи устида”;

Г) Иброҳим Сулаймон, “Зиёлиларнинг синфий вазияти”.

36. “Қора маёқлар” кимлар?

А) жадиждилар;

Б) миллий зиёлилар;

В) замонавий зиёлилар;

Г) аксил жадиждилар.

37. “Оқ маёқлар” кимлар?

А) аксил жадиждилар;

Б) миллий зиёлилар;

В) замонавий зиёлилар;

Г) жадиждилар.

38. Миллий зиёли нимага нисбатан замонавий зиёли бўла олмайди?

А) хусусий мулкка нисбатан;

Б) динга нисбатан;

В) А, Б, Г;

Г) миллийликка нисбатан.

39. “Қора маёқлар” китобининг муаллифи ким?

А) Абдулҳай Тожи;

Б) Зиё Саид;

В) О.Иброҳимов;

Г) А.Икромов.

40. Қодирий “буржуа зиёлиси” сифатида кимнинг мақоласида бадном қилинди?

А) М.Шевердин;

Б) С.Бородин;

В) Зиё Саид;

Г) О.Иброҳимов.

41. “Чўлпончилик” атамасини ким биринчи ишлатган?

А) Зиё Саид;

Б) Ф.Хўжаев;

- В) А.Икромов;
Г) М.Шевердин.
42. “Чўлпончилик” атамасида Чўлпон ижодининг қайси жиҳати назарда тутилган?
А) миллатчилик;
Б) босмачилик;
В) аксил инқилобчилик;
Г) жаидчилик.
43. “Чўлпон Шоирни қандай текшириш керак?” мақоласининг муаллифи ким?
А) Усмонхўжа;
Б) Ойбек;
В) Зиё Саид;
Г) Миёнбузрук.
44. Мустақиллик даврига келиб, жаид адабиёти вакиллари қандай аталди?
А) “Ватан хоинлари”;
Б) миллат фидойилари;
В) миллатчилар;
Г) шаҳидлар.

Иккинчи мавзу бўйича:

45. Жаидчилик ҳаракатининг пайдо бўлишидаги ташқи омиллар қайси жавобда?
А) 1905-йил “Қонли якшанба”;
Б) 1908-йил Туркия қўзғолони;
В) А, Б, Г;
Г) Эрон конституцион-маршрурият ҳаракати.
46. Жаидчиликнинг пайдо бўлишидаги ички омиллар қайси жавобда?
А) Дукчи Эшон ҳаракати;
Б) Пўлатхон қўзғолони;
В) А, Б, Г;
Г) миллий зиёлиларнинг етишиб чиқиши.
47. Жаидчилик қандай ҳаракатлиги қайси жавобда?
А) оддий оқим;
Б) маърифий ҳаракат;
В) ижтимоий ҳаракат;
Г) ижтимоий-синфий ҳаракат.
48. “Жаид” сўзининг кенг маъноси қайси жавобда?
А) янги давр;
Б) А, В, Г;
В) янги авлод;
Г) янги қараш.
49. Жаидчиликнинг пайдо бўлиш негизлари қайси жавобда?

- А) янги мактаб;
 - Б) янги матбуот;
 - В) янги театр;
 - Г) А, Б, В.
50. Жади́дчи́лик ҳаракатининг мақсадлари қайси жавобда?
- А) ўрта асрчиликдан қутулиш;
 - Б) А, В, Г;
 - В) тенглар орасида ўзни тенг кўриш;
 - Г) мустақилликка эришиш.
51. Рус империяси истибдодидан қутулиш йўли қайси жавобда?
- А) рус истибдодидан озод бўлиш;
 - Б) рус маърифатидан фойдаланиш йўли билан;
 - В) ҳамкорлик қилиш йўли билан;
 - Г) Б, В.
52. Шарқдаги кетма-кет “портлашлар” қайси жавобда?
- А) Ҳиндистон (1905-1908);
 - Б) Туркия (1908);
 - В) Эрондаги конституцион ҳаракат (1905-1911);
 - Г) А, Б, В+ Хитой (1911-1913).
53. Туркистонга қайси газета ва журналлар кириб келди?
- А) Б, В, Г+ “Мулла Насриддин”;
 - Б) “Таржимон”;
 - В) “Юлдуз” (Қозон);
 - Г) “Вақт” (Оренбург).
54. Туркистонда жади́дларнинг пайдо бўлишидаги омиллар қайси жавобда?
- А) биринчи омил – 1905 йил “Қонли якшанба”;
 - Б) иккинчи омил – Кавказorti, Озарбайжон, Татаристондаги жади́длар ҳаракати;
 - В) учинчи омил – дунёнинг бошқа минтақаларидаги ижтимоий кўзғалишлар;
 - Г) А, Б, В.
55. Туркистонда қайси ҳудудларда жади́дчи́лик ҳаракати юзага келди?
- А) Тошкент, Сирдарё;
 - Б) Бухоро, Хоразм;
 - В) Самарқанд, Андижон;
 - Г) Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Фарғона;
56. “Миллий истиқлол” ташкилотининг пайдо бўлиш сабаби?
- А) шўро ҳокимиятининг қарор топишига ишончсизлик;
 - Б) уни Европа ютиб юборишига ишониш;
 - В) А, Б учун Туркия билан алоқа боғлаш;
 - Г) А, Б, В.
57. Рус империяси Туркистонда қандай бошқарув тизимини жорий қилди?

- А) сиёсий-маъмурий;
- Б) ҳарбий-маъмурий;
- В) демократик бошқарув;
- Г) миллий демократик.

58. Рус империяси истибдоди нимадан иборат?

- А) Туркистонни аграр хом ашё базаси қилиш;
- Б) ўзига шунчаки итоат қилдириш;
- А) вассал қилиш;
- Г) ҳамкорликда яшаш.

59. Туркистонда Рус давлати ҳукмронлигини ўтказиш чоралари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- А) Рус мужикларини кўчириб келиш;
- Б) серҳосил ерларни рус деҳқонига ажратиш;
- В) руслар учун шаҳар ва посёлкалар куриш;
- Г) А, Б, В.

60. Туркистон жадиidlарининг сиёсий мақсади қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- А) истибдоддан қутулиш;
- Б) Ватаннинг мустақиллигини таъминлаш;
- В) тенглар орасида тенг бўлиш;
- Г) А, Б, В.

61. Жадиdlар олдидаги вазифа қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- А) жамиятни ўзгартирмоқ;
- Б) тараққий этган давлатлар билан тенглашиш учун янги авлодни тарбияламоқ;
- В) дину диёнатни маромида тутиб турмоқ;
- Г) А, Б, В.

62. Ғарбга муносабат қайси жавобда?

- А) Ғарбга бутунлай сингиб кетиш;
- Б) дин қобиғидан чиқиш;
- В) Ғарб маданиятига кириш;
- Г) Ғарб тараққиётини ўрганиш.

63. Савтия мактабининг хусусияти қайси жавобда?

- А) танаффус, кишки-ёзги таътил, имтиҳон;
- Б) А, В, Г;
- В) синфхона, дарслик, дарс жиҳози;
- Г) ўқиб-ўзлаштириш.

64. Жадиd мактабларига кимлар дарсликлар ёзган?

- А) Зиё Саид, Ғаспрали;
- Б) Заки Валидий, Чўлпон;
- В) Саидрасул Азизий, Бехбудий, Мунавварқори, Авлоний;
- Г) Қодирий, Фитрат.

65.Шовинист Н.Остроумовнинг “Туркестанские ведомости” газетасига мухаррир этиб тайинлашнинг мақсади қайси жавобда?

- А) маҳаллий халқни маърифатлаштириш;
- Б) матбуотни йўлга қўйиш;
- В)маҳаллий халқни руслаштириш;
- Г) маорифни ривожлантириш.

66. “Таржимон” газетасида эълон қилинган “Салотин суҳбати” мақоласининг ғояси қайси жавобда?

- А)Туркистоннинг таназзули ҳақида;
- Б)Туркистоннинг равнақи борасида;
- В)Туркистоннинг тарқоқлиги ҳақида;
- Г)Туркистоннинг истиқлоли тўғрисида.

67. Олий таълимга зарур шартлар нималардан иборат?

- А) сармоя;
- Б) мутахассис;
- В) А,Б,Г;
- Г) янги давлатнинг розилиги.

Учинчи мавзу бўйича:

68. “Миллат” сўзининг жадиदчилик давридаги маъноси?

- А) тил;
- Б) Ватан;
- В) дин;
- Г) А,Б,В + мамлакатнинг ягона соҳиби бўлиш.

69.Исмоил Ғаспирли “Дунёда ғоясизликдан кучлироқ таназзул йўқ” деганида нимани назарда тутган?

- А)ислоҳот ғояси;
- Б)маърифий ғоя;
- В)аниқ ғоя;
- Г)миллий-тарихий ғоя.

70.Жадиदчиликнинг бош ғоялари нималардан иборат?

- А)маърифат;
- Б)А,В,Г – хуррият;
- В)мустақиллик;
- Г)миллий-озодлик.

71.Ғоя қачон миллий ғояга айланади?

- А)узоқни кўзловчи ғоя;
- Б)жамиятни ўзгартирувчи ғоя;
- В) аниқ ғоя;
- Г)жамиятни ўзгартирувчи умумий ғоя миллий шароит билан боғланса.

72.Миллий мафкура қайси жавобда?

- А)миллатнинг феъл-атвори, ҳаёт шароити;
- Б)эътиқоди;
- В)фикру қарашлари;

- Г) миллий хусусиятлардан силқиб чиқадиган фикру қарашлар, ғоялар.
73. Жаидчилик ижтимоий ҳаракат эканининг белгилари?
- А) ижтимоий кўзғолонлар;
- Б) Туркистон ва Россия мусулмонлари ўртасидаги ҳамкорлик ва кўзғалиш;
- В) панисломизм ғояларида бирлашиш;
- Г) А,Б,В+пантуркизм.
74. Пантуркизмнинг илдизлари қайси жавобда?
- А) туркийлар бир оиладанлиги;
- Б) маданиятнинг муштараклиги;
- В) миллий руҳнинг бирлиги;
- Г) А,Б,В+тараққиётга юз тутиб, қадим шухратни тиклаш.
75. Панисломизмнинг пайдо бўлиш илдизлари қайси жавобда?
- А) панславянизм;
- Б) пангерманизм;
- В) кичик давлатлар бирлашиб, ўзини ўзи ҳимоя қилиш;
- Г) А,Б,В.
76. Пантуркизмнинг амалга ошмаслигининг сабаблари?
- А) Мустафо Камол қарши;
- Б) Озарбайжондаги “Мусовот” партияси зид;
- В) жаҳон туркларининг бирлашиши хом ҳаёл;
- Г) А,Б,В.
77. “Иттиҳод ва тараққий” кенгашининг бош вазифаси?
- А) оммани уйғотиш;
- Б) уюшмалар тузиш;
- В) руҳонийларни бирлаштириш;
- Г) маҳаллий аҳолини қулликдан чиқиш курашини таъминлаш.
78. “Иттиҳод” нима учун шўроларнинг мустаҳкам бўлиш тарафдори?
- А) Туркистон Англия қўлига ўтиб қолмаслик;
- Б) меньшевиклар ҳукмрон бўлмаслик;
- В) Шўродан мухторият кутиш;
- Г) А,Б,В.

Тўртинчи мавзу бўйича:

79. Туркистон мухториятининг бош муддаоси қайси жавобда?
- А) Федератив Россия таркибида ҳудудий мухтор бўлиш;
- Б) мутлақ мустақил бўлиш;
- В) мухторликдан сўнг мутлақ мустақил бўлиш;
- Г) А,В.
80. Туркистон мухториятининг талаблари қайси жавобда?
- А) Федератив Россия таркибида ҳудудий мухтор бўлиш;
- Б) Россия армиясини чиқариб, миллий армияни ташкил қилиш;
- В) миллий валюта бирлиги;
- Г) А,Б,В.

81. Туркистон мухториятига большевикларнинг муносабати қайси жавобда?

- А) Туркистон мухтор давлати буржуа ҳукумати;
- Б) камбағаллар мухториятига қарши эмасмиз;
- В) бойлар мухториятига қаршимиз;
- Г) А,Б,В жавоблар нотўғри.

82. Халқ Комиссариати Шўросига маҳаллий аҳолидан вакил олмаслик сабаби қайси жавобда?

- А) синфий ташкилотда ишламаган;
- Б) пролетар ишида иштирок этмаган;
- В) А,Б,Г;
- Г) давлат бошқаришига ноқобил.

83. ”Шўройи исломия”дан “Шўройи уламо” жамиятининг ажралиб чиқиш сабаблари қайси жавобда?

- А) ”Уламо” жамияти манфаатида ҳеч нарса қилинмаган даъвоси билан;
- Б) ТМни тан олмасдан “Тошкент уламози жумҳурияти тузиш учун;
- В) ҳалифалик давлати тузиш бўлмагани учун;
- Г) А,Б.

84. Туркистондаги янги ҳокимиятнинг номи қайси жавобда?

- А) Туркистон Халқ Комиссариати Шўроси;
- Б) ”Шўройи исломия”;
- В) Туркистон Муваққат кенгаши ёки Туркистон халқ(миллий) мажлиси;
- Г) А,В.

85. Туркистон мухториятининг тор-мор қилинишида қайси ҳукумат ёки ташкилот биринчи йўл очиб берди?

- А) Туркистон Халқ Комиссариати Шўроси;
- Б) Туркистон Муваққат кенгаши;
- В) ”Шўройи уламо”;
- Г) Россия Халқ Комиссариати Шўроси.

86. Большевикларнинг Туркистон мухториятини таг-туби билан йўқотиш чораси қайси жавобда?

- А) матбуотларни ёпиш;
- Б) иқтисодий мадатни чеклаш;
- В) ҳарбий куч ишлатиш;
- Г) ҳукумат раҳбарларини қатл этиш.

Бешинчи мавзу бўйича:

87. “Адабиёт - миллат ойнаси” деб қайси давр адабиётига айтилган?

- А) янги ўзбек адабиёти;
- Б) миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти;
- В) жаҳид даври адабиёти;
- Г) ўрта асрлар даври адабиёти.

88. Миллий уйғониш даври адабиётининг заҳматкаш тадқиқотчиси ким?

А) О.Шарафиддинов;

Б) Б.Қосимов;

В) Н.Каримов;

Г) У.Норматов.

89. 1910-1917 йиллар адабиёти қандай номланади?

А) буржуа даври ўзбек адабиёти;

Б) “Уч инқилоб даври ўзбек адабиёти”;

В) “Маърифатпарварлик даври ўзбек адабиёти”;

Г) “Жадид даври адабиёти”.

90. Миллий уйғониш даври адабиётининг босқичлари қайси жавобда?

А) илк босқичи (XIX аср охирлари);

Б) миллий курашлар даври (XX асрнинг биринчи чораги);

В) жавоб йўқ;

Г) А,Б.

91. Миллий уйғониш даври адабиётининг йиллар ҳисобида босқичи қайси жавобда?

А) 1965-1905;

Б) 1905-1917;

В) 1917-1925;

Г) А, Б, В +1925+1929.

92. Миллий уйғониш даври адабиётининг чўққи босқичи қайси жавобда?

А) 1905-1917;

Б) 1917-1925;

В) 1910-1925;

Г) 1925-1929.

93. Жадид адабиёти атамаси қачон пайдо бўлди?

А) XIX асрда;

Б) XIV аср ўрталарида;

В) XIX аср охирида;

Г) XX аср бошларида.

94. Жадид адабиётининг муҳим хусусияти қайси жавобда?

А) мустақиллик учун кураш жараёнини идрок этиш;

Б) ислохотни тарғиб қилиш;

В) маърифатни улуғлаш;

Г) мудроқ аҳолини нодонликдан чиқишга даъват этиш.

95. Қуйида қайд этилган қайси мақолада адабиётнинг ижтимоий моҳияти ёритилган?

А) Зулулийнинг Иброҳимов ҳақидаги мақоласи (номи ноаниқ);

Б) Иброҳим Давроннинг “Адабиётимиз ва шоирларимиз”;

В) тўғри жавоб йўқ;

Г) Чўлпоннинг “Адабиёт надур?” мақоласи.

96. Миллий уйғониш даври адабиётининг эстетик хусусияти қайси жавобда?

- А) ахлоқни тозалаш;
 - Б) иқтисодни мадҳ этиш;
 - В) фикр уйғотиш;
 - Г) “Хиралашган ойналаримизни ёруғ ва равшан қиладурғон”.
97. Жаид адабиёти даврининг қайси муҳим воқеаларини ифодалаган?
- А) маърифат, эрк ва эркинлик;
 - Б) иқтисодий ўзгариш;
 - В) истиқбол учун курашмоқ;
 - Г) А, Б, В.
98. Жаид адабиётида Ватан тушунчаси қандай талқин қилинган?
- А) киндик қони томган макон;
 - Б) яшаш маскани;
 - В) кенг маънода миллат яшаётган юрт (Туркистон);
 - Г) кўпчилик яшаётган жой.
99. Жаид адабиётининг янгилиги нималарда кўринади?
- А) мавзуда;
 - Б) адабий жанрларда;
 - В) қахрамон ва тимсолларда;
 - Г) А,Б,В.

Олтинчи мавзу бўйича:

100. Жаид шеъриятини ўрганиш босқичлари қайси жавобда?
- А) “Ўзбек буржуа шеърияти” номи билан 30-йиллар;
 - Б) жаид шеъриятининг айрим намуналари ўрганилган 60-йиллар;
 - В) ўрганишнинг ҳадди аёлови – 90-йиллар;
 - Г) А,Б,В.
101. Жаид шеъриятининг муҳим ва бош мундарижаси қайси жавобда?
- А) Б,В,Г;
 - Б) маърифий;
 - В) ислохот;
 - Г) истиқлол.
102. Жаид шеъриятининг бош ғояси қайси жавобда?
- А) миллат дарди;
 - Б) Ватан қайғуси;
 - В) ҳуррият;
 - Г) А,Б,В.
103. Жаид шеъриятидаги мазмуний ўзгариш қайси жавобда?
- А) ижтимоий-сиёсий-маърифий мазмун;
 - Б) ҳаётий мазмун касб этиш;
 - В) жамиятни бутунлай ислох қилиш;
 - Г) А,Б,В.
104. Жаид шеъриятининг янги хусусиятлари қайси жавобда?
- А) жанрларда сифат ўзгариш;

- Б) А,Б,В;
 В) даврнинг муҳим воқеалари акс этиши;
 Г) поэтик образлардаги анъанавийлик ва нуктадонлик.
- 105.Поэтикадаги ўзгаришлар қайси жавобда?
 А) Б,В,Г;
 Б) аруз вазнидаги янгича шакл;
 В) бармоқнинг тармоғи сарбаст вазннинг кириб келиши;
 Г) қофиядаги туб ўзгаришлар.
- 106.Жадид шеърини мавзулари қайси жавобда?
 А) мардикор мавзуси;
 Б) А,В;
 В) уруш мавзуси;
 Г) меҳнат мавзуси.
- 107.Мардикорлик воқеасига бағишланган шеърини тўплам қайси жавобда?
 А) Ҳамза, "Лошмон фожеаси";
 Б) Пўлкан, "Мардикор";
 В) Муҳиддин Иброҳимов, "Лошмон фожеаси";
 Г) Авлоний, "Мардикор ашуласи".
- 108.Қуйидаги байт кимларга бағишланган?
 Милдир-милдир сув оқар, сув тагида қум оқар,
 Хизматга кетганларнинг онасини ким боқар.
 А) жангчиларга;
 Б) мардикорларга;
 В) Ватан хизматчиларига;
 Г) жавоби берилмаган.
- 109.Ушбу байтдаги поэтик истисноларни аниқланг?
 Туғуб ўсдим бу Ватанда,
 Ватаним йўқ мисли жаҳонда.
 А) айрим сўзларнинг шакли бузилган;
 Б) бўғинлар тенг эмас;
 В) А,Б;
 Г) жавоби берилмаган.
- 110.Қуйидаги шеърини парчаннинг вазнини аниқланг?
 Бинафша,
 Айт менга,
 Кимлардир уларким,
 Игнани бағринга санчалар,
 Бинафша.
 А) аруз вазни;
 Б) бармоқ вазни;
 В) сарбаст вазн;
 Г) қўшма вазн.

Еттинчи мавзу бўйича:

111.Жадид насрининг негизлари қайси жавобда?

А) ривоят;

Б) А,В;

В) ҳикоят;

Г) жавоби йўқ.

112.Янги ҳикоя жанрининг асл кўриниши қайси жавобда?

А) реалистик ҳикоя;

Б) ҳикоят;

В) ривоят;

Г) ҳикоя.

113.Жадид ҳикоячилигининг кўринишлари қайси жавобда?

А) дарсликлардаги сайёр ҳикоялар;

Б) муаллиф ёзган янги ҳикоялар;

В) А, Б, Г;

Г) соф бадиий тусдаги ҳикоялар.

114.”Устоди аввал” дарслигидаги ҳикоялар таснифи қайси жавобда тўғри берилган?

А) муаллифнинг ўзи ёзган ҳикоялари;

Б) халқ оғзаки ва мумтоз адабиёт ҳикоялари;

В) рус тилидан ўгирилган ҳикоялар;

Г) А,Б,В.

115.Ҳикоя жанри инкишофида Авлонийнинг қайси асарлари муҳим ўрин тутди?

А)”Биринчи муаллим”,”Иккинчи муаллим”;

Б)”Туркий гулистон ёхуд ахлоқ”;

В)”Мактаб гулистони”;

Г) А,Б,В.

116.Жадид публицистикасининг инкишофида кимнинг қайси мақоласи негиз бўлди?

А) Ғаспрати “Ғоя”;

Б) Бехбудий “Сарт сўзи мажҳулдур”;

В) Фитрат “Шарқ сиёсати”;

Г) Чўлпон “Адабиёт надур?”.

117.”Мухторият ” публицистик мақоласи кимнинг қаламига мансуб?

А) Бехбудий;

Б) Фитрат;

В) Чўлпон;

Г) Қодирий.

118.Жадид насрининг бош хусусияти қайси жавобда?

А) нақл;

Б) баён;

- В) тасвир;
Г) насихат-ўғит.
119. "Ҳинд сайёҳи баёноти"да бухороликлар уч гуруҳга бўлиниши қайси жавобда берилган?
А) умаро;
Б) уламо;
В) фуқаро;
Г) А,Б,В.
120. Ҳинд сайёҳининг хулосаси қайси жавобда?
А) Б,В,Г;
Б) сизларда нифок кучли;
В) сизларда фабрика йўқ;
Г) сизлар савдони билмайсиз.
- 121.Қадим ва жаҳид баҳси қайси асарда берилган?
А) "Дўхтур Муҳаммадиёр";
Б)"Мунозара";
В) "Ҳинд сайёҳи баёноти";
Г)"Қурбони жаҳолат".

Саккизинчи мавзу бўйича:

- 122.Ўзбек миллий драматургиясининг пайдо бўлишидаги ташқи омиллар қайси жавобда?
А) рус драматургияси;
Б) Кавказорти драматургияси;
В) татар драматургияси;
Г) қардош халқлар театрининг Тошкентда фаолият кўрсатиши.
- 123.Ўзбек драматургиясининг пайдо бўлишидаги ички омиллар қайси жавобда берилган?
А) ўзбек тилининг драматик ифодага мойиллиги;
Б) диалог яратиш имконияти;
В) монолог яратиш имконияти;
Г) халқ латифаларининг драматик ва комик хусусиятлари.
- 124.Драматургиянинг туғилишида доялик қилган туртки қайси жавобда?
А) театрни "қалб оинаси" деб билиш;
Б) оммавий таъсир куч-театр;
В) жаҳидчилик ҳаракати;
Г)"Турон" труппаси.
- 125.Илк театр ва драма кимнинг номи билан боғлиқ?
А) Фитрат;
Б) Авлоний;
В) Чўлпон;
Г) Бехбудий.
- 126.Самарқанд драматургия ва театр муҳити вакиллари қайси жавобда?

- А) Абдулла Бадрий, Ҳамза, Фитрат;
- Б) Ҳожи Муин, Абдулла Авлоний, Хуршид;
- В) Нусратилла Қудратилла ўғли, Абдулла Қодирий, Ғулом Зуфарий;
- Г) Абдулла Бадрий, Ҳожи Муин, Қудратилла Нусратилла ўғли.

127. Тошкент драматургия ва театр муҳити вакиллари қайси жавобда?

- А) Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Ғулом Зуфарий;
- Б) Фитрат, Ҳамза, Абдулла Бадрий;
- В) Ҳожи Муин, Хуршид, Абдулла Авлоний;
- Г) Қодирий, Ҳожи Муин, Ғулом Зафарий.

128. Театр бамисоли “ойнаванд бир уйким, кирган ҳар бир киши ўз ҳусни қобихини кўра олур” деган фикр кимга тааллуқли?

- А) Қодирий;
- Б) Авлоний;
- В) Мунавварқори;
- Г) Бехбудий.

129. “Биз ва Сиз”, “Адвокатлик осонми?”, “Пинак”, “Икки севги” кимнинг қаламига мансуб?

- А) Ҳамза;
- Б) Авлоний;
- В) Фитрат;
- Г) Қодирий.

130. Қуйидаги қайси асар ахлоқий масалага бағишланган?

- А) “Португалия инқилоби”;
- Б) “Падаркуш”;
- В) “Пинак”;
- Г) “Або-Муслим”.

131. Қуйидаги қайси драма реал ҳаётӣ мавзуга оид?

- А) “Падаркуш”;
- Б) “Икки севги”;
- В) “Заҳарли ҳаёт”;
- Г) “Пинак”.

132. Қуйидаги қайси драманинг қаҳрамонлари юртининг офтоби ва моҳитоби бўлиб, ҳаётни ёритмоқчи?

- А) “Заҳарли ҳаёт”;
- Б) “Илм ҳидояти”;
- В) “Ориф ва Маъруф”;
- Г) “Қора хотин”.

Тўққизинчи мавзу бўйича:

133. Бехбудий ижодини ўрганиш босқичлари қайси жавобда?

- А) 1919 йилгача;
- Б) 30-йилларнинг биринчи ярми;
- В) 90-йиллар;

Г) А,Б,В.

134.Бехбудий ҳаёт йўли ҳақида энг ишончли маълумотни ким берган?

А) Айний;

Б) Фитрат;

В)Чўлпон;

Г) Ҳожи Муин.

135. Ўзбек миллий адабиётининг негизини кимлар қўйди?

А) Чўлпон, Бехбудий;

Б) Фитрат, Қодирий;

В) Бехбудий, Фитрат;

Г) Чўлпон, Қодирий.

136.Бехбудий қандай мактаб очди?

А) Рус-тузем;

Б) мадраса;

В) анъанавий мактаб;

Г) янги усулдаги мактаб.

137.Бехбудий дарсликлари қайси жавобда берилган?

А) ”Адиби аввал”;

Б) ”Биринчи муаллим”, ”Иккинчи муаллим”;

В) ”Ўқиш китоби”, ”Енгил адабиёт”;

Г) ”Аҳоли жуғрофиясига кириш”, ”Русиянинг қисқача жуғрофияси”.

138.Бехбудийнинг жуғрофия ҳақида дарслик ёзишдан мақсади нима эди?

А) дарёю денгизларни ўргатиш;

Б) тоғу чўққиларни билиш;

В) Ватанни севиш;

Г) аҳолининг сонини аниқлаш.

139.”Бухоро хонлиги сиёсати”, ”Икки эмас тўрт тил керак” публицистик мақолалари кимнинг қаламига мансуб?

А) Чўлпон;

Б) Ҳожи Муин;

В) Ажзий;

Г) Бехбудий.

140. Бехбудийнинг “Туркистон тарихи” мақоласининг мазмуни қайси жавобда?

А) ”Туркистон воқеоти тарихимиздан бутун ғофил ва беҳабармиз”;

Б) ”Тарих кўп аҳамиятли ва фойдали бир нарсадир”;

В) А,Б;

Г) ”Туркистон тарихи яхши ёзилган”.

141.”Сиз билингки, ҳақ олинур, лекин берилмас” фикри кимга қарашли?

А) Фитрат;

Б) Чўлпон;

В) Бехбудий;

Г) Қодирий.

Ўнинчи мавзу бўйича:

142.Фитратшуносликнинг ҳудуди қайси жавобда?

- А) Ўзбекистон, Туркия;
- Б) Туркия, Марказий Осиё;
- В) хориж, Туркия;
- Г) Ўзбекистон, Марказий Осиё, хориж.

143.Хорижлик фитратшунослар қайси жавобда?

- А) Эдвард Олворт;
- Б) Фуод Кўпрулзода;
- В) А,Б;
- Г) Бертельс.

144.Фитрат ижодини ўрганиш босқичлари қайси жавобда?

- А) 1910-1917;
- Б) 1917-1937;
- В) А,Б;
- Г) 1929-1937.

145.Фитратнинг қайси асарида қадим ва жаид баҳси боради?

- А) ”Ҳинд сайёҳи баёноти”;
- Б) ”Мухторият”;
- В) ”Мунозара”;
- Г) ”Яна ёндим”.

146.Ижтимоий-сиёсий ва ислохот масаласига бағишланган Фитрат асари қайси жавобда?

- А) ”Мунозара”;
- Б) ”Сайҳа”;
- В) ”Ҳинд сайёҳи баёноти”;
- Г) ”Темур сағанаси”.

147.Фитрат ташкил қилган “Чиғатой гурунги”нинг мақсади қайси жавобда?

- А) тилимиз софлиги;
- Б) пантуркизмни тарғиб қилувчи тўдаларга қарши туриш;
- В) янги ўзбек тили рағнақи учун;
- Г)миллий тилни давлат тилига айлантириш учун.

148.Фитратнинг “Мухторият” публицистик мақоласида қандай масала кўтарилган?

- А) эркисизлик;
- Б) мустақиллик;
- В) миллий озодлик;
- Г) ҳуррият.

149.Фитратнинг “Шарқ сиёсати”мақоласида қандай масала қўйилган?

- А) маданият;

- Б) иқтисодиёт;
- В) ахлоқни бузиш;
- Г) шарқ халқини таназзулга учратиш.

Ўн биринчи мавзу бўйича:

150. Қодирий жаҳон романчилигининг олтинчи мактабини ўзбек адабиётида яратди, деган баҳо кимга қарашли?

- А) Бартольд;
- Б) Бертельс;
- В) Эдвард Олворт;
- Г) Мухтор Авезов.

151. Ўзбек романчилигининг “отабеги” (Иzzат Султон) ким?

- А) Ойбек;
- Б) Қодирий;
- В) Чўлпон;
- Г) Айний.

152. Қодирий шеърлари қайси жавобда келтирилган?

- А) “Тўй”, “Миллатимизга”, “Аҳволимиз”;
- Б) “Халқ”, “Кишан”, “Пўртана”;
- В) “Миррих юлдузига”, “Яна ёндим”;
- Г) “Рабочийлар ашуласи”, “Рабочийларнинг келиши”.

153. “Бахтсиз куёв”нинг қаҳрамонлари қайси жавобда?

- А) Саъдулла, Раҳим;
- Б) Солиҳ, Раҳима;
- В) Эшмурод, Мўминжон;
- Г) Тошмурод, Тангрикул.

154. Қодирийнинг “Улоқда” асари қандай ҳикоя?

- А) ривоят;
- Б) оддий ҳикоя;
- В) ҳикоят;
- Г) реалистик ҳикоя.

155. Қодирийнинг қайси кичик насрий асари ғожеавий ҳикоя?

- А) “Калвак маҳзумнинг хотира дафтарида”;
- Б) “Тошпўлат тажанг нима дейди?”;
- В) “Рузвон хола нима дейди?”;
- Г) “Жувонбоз”.

156. “Ўткан кунлар” романининг пафоси қайси жавобда?

- А) феодализм кирдикорини ғош қилиш;
- Б) “тарихимизнинг энг кир, қора кунлари”;
- В) мустақиллик учун кураш тилаклари;
- Г) кундошлик балосидан воз кечиш.

157. “Синфлар мавжуд бўлган жамиятда ... ижтимоий ҳаётнинг асосини синфий кураш ташкил қилади” каби мафкуравий андоза билан қайси роман танқид қилинди?

- А) “Меҳробдан чаён”;
- Б) “Кеча ва кундуз”;
- В) “Ўткан кунлар”;
- Г) “Қутлуғ қон”.

158. Отабекни социал тип даражасига кўтарилмаган (Ойбек), дейилишини қандай тушундингиз, жавобини топинг?

- А) “социал тип” ҳукмрон мафкуранинг ақидаси;
- Б) тўғри;
- В) тўғри эмас;
- Г) ярим тўғри.

159. Юсуфбек хожи “Сиз дунёда ўзингизнинг ягона душманингиз қилиб қипчоқни кўрсангиз, мен бошқа ёвни ҳар замон ўз яқинимга еткан кўраман!”, деганда қайси душманни назарда тутган эди?

- А) Тошкент хонлиги;
- Б) Қўқон хонлиги;
- В) Бухоро хонлиги;
- Г) Русия империяси.

160. Отабекнинг чор Русия армиясига қарши жанг қилиши қайси жавобда тўғри берилган?

- А) Қўқон хонлигини ғимоя қилиш;
- Б) маҳаллий халқни озод кўриш;
- В) маҳаллий заминга ажнабий кучларни киритмаслик;
- Г) Б,В.

Ўн иккинчи мавзу бўйича:

161. Чўлпоннинг “Адабиёт надур?” мақоласида адабиётнинг қайси хусусияти очиқ берилган?

- А) санъат жиҳати;
- Б) ижтимоий моҳияти;
- В) эстетик хусусияти;
- Г) В,Б.

162. Чўлпоннинг жаҳолат ғолиб, маърифат мағлуб каби ғоя ифодаланган асари қайси жавобда?

- А) “Қурбони жаҳолат”;
- Б) “Туркистонлик қариндошларимизга”;
- В) “Дўхтур Муҳаммадиёр”;
- Г) “Ёркиной”.

163. “Дўхтур Муҳаммадиёр” ҳикоясида қуйидаги қайси масала ўз аксини топган?

- А) ўлкада юзага келаётган ижтимоий-иқтисодий-маданий ўзгаришлар;

Б) иқтисодий;

В) маданий;

Г) маърифий.

164. “Дўхтур Муҳаммадиёр” асарида Чўлпон жади́дчиликдан чиқа олмаган” дейилган қараш тўғрими?

А) нотўғри;

Б) ярим тўғри;

В) тўғри;

Г) ҳукмрон мафкуравий қараш.

165. “Озод турк байрами” ғоявий мазмун ифода этилган Чўлпон асарининг номи қайси жавобда?

А) “Туркистонлик қардошларимизга”;

Б) “Туркистон мухторияти”;

В) “Қурбони жаҳолат”;

Г) “Дўхтур Муҳаммадиёр”.

166. “Туркистон мухторияти” Муваққат ҳукуматининг мадҳиясини ким ёзган?

А) Фитрат;

Б) Мустафо Чўқаев;

В) Чўлпон;

Г) Заки Валидий.

167. Чўлпоннинг “Бузилган ўлкага” шеърини қайси адабиётшунослик методологияси асосида таҳлил қилингани маъқул?

А) анализ-таҳлил;

Б) синтез;

В) қиёсий;

Г) ижтимоий.

168. Чўлпоннинг “Халқ” шеъри қайси тарихий воқеага бағишланиб ёзилган?

А) октябр тўнтарилиши;

Б) Феврал буржуа инқилоби;

В) Бухоро инқилоби;

Г) Туркистон мухторияти.

169. Инсоннинг инсонийлик ҳуқуқи Чўлпоннинг қайси шеърида бадиий талқин қилинган?

А) “Қўзғалиш”;

Б) “Кишан”;

В) “Пўртана”;

Г) “Тонг сирлари”.

170. “Кеча ва кундуз” романининг бадиий-ғоявий йўналиши қайси жавобда?

А) жади́дчиликни ардоқлаш;

Б) Россия империясининг таназзули;

В)А,Б;
Г)тадбиркорликни тарғиб қилиш.

171.Мирёкуб образига қайси жавобда тавсиф берилган?

А) корчалон;
Б)тадбиркор;
В) шаклланаётган жаид;
Г)А,Б,В.

172.Русия империясининг таназзули қайси жавобда берилган?

А) қишлоқдаги ғалаён;
Б)Қумарикдаги қўзғолон;
В) ҳаким (ноиб) тўранинг кирдикори;
Г)А,Б,В.

173.Русия ҳуқуқ органларининг ерли халқни нодон билиши қайси жавобда?

А) Зебининг суд қилиш жараёни;
Б)Зуннун ошпазни мингбоши тайинлаши;
В)А,Б,Г;
Г) ноиб тўранинг Мирёкубга муносабати.

174.Шарафиддин Хўжаев образининг яхши хислатлари қайси жавобда?

А)тадбиркор-жаид;
Б)маърифатпарвар-жаид;
В)А,Б;
Г)сухбати ширин шахс.

175. “Ўткан кунлар” ўткан кунлар” ибораси кимга тааллуқли?

А) М.Шевердин;
Б) Сотти Ҳусайн;
В) Миёнбузруг Солиҳов;
Г)Анқабой.

Умумий хулосалар

Биринчи мавзу бўйича:

Синфий кураш назарияси ва ижтимоий фанларнинг партиявийлигини қаттиқ туриб ҳимоя қилиш тоталитар мафкуранинг ҳукмронлигини таъминлади. Натижада барча фанларда, айниқса, ижтимоий фанларнинг социологик оқим нуқтаи назаридан ўрганиш ва баҳолаш тизим даражасига кўчди.

Партия синфий кураш мафкурасини қурол қилиб, ижтимоий жамият аъзоларини табақалаштиришга қаттиқ киришди. Оқибат “кечаги зиёли” ва “бугунги зиёли” масаласи кўтарилиб, “зиёлими, зиёнлими?” шиори кўтарилди. Матбуотда бу борада баҳсли мақолалар эълон қилинди. Аксар миллий зиёлилار бадном қилинди. Жумладан, Қодирий “миллатчиликда”,

Чўлпон “босмачиларга” ён босганликда айбландилар. Уларнинг асарлари социологик оқим нуқтаи назаридан ўрганишга маҳкум қилинди.

Қодирий ижодини Ойбек, Фитратни Ҳамид Олимжон, Чўлпонни Шайхзода ўрганиши керак эди. Бу иш тўлиқ амалга ошмади.

Қизил мафкуранинг бош мақсади ҳамма нарсани октябр тўнтарилишига, партияга боғлашни жиддий қоида қилиб қўйиш эди. Шу маънода октябр тўнтарилиши билан алоқадор бўлмаган воқеа, ҳодиса, қараш аксил, деб тушунилди ҳамда ва баҳоланди. Жаҳидчилик ва жаҳид адабиёти худди шу мезон билан ўрганилиб, реакцион ҳаракат ва қараш, деб баҳоланди. Унинг вакиллари бадном қилинди.

Жаҳидчилар қатағон қилинди ва жаҳид адабиёти инкор қилиниб, нари борса, “маърифатпарварлик” адабиёти сифатида қаралди.

Айрим адабиётшунослар жаҳид адабиёти сўниб, кун тартибидан тушиб кетди, дейишдан ҳам тоймадилар. Аслида ҳақиқат ундай эмас. 20-йилларгача жаҳид адабиёти мазмун ва ҳажм жиҳатидан тўқис адабиёт даражасида эмас эди. 20-йилларга келиб, у тўлиқ, яхлит ва мустақил адабиёт даражасига кўтарилди (О.Ш.).

Мустақиллиқнинг шарофати туфайли жаҳидчилар ҳаёт йўли ва миллий озодлик фидойилари ҳамда жаҳид адабиёти миллий уйғониш даври адабиёти сифатида ўрганилди. Миллий фидойилар “босмачилик” тамғасидан озод бўлиб, “миллий гвардиячилар” деб баҳоланди. Дарҳақиқат, улар бу тавсифга сазовордирлар.

Иккинчи мавзу бўйича:

Шарқда ижтимоий “портлаш” содир бўла бошлади. У Эрон, Туркия, Озарбайжон, Ҳиндистонда ўзининг самарасини берди. Айниқса, Россиядаги 1905 йил “Қонли якшанба” Туркистоннинг мудраб ётган зиёлисига жиддий таъсир қилди. Улар ўз ҳаётларини бошқалар турмуши билан муқояса қила бошладилар. Натижада миллат уйғониши зарурлигини ҳис қилдилар. Уларга ташқи ва ички омил таъсир қила бошлади. Шарқдаги “портлашлар” ташқи омил, Дукчи Эшон, Пўлатхон кўзғолонлари ва бошқа ҳаракатлар ички омил бўлди. Хусусан, жаҳидчилик ҳаракатининг илк қалдирғоч зиёлиларининг етишиб чиқиши айни муддао эди.

Ташқаридан матбуот ва театрнинг кириб келиши ҳам маънавий омил бўлди. Кун тартибига ислоҳот масаласи ўтқир қилиб қўйилди. У маърифатдан бошланиши аниқ бўлди.

Янги мактаб, янги матбуот, янги театр ва янги адабиёт жаҳидчилик ҳаракатининг негизини ташкил қилди. Янги маъносидаги жаҳид сўзи “янги давр”, “янги инсон”, “янги тафаккур”, “янги кураш” маъносида кўчди.

Жаҳидчилик ҳаракати Туркистон худудида Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Фарғонада кенг тарқалди, уларнинг йўналиши, ҳаракати бир-биридан фарқ қилади.

Биринчи омил – ташқи, иккинчиси – ички, учинчиси – маҳаллий зиёлиларнинг етишиб чиқиши бўлди. Маҳаллий зиёлилар турли хил уюшмалар ташкил қилиш йўли билан ўз ҳаракатларини муваффақиятли давом эттирдилар.

Учинчи мавзу бўйича:

Бугунги кунда миллий мафкура ва миллий ғоя истиқлолимизнинг маёғини ташкил қилади. Миллий ғоя ва мафкура жади́дчилик ҳамда жади́д адабиётида ўз сарчашмасини олди, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Жади́дчиликнинг отаси Исмоил Ғаспрати бу ҳаракатнинг бош муддаосини “Ғоя” номли мақоласида очиб берди. Шу аснода миллат ва у ўз юртининг соҳиби бўлиши каби маънолари кенг тушунилди. Жумладан, миллат тақдири, миллатнинг келажаги, миллат равнақи каби тушунчалар пайдо бўлди. Натижада жади́длар ўзининг ижтимоий ҳаракатининг учта бош йўналишини белгилаб олди:

а) истибдоддан қутулиш; б) ўз Ватанининг мустақиллигини таъминлаш; в) тенглар орасида тенг бўлиш. Шунингдек, Ғарб ва Россияга ҳам муносабат белгилаб олинди:

1) Ғарбга: - уни рад этиш; - иқтисодий тараққиётини тан олиб, унга жавоб берадиган муқобил тизим яратиш.

2) Россияга: а) Россия истибдодидан қутулиш учун куч ишлатиш (Дукчи Эшон); б) Россия маорифидан фойдаланиб, ерли халқ маорифини юксалтириш орқали мустақилликни қўлга киритиш (И.Ғаспрати, Бехбудий); в) ҳамкорлик қилиш йўли билан мустақилликни қўлга олиш (Ҳамза, Авлоний, Мунавварқори).

Жади́дчилик юқоридаги қараш ва фикрлардан келиб чиққан ҳолда маърифат, мустақиллик, миллий озодлик, хуррият масаласини бош ғоя ва миллий мафкура қилиб олдилар. Уларнинг ҳаракати маърифатпарварлик ҳаракатидан ижтимоий ҳаракатга ўсиб ўтди.

Тўртинчи мавзу бўйича:

Февраль буржуа инқилобидан сўнг Туркистон жади́дларида жиддий ўзгариш ва самаралар пайдо бўлди. Октябрь тўнтарилишидан сўнг эса “кутилган қувонч” самара бермади, у исталган хуррият бўлиб чиқмади. Муваққат ҳукумат аъзолигига ерли халқдан бирор киши қабул қилинмади. Ерли халқ большевик ҳаракатидан келиб чиқмаганлиги, синфий курашда иштирок этмаганлиги, ҳокимиятни бошқаришга тажрибаси йўқлиги рўқач қилиб кўрсатилди.

Россия Халқ Комиссариатининг миллий халқлар ўз ҳуқуқларини ўзлари белгилаш ва уларнинг миллий урф-одатларини сақлаш кафолатланади, деган, декретларига асосан Комиссариат раҳбари номига мухторият берилиши илтимос қилиниб, мактуб йўлланди, мактуб жавобсиз қолди.

Аҳволни тушунган жаҳид зиёлилар Туркистон мухториятини ташкил этишга киришдилар. Уч масалада мухторият талаб қилинди:

1) Туркистон Федерация бўлиб, Россия таркибида туриб, ҳудудий мухторият олиш;

2) мавжуд армияни чиқариб юбориб, миллий армияни ташкил қилиш;

3) миллий валютага эга бўлиш.

Қурултой чақирилиб, бўлажак Туркистон мухториятининг Низоми, дастури, ҳукумат аъзолари тасдиқланди. Мухторият икки ярим ой яшади. Халқ уни кенг равишда олқишлаб, кўмак бера бошлади. 2 мингдан зиёд миллий армия тузилди. “Уламо” жамияти қутқиси билан Мухториятга таҳдид қилинди ва бундан фойдаланган Туркистондаги большевиклар раҳбарлигидаги ҳарбий комиссариат Мухторият аъзоларини ўққа тутди. Натижада, мухториятчиларнинг бир гуруҳи тарқаб, бошқа гуруҳлари ишларини давом эттирдилар. Аксарият жаҳидчиларнинг тақдири 1938 йилда қатогон билан яқун топди. “Босмачи”, деб ном олган миллат фидойиларига “Шаҳидлар” майдони ташкил қилиниб, уларнинг номи абадийлаштирилди.

Бешинчи мавзу бўйича:

Жаҳидчилик ҳаракати миллий уйғонишга олиб келди. Бу даставвал адабиётда намоён бўлиб, Миллий уйғониш даври адабиётининг ривожини жадаллаштирди. Унинг чўққисини эса жаҳид адабиёти ташкил қилди.

Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти икки брскичда:

1) илк босқичда (XIX асрнинг охири); 2) ижтимоий ва миллий курашлар даври (XX аср биринчи чораги) ривожу равақ топди.

Жаҳидчилик Туркистонда исломчилик (панисломизм), туркчилик (пантуркизм) ва маҳаллийчилик (ўзбекчилик) оқимлар билан бирга содир бўлди. Фитратнинг қарашича, бу оқимлар чор Россиянинг буюк миллатчилик сиёсатига ўлароқ зид равишда пайдо бўлган. Ана шу руҳ давр адабиётида ўз аксини топиб, адабиёт-миллат кўзгусига айланди. Янги адабиёт таркиб топа бошлади. Хусусан, шеърият биринчи ўринда ижтимоий мазмун олди:

Шоирликнинг биринчи аломати. “Хандаларинда гулда шабнам каби осорлари”

Иккинчиси: “даврга ҳамнафас ва жамият фарзанди бўлиш”

Адабиётда даврнинг муҳим воқеалари акс этиши етакчи хусусият бўлди:

- маърифат бош мақсад эмас, балки восита, деб тушунилди;
- эрксизлик, мустамлака идорасини англаш;
- истиқбол ўз-ўзидан келмайди, уни курашиб олмоқ керак;
- иқтисод ҳамма нарсанинг асоси;
- миллат ўз она тилига, илм-фанига, Ватанига эга бўлиши керак;
- Ватан кенг маънода тушунилди ва мадҳ қилинди.

Олтинчи мавзу бўйича:

Жадид шеърияти уч босқичда ўрганилди: 1)30-йиллар; 2) 60-йиллар; 3)90-йиллар.

Давр шеърияти шўро даврида пардапўш тарзда ўрганилди. Мустақиллик даврига келиб, унинг сиру синоати тўлиқ очиб берилди. Шеърият Ватан кайғуси, миллат дардини бош мақсад қилиб олди. Унда ижтимоий-публицистик руҳ етакчилик қилди.

Поэтик образларда янгилик пайдо бўлди. Анъанавий поэтик образлар янгича мазмун касб этди. Шеърият поэтикасида жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Бармоқнинг тармоғи-сарбаст вазн туғилди. Қофиянинг ҳарфий хусусияти товуш билан мезонланди. Ритмда ҳам ўзгариш кўзга ташланди.

Еттинчи мавзу бўйича:

Жадид насрига мумтоз адабиётдаги ва қардош халқлар адабиётидаги наср негиз бўлди. Айниқса, вақтли матбуот жадид насрига доялик қилди. Натижада янги жанр-публицистика шаклланди ва камол топди.

Жадид ҳикоячилиги ривоят, ҳикоят ва рус ҳикоячилиги анъаналари асносида шаклланди ҳамда реалистик ҳикоя жанрига ўсди.

Эпик асарларда даврнинг ижтимоий-сиёсий-маданий ислохот масалалари ўз аксини топди.

Давр насрининг ўзига хос заифликлари ҳам мавжуд эди. Шунга қарамай давр насрида романга хос тафаккурга асос солинди ва етук романлар пайдо бўлди.

Саккизинчи мавзу бўйича:

Жадид адабиётида драма – янги жанр. Унинг шаклланишида ташқи ва ички омиллар асос бўлди. Театр энг оммавий тарғибот, яъни маърифат ойнасига айланди. Туркистоннинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Фарғона шаҳарларида драматургия бўйича махсус адабий муҳит пайдо бўлди.

Давр драматургияси маданий оқартув вазифасини ўтади. Турмушнинг турли жабҳалари бўйича кичик хажмдаги драма, комедия ва фожеалар яратилди. Бу жанр маърифатпарварлик мавзусидан ҳаётий-ҳаққоний мавзуга ўсиб чикди.

Драма даврнинг энг таъсирчан маърифий воситасига айланди. Унинг билан бирга миллий театрга ҳам асос солинди.

Тўққизинчи мавзу бўйича:

Бехбудий ижодини ўрганишнинг ўзи-бир тарих. У- XX аср ўзбек адабиёти тарихида янги саҳифа очган буюк сиймо. Миллий драма, театр ва публицистикага асос солди. Дарсликлари янги мазмуни, аниқ фанлардан маълумот бериши билан ажралиб туради. Публицистикасида миллий мустақиллик ва мухториятга эришиш ва адабий эстетик тушунчалар акс этган. Унинг “Падаркуш” асари ибтидолиги билан муҳимдир. ”Падаркуш”

анъанасида ўзбек миллий драматургияси шаклланди ва камол топди. Гарчанд драма бадиий жиҳатдан суст ва заиф бўлса-да, ибтидо драмалиги, унинг маърифий томони ўз даврида муҳим воқеа бўлган.

Ўнинчи мавзу бўйича:

Фитрат - истиқлол фидойиси адиб. Туркистонда ислохотчиликни иқтисодий-сиёсий жиҳатдан чуқур таҳлил қилган “Мунозара”, “Ҳинд сайёҳи баёноти” каби асарлари билан машҳурдир.

“Сайҳа” шеърий тўпламидаги Ватан қайғуси ифодаси миллат дарди билан яшаганлигидан далолат беради. Публицистик шеърларида мустамлакадан озод бўлиш, мухторият масалалари кўтариб чиқилган. “Мунозара” қадим ва жаҳид баҳсига бағишланиб, жаҳидчиликнинг туб моҳиятига эътибор қаратилган, маърифий-маънавий аҳамияти кўрсатиб берилган. “Ҳинд сайёҳи баёноти” асарида Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий-иқтисодий аҳволи публицистик руҳда таҳлил қилинган. Асардаги сайёҳ-Фитратнинг ўзидир. Фитрат ўлкадаги ислохотни кун тартибига ўтқир қилиб қўя олди ва уни оёққа турғозиш чораларини ҳам қаламга ола билди.

Ўн биринчи мавзу бўйича:

Қодирий ўзбек романчилигининг “отабеги”. У ўз ижодини шеърятдан бошлаб, роман жанрида камолотга етказди.

Илк шеърятидаёқ миллатнинг аҳволи ва турмуши ҳақида қайғурди. Унинг аҳволини яхшилашнинг бирдан-бир йўли маърифат деб билиб “Бахтсиз куёв”, “Жувонбоз” каби асарларини яратди. Улардаги бадиийлик суст бўлса-да, маърифий жиҳати муҳим эди.

У жаҳид адабиётида биринчи реалистик ҳикоя жанрига асос солди.

“Ўткан кунлар” – ўзбек адабиётида тўнғич роман. Романнинг асосий ва етакчи пафоси мустақилликдир.

Юсуфбек ҳожи ва Отабек ўз замонининг пешволари сифатида хонлик тизимига муқобил бора туриб, юртни мустамлакадан озод кўришга саъй-ҳаракат қилади. Шунингдек, романда миллий урф-одатларга ҳам янги “либос” кийдириш масаласи ниҳоятда тўғри тасвирланган. Қодирийнинг адабий мероси бугунги миллий мафкурамизга муҳим ҳисса бўла олади.

Ўн иккинчи мавзу бўйича:

Чўлпон – истиқлолнинг буюк шоири ва адиби. Ёшлигиданок замонавий фанларни ўзлаштиришга, айниқса, матбуотга қизиқди. Унинг дастлабки шеърлари маҳаллий халқ аҳволига қаратилган. Дастлабки мақоласи эса “Адабиёт надур?” деб номланиб, адабиётнинг эстетик тамойилларига бағишланган.

Чўлпон илк қалам маҳсулоти билан жаҳид адабиётининг вакили бўлиб майдонга чиқди. “Қурбони жаҳолат” ҳикоясида маърифатнинг мағлублиги, жаҳолатнинг ғолиблиги тасвирланди.

“Дўхтур Муҳаммадиёр” ҳикоясида тадбиркорлик ва маърифатнинг туб моҳияти очиқ берилган.

“Кеча ва кундуз”да жаидчиликнинг ижтимоий-иқтисодий-маърифий аҳамияти эпик режада таҳлил қилинган.

Чўлпон ижоди бугунги миллий мафкурамизга асқотиши билан аҳамиятга моликдир.

“Жаид адабиёти” бўйича ечимини кутаётган муаммолар:

1. Жаидчиликни “маърифатпарварлик” оқим дейиш фанда таомилга кирган. Ҳозирда уни “ижтимоий ҳаракат”, деб баҳолашмоқда ва шундай номланиб ҳам. Масаланинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий жиҳатини асос қилиб, тўлиқ тавсифланмаган, янада илмий аниқлик киритилиши лозим.

2. Бу давр адабиёти маърифатпарварлик тамғаси билан номланиб, баҳолашиб келинган. Эндиликда жаид адабиёти атамаси билан номланиб, у яхлит адабиёт сифатида баҳоланмоқда. Бу масалада янада чуқур тавсифланганини тақозо қилади.

3. Пантуркизм ва панисломизмнинг Туркистондаги фаолияти ҳамда унинг жаидчилик билан алоқаси атрофлича ўрганилган эмас.

4. Жаид насрининг шаклланиши, тадрижи ва поэтикаси мутлақо ўрганилмаган, тадқиқотчисини кутмоқда.

5. Жаид драматургиясининг бадиий-ғоявий мазмуни таҳлил қилинган, аммо поэтикаси ҳали ўрганиш манбаи бўлганича йўқ.

6. Беҳбудий, Фитрат, Қодирий ва Чўлпонлар Миллий уйғониш даври адабиётининг вакиллари сифатида ўрганилган, бироқ улар айни вақтда жаид адабиётининг ҳам йирик намояндаси экани тўлиқ тадқиқ қилиниши кутилади.

Асосий адабиётлар:

1. Аъзамхўжаев С. Туркистон мухторияти, - Т.; 2000.
2. Абдурахмонов Ғ., Мамажонов С. Ўзбек тили ва адабиёти, дарслик, -Т.; 2001.
3. Долимов У. Туркистонда жаид мактаблари,-Т.;2006.
4. Жалолов А. XIX аср охири ва XX аср бошларидаги ўзбек маърифатпарвар-демократик адабиёти,- Т.;1996.
5. Жаидчилик: ислохот, янгиланиш,мустақиллик ва тараққиёт учун кураш (даврий тўплам, 1-сон),-Т.;1999.
6. Каримов Н. ва бошқалар, XX аср ўзбек адабиёти тарихи,-Т.;1999.
7. Миллий уйғониш, -Т.; 1993.
8. Қосимов Б. Миллий уйғониш, - Т.; 2002.
9. Қосимов Б ва бошқалар, Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти,- Т.; 2004.
10. Қулжонов А. Жаид адабиёти (ўқув-услубий мажмуа), Гулистон, 2001.
11. Шоназаров Ю. Жаид адабиётининг илк насри ва драмаси, - Хўжанд, 1996.

Қўшимча адабиётлар :

12. Жавҳарова Р. Сидқий Хондайлиқийнинг адабий мероси,Автореферат (ном. диссерт.)- Т.; 1998.
13. Мунавварқори Абдурашидхонов, Хотираларимдан, -Т.; 2001.
14. Хўжаев Файзулла, Избранные труды в трёх томах, том 1, -Т.; 1970.
15. Шарафиддинов О. Маънавий камолот йўллари,- Т.; 2001.
16. Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти , -Т.;2004.
17. Қосимов Б. Инқилобий шеърят саҳифалари, -Т.;1972.
18. Қосимов Б. Излай-излай тоғаним,-Т.; 1983.
19. Қосимов Б., Долимов У. Маърифат дарғалари,-Т.; 1990.
20. Қулжонов А. Наср султони, Гулистон, 2005.
21. Қулжонов А. Фитрат дунёси, Гулистон , 2007.
22. Қулжонов А. Юксак чўққилар, Гулистон, 2009.

Бехбудий:

22. Қосимов Б. Карвонбоши // Ёшлик. 1990, 1-сон.
23. Алиев А. Махмудхужа Бехбудий.-Т.; 1994.

Фитрат :

- Қосимов Б. Маслакдошлар.-Т.; 1994.
24. Болтабоев Ҳ. Абдурауф Фитрат.- Т.; 1996.

25. Болтабоев Х. Фитратнинг илмий мероси.- Т:, 1996.

Қодирий:

26. Қўшжонов М. Ўзбекнинг ўзлиги. –Т:, 1994.

27. Норматов У. Қодирий боғи. – Т:, 1994.

Чўлпон:

28. Шарафиддинов О. Чўлпон .-Т:, 1991.

29. Шарафиддинов О. Чўлпонни англаш.-Т:, 1994.

30. Каримов Н. Чўлпон.- Т:, 1991.

31. Чўлпоннинг бадиий олами (жамоа). - Т:.. 1994.

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш

Курс бўйича маърузалар	11
Амалий машғулотлар	151
Семинар машғулотлари	156
Талабалар мустақил ишлари	163
Тест саволлари	168
Умумий хулосалар	190
Ечимини кутаётган муаммолар	196
Адабиётлар кўрсаткичи	197
Қўшимча адабиётлар кўрсаткичи	197

Жадидчилик ва жадид адабиёти
ҲАЙИТБОЙ МИРҲАЙДАРОВ

Дизайнер:	Л.Йўлчиев
Техник муҳаррир:	Н.Мирҳайдарова
Компьютерда тайёрловчилар:	М.Мирзаева У.Султонова

Босишга рухсат этилди 2010 йил 3.02

Қоғоз бичими 60x84. 1/16. Офсет қоғози. Ҳажми – 12,5 б.т.
Адади 100 дона. Буюртма рақами _____

Гулистон ш., 4-мавзе,
Гулистон давлат университети

© ГулДУ босмахонасида чоп этилди.